

УДК 61
Б 49
54453



ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР

ОЛАМ
МУЪЖИЗАСИ
ОСТОНАСИДА

УДК 61

Б 49

54453

ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР

ОЛАМ МУЪЖИЗАСИ ОСТОНАСИДА

(Инсон қаноти ҳақида баллада)

Ташкент обл. мод. об. кутубхона
Книга за то 54453
не числится
Зав. биол. _____

Тошкент
«Академнашр»
2017

УЎК: 61
КБК: 51 84(5Ў)6
Б 49

Б 49 Бекназар, Жуманазар.
Инсон қаноти [Матн] / Ж. Бекназар. – Тошкент: Akademnashr, 2017.
– 368 б.

ISBN 978-9943-4907-4-1

УЎК: 61
КБК: 51 84(5Ў)6

«Отанга раҳмат!» – халқимиз тилидаги энг улуг каломлардан бири. Фарзанд ўстираётган ҳар бир инсон шу сўзларни эшитишдан умидвор. Зеро, инсон ўғил-қизлари тимсолида ўз орзуларининг рўёбини кўради.

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда Аллоҳ берган фарзандни маънан ва жисмонан комил инсон этиб тарбиялаш борасида зарур тавсиялар берилган. Мулоҳазалар илмий асосланиб, ҳаётий воқеалар билан бойитилгани этиборга молик.

Китоб шифокорлар, тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

Насриддин Эргашев,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,

Насимхон Раҳмон,
филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-4907-4-1

© Жуманазар Бекназар
«Инсон қаноти»
© «Akademnashr», 2017

БИЗ БИЛМАГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназар энг таниқли зиёлиларимиздан ҳисобланади. У қўли гул шифокорлигидан ташқари ажойиб маърифатпарвар адиб, шоир ҳамдир. Шифокорнинг қилни қирқ ёрар даражада моҳирона ўтказган муолажалари одамларни ҳайратга солади, бунга ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. Ойнаи жаҳонда инсоннинг бебаҳо бойлиги бўлган саломатлик неъматини, умр шукуҳини, яшашнинг маъноси, қадр-қиммати ва бошқа турли долзарб мавзулар ҳақида олиб бораётган мазмунли суҳбатлари, мулоқотлари томошабинни бефарқ қолдирмайди, балки ўзига ром этади. Чунки ҳар бир одам унинг суҳбатларидан билим олади, ўзини қийнаган саволларига жавоб топади, мухтасар айтсак, маърифатдан баҳраманд бўлади.

Қалам соҳиби сифатида унинг ёзган китоблари ўқувчиларимиз орасида кенг ёйилган. Кечагина нашр этилган «Орзу уммони» шеърий китобидан тортиб «Ватан – ёниқ юрагим», «Қамай достони», «Қашқа йўрға», «Манзил ортидаги йўл», «Тош балоси» каби асарларини ҳамда бошқа ўнлаб илмий-бадиий рисо-лаларини эшлаш кифоя.

Мана, тиним билмас ҳаким ва адиб Жуманазар Бекназар янги «Олам мўъжизаси остонасида» китобини ёзиб тугатди.

Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино сиймосини кўз олдингизга келтирганингизда тасаввурда бетимсол ҳаким, зукко файласуф, донишманд шоир, ҳар томонлама етук аллома гавдаланади. Шифокор сифатида доврўғи, обрў-эътибори бир инсонга етарли эди-ку, унга шеърий асарлар ёзиш шартмиди экан деб ўйлаб қолади киши. Шарт бўлган. Негаки тиббиёт вужудни даволайди, сўз эса руҳни. Вужуд – руҳнинг макони, руҳ – вужуднинг жони. Буюк бобомиз вужудни даволаш асносида руҳга ҳам шифо топишни истаган ва сўз, шеърлар, рубоийлар яратган. «Уржуза»ларни ўқиган киши аждоқларимизнинг илмий ва ижодий салоҳиятига яна бир бор тан беради.

Жуманазар Бекназар буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг бугунги авлодларидандир. У илмнинг кўп соҳаларига қизиқади, кўп ўқийди. Ўқиган одам кўп нарса билади. Адабиётга бўлган иштиёқи ҳам шундан, хусусан, қўлингизда турган «Олам мўъжизаси остонасида» китоби бунинг ёрқин исботидир.

Бу китоб адибнинг бошқа китобларига ўхшамайди. Унинг шаклу шамойили ҳам бўлакча, мазмун-мундарижаси ҳам ўзига хос. Мулоқотнинг самимий шакли. Кўнгилдаги дард, мақсад очиқ айтилади, яшириб ўтирилмайди, бу энг тўғри йўл. Бунда ёзувчи самимий ифода усули билан ўқувчини ўзига жалб этиб олади, унинг кўз олдида ажойиб олам сирларини очади. Илмий хулосаларнинг бадий либосларга моҳирона

ўралиб берилиши айни мақсадга мувофиқ бўлиб, табиий чиққанлигини айтиб ўтиш лозим.

Инсоннинг яралиши, унинг дунёга келиши, бир қараганда, содда, англашиларли, ҳаммага аён ҳодиса. Аслида эса у олам мўъжизаси! Ҳа, Инсон – Олам мўъжизаси, сирли бир ҳилқатдир.

Ёзувчи ўша биз билган «содда, англашиларли ҳодисанинг ғаройиб мўъжиза эканини таърифлайди ўз китобиди! Китобни ўқиб инсоннинг она қорнида пайдо бўлишидан тортиб то дунёга келгунча ва ундан кейинги ҳаёти ҳақида кўп сирларнинг шоҳиди бўламиз. Жуманазар Бекназар тарихда ўтган кўп машҳур тиббиёт олимларининг тажрибалари ва натижаларини, қизиқарли ҳодисалар, фактларни мисол келтиради. Уларга тажрибаларини чоғиштириб кўп янгиликлар топади ва кишини ўйлантириб қўядиган ўзига хос ҳаётий хулосалар чиқаради. Амалиётда ўзи кашф этган илмий хулосаларни ҳаётий мисоллар билан ишонарли асослаб беради. Бунда тиббиёт билан адабиётнинг, бошқача айтсак, Вужуд билан Руҳнинг бирлашиб кетгани яққол кўриниб туради.

Китобга сингдириб юборилган кўп ҳикоялар, асли, ҳаётдан олинган. Агар улар алоҳида ажратиб олиниб бадий ҳикояга айлантирилса, тўлақонли асарлар бўлиши шубҳасиз. Чунончи, Лазиза ва Жонрид, Мехри-нисо, Дилнура, Хушвақт ва Наргиза, Ҳафизахон, Мавлудахон ва Илёсбек, Қодиржон, Ботир ва Мунаввар каби турли қаҳрамонларнинг ажабтовур тақдирлари ўқувчини ҳаяжонга солади. Пенициллин ихтироси А.Флеминг қиссасининг ўзи бир асардир. Китобда таърифланган мусиқаннинг ҳаётбахш куч-қуввати, сеҳри ҳақида алоҳида асар ёзиш мумкин эди...

Йўқ, ёзувчи уларни ўз ижодий ниятининг, илмий гипотезасининг исботи сифатида келтириб ўтади ва китобнинг ҳаётий ва ишонарли чиқишига эришади.

Бу маърифатга йўғрилган китобни ўқинг! У ҳаммага, айниқса, ёшларга бебаҳо ҳаётий сабоқдир. Бу сабоқлар инсоннинг камолотга эришиш йўлида ҳолис хизмат қилади.

Муҳаммад АЛИ,
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати*

I ҚИСМ

МУЗАФФАР ТОНГ

Тонг! Орзиқиб кутилган, доимо соғинилган, ҳамон соғинчли ва яна соғинилаверадиган, барчага бирдек қувонч келтирувчи Тонг!

Елкасидаги кумуш қорни кўз-кўз қилиб чарчамайдиган салобатли тоғ ортидан шошилмай кўтарилаётган бобо қуёш бу Тонгни зангори нурларига чулғгани сари у янада мафтункор тус олмақда.

Шу қадар завқли, қалбларни беқиёс қувонч ҳисларига тўлдирувчи, чиннидай тоза ва соф, шаффоф бу Тонгни таърифлашга сўз ожиз.

Мўйсафид тарих бугун яна бир музаффар Тонгни ўз зарварақларига олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўяжак!

... Худди мана шундай жилвали Тонгни неча-неча аждодларимиз қон ютиб кутган эдилар-а!

... Ўзининг қулоқ-бурнини атай кесиб, юзларини тилиб, қонга бўялиб олган Широқ муштини тукканича ғазаб билан ёвни кутар экан, кунчиқар тарафга ўгирилди. Тонг энди ёришиб келаётган эди. У тоғ чўққисига эгилиб таъзим қилаётган булутнинг сариқ-қизғиш рангда товланаётганини ва ғаройиб кашта каби ажиб тусга кираётганини кўриб умрида илк маротаба Тонг гўзаллигидан ҳайратга тушди. Шунда у Ватан Тонгининг бу нафис таровати минг жонни фидо қилишга арзишини янада чуқурроқ ҳис этди! Душманни яксон этиш режасини ҳар қандай ҳолатда ҳам амалга оширишга яна бир бор қаттиқ қасам ичди!..

... Тўмарис момони рағбатлангирган Тонг ҳам худди шундай беқиёс эди! Бундай нозик ва нафис манзарадан илҳомлана олгани учун ҳам у жангчиларини керагича руҳлантира билди ва босқинчиларга қарши тўфондек ташланди...

... Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг энг ишончли ҳадисларини йиғиб, кўнгли Хонтангри чўққиси менгзар кўтарилиб қайтаётган доно ва зукко Бухорий бобомиз тўлқинлари туя ўркачидан баланд кўтарилаётган Жайхун дарёсидан ўтиб, Ватан тупроғини тўйиб-тўйиб ҳидлади, ўпди. Сўнг Малик даштининг осмон билан туташган чизиғи ортидан кўтарилаётган қизғиш рангга термулар экан, унинг товланиши хаёлини жаннат чаманзорига етаклаб, мижжалари шодлиқдан намланди. Ватан Тонгини яна кўриш шарафига муяссар этган Аллоҳга шукроналар айтди...

... Қўлидаги туғни кўкрагига маҳкам босиб олган Нажмиддин Кубро ҳазратлари аввалгиларидан минг чандон жилоланиб, гўзаллашган Тонгдан завқланганча Гурганж аҳолисини тўлқинлантирувчи оловли сўзлар билан юрт ҳимоясига чорлади!..

... Куёшнинг заррин нурлари билан безанган Тонгга мафтункор термулган Жалолиддин бу чиройни ўз ғалабасидан нишона деб билди. Тўкис ишончдан унинг жувонмард қалбида ватанпарварлик туйғуси янада жўш уриб, бор кучи билан кўшинини ёғийга қарши жанга ундаб ҳайқирди!..

... Соҳибқирон Амир Темур шудринг зарраларида ёрқин товланаётган Тонг камалагига қараб элнинг келажагини тасаввур қилди, шу шукухли онларда дуолар ижобат бўлишига умид қилгани ҳолда Яратгандан салтанат қудратини сўраб юзига фотиҳа тортди. Бу пайтда кенг осмоннинг тобора чароғонлашаётган буржида порлаб турган ёрқин юлдуз ҳам Соҳибқироннинг нигоҳини ўзига қаратмоқчидек равшан тортар экан, унинг фикрини тасдиқлаётгандек эди...

... Алишер Навоий «Хамса» асарининг охирги сатрига нуқта қўйди. Қалбида зўр бир қониқиш ҳис этганича ўрнидан турди. У ташқарига чиққанида Машприк тараф энди оқариб келмоқда эди. Симобий ранг осмоннинг ярмини эгаллаган. Бу гўзалликка узоқ тикилиб қолган мутафаккир ўз руҳиятида ажиб енгиллик сездди. Шу лаҳза сал шимолпрокдаги ғоят мукаммал, лекин жуда бежирим шаклли булут шоирнинг эътиборини тортди. Булутнинг тонг юлдузи тарафи зарғалдоқ тусда товланиб, хаёлни етаклаётгандек эди. «Эй Аллоҳ, бу Самарқанд осмонидаги юлдуз-ку!» – деб юборди Навоий беихтиёр. Сўнг у куёшнинг илк нурларидан жилоланаётган бир парча булут билан янада жозибали тус олган бу бетакрор Тонг таъсирида қуйилиб кела бошлаган мисраларни пичирлай бошлади:

*Субҳ майдон азми қилгоч, ваҳки, йўқ ёлғиз мени,
Олам аҳлин ийди рухсорига ҳайрон қилгуси.*

... Аёлнинг жон аччиғида чираниб войвойлаши, ҳар оғриқдан кейин инграб зўрға чуқур нафас олиши, чуқур ботган кўзлари билан атрофга ялиниб қарашларида «Мени бу дарддан кутқаринг, ёлвораман, жон азобидан тилка-пора бўляпман, ахир!» деган маънони уқиб турган Ибн Сино унга ёрдам беришга ожизлигини айтишга журъат қила олмай саросимада эди. Зеро, Гиппократ бундан бир неча юз йиллар илгари: «Қовуққа тиг текизиш фаросатсизликдан бошқа нарса эмас», – деб айтган! Нима қилмоқ лозим?! Оғриқ қолдирувчи ҳапдорилар ёрдам бермаётган бўлса, аёлнинг қовуғи қорнини дўппайтириб, киндигидан ҳам юқорига кўтарилган, бу ҳолда у ёрилиб кетса нима бўлади?.. Ахир, оғу – бу ўлим-ку! Энди бу ёғига чидаб бўлмайди, ўлимдан сақлаб қолиш керак! Ҳали у яшамоғи шарт!

Ибн Сино шахт билан ўрнидан турди. «Ташхиста тайёрланглар!» – дея ҳайқирди. Шогирдлар бир-бирларига қарашди...

... Ибн Сино пешонасидаги тер томчиларини артиб туришни шогирдига тайинлаб, ништарни қўлига олди-да, чот орасидаги ўрта чизиқдан чуқур кесди, тигнинг учи тошга қитирлаб теккани заҳоти эса ўзи яқиндагина ясаган тишли асбоб билан тошни олиб ташлади. Қовуқдан пешоб отилиб чиқди. Ибн Сино қайнатиб қуритилган латтага чаканда ёғини шимдириб, жароҳатга босди. Сўнг беморнинг томирини ушлаб, тез, аммо текис ураётганидан севинди: «Аллоҳга шукр, ўлим чекинди!» Бу тажрибасининг муваффақиятидан суюнган Ибн Сино шогирдларига жароҳатни зичлаб боғлашни буюрганача ташқарига йўл олди. У инсоният томонидан илк маротаба бажарилган жарроҳлик муолажасини ўтказган эди! Шукрона айтиб кўкка боққан Ибн Синонинг кўзи ёрқин юлдузга тушди. «Бу Сириус! Чақнаши, товланиши қандай гўзал-а! Айнан Афшонанинг устида чарақляпти, азиз юртим Бухоронинг осмонида ялтираяпти. Ажойиб, гўзал Тонг! Бундай тиниқ, беғубор бағоят чиройли Тонгнинг таърифига фақат аллома Абу Райҳон Берунийгина сўз топа олиши мумкин!» Шу ўй билан чорпоёга бориб ўтирган Ибн Сино Бухоро осмонида порлаётган юлдузга яна узоқ тикилиб қолди...

... Ғоят мафтункор ва ҳайрат дунёсини таслим этувчи тилсимли, эндигина қуёшнинг заррин нурларига тўйиниб, бир ажиб тусда сайқалланаётган бениҳоя гўзал ва нафис яна бир музаффар Тонг отди. Бу бизнинг Тонгимиз эди. 1991 йил 31 август Тонги! Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги расман эълон қилинди. 1 сентябрь эса Мустақиллик кунини – умумхалқ байрами деб белгиланди!

Бу Тонг Ватанимиз ҳаётида мутлақо янги кунни бошлаб берган шукрати Тонг эди. Бу Тонг юртимизга шон-шухрат

келтираётган, халқимиз обрў-эътиборини бутун ер юзи бўйлаб юксақларга кўтараётган, ўзбекнинг мартабасини ошираётган, қалбларга фахр улашган мўътабар ва улуғ Истиклол Тонги эди!

*Кўзимнинг нурида ўйнар капалак,
Беқиёс завқ олар гуллар рангидан.
Ранглар ҳам афсунгар мисли минг малак,
Юксалур туйгулар Ватан тонгидан!*

*Зумрад тонг бағридан мўралар қуёш,
Малаклар ифори ишқидан мажнун.
Чаманзор товланар – камалак нурдош,
Турфа хил безакдан қуёш ҳам мамнун.*

*Мўъжиза чиройга камалак мафтун,
Гуллардан эгилиб оларкан бўса.
Жилвагар уфқ ҳам ёнади гулгун,
Сайрайди булбуллар шодликдан роса.*

*Маҳлиё қалблардан таралар қўшиқ,
Зиё чашимасидай мағрур оҳанги.
Фалак узра янгарар жон Ватанга ишқ,
Шу ишқдан серфайз Истиклол Тонги!*

Ҳа, Истиклол Тонги бунёдкор халқимизнинг самарали ижоди, меҳнати эвазига йилдан-йилга гўзаллашаверади, янада мафтункорлик касб этаверади. Мўъжизалар сандиғини очувчи бу Тонг қаторига ўз мақомига кўра янада юксақ фазилатли тонглар қўшилаверади.

Юртимизда ўтган 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганди. Зеро, «соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждоқларимиздан ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир». Соғлом авлод дегани

эса Ватаннинг янада қудратли бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшиб орзусида навбатдаги гўзал Тонгни интиқ кутадиған авлод дегани. Ана шундай авлод қўлида Ватаннимизнинг ҳар бир тонги аввалгисидан янада файзли, баракали ҳамда музаффар бўлишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ! Юртимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам маърифий жиҳатдан олға боришини таъминловчи илгариланма куч ҳам мана шунда!

Мана энди олға етакловчи ижтимоий кучга келажакнинг янада ёрқин бўлишини таъминловчи қувват қўшилди. Жонажон Ватаннимизда 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди ҳамда халқимиз тарафидан кўтаринки руҳ билан қабул қилинди.

Бу ҳол шуни тақозо этадики, яратувчи бунёдкор халқ қалбида қайнаб турган, дилини қай даражада бўлса ҳам ғашлаётган, баракали равишда олға интилишга соя солаётган муаммоларни баралла айтиш имкони пайдо бўлди.

Очиқ ва ойдин маълумки, муайян жамиятнинг зафарли ривожига нима тўсиқ бўлаётгани, қандай ғовлар борлиги, халқ билан очиқчасига, ҳайиқиб мутлақо бўлмасдан, манманликка берилмасдан мулоқот қилинганида аён бўлади. Далада бойлик яратаётган Бобо деҳқон ўзича, лавозимда ўтирган раҳбар ўзича ишлашларига бутунлай барҳам берилиши турган гап. Бу эса жамият ривожланиши учун айни муддао!

*Эртангдир буюк, халқим, ишонч ҳам мустаҳкам,
Ютуқлар жарангидан барчамиз бахтиёр!
Келгуси юмушларга боғланди бел маҳкам,
Зафар тонгин кучмоққа дилларда ихтиёр!*

*Буюк ўтмишинг ёрқин ойдинлашган маҳал
Қалбингда чексиз гоя мутлақ ҳақиқатга.
Юракдан калом бирлан эдик жуда маҳтал
Вазмин мушоҳадали ойдин мулоқотга!*

Ҳа, мана шундай мулоқот туфайли «Соғлом она ва бола йили» муносабати билан эришилган ютуқлар янада мустаҳкамланади, янги зафарларга тамал тоши қўйилади. Бунинг эса Инсон манфаатларига айнан мос келишини таъкидлаш жоиз. Чунки муайян соғлом шароитда фақат соғлом ижтимоий жамият барқарор бўлсагина юртнинг фаровон турмуш тарзи мустаҳкам шаклланади.

Фақатгина мана шундай мустаҳкам соғлом муҳит яратилганида ривожланиш борасида ҳақиқий улкан имкониётлар юзага келиб, ундан мақсадли фойдаланиш ва унумли иш коэффициенти юқори бўлишини таъминлашни соғлом авлодгина уддалайди.

*Осиёда танҳосан, тупрогинг мукаррам,
Азиз-авлиёларинг излари табаррук.
Изтироблардан холи диллар шоду хуррам,
Буткул йўқолди мудом хаспўшлаш ва ўтрук.*

*Шиддат бор карвон йўлда, яқин нурли марра,
Мутафаккирларнинг бу улуг шафоати!
Донишмандларинг, халқим, ҳақ экан минг карра –
Барча нарсадан устун Инсон манфаати!*

УЗЛУКСИЗ ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Орзулар ҳам узлуксиз бўларканми?! Ҳа, бўлар экан! Ҳатто орзуларнинг ҳам наслдан наслга ўтиш хислати бор экан. У авлоддан авлодга ўтган сари янада юксалиб, такомиллашиб бораверади.

Аммо баъзида бу қоида бузилар ҳам экан... Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярми, йигирманчи асрнинг биринчи ярмида зулм занжирларини узиб, жабр тошларини майдалаб ташлаш халқимизнинг энг қайноқ орзуси эди. Октябрь

тўнтаришида бу орзулар аввалига гўё рўёбга чиққандек бўлди-ю, аммо унинг сароб эканлиги тезда ойдинлашди. Бу орзуларнинг алдамчи эканлиги Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Авлоний ва яна бошқа қанчадан-қанча фидойи фарзандларнинг қарашлари ва курашларида намоён бўлди. Аммо улар ашаддий аёвсизлик билан янчиб ташланди. Шундан сўнг «Коммунизм курамиз» деган орзуни қалбимизга сингдиришга чираниб уриндилар. Бироқ бу сўзлар қуруқ сафсата ва шиорлардан иборат бўлиб қолаверди. Зангори экран, радио ҳамда кундалик матбуотда айтилган гаплар муайян вазиятдаги ҳақиқий турмуш тарзига мутлақо тўғри келмаётгани туфайли эса одамлар фақат ўз турмуш орзулари атрофида айланиб қолди. Демак, орзулар баъзан юксалишдан тўхтаб, инқирозга ҳам юз бурар экан.

Буюк мезонларга асосланган орзуларнинг амалий натижаси мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан намоён бўла бошлади. Халқимиз мухтарам биринчи Президентимиз раҳнамолиги остида тараққиётнинг босқичма-босқич, ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлагани боис бугун жаҳон ҳамжамиятида етакчи ўринлардан бирини эгаллаётгани бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистондай жаннатмонанд юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта муҳит, бунёдкор халқимизнинг ўз миллий урф-одатларига содиқ қолган ҳолда ёрқин келажак сари дадил қадам ташлаши хорижлик мутахассислар томонидан тан олинмоқда. Бу эса заҳматкаш халқимизни янада янги марралар сари етаклайди.

Ана шундай бир пайтда ўтган 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши халқимизнинг азалий орзуси ушалиши йўлида қўйилган яна бир катта воқеа бўлди. Чунки бу билан Ўзбекистоннинг ривожланган буюк мамлакатлар қаторидан муносиб ва мустаҳкам жой олиши учун

мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қўйилган пойдевор устига қурилажак устқурма янада мустаҳкамланди.

Сир эмаски, ҳозирги ёш авлод юртнинг эртанги эгалари, меҳнат маҳсули яратувчилари ва ижодкорларидир. Бу хислатларнинг қай даражада намоён бўлиши уларнинг нафақат соғломлик даражаси, балки маънавий, маърифий савиясига ҳам узвий боғлиқ.

Ана энди ўзимизга савол берайлик: соғлом она деганда нимани тушунамиз?

Албатта, онанинг ёки бўлажак онанинг ташқи кўриниши, қадди-қомати ҳеч қачон саломатлик даражасини белгиламайди. Зеро, мутлақ соғлиқ ва нисбий соғлиқнинг ўртасида катта фарқ бор. Мутлақо соғлом онанинг ички аъзоларида, қон ва пешоб кўрсаткичларида, руҳий ҳолатида меъёрдан ташқари ҳеч қандай ўзгариш қайд этилмадлиги керак. Ундаги ўта актив моддалар (гормонлар) ҳамда иммун тизими орасидаги муқобиллик рисоладагидек бўлмоғи шарт.

Нисбий соғлиқда эса она ёки бўлажак онанинг ташқи кўриниши, қадди-қомати, юриш-туришида меъёрий мезонлардан фарқ қиладиган жиҳатлар бўлмаса-да, тиббий текширишлар пайтида қайсидир бир ички аъзосида, қон ёки иммун тизимида меъёрга хос бўлмаган ўзгаришлар қайд этилиши мумкин. Афсуски, одатда, бу нарсага унчалик эътибор қаратилмайди, озгина ўзгариш бўлса бўлар дея бепарволик қилинади. Аслида эса ҳомиладорликнинг даврий кечиши паллаларида мана шу арзимас бўлиб туюлган ўзгаришлар ҳам кучайиб, яққол намоён бўлиши, ҳомиладорликнинг рисоладагидек ўтиш жараёни издан чиқиши эҳтимоли мавжуд.

Бундай вазиятларда уч ҳолат кузатилиши мумкин: биринчиси, она ҳомиладорлик пайтида жуда қийналади, азоб, изтироб чекади, ҳатто ўлим билан олишади. Фақат тиббиётнинг ёрдами билангина бола соғлом туғилиб, она-

нинг ҳам ҳаёти сақлаб қолиниши мумкин. Иккинчиси, ҳомиладорлик меъёрида кечмаслиги туфайли бола вақтидан олдин ва носоғлом туғилади. Ниҳоят, учинчиси: онадаги руҳий зўриқишлар (стресс) ва танадаги меъёрга хос бўлмаган ўзгаришлар туфайли бола норасолик ёки майриқлик билан дунёга келади. Масалан, кўпинча қизилўнгачининг меъда билан туташмагани; ингичка ёхуд йўғон ичагининг берк ҳолда бўлиши; юрак табақалари тизими етишмовчилиги (юрак пороги); буйрақлар ёки жинсий аъзоларда норасолик каби ҳолатлар қайд этилади.

Мана энди ҳулоса қилиш пайти келди. Ўзини ва келажакини ҳурмат қилган ҳар бир аёл, бўлажак она, энг аввало, соғлиғига жиддий эътибор бериб, ҳеч бўлмаганда, ҳар йили бир ёки икки марта шифокор кўригидан ўтмоғи, ўзини ҳар томонлама мукамал текширтирмоғи шарт. Зеро, агар хасталиқлар ҳали ўзини намоён қилишга улгурмасидан, хос белгилари пайдо бўлмасидан олдин бу дард аниқланса уни тезда ва бутунлай бартараф қилиш осон бўлади. Яъни бошланғич белгиларни организмдан соқит қилиш учун оддийгина турмуш тартиби, мувофиқ овқатланиш режими ва кам сонли дори-дармонлар етарли. Бунинг натижа эса жуда юқори бўлиб, аёл ҳомиладорлик пайтида ҳеч қандай азият чекмайди, бола соғлом дунёга келади.

Шу маънода висол онларини интиқлик билан кутаётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласи ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Фақат бу вазиятда муҳим ва ўта жиддий бир савол туғилиши табиий: мабодо йигит ё қизда бирон-бир касаллик аниқланса, улар ҳаётдан оила қурмай ўтишлари керакми? Юзаки ўйлаганда бу ростдан ҳам жиддий муаммога ўхшайди. Аслида эса тўйдан аввалги кўриқдан ўтишнинг моҳиятини тушуниш, англаш ва шунга мувофиқ ҳаракат қилиш билангина бу муаммога нуқта қўйиш

мумкин. Зеро, ҳар қандай ўғил ёки қизнинг ота-онаси жуда яхши билади: фарзанди келажакда албатта турмуш қуради. Ундан эса соғлом фарзанд туғилиши шарт. Демак, шундай экан, фарзанд туғилган кунидан бошлаб то балоғат ёшига етгунигача қадар унинг саломатлигига жиддий эътибор қаратилиши, агар бирон дарди бўлса, уни тамоман бартараф этиш чоралари кўрилиши шарт. Инчунин, ҳозирги пайтда тиббиёт бунга қодир. Шунда тўй бўлиши олдидан бўлажак келин ҳам, куёв ҳам ҳеч иккиланмасдан, ишонч билан, ҳатто қувонч ва севинч тўлқинларига чулганган ҳолда кўриқдан ўтадилар ва бахтли турмуш қурадилар. Аксинча, бепарволик туфайли дардни даволаш ўрнига яшириб, оқибатда тиббий текширув натижалари қандай чиқар экан, шу дардим билиниб қолмасмикан дея минг хавотир билан шифо масканига қадам қўйиш осон эмас.

Ахир икки мўъжаз ҳужайралар – уруғ ва тухум учрашганда она қорнида фарзанд ўз қонун-қондасига биноан ривожланаверади-да деб ўйлаш кечириб бўлмас хатодир. Энг аввало, ёшлар соғлом фарзандга ота-она бўлишлари учун тўйдан анча аввал жиддий тайёргарлик кўришлари шарт. Зеро, мутлақо соғлом уруғ ва мутлақо соғлом тухум ҳужайралари учрашган тақдирдагина соғлом ҳомила яралади, соғлом ҳужайралардан яралган боланинггина барча аъзолари соғлом тарзда шаклланади. Агар бу икки ҳужайранинг нозик ва нано тизилмаларидан бирида ёки молекуласида нуқсон мавжуд бўлса, Худо асрасин, бўлажак фарзанд ҳам қандайдир бир норасолик ёки касаллик билан туғилиши аниқ.

Демак, келин ва куёв илк висол олдидан мана шу масъуликни аниқ, тўлиқ ва равшан сезишлари, фарзанд кўришга жиддий тайёрланишлари шарт. Бу тайёргарликнинг нақадар жиддий эканлигини, ота-она руҳий, маъна-

вий, маърифий жиҳатдан ҳамда жисмонан соғлом бўлган тақдирдагина улардан соғлом фарзанд дунёга келишини куёв ҳам, келин ҳам теран англаши зарур.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқади» деган мақол бор. Аёл ҳомиладор бўлганида яхши натижага эришиш учун эса икки қўл ҳам камлик қилади, унга атрофдаги барча яқинлар қўшилишлари керак. Яъни соғлом фарзанд туғилишини ҳавас билан кутиб туриш эмас, балки ҳомилани она қорнидаёқ тарбиялашга киришиш, бунинг учун онага барча шарт-шароитларни яратиб бериш зарур.

Онага қандай шароит керак?

Энг биринчи навбатда, ҳомиладор аёл яшаётган ташқи муҳит тартибга келтирилимоғи лозим. Бу эса, аввало, келиннинг қайнонаси, қайнотаси ҳамда турмуш ўртоғи учлигининг саъй-ҳаракатини талаб этади. Улар шундай йўл тутишлари керакки, ҳомиладор аёл ташқи муҳитнинг салбий таъсиридан ҳеч қачон стресс ҳолатига тушмаслиги, ғамгин қиёфада юрмаслиги, ғам-алам чекмаслиги, етишмовчиликлардан сиқилмаслиги лозим. Токи бўлажак онанинг чеҳрасидан доимо қувонч ва севинч нурлари балқиб турсин. Келажакда фарзандимиз, неварамиз ҳар томонлама комил инсон бўлсин деган ниятдаги ота, бобо ва момо учлиги ҳомиладор аёлга шундай шароит яратиш масъуллигини сезишлари, тушунишлари ҳамда шунга яраша ҳаракат қилишлари керак.

Бўлажак онага яхши шароит нима учун керак?

Она бачадонида икки хужайра учрашганидан кейин улар шиддат билан кўпая бошлайди ва уч ой давомида ҳомиланинг ички аъзолари, нерв тизими шаклланади. Она

организми эса шаклланаётган ҳомила учун ташқи муҳитдир. Мана шу ташқи муҳит билан ҳомила ўртасида плацента¹ деб аталадиган ҳосила мавжуд бўлиб, у ҳомиланинг қўрғони, зирҳи ҳисобланади, ҳомилани зарарли ва салбий таъсирли унсурлардан ҳимоя қилади. Бироқ, табиийки, унинг ҳимоя кучи чексиз эмас.

Ана энди тасаввур қилайлик. Она стресс ҳолатига тушса, яъни у ғам-алам қуршовида қолса, турмушда жиддий салбий зарбага дуч келиб, ундан чиқиш йўлини тополмасдан қаттиқ изтироб чекса, унинг организмидаги аёлларга хос ўта актив моддалар структурасида ёхуд қандайдир молекула занжирида узилишлар рўй беради. Натижада қонда ортиқча моддалар пайдо бўлади ва плацентанинг ҳимоя кучини енгиб, ҳомила организмига ҳам кириб олади. Натижада ҳомилага мутлақо кераксиз бўлган бу моддалар унинг ички аъзоларини издан чиқаради ёки тўлиқ шакланмай қолишига олиб келади. Бу эса, табиийки, боланинг бирон нуқсон ёки хасталик билан туғилиши деганидир. Масалан, сон суягининг туғма чиқиши, қовуқ олд девори йўқлигидан қовуқнинг ташқарига бўртиб қолиши, юракнинг ўз ўрнида бўлмаслиги, буйрак ёки ўпкалардан бирининг меъёрдан кичик бўлиши ва ҳоказолар. Онанинг узоқ муддат стресс ҳолатида бўлиши, айниқса, шаклланаётган ўғил бола аъзоларининг тўғри шаклланишига ёмон таъсир қилиши мумкин. Уруғдоннинг ўз ўрнига тушмагани, гермафродитизм (организмда бирданга иккала жинсга оид аъзоларнинг ҳам бўлиши) ана шундай салбий оқибатлардандир.

Демак, ҳомиланинг уч ойлик давригача она доимо шод ва кўтаринки кайфиятда юрса фарзандининг ички аъзолари бекаму кўст шаклланишига кўмак берган бўлади.

¹ Плацента – йўлдош.

Яъни онанинг руҳий хотиржамлиги ҳомиланинг жисмоний тарбияси ҳисобланади ва мана шу тарбия фарзанднинг жисмоний жиҳатдан комил бўлишини таъминлайди.

Ҳомиланинг ички аъзолари шаклланиб бўлгач, унинг марказий нерв тизими шиддат билан ривожлана бошлайди. Ўзига хос тезликда кўпайишни бошлаган нерв хужайраларини эса информация бериш йўли билан рағбатлантириб туриш зарур. Агар шу шарт бажарилмаса, рағбатсиз қолган хужайралар кўпайишдан тўхтади ва уларнинг бир қисми нобуд бўлади. Бунинг олдини олишда эса ёқимли ашулалар тинглаш, овоз чиқариб шеър ва дostonларни ифодали ўқиш, кўпроқ илмий суҳбатларда бўлиш, яхши режалар тузилаётган йиғинларда иштирок этиш энг яхши усул ҳисобланади. Бундай руҳий тарбия ақлий қобилияти анча юксак, мушоҳада хусусияти юқори ва имкониятлари кенг фарзанднинг дунёга келишига замин яратади (Бундай ҳолда туғилган ақлан, руҳан ва жисмонан соғлом фарзандни тўғри тарбия қилиб, унинг имкониятларига йўл очиб бериш энди кейинги масала).

Жисмоний, маънавий, маърифий тарафдан соғлом онанинг ҳомилдорлик даврини, юқорида таъкидланганидек, соғлом муҳитда ва соғлом кайфиятда ўтказишига эришилса ҳамда ҳомиланинг жисмоний, ақлий ва руҳий тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилсагина ҳақиқий соғлом фарзанд дунёга келиб, мамлакатимизнинг ёрқин келажagini таъминлайди.

Мана сизга ўтган йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинишининг асосий моҳияти! Бундай сабабларни эса яна хоҳлаганча давом эттириш мумкин!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»

дея эълон қилиниши эса бу моҳиятни янада мустаҳкамлади. Чунки халқ билан бевосита мулоқот пайтида навқирон авлоднинг соғлиғини янада юксалтириш ва касалланиш даражасини кескин камайтириш масалалари ҳам ўртага ташланиб, керакли тавсия, чора-тадбирлар воситасида ҳал этилади.

ЎТГАН КУНЛАРГА БИР НАЗАР

Тарихнинг залворли ғилдирағи шитоб билан айланган сари инсониятнинг баъзи бир вакиллари онгида бошқалар устидан хўжайинлик ва ҳукмронлик қилиш истаклари устуворлик қила бошлади. Оқибатда ўзаро жанжаллар, урушлар келиб чиқди. Натижада бир элат устидан ўзга бир элатнинг ҳукмронлиги бошланиб, бир халқнинг иккинчи халқ томонидан эркинлиги бўғилди, ғурури топталди, ҳақ-ҳуқуқлари паймол бўлди. Мағлуб томон кўнглига ёққан, ўзи истаган ишни қилолмайдиган, хоҳлаган томонига бора олмайдиган, ғолибларнинг ҳар қандай тўғри ёки нотўғри фикрига бошини эгиб кетаверадиган ҳолга солинди. Бунинг устига, бола-чақаси, қариндош-уруғи, элати, тупроғи, эрки топталаётгани ва бунга қарши ўзи ҳеч нарса қила олмаётгани унинг иззат-нафсига, ориятига тега бошлади. Ўзининг аслида ким бўлгани ва ҳозирда ким экани, аждодлари тараққиёт босқичининг қай зиналарига кўтарила олганини суриштириб ё ўқиб билар экан, унинг қалбида «Нега? Нима учун?» деган қийноқли ва изтиробли саволлар учқуни пайдо бўлди. Мана шу учқун тобора улғайиб бориб, вақти етилганида катта гулханларга айланди, керак бўлганида портлади ҳам. Бу портлашлар эса миллатнинг миллий ўзлигини, маънавий илдизини тушуниши, англаши натижаси эди.

Миллий ўзликни англай бориш натижасида мардлик, фидойилик, она тупроққа, элга, миллатга содиқлик, миллий ғоя учун, қадриятлар учун курашиш ҳисси юракларга, руҳиятга синга борди. У бора-бора ҳурриятга эришиш режасига айланди. Зеро, озодликка эришилганидагина миллий ўзликни ўзгаларга бутун чиройи билан, гўзаллиги билан, камолоти билан кўрсатиш, тарих саҳнасининг зар-варақларига битилган ютуқлар бекорга эмаслигини исботлаш ва муайян вақтда шу аждодлар тикиб кетган туғни янада баланд кўтаришга рағбат туғилади!

Асло инкор қилиб бўлмайдиган бир қонуният ва ҳақиқат бор, яъни қайси миллат ёки халқ миллий, маънавий ва маърифий ўзлигини теран англаган бўлса, уша халқнинг турмуши фаровон, ҳаёти гўзал, тинч-осуда ва ўзгалар ҳавас қиладиган даражада бўлиши турган гап. Зотан, уларда мана шу фаровонлик даражаси зинапоясимон илгариланма ривожланишда давом этаверади. Чунки бундай халқ миллий, маънавий, маърифий ўзлигини, ўзининг ўзгаларга нисбаган афзал жиҳатларини кўрсатиш учун бор имкониятларини ишга солиш хусусиятларини ҳам ўзлаштирган бўлади.

Мана шу хусусиятлардан энг муҳими эса шу юртнинг кексалари, меҳнаткаш ижодкорлари, навқирон йигитлари ва ўсаётган ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам маърифий жиҳатдан соғлом бўлишидир. Бу гапимизнинг қанчалик ҳақиқат эканлигига эса кўҳна тарихнинг ўзи гувоҳ.

Искандар Мақдуний гуллаб-яшнаган воҳа – Катта Оқуз (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) оралигининг кўп қисмини босиб олганида ерли халқдан ва барча хазиналардан, энг аввало, китобларни йиғиштириб олди. Уларнинг ичида ноёб битиклар жуда кўп эди. Уларни Яксарт бўйида уч

кечаю кундуз давомида ёқишади. Бу китоблар орасида жамият, табиат, тиббиёт қонунлари ва тарих битиклари ёзилган «Авесто» ҳам бор эди. Худди мана шу ажабланарли ҳол хайрон қоларли бир саволни туғдиради – дунёда биринчи марта Илми донишлик академиясини ташкил қилган буюк олим, Афлотуннинг шогирди Арасту таълимини олган, ҳуқуқ, ҳандаса, жўғрофия, донишмандлик, мантик, табобат илмларидан яхшигина хабари бўлган Искандар Зулқарнайн нега бундай даҳшатли жинойтга қўл урди?!

Кунларнинг бирида шоҳ Искандарга савол бердилар: «Эй Искандар, Сиз устозингиз Арастунини отангиздай қадрлайсиз. Бунинг сабаби нима?» Искандар Мақдунийнинг жавоби шу бўлди: «Отам мени ер юзига келтирди, устозим эса кўкларга кўтарди». Шундай гўзал жавоб айта олган донишманд шоҳ нодир китобларни ёқиб кул қилишга қайси виждони ила буйруқ берди экан?!

Бу саволга жавобни эса унинг ўзидан топамиз. Зеро, унинг шундай ақидаси бўлган: «Бир халқни тамоман бўйсундириш учун, энг аввало, шу халқнинг тарихини йўқотиш зарур!..» Демак, улуғ шоҳ китобларни ўз ҳукмронлигини бир неча юз йилларга чўзиш мақсадида онгли равишда амалга оширган. Бу унинг учун жинойт эмас, балки мақсад сари йўналтирилган сиёсий тадбир эди. Босиб олинган халқнинг, миллатнинг маънавий, маърифий тарихини йўқотиш ва миллий ўзлигини барбод қилиш йўлидаги мақсадли ҳаракати эди!

Ўз тарихини билмаган инсонни қаёққа етакласанг ҳам «Ҳа, шундай экан-да тақдир», – дея кетаверишини бутун ҳаммамиз фаҳмлаб етдик. Зеро, ўз тарихини билмаслик, ўзининг ким эканлигини англамаслик инсоннинг ўз илдизидан айрилгани белгисидир. Томиридан айрилган даҳлатнинг ўтин бўлиши эса тайин. Инсоннинг илдизи – бу

унинг киндик қони тўкилган тупроқ, ўзи мансуб бўлган миллат ҳамда шу халқнинг маданияти ва тарихидир.

Ушбу илдиэларидан ажралган инсон нафақат миллий ўзлигини, балки шахсий ўзлигини ҳам, ўзининг «Мен»ини ҳам ҳеч қачон англай олмайди. Бундай инсонларга кундалиқ тирикчилигини ўтказиш учун энг паст шарт-шароит яратиб берилса бас, шунинг ўзи унга етарли. У ўзини ўзгартиришни хаёлига ҳам келтирмайди. Бундай одамнинг тепса-тебранмас манқуртга айланиб қолиши турган гап. Унга энди ўзлигини англатиш жуда қийин муаммо. «Кимки ўзини ўзгартирмаса, уни ҳеч ким ўзгартира олмайди», – деб бекорга айтилмаган, ахир. Ўзини тўла тушуниб, англаб етмаган инсоннинг тафаккур доираси, англаш майдони жуда тор бўлади. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқча»сига ўхшаб дунё шу экан-да деганича юраверади.

Инсон ўзлигини бир қадар англаб етган тақдирдагина атрофида бўлаётган ҳодисаларга, салбий оқибатларга бепарқ бўлмайди. Шундагина у маданияти, қадриятлари, ҳуқуқи топталаётганида, ҳеч бўлмаса, «Нима учун? Нега энди?» деган саволни беради. Турмуш ва меҳнат шароити, фаровонлик даражаси бошқа халқларникидан паст эканлигини кўриб, англайди-да, «Нега шундай?» деган жумбоқни ечишга, унинг туб илдизини аниқлашга интилади.

Миллий ўзлигини англаб етган халқлар 50 – 100 йилдан кейин нималар бўлиши тўғрисида фикр юритиб, шунга мувофиқ дастурлар тузаётганида у: «Бугунингни ўйлайвермайсанми, эртага ким бор, ким йўқ...» – дея бепарво бўлмайди. Ўз қобиғига ўралиб қолиб, дустуман тушиб олмайди.

Шу ўринда бир тарихий далил: Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман 1872 йилнинг 14 ноябрида Александр II га хат йўллайди. Унда шундай сўзлар бор эди: *«Биз Оролни ўйлашимиз керак. Шундай қилишимиз*

зарурки, Амударё билан Сирдарёнинг сувлари Оролга етиб бормасин. Бу сувлар пахта етиштириш учун ишлатилсин. Оролга эса Сибирдан сув келтириш лозим. Ана шундагина Туркистонни мустамлака сифатида узоқ вақтлар тутиб туришимиз мумкин...» Агар жиддий эътибор қилинса, Кауфманнинг бу таклифи ҳам узоқ йилларга мўлжалланган сиёсий тадбир эди. Мана шу сиёсий тадбирни амалга ошириш йўлидаги уринишларга, ҳар хил найрангларга ўзимиз гувоҳ бўлдик-ку, ахир! Демак, миллий ўзликни англамаслик қуллик ва жаҳолат ботқоғида ётавериш билан баробар. Шу маънода, миллий ўзликни англаш, кенг миқёсда ҳис этиш учун маънавий, маърифий жиҳатдан соғлом тафаккурга эга бўлган ва жисмонан соғлом авлод камол топиши шарт.

1991 йилда йўлимиз тушиб Шаҳрисабзга бордик. Оқсаройнинг булутларга елка тираб, қуёш нуридан ажиб товланаётган нафис нақшин деворларига мафтун тикилиб турганимизда мезбонлардан бири – узоқ йиллар Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган Акрамжон ака Акбаров секин гап бошлади:

– Фрунзе аскарлари Шаҳрисабзни эгаллагач (бу мудҳиш воқеа 1918 йил 3 сентябрда бўлган – *муаллиф*), «Эртага тонгда шаҳарнинг 7 яшаридан 70 яшаригача бўлган барча эркак зоти Оқсарой майдонига тўплансин!» деган буйруқни бутун шаҳарга жар солиб етказишади. Ёлғон ва муғамбирликни билмайдиган содда халқ эса ўшанда бирон-бир муҳим гап айтилса керак деб ўйлаб ростдан Оқсарой майдонига тўпланган экан. Шунда уларни Фрунзе аскарлари ўраб олиб, пулемёт билан қириб ташлаган. Шу ўлганларнинг барчаси Оқсарой майдонига кўмилган...

Бу гапларни эшитиб даҳшатдан қотиб қолдик. Бунақа вақшийлик одамнинг тасаввурига сиғмасди. Бироз

ўзимга келганимдан кейин вужудим титраганча сўрадим: «Акрамжон ака, сиз айтаётган гапларингизга сал-пал кўшиб-чатмаяпсизми?! Шу воқеанинг бўлганига ўзингиз ишонасизми?»

– Қанийди бу гаплар ёлгон ё шунчаки ривоят бўлса. Бу воқеалар тафсилоти ўша қабих даҳшатни ўз кўзлари билан кўрган, ҳозирда эса анча кексайиб қолган, ёлгон гапиришни гуноҳи кабира биладиган нуроний отахоннинг ўзидан магнит тасмасига ёзиб олинган, – деб жавоб берди Акрамжон ака.

Шундай бўлса-да, барибир, мен бу гапларга анча пайтгача тўла ишаноламай юрдим. Аммо бир неча ой ўтиб бу ҳақда 1962 – 1966 йилларда Шаҳрисабздаги техникумда таҳсил олган ветеринар врач дўстим Очил Мойлиевга гапириб берганимда унинг кўзлари даҳшатдан катта-катта очилиб кетди. Ичида бир нарсалар деб ғудранди, юзлари қизил-кўкимтир бўлиб, қаттиқ сўкинди. Кўллари қалтираб, овози титраганча гапира бошлади:

– 1963 йилнинг баҳорида бизни дарахт кўчатлари экиш учун Оқсарой майдонига олиб чиқишди. Ўшанда белкуррагимни ерга ботирганимни биламан, қаттиқ нарсага урилди. Иккинчи жойга урсам, яна шу ҳол такрорланди. Қизиқиб, ўша нарсани ковлаб олдим. Ердан кўпориб олдим у капалагим учиб кетди – одамнинг калла суяги эди. Шу кунини нарироқдан яна панжа суякларини чиқди. Бошқача курсдошларим ҳам кўплаб суяклар топишди. То тушгача вақтимиз ерни суяклардан тозалаш билан ўтди. Ковлаб олинган одам суякларини эса икки машинага юклашди-да, аллақергадир олиб кетишди. Биз ўшанда домлазмиздан бу кимнинг суякларини деб сўраганимизда у киши: «Амир Темур қаҳри қаттиқ золим ва қонхўр бўлган. Ўлдирилган одамларни шу ерга кўмиб ташлайверган-да...»

деса, биз ўшанда буткул ишониб кетаверганмиз. Сизнинг сўзларингизни эшитиб мана энди ўйланиб қолдим. Ахир машинага юкланган суяклар ҳали чиришга улгурмаган, ранги сарғимтир, ҳатто оппоқ суяклар эди. Уларнинг узоғи билан 40 – 50 йил илгари кўмилган одамларники эканлигига энди ақлим етяпти.

* * *

1992 йил. Бухоро аркининг салобатидан ғурурланиб, вайронагарчиликлардан эса ўта хафа бўлиб қайтганча ҳамроҳимиз, бухоролик машҳур кўшиқчи санъаткор Баҳодир билан дўстининг уйида озгина дам олдик (афсуски, исми-шарифи ёдимдан кўтарилибди). Ўшанда гапдан гап чиқиб, Баҳодирнинг дўсти сўз бошлади: «Мактабга бориб қайтадиган сўқмоқ йўлимиз иккита баҳайбат тут дарахтлари ёнидан ўтарди. Ҳар гал шу ерга етганимда юрагимни аллақандай, тушуниб бўлмас ваҳима босар, тутлар танасидаги ковак ичида худди биров ўтиргандай туюлаверарди. Бир кунини кечқурун ўша жойдан ўтаётганимда юрагимни шунчалик ваҳима босдики, уйга қандай югуриб борганимни билмай қолибман. Қўрқувдан қалтираётганимни кўрган момом: «Ҳа, сенга нима бўлди, болам, тинчликми?» – деб сўрадилар. Мен бўлган воқеани айтиб бердим. Момом бирпас ўйланиб турдилар-да, кейин секин гап бошладилар: «Эшит, болам. Билиб қўйганинг маъқул. Фрунзе аскарлари Бухорони эгаллагач, мана шу сен кўрган икки тут тагига яқин атрофдаги барча ёшу яланг, хотин-халаж, ҳатто таёққа суяниб юрадиганларни ҳам тўплашди. Йиғилганлар орасидан эса иккита норғул, барваста йигитни ажратиб олишди-да, ҳе йўқ, бе йўқ, барчанинг кўз олдида отиб ташлашди. Ўшанда қалин камар таққан аскарнинг жазавага тушиб гапирган-

ганларини тилмочдан қўрқиш аралаш сўраб билгандим, «Кимда-ким бизнинг аскарларимизга қаршилиқ кўрсатса, уларни ҳам худди мана шу йигитларга ўхшатиб отиб ташлаймиз...» – деган экан у.

Шундан сўнг Фрунзе аскарлари Бухорони уч кечаю уч кундуз талаш билан овора бўлдилар. Эҳ-ҳе, ўшанда не кунларни кўрмадик, болам. Тилла, кумуш тақинчоқларимизгача тортиб олишди. Ўша даҳшатларнинг барчасига шу икки тут гувоҳ. Уларнинг бағридаги коваклар ҳам шу кулфатларнинг таъсиридан, болам...»

Хўш, «ўртоқ» Фрунзе бу ваҳшийликларни нима учун ва нима мақсадларни ўйлаб қилганди?! Бишкек шаҳрида туғилиб ўсган, Туркистон ҳавосидан нафас олиб, тузини тотган, нонини еган бу кимса нега ана шундай ваҳшийликларга шахсан раҳнамолик қилди? Бу саволларнинг жавобини энди тушуняшмиз – ҳаммаси узоқ йилларга мўлжалланган сиёсий тадбирнинг бир кўриниши бўлган!

Бугунга келиб Бухоро аркига учоқлардан аямасдан бомба ташлангани аён бўлди. Ўша пайтдаги учувчиларнинг эсдаликларида қайд қилинган мана бу сатрларга эътибор беринг: «Қуёш энди чиқиб, атрофга ўз нурини таратаётганда биз осмонга кўтарилиб, қуёш нуридан ажойиб тарзда ялтираб товланаётган миноралар устига бомба ташлар минора ўрнидан осмонга ўрлаётган тутун ва чанг-тўзондан ниҳоятда катта завқ олардик».

Оқибатда бугун Минораи калон ва Чорминордан бошқа минорадан асар ҳам йўқ. Уларнинг сони юздан ортиқ бўлган дейилса ҳеч ким ишонмайди.

Ана энди ўзимизга ўзимиз савол берайлик: «Ўртоқ» Фрунзе ва унинг ёнидаги раҳмсиз кимсаларга бундай тўфонли, даҳшатли касаллик кимдан юққан? Жавобини эса тарихий далиллардан топгандай бўламиз:

«Рус халқининг 90 фоизи қирилса қирилиб кетсин, атиги 10 фоизигина жаҳон инқилобига етиб борса бас!»

В.И.Ленин

* * *

«Адлия халқ комиссари Д.Курскийга! Ўртоқ Курский! Менимча, отиш жазосини кенгроқ қўллаш керак.»

**В.И.Ленин,
1921 йил июнь**

* * *

«... Шунинг учун биз реакцион буржуазия ва реакцион руҳонийлар вакиллари қанча кўпроқ миқдорда отиб ташлашга муваффақ бўлсак, шунча яхши. Айни ҳозирги пайтда буларнинг таъзирини шундай бермоқ керакки, токи улар кейинги ўнлаб йиллар мобайнида қаршилиқ кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмасинлар.»

19.14 1922.

**Халқ Комиссарлари Совети Раиси
В.Ульянов (Ленин)**

Бу тарихий далиллар М.В.Фрунзенинг устози ва раҳнамоси, аслида, ким бўлганлигини аниқ ва тиниқ кўрсатмоқда.

Ҳа, биз қизил империянинг сохта мафкураси таъсирида миллий ўзлгимизни йўқотиб, то маънавият ва маърифатдан озгина саводимиз чиққунича ухлаб ётаверганмиз. «Фалон топшириқни бажариш керак!» – дейилганида манқуртларча шу вазифани ортиғи билан адо этишга киришганмиз. Бу борада отасини сотган Павлик Морозов даражасига етишимизга озгина қолди, жазо ўқи билан нишонга олишда эса манқуртга айлантирилган Жўломонни ҳам орқада қолдириб

кетаездик. Мана шу сабабли ҳам биз атайлаб сингдирилган мафкура чегарасидан узоқ вақт давомида чиқа олмадик, уни тарк эта олмадик. Тарк этганларнинг боши эса сапчадек узилаверди. Биз чинакамига қўрқиб қолган эдик. Қўрқув ҳислари эса наслимизга ҳам ўтди. Фақат буюк истеъдодларимиз олдида ўзларининг ожиз эканликларини сезишган ҳоллардагина бу ноёб қобилият эгалари ҳақида гапирилди, холос. Аммо бу гаплар ҳам «Бизнинг ғамхўрлигимиз бўлмаса, сенинг бу ютуғинг қайда эди...» каби писандали эди, биз эса «хўп... хўп...» дейишдан нари ўтмасдик.

Буюк бобомиз Алишер Навоий: «Инсон – билимларнинг маърифат хазинасидир», – деб бекорга айтмаган Дарҳақиқат, маънавий ва маърифий илмлар бўйича бизнинг олдимизга тушадиган халқ бу дунёда йўқ дея дади айта оламиз. Алломаларимизнинг бу соҳага тегишли ноди китоблари бунга рад қилиб бўлмас исбот бўла олади. Аммо қизил империя ҳукмронлиги даврида мана шу маърифий хазиналардан баҳраманд бўлиш бахтидан жудо бўлдиқ тўғрироғи, жудо қилиндик. Фақат Мустақилликка эришганимиздан кейингина мана шу имкон ўзимизга қайтарилди. Ана энди уларни изчиллик билан ўрганиш бошланди. Кадриятлар тикланди. Мана шу сабабли ҳам айнан ҳозирги кунларда шарм-ҳаё, уят, иффат, ҳаром-харишдан ҳазар қилиш, инсоф-иймонни сақлаш, ҳурмат, эъзоз каби муқадда туйғулар энг олий савиядаги тушунчалар сифатида юртимизнинг ҳар бир фуқароси онгидан мустаҳкам жой олди ва жой олмоқда.

Худо берган ақл-заковат туфайли ҳамда ўзлигини англаган инсонлар ҳаракати туфайли тараққиёт юзага келади. Ўзликни англашнинг бош мезони эса илм. Демак ривожланиш ва тараққиётнинг бош мезони ҳам илмдир. Мустақиллик ана шу илмнинг ривожланиши учун шун-

дай бир туртки ва рағбат бердики, натижада илмнинг кўп соҳалари (маънавий-маърифий, ҳуқуқий, диний илмлар) юксалишга юз бурди. Фақат баъзи бир бўғинларда муайян бир вақт оралиғида озми-кўпми жиловланиш юз берган бўлса-да, улар ҳам кўп ўтмай ўзининг дадил қадамларини ташлай бошлади. Масалан, адабиёт, тарих, тиббиёт каби фанлар шундай ҳолни бошидан кечирди. Техникавий илмда, тиббиёт илмида, тарихни билишда эса ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолар ҳамон мавжуд. Хориж билан бўлаётган алоқалар ва ҳамкорликларнинг таҳлили шундан далолат беради. Бунинг эса ўзига яраша туб сабаблари бор, албатта.

Бир ярим асрдан кўпроқ вақтда онгимизга ўтмиш ҳақида нотўғри тасаввурлар мажбуран сингдирилди. Тарихимиз ёлғонларга бурканди, техникавий фанлардан мутлақо ажратиб қўйилдик, ишчилар синфи узил-кесил шаклланмади. Ўрта умутаълим мактаблари ва олий илм даргоҳларидан эса амалиётни эмас, назорат қисмини ўқиган, шуни ҳам чала биладиган ўқувчилар ва мутахассислар етиштириб чиқарилди. Чунки асосий мақсад ихтисослашган, савияси баланд, билимдон мутахассис тайёрлаш эмас, балки диплом тарқатиш эди. Бугун эса мана шу кемтикларни тўлдириш учун чидам, сабот, шижоат, тадбиркорлик ҳамда ватанпарварлик билан меҳнат ва ижод қилишга тўғри келади. Буни фақат соғлом тафаккурга эга бўлган, жисмонан соғлом авлодгина уддалай олади, холос.

2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили», 2017 йилнинг эса «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиши замирида мустаҳкам муштараклик ва мана шундай табаррук орзу ва ният мужассам! Буни биз қанча тез англаб, шу мақсад сари қанча дадил ҳаракат қилсак, Ватанимиз равнақи шунча юксак бўлиши муқаррар!

... Келинг, азиз ўқирман дўстим, ўтмишимизда бўлиб ўтган яна бир ҳодисага эътибор берайлик...

... Ҳали Россиянинг қиши ўз кучини йўқотмаган. Янги қирган 1990 йил эски йилнинг домидан чиқиб кетмоқчи бўлиб уринаётган бўлса-да, эскиликнинг чирмовуқдай исканжаси бу ҳаракатни йўққа чиқармоқчидай гўё. Москванинг Шереметьево тайёрагоҳидаги ҳаракат ва шовқин бир дақиқа ҳам тинмайди, гўзал ойнаванд иморатлар ичи одамлар билан тирбанд. Ташқарида эса учоқлар шовқини Дўстим Арвидас билан тайёрагоҳнинг чап томондаги катта бинога кириб, иккинчи қаватига кўтарилдик. У ерда ҳар бий хизматга чақирилганлар тўпланишган экан. Дўстим хурсанд бўлиб йигитларга ишора қилди:

- Менинг юртдошларим!
- Ригаликларми? – дарҳол сўрадим мен.
- Ҳа, Болтиқбўйидан булар.

Йигитларга разм соламан, елкалари кенг, яғринли, биллаклари бақувват, барчаси норғул. Уларнинг юзида, туришларида, юришларида ўз ҳолидан мамнунлик, мағрурлик ўзларига бўлган ишонч яққол сезилиб турарди. Қалбимда уйғонган ҳавас ва ҳайрат тилимга кучди:

- Барчаси азамат йигитлар экан-а!
- Ҳа, булар она сутига тўйган болалар, шунинг учун суяклари иликка тўла, – дея жавоб берди Арвидас.

Суҳбатлашиб кетар эканмиз, хонанинг энг тўрида тўп-ланган 25 – 30 чоғли ҳарбий йигитларга кўзим тушди. Кўрдиму қувониб кетдим. Юртдошларим! Аммо уларни бир-ма-бир кузатар эканман, дилим вайрон бўлди: деярли кўп-нимжон, жуссаси кичик, бўйлари пастлигидан эгниларидаги ҳарбий кийимлари шалвираб осилиб қолган. Атрофга жовдираб боқишади, нигоҳларида аллақандай ҳадик, қиссиқлик, ийманиш. Бир тўп бўлиб олишларидан ҳам ўз тўдаси-

дан айрилишга чўчиётганликлари шундоққина сезилиб турибди. Қалбимдаги ачиниш ҳисси «Менинг Юртдошларим, Ўзбекистондан!» деган сўзларни фахр билан айтишдек қалб истагини қуюқ қора булут каби қоплаб олди. «Бечорагиналарим...» Миямда фақат шу гап айланарди.

Москвага электр поездида қайтишману юртдошларим аҳволига ачиниш ҳисси дилимни тарк этмайди. Дўстимнинг «... она сутини тўйиб эмган...» деган гаплари кўнглимдан ўтаверади, ўтаверади... Мияда гўё шу сўздан бошқаси йўқдек. Атроф гўзаллиги ҳам бефайз туюлади...

Кўзларимни юмдим. Бошимда савол гўжғон ўйнайди. Шунда нима учундир халқимизнинг «Бола бошидан...» деган сўзлари эсимга келди. Ҳа, бобо-момоларимиз шундай дейишарди. Лекин бу сўзлар замиридаги чуқур маънони унутганлигимиздан бугун мана бунақа ҳолатга тушиб қолмадикми? Бу фикр мени ўшандан бери қийнаб келади...

Бугун ушбу хатони тузатишда ҳукуматимизнинг ўзи бизга раҳнамолик қилмоқда. Бу эса бизга қудрат бағишляпти. Игна кўзидан ўтарли кичик моддалар мажмуасидан буюк портлаш оқибатида кенг коинот олами пайдо бўлгани каби, одам боласининг дунёга келиб камол топиши ҳам, энг аввало, нуқталар бирлашмасидан вужудга келади. Ҳа, одам боласи ҳам «Буюк портлаш» натижасида дунёга келади. Бу ҳолнинг рисоладагидек такомиллашган бўлмоғи учун эса мустақкам учлик, яъни соғлом муҳит, соғлом ота ва соғлом она бирдамлиги шарт. Афсуски, шўро замонида бунга мутлақо аҳамият берилмади. Эҳтимол, атайдан шундай қилингандир...

Муҳтарам биринчи Президентимиз Мустақиллигимиз эълон қилинишидан сал олдин – 1991 йил 28 августдаги маърузасида айтганидек, бизга шўро даврида кўп нарсалар ваъда қилинди. Аммо республикамиз пахта мустақиллиги йўлида анча қурбонлар берди. Биз, энг аввало, аҳолини

гўшт, сут, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш масалаларида қарам бўлиб қолдик. Экология тўла бузилиб, кишилар заҳарланди, уларнинг умри қисқарди.

Энди биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтган куйидаги сўзларига эътибор қилинг: «Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш; санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рациони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш лозим». «Она бўла соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади».

Мана сизга жамиятнинг, оиланинг мустақкамлигини таъминловчи асосий омилнинг муҳим ўрнини ифодаловчи аксиома, соғлом она ва боланинг жамият барқарорлигини таъминловчи куч эканига энг ишончли далил.

Мана шу далилни жўнгина қабул қилмасдан, унинг моҳиятини чуқур англаш учун эса тарихнинг бу ойдик кунлари қандай бошланганини, ўша кунларнинг оппо тонглари қандай отганини тасаввур қилайлик...

* * *

... Ватаннинг мустақил бўлиш онлари яқинлашаётганни ҳис қилган сари Элтуришхоннинг ҳаяжони ортар, аммо дилидаги бу орзу-ниятларини бирон-бир ноқис, хоин, панагадоси бўлиб қолмадимикан деган ташвиш унга тинчлик бермасди. Чунки у ёғий айғоқчилари ҳар томонда изғин кузатиб юрганини биларди. Фақат у отаси айтган сирини ҳали ҳеч кимга ошкор қилмагани учунгина кўнгли тўқ эди.

Бу сирни уйқусида айтиб қўймаслик учун ҳатто бемалол ухлай олмасди ҳам. Шунга қарамасдан, ҳар саҳар уфқ қизариб, ажиб гўзалликка бурканганча отаётган тонгни қарши олганида руҳи тетиклашар, Тангрига минг шукроналар айттарди. Яратган ҳам унинг тилак ва истакларини билгандай тоғ тарафдан енгилгина ёқимли шабада юборар, Элтуришхон эса бундай салқин ва енгиллашган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгач бедор ўтган туннинг чарчоқларини ҳам унутиб, кушдай енгил тортар, ҳурриятнинг яқинлашиб келаётганини қалбдан ҳис қиларди. Қани энди шу шабада яна кучлироқ бўлсаю Элтуришхонни ҳавога олиб чиқса, у йигитларининг машқ жараёнини товуш етмас баландликдан, ҳув анави сал қизғиш булутларга бурканиб олиб, диққат билан кузатса... У шундай кўтаринки руҳда шахдам қадамлар билан саман отига миниб, тоғ дараси томон ошиқади...

Дара ичида тошдан тошга сакраб, гоҳ ялангликда, гоҳ тошли жойда от устида қиличлашаётган, найза улоқтираётган, камон ипини шиддат билан тортиб, тош устига ўрнатилган кичиккина нишонни чирпирак қилаётган абжир йигитлар машқини кузатиб, кўнгли Хонтангри чўққисидай баланд кўтарилади. Ҳа, бу йигитларнинг ҳар бири ёғийнинг ўттизта аскардан кучли ва чаққон дея уларнинг тез ҳаракатини билаклари кучидан қаноат туяди: «Яна икки йил муддат керак-да. У пайтда йигитларнинг олди қирчиллама ёшга, қолганларининг ёши эса балоғатга етган бўлади. Яна икки йил! Икки йил-а! Икки йилдан кейин Ватан овоз ва мустақил бўлади! Азиз отамнинг орзуси, нияти ушалади!!!

Элтуришхон шулар ҳақида ўйлар экан, отасининг ўлими олдидан барчани хонадан чиқариб юбориб, фақат унинг ўзига шивирлаганча, ҳаяжон билан айтган гапла-

рини эслади: «Ўғлим, мен энди Ватан озодлигини кўр олмайман: Менга муяссар бўлмаган ҳурриятни, илло, сеп кўргайсан. Чунки мен бунга замин яратдим. Бу йил 10 т кираётган болаларга яхшилаб разм солсанг барчасини б жуда бақувват, билаклари заранг, кўкраклари кенг, бош лари тик, кўзлари тийрак, сўзлари мағрур, ўзлари забардак эканини кўрасан. Уларда 10 ёшли эмас, балки 18 – 20 ёшда йигитларнинг кучи бор. Энг муҳими, қалбларидан Ватанни садоқат марвариди жо олган. Зеро, Ватанни озод қилмоғи учун ўз она тупроғини жондан ортиқ севадиган садоқатли алп йигитлар керак. Менинг неча йиллардан буён ана шу ёшда авлодни тарбиялаш чорасини излаб келаётганимда хабаринг бор. Бунинг натижасида дунёга келган алпкелбага йигитларнинг олди, мана, 10 га чиқяпти. Сен ҳам менинг бу тадбиримни давом эттир. Ана шунда яна ўттиз йил ўтганда аскарингнинг олди 40 га етади. Бу томонда янги олинган 16 яшар янги аскарларинг ҳам ҳар бири 10 ёғийга бас қилар даражада ҳайбатли бўлишади. Ана шунда сен уларни Ватан озодлиги учун жангга бошла! Иймоним комил, Тағайнинг ўзи сени қўллагай, сен ғалаба нашидасини сурин Ватаннинг мустақил, бахтиёр онларини кўргайсан!»

Элтуришхон отасининг баркамол авлод тарбияси йўлида бошлаган тадбиридан яхши хабардор. Отаси бир пайлар бутун Турондаги барча 5 – 6 кунлик чақалоқ қизларнинг ўз оналаридан ажратиб, ўғил бола туққан бақувват ва дуюк кун оналарга эмизишга фармон берганди. Чунки ўғил бола туққан оналар сутини эмган қизалоқларда йигитларга жўшқинлик, ғайрат, шиддат, бардамлик, ботирлик пайда бўлди. Ана шундай қизалоқлар улғайиб она бўлишганида эса улардан норғул фарзандлар дунёга келади.

«Мустақил Ватаннинг бахтиёр онларини кўргайсан», деганида отасининг кўзларида аллақандай тиниқ нур пор

лаб кетганди ўшанда. Эҳтимол, у меҳр нуридир, балким, севинч нуридир, бироқ, нима бўлганда ҳам, ота кўзларида порлаган бу нурнинг илиқлиги ҳали-ҳали Элтуришхон юрагини ҳаприқтириб, кўнглига, айниқса, руҳига аллақандай енгилмас куч ато этади. Мана шу кучдан қувват олган Элтуришхон юрт кезиб, Ватаннинг кунчиқарида ҳам, кунботарида ҳам шердай кўрқмас, қоплондек ботир, бўридек абжир, бургут каби шижоатли йигитлар ўсиб келаётганини ўз кўзлари билан кўрди. Уларнинг Ватан озодлиги учун курашмоқни ўзларининг муқаддас бурчи деб билишларига ишончи комил бўлди. Элтуришхон бундан завқланиб кетиб, «Ватан озодлиги учун бир туғ остига тўпланинглар!» – деб юборишига озгина қолар, аммо бундай қилишдан ўзини зўрға тияр эди. Чунки бунга ҳали озгина муддат борлигини бутун қалби билан сезиб турарди.

... Бир куни Элтуришхоннинг тушига Кўкал Бўри кирди. У Элтуришхоннинг олдида келиб, бироз эгиб турган бошини кескин кўтарганча, шиддат билан кунчиқар тарафга силкитди. Кейин эса мағрур бир қиёфада ёғий замини тарафга илдам юриб кетди. Бу тушдан сергак тортиб уйғонган Элтуришхон орзиқиб кутилган кун етиб келганини англади...

Ниҳоят, Ватан туғи баланд кўтарилди! Худди отаси айтганидек, Турон йигитлари ҳайбат ва ғайрат билан ёғийга ёпирилиб, юртни улардан бутунлай тозалаганча ҳуррият байроғини баланд кўтардилар. Шу тариқа Ватан озод бўлди! Йўлбошчи эса тарихнинг ёрқин саҳифаларида Буюк Элтуришхон Қутлуғ деган ўзининг шонли, шавкатли номини қолдирди!

* * *

Бу ҳикоя сизга бир афсонадек туюлаётган бўлиши мумкин. Аммо бу тарихий ҳақиқат! Ҳа, она сутининг

қудратини исботловчи ҳақиқат! Шунинг учун ҳам Ватан сўзининг олдига Она калимаси қўшиб айтилар, эҳтимол. Бу воқеа 681 йилда содир бўлган эди. Хитойнинг тан сулоласига анча йиллар қарам бўлган туркийлар ўшанда Элтуришхон раҳбарлигида оғир курашлар билан мустақил давлатга айланди. Тарихда Иккинчи турк хоқонлиги деб ном қолдирган бу давлат то 745 йилгача давр сурган.

Ҳа, она сути она Ватанга кучли, садоқатли, енгилмас фарзандлар беради, уларнинг қалбида садоқат туйғусини пайдо қилади, ривожлантиради, мустаҳкамлайди.

ЗАРУРИЯТ

Ҳозирги пайтга келиб ҳурриятдан баҳра олган, унинг ажойиб мўъжизасини сезган, Қалбларига Ватан туйғусини жуда мустаҳкам ўрнатган йигит-қизларимиз ўзларининг спортда, мусиқада, илм-фанда эришган муваффақиётлари билан халқимизнинг ғурурига ғурур қўшмоқда. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида мадҳиямиз жаранглаётганда, Ватанимиз байроғининг аста-секинлик билан бардам кўтарилаётганида қувонч кўз ёшларимизни тия олмаганимиз бунинг яққол исботи эмасми?!

Ҳар бир миллатнинг, мамлакатнинг жаҳон саҳнасида тутган ўрни муайян жамиятда яшаётган, меҳнат қилаётган инсонларнинг маънавий-маърифий тушунчалари, она тупроққа бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати, Ватани равнақи йўлидаги астойдил меҳнати билан узвий боғланган. Бу муқаддас бурчни адо этмоқ, бажармоқ учун эса ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам тафаккур тарафдан комиллик талаб этилади. Худди мана шу вазиятни чуқур англамоғимиз учун, биринчи Президентимиз

таъкидлаганларидек, тарихимизни билиб, ўзлимизни тўлиқ тушуниб олмоғимиз, миллий ғурурни юксалтирмоғимиз зарур. Мактаб ўқувчиларида илмни чуқур ўрганишга рағбат уйғотиш, айниқса, физика, кимё, математика, кибернетика, электроника, тиббиёт каби аниқ фанларни чанқоқлик билан ўқиш-эгаллашларига кучли истак пайдо қилиш лозим. Бунинг учун қўшимча равишда шундай чора-тадбирларни қўлламоқ керакки, токи аниқ фанларга бўлган қизиқиш ҳозирги пайтда ёшларнинг бозор-ўчар ва тижорат ишларига бўлган қизиқишидан бир неча баравар юқори бўлсин. Ана шунда мамлакатимиз хўжалигини беқиёс даражада юксалтирадиган, дунё ишбилармонларини қизиқтирадиган кашфиётлар, ихтиролар кўплаб қайд этила бошлайди. Хорижий давлатларга ҳар хил патентлар сотиш кенг авж олади. Бундан эса давлатимиз обрўи жаҳон миқёсида янада ошади, хазинаси бойийди.

1990 йилда Япония ишчиларнинг рационализаторлик таклифлари сони Шўролар давлатининг шу йилдаги рационализаторлик таклифларига нисбатан 500 марта кўп бўлган. Энг муҳими, уларда таклифларнинг учдан икки қисми ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилган. Айтиш керакки, Японияда мана шунақа таклифлар мувофиқ равишда рағбатлантирилади. Улар замирида катта моддий бойлик яратиш механизми ётганлигини инобатга олган ҳолда давлат миқёсида қўллаб-қувватланади. Натижада ишчилар, хизматчилар, олимлар ўртасида кашфиётчилик оммавий тус олган. Мазкур прогрессив ҳолат ҳозирги кунларда ҳам ушбу кунчиқар мамлакатда кўпайса кўпайганки, асло камайган эмас. Шу жиҳатдан бўлса керак, бу юрт электроника ва роботлар яратиш бўйича жаҳонда етакчи ўринда туради. Очиғини айтганда, ра-

ционализаторлик таклифлари, кашфиётлар сеҳрли таёқчани силкитганда ёхуд соққани отганда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган неъмат эмас, балки машаққатли ва ижодий ёндашилган онгли меҳнат маҳсулидир.

Барча тараққиётнинг бошида илм туриши – бу исбот талаб қилмайдиган аксиома. Бундан бир неча йиллар олдин АҚШ Сенати: «Биз яна 100 000 га яқин олий маълумотли зиёлиларни мамлакатимизга қабул қилишимиз мумкин», – дея бутун дунё фузалоларини таклиф қилганида нақадар ҳақ эди. Чунки бу ақл эгалари ва илм соҳибларига зарур шарт-шароит яратиб берилса, улар халқ хўжалиги ҳамда саноат учун илғор таклифлар кириштишлари аниқ эди. Шундай бўлди ҳам – Америка Қўшма Штатларида ҳозирги пайтда 200 дан ортиқ Нобель мукофоти соҳиблари бор. Улардан 180 га яқини бу нуфузли мукофотга Иккинчи жаҳон урушидан кейин сазовор бўлишган.

Ҳа, бир олим ёки олимлар гуруҳининг ихтироси халқ хўжалигига миллионлаб даромад келтириши мумкин. Бунинг исботи сифатида тиббиёт оламида ўзига хос инқилоб ясаган илмий изланишлар натижаларини келтиришнинг ўзи кифоя. Инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш амалиёти, қанд касаллигида қўлланиладиган митти электрон асбоб, магнит-ядро-резонанс аппаратлари, сунъий юрак ва сунъий буйрак аппаратлари кабилар шулар жумласидандир.

Демак, меҳнат жабҳасида ҳам, ижтимоий соҳада ҳам, илмий изланишларда ҳам меҳнатдан келадиган роҳатни эмас, балки бу меҳнатнинг тагида яширинган, илгариланма ҳаракатга омил бўлган заҳматни сеза олмоқ, англай билмоқ, топмоқ ва амалиётга жорий этмоқ керак.

*Донишманд қадимдан сўйлар бир ўғит:
«Меҳнат ҳам, меҳнатнинг таги ҳам роҳат».
Роҳатдан ризқ олса мисоли бургут,
Бундай дилга асло ёндашмас офат.*

*Ўғитнинг исботин йиллар ҳам айтсин,
Чархпалак саҳнида айланса одам,
Майли, сурсин мудом сафою гаштин,
Лаззатнинг бағрида қувониб ҳар дам.*

*Магар шундай эрса, тақдир палаги
Депсиниб айланар ўз теграсида.
Аламдан хўрсинар ривож малаги,
Меҳнатнинг тагида заҳмат, аслида.*

*Меҳнатнинг заҳматин англай олсанг бас,
Юксалиш мезони фаҳму қўлингда.
Тафаккур комида олавер нафас,
Ихтиро гавҳари мўлдир йўлингда!*


Демак, ҳақиқат нуқтаи назаридан келиб чиқиб аниқ айтиш мумкинки, муайян ижтимоий жамиятда яшаётган миллатнинг ёрқин равнақи учун бир-бири билан чамбарчас боғланган учта омил: соғлом муҳит, соғлом тан ва соғлом ақл бўлмоғи шарт экан.

ТРИАДА МЎЪЖИЗАСИ

Жамият ўз олдига юксак тараққиётни мақсад қилиб қўяр экан, унга эришиш учун, аввало, одамларда мустаҳкам интизом ва тартибга, халқ хоҳиш-иродасини ифодаловчи қонун ва қоидаларга қатъий амал қилиб яшаш кўникмаси шаклланиши лозим. Шунингдек, келажакни равшан кўра оладиган фозил ва комил

фарзандлар, жисмонан ва маънан баркамол курувчилар керак. Бу аксиома. Алалхусус, бу аксиоманинг яхлитлигини сақлаган ҳолда уни муайян жамиятдаги ижтимоий муҳитга сингдириш қурилажак порлоқ келажак пойдеворининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади...

Соғлом муҳит шароитида меҳнат қилаётган соғлом тан ва соғлом ақл эгасининг фойдали иш коэффиценти энг самарали бўлиб, у тафаккур ривожининг асосий маҳсули ҳисобланади. Бу қуйидаги соғлом муҳит – соғлом ақл – соғлом тан схемасида янада яққолроқ акс этади.



Инчунин, соғлом муҳит шароитидагина соғлом ақл имкониятидан максимал даражада фойдаланилиб, фикр эгалари ҳам ўз вақтида рағбатлантириб борилади. Сиёсий беқарорлик авжига чиққан, носоғлом муҳит ҳукмронлик қилаётган жойда эса соғлом ақл тафаккури эришган натижаларни ишлаб чиқариш воситаларига айлантириш ёки тайёр товаҳ ҳолига келтириш имконияти чегараланган ёки мутлақо бўлмайди. Нафсиламрини айтганда, бундай шароитда устқурма яратилади-ю, бироқ унинг пойдеворга фойдаси тегмайди. Бефойда устқурма эса ёмғирсиз булутга ўхшайди. Булут бор, аммо ёмғир йўқ. Мана шунинг учун ҳам фанида ривож бўлмаган мамлакатларнинг зукко ва донишманд олимлари илму фанга эътибор катта бўлган жойга қараб оқаверади.

Соғлом вужудга соғлом ақл керак!

Соғлом вужудга соғлом ақл жуда муҳим эканлигини инкор қиладиган одам кам бўлса керак. Шундай бўлса-да, айни ўринда жонли бир мисол ҳам зиён қилмас...

Мен бир полвонни билардим. Курашдаги муваффақиятлари билан анча ном қозонганди. Томошаю байрамларда кўпинча бош совринни қўлга киритар, бунинг устига жуда мард инсон сифатида ҳам танилган эди. Бўйи 2 метрдан зиёд, оғирлиги 120 килодан ортиқ. Аммо вилоятда кураш устаси сифатида барчанинг эътиборида бўлишига қарамасдан, у республика чемпиони бўла олмади. Тана ўта соғлом, кучга тўла, бироқ тактик жиҳатдан жуда хом эди. Рақибга тўғри борар, курашнинг мураккаб усул ва услубларини қўллашни билмас, фақат кучи ва тана оғирлиги билангина енгарди.

Бошқа бир жуссаси кичик, вазни 70 килодан ортмайдиган полвон йигит эса кураш тушганида шундай мураккаб усулларни қўллар эдики, бундан завқланган томошабин беихтиёр қийқириб юборарди. Рақибни уни куч билан елкасидан ошириб отган маҳаллари ҳам худди мушукка ўхшаб оёғи билан тик тушаверарди. Усуллар билан ўзидан икки баравар оғирликдаги рақибларининг ҳам кўкрагини ерга текизадиган чаққон-чайир бу полвон республикамизда ўз вазни бўйича бир неча бор чемпион бўлиб элнинг фахрига айланди.

Ёки футбол ўйинига бир эътибор қаратайлик. Футболчиларимизнинг барчаси жисмонан соғлом, агар шундай бўлмаганида, улар жамоага қабул қилинмас ҳам эди. Бироқ рақибни алдаб ўтишни, яхши нуқтани эгаллашни ёки жамоадошига тўп етказиб беришни эплаш билан ғалаба қозониб бўлмайди. Балки рақиб жамоа мутлақо кутмаган тактик усуллар ишлаб чиқилиб, уни маҳорат билан бажариш

чоралари кўрилгандагина ўйланган мақсад амалга ошади. Бунинг учун эса жамоа аъзолари соғлом фикр юрита билиши керак. Демак, соғлом муҳитда соғлом тана ва соғлом ақл билан тўп сурилганидагина жамоа энг юқори марраларга эришмоғи мумкин.

* * *

Менинг соддадил, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдиган, қўлидан келганича, иложи борича атрофдагиларга яхшилик қиладиган, ўта сахий бобом бор эди. Бир сафар у девор тиклаш ниятида лалми ерда чим ўйган. Чим ўйиш ажриқ чагишиб кетган қаттиқ ердан ўткир кетмон билан 15 – 20 сантиметр чуқурликдаги ерни тўртбурчак шаклида ўйиб, тўртинчи марта кетмон урилганида тахминан 8 – 10 килограмм тош босадиган трапециясимон кесакни кўчириб олиш демакдир. Яна мана шу чим кесакни кетмонда кўтариб 2 – 3 метр нарироққа олиб бориш ва тезроқ қуриши учун чаппа ағдариб қўйиш керак. Бундай чимдан ясалган девор эса жуда зич ва мустаҳкам бўлади.

Бобом ҳеч дам олмасдан бир нафасда, танаффус қилмасдан 1776 та чим ўйганига гувоҳ бўлганмиз. Тасаввур қилинг, шунча чимни ўйиш учун 7104 марта ерга зарб билан кетмон уриб, ўйилган чимни 1776 марта чаппа қилиш керак... Бундай ишни бажариш учун эса соғлом муҳитдаги соғлом тананинг кучини маҳорат билан ишлатиб, оддий кетмон уришнинг нозик жиҳатларини соғлом ақл воситасида мақсад сари аниқ йўналтира олиш зарур.

* * *

Бошланғич таълимни уйимиздан икки чақирим масофа узоқликдаги қўшни қишлоқ мактабида олганмиз. Ўша пайти биз учун катта муаммо бообру бир одамнинг дарвозаси

олдидан ўтиб, катта йўлга тушиб олиш эди. Агар шу дарвоза олдида катта ва баҳайбат, важоҳати жуда кўрқинчли сариқ ит ётган бўлса, то у ҳовлига кириб кетгунича ўтолмасдан кўрқиб тураверардик.


Кунларнинг бирида итнинг ҳовли ичкарасида эканлигидан фойдаланиб шоша-пиша катта йўлга тушиб олувдик ҳамки, орқамиздан итнинг қаттиқ вовулагини эшитилди. Қарасак, ит уйдан чиқиб, кўчада келаётган Бўри бова томон вовулаганча югурапти. Биз бечора бовага раҳмимиз келиб турган пайтимизда бирдан Бўри бованинг ўзи ит томон югура бошлади. У айни итнинг олдига келганида ўта чаққонлик ва абжирлик билан устидан ирғиб ўтди. Сўнг тезда орқасига қайрилиб, ҳали ўзини ўнглай олмаган итнинг орқа оёқларидан шартта ушлаганча баланд кўтарди-да, ёнбошлатиб икки-уч марта ерга зарб билан уриб қўйиб юборди. Ит бечора вангиллаганича қочиб кетди. Биз ҳайратда қотиб қолган, Бўри бовага энди ҳавас билан термулар эдик. Энг муҳими, ана шу воқеа сабаб бизнинг тасаввуримизда ит ўз важоҳатини йўқотди. Ундан кўрқиб ҳиссидан тамоман халос бўлдик.

* * *

Бу ҳаётини воқеалар соғлом тан ва соғлом ақлнинг мутаносиблигини ўзида намоён қилувчи оддий мисоллар эди. Энди сал чуқурроқ мулоҳазаларга ўтайлик. Масалан, танаси соғлом, лекин илмга бепарво одам олма дарахти тагида ўтирганида бошига битта эмас, ўнта олма тушса ҳам, у нима учун ерга тушди деган фикрга келмайди. Исаак Ньютон эса бошига тушган олма сабаб бутун олам тортишиш қонунини яратди. Ёки органик моддалар кашф этилиб, анорганик кимёга хос формулалар бу мураккаб бирикмаларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини кўрсатиш ҳамда таърифлашга

ярамай қолганида мана шу кемтикни А.М.Бутлеров (1828 = 1886) тўлдирди. У таклиф этган $\text{CH}_2 = \text{CH}_2 =$

узун занжирли формуласида кислород ҳамда водороднинг валентлиги ўзгармай қолган бўлса-да, шу мураккаб модда ҳақида маълумот беришга қодир эди. Кейинча-



лик яна бошқа соғлом ақл вакиллариининг тафаккур меваси сифатида циклик хусусиятга эга бўлган органик моддалар, масалан, бензол кашф қилинди. Бундай мураккаб органик моддаларнинг хусусиятини тўлиқ изоҳлаш учун эса Бутлеров формуласи ҳам яроқсиз ҳолга келди. Бу долзарб муаммони ҳал қилиш устида бош қотираётган кимёгар олим А.Ф. Кекуле бир куни тушида ўзининг думини тишлаб рақсга тушган илонни кўриб, ўз кашфиётига шундан илҳом олади. Яъни Бутлеровнинг илонга ўхшаш тасмасимон формуласи ўрнига думини тишлаган илон кўринишидаги, яъни ёпик (LXXV бет чизиш керак) формулани таклиф этди ва у бутун дунё олимлари томонидан қабул қилинди. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик, мабодо кимёгар Кекуленинг ўрнида илм билан мутлақо шуғулланмаган бошқа бир одам шундай туш кўрса нима бўларди? Тушимда илон кўринди, бу яхшилик-камикан ёки ёмонликками дея, нари борса, садақа қилишдан бошқасини ўйламаган бўларди. А.Ф.Кекуле эса соғлом танидан ўзган соғлом ақлини қайраб, соғлом муҳитда дунёга машҳур олим бўлди. Демак, кичик ҳодиса ва белгилардан катта хулосалар чиқаришга фақат ҳақиқий илм аҳлигина муяссар бўлади.

... Эндигина 30 ёшга тўлиб, ўз амалий ишига киришган Гавриилнинг мўъжазгина хонасига бир оёғи калта ногирон кириб келди:

– Айтишларича, анча моҳир жарроҳ эмишсан. Айниқса, синган, чиққан суюқларни жойига қўйишда устаси фаранг

дейишди. Агар чиндан ҳам шундай бўлсанг менинг оёғимни узайтириб, «маймоқ, чўлоқ» деган лақабдан халос эта оласанми?! Фақат ҳақиқатни гапир!

Аввалига сал шошиб қолган Гавриил мижозини яхши сўзлар билан овутиб, бу муаммони ҳали тиббиёт ҳал қила олмаганлигини тушунтирган бўлди. Аммо у чиқиб кетгач, ўйчан хонада юра бошлади. Шу пайт деразадан ташқаридаги от-аравага кўзи тушди. Отнинг бўйнидаги бўйинтурук унинг эътиборини тортди. Хаёлига бир фикр яшиндай урилдию шитоб билан иш столига ўтирди. Шу-шу у хаёлида бир зумда пайдо бўлган ажойиб гоёни чинакам кашфиётга айлантиришга киришиб кетди. 2 йиллик муттасил меҳнати натижасида бир аппарат кашф этиб, амалиётга жорий қилди. Кейин уни 9 йил давомида яна такомиллаштирди ҳам. Лекин у қанчалик такомиллашмасин, от бўйинтуриғига ўхшаш яримайлана металл бу аппаратнинг асосий қисми, таянч элементи бўлиб қолаверди. Эътибор қилинг-а! Тарихда илк марта 2 метру 20 сантиметр баландликка сакраган жаҳон чемпиони Валерий Брумелнинг синиб, калта бўлиб қолган оёғини шу ускуна воситасида 20 сантиметрга узайтиришга муваффақ бўлишди. Натижада иродаси кучли бу спортчи яна 2 метру 18 сантиметр баландликдан сакраб ўтишга эришди. Қолаверса, мана шу усқунанинг тиббиётда қўлланилиши ва натижалари бўйича 159 та фан номзодлиги, 37 та фан докторлиги диссертациялари ёқланди, 3 мингта яқин илмий мақолалар чоп этилди. Г.А.Илизаров номи эса тиббиёт тарихига абадий муҳрлаб қўйилди.

Ҳа, соғлом ақлдан соғлом фикр туғилади, соғлом фикрдан туғилган янги ва яхши кашфиётлар жаҳон аҳлини ҳайратга солаверади.

... Конрад Рентген анод ва катодлардан ўтувчи юқори кучланишли электр учқунлари устида тажриба ўтказар

эди. Ишнинг мақсад ва йўналиши жуда ҳам аниқ бўлма- са-да, тиришқоқлик билан янги-янги тажрибалар олиб бораверди. Бир куни анод билан катод орасига тасодифан бармоқларини суққанида ўз бармоқларининг суяклари кўринаётганини илғаб қолди. У бармоқларини қайта солиб кўриб, бунга тўлиқ амин бўлгач муҳим ихтирога йўл очилганини дарҳол фаҳмлади. Шундан бошлаб 10 кун давомида тажрибахонасидан ҳеч қачон чиқмай, ҳеч ким билан гаплашмай, хотини келтирган овқатлардан ҳам ча- ла-чулпа татинганча қаттиқ ишлади. Натижа ҳам иштиёқ ва меҳнатга яраша бўлди – ИКС нурлари кашф қилинди. Кейинчалик Рентген нурлари деб атала бошланган бу каш- фиёт ҳозирги замондаги нурда ишловчи барча текшириш ва ташхис қўйиш аппаратларида қўлланилади.

Бу мисоллар ҳам фаҳм-фаросат ва соғлом ақлнинг бир-бирига мутаносиб бўлиши лозимлигини кўрсатади. Инсон илмга астойдил меҳр қўйиб, изчил шуғулланиб, чуқур тафаккур юритганидагина атрофда рўй бераёт- ган воқеа-ҳодисаларни, фаннинг илмий камчилик ва ютуқларини тўғри фаҳмлай олади. Шундагина унга са- марали таҳлил қилиш ҳамда керакли хулосалар чиқариш насиб этади.

Юқорида қайд қилганларимиздан маълум бўлдики, триада мўъжизаси, яъни соғлом муҳит, соғлом тана, соғлом ақл инсоннинг муайян ижтимоий муҳитдаги илгариланма ҳаракатида энг муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан қаралганида, бугун бизнинг юртимизда ҳам ба- ракали меҳнат, самарали ижод қилишга кенг имкон, қо- нунлар асосида мустақкамланган барқарор соғлом муҳит мавжуд. Эндиги вазифа шу соғлом муҳитнинг илгарилан- ма ҳаракатини, ривожини узлуксиз давом эттириб, ишон- чли келажакни таъминлайдиган бунёдкор соғлом авлодни

шакллантиришдир. Бу, ўз навбатида, республикамизни та- раққий этган давлатларнинг олдинги қаторига олиб чиқиш учун ўзига хос замин бўлади. Бу шарафли вазифани сама- рали тарзда амалга оширомоққа эса юртимизнинг барча фуқаролари теран тафаккур билан, муқаддас бурчни ҳис этган ҳолда киришмоғи шарт ва зарур. Бу, айниқса, нева- ра кутаётган бобо-момолар, фарзанд кутаётган бўлажак ота-оналар, ёш келин-куёвлар, энди турмуш қуриш иста- гида юрган ёшларга тегишлидир.

Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг ақлли, та- факкури юксак, истеъдодли инсон бўлишини, улар билан фахрланишни истаydi. Бироқ фақат истагимиз билангина комил фарзанд дунёга келавермайди. Бу долзарб ва катта муаммони рўй-рост ҳал этмоқ учун аввалбошдан оқило- на ва мақсадли ҳаракат қилиш лозим. Бу эса, энг аввало, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мутлақо соғлом ёшларни келин ва куёвликка тайёрламоқдан бошланади.

Келинг, худди мана шу заруриятнинг «Пуштгача тар- бия» қисми билан тиббиёт нуқтаи назаридан танишишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

ПУШТГАЧА ТАРБИЯ

Фарзанднинг пайдо бўлиши оддий жараён эмас. Мурак- каблиги шу даражадаки, тараққиётнинг юксак чўққисига чиққан бугунги тиббиёт ҳам ҳалигача унинг туб илдизини тўлиқ очиб бера олгани йўқ. Лекин бир муҳим жиҳат ҳам- мага маълумки, аёллик ҳужайраси ва сперматозоиднинг бирлашувидан ҳосил бўлган ҳомила ҳужайраларининг бузилмас қатъий қонун асосида кўпайишидан чақалоқ ду- нёга келади. Демак, аввало, тухум ва сперматозоид бека- му кўст шаклланган бўлиши лозим. Яхшиямки, Аллоҳ ўз

бандалари авлодининг турғун ҳолда давом этишини таъминлаб, хужайраларни ҳеч қандай камчиликларсиз тўлиқ шаклланиши мумкин бўлган жойга, яъни ташқи ва ички муҳим ўзгаришларга бефарқ бўлган одам боласининг ички аъзоларига жойлаган. Яъни аёлнинг тухумдонлари қорин ичида кафолатли ҳимояланган бўлса, эр жинсининг уруғ дони ҳам 8 қаватли парда билан ўралган.

Аёл тухумдонидида тухум пайдо бўлиб, то сперматозоидлар билан уруғланадиган ҳолга келгунича жуда мураккаб бир неча босқичли жараёнлар тизими давом этади. Бу жараёнлар қатъий бир қонуният асосида аёл ички секрет бези гормонлари, қондаги ўта фаол моддалар ҳамда насл кодлар воситасида амалга ошади. Асло унутмаслик кераки, тухум ҳосил бўлиши марказий нерв тизими томондан қатъий назорат қилинади. Ана шу назорат остидаги барча элементлари – дезоксирибонуклеин ва рибонуклеотид кислоталари, рибосома, митохондрий (бундай элементлар 20 дан ортик) ядро ва ядрочаларининг шакл-шамойили охиригача шаклланган, энг самарали структураси, яъни тузилиши тўлиқ сақланган хужайра, яъни насл қолдиришига тайёр тухум вужудга келади. Шундан сўнггина у насл кодларининг бутунлигини тўлиқ сақлаган ҳолда «Х» ёки «Ү» хилидаги хромосомаси бўлган сперматозоидларни иштирок қилиб кутади.

Қорин бўшлиғида тухумдон ва ундаги тухумнинг воқеага етиш жараёнини ҳеч нарса таъсир қилмас зирҳ билан ўралган деб тушуниш ҳам катта хато. Зеро, юқорида айтилганлардан тушундикки, тухум хужайраси жуда ҳам нозик тизилмалардан иборат бўлиб, унинг игна учидан минг баравар кичкина жойи структурасида, шаклида ёки кўлемий таркибида меъёрга хос бўлмаган бирон ўзгариш рўй берса, бўлажак болада тузатиб бўлмас норасоликлар юза

келиши аниқ. Хужайралардаги бундай нозик ўзгаришлар эса асосан уч тур ташқи таъсирлар туфайли вужудга келиши мумкин экан.

Биринчидан: аёл қони таркибининг ўзгариши ёки қонда асл таркибига хос бўлмаган бегона фаол бирикма ёки моддаларнинг пайдо бўлиши.

Иккинчиси: аёл ички секреция безларининг номутаносиб фаолияти оқибатида гормонлар мувозанатининг бузилиши ва тухум ҳосил бўлиш занжирининг қайсидир бир бўғимида иллат содир бўлиши.

Учинчиси: аёл марказий нерв тизимининг тухум ҳосил бўлиш жараёнини идора қилиш қобилиятида нуқсонлар юзага келиши.

Келинг, буларни кенгроқ мушоҳада қилиб, асл моҳиятни тушуниб олишга ҳаракат қилайлик. Аёл организмида эстроген ва андроген гормонларини ишлаб чиқарувчи ички секреция безлари мавжуд. Лекин эстроген гормонлари андрогенларга қараганда жуда кўп миқдорда синтез қилинади. Аёллик жинсини белгиловчи эстроген гормонлари, айниқса, балоғат ёшига етган қизларнинг қонида меъёрнинг юқори чегарасида мавжуд бўлади. Худди мана шу эстроген гормонлари тухумдон билан узвий алоқага эга. Улар бир-бири билан модда алмашинув занжири орқали ўзаро мустаҳкам боғланган. Шу боис ҳам аёлда назокат йўқолиб, ҳаё сусайиб, ички туйғулар кирланиб, муомала дағаллашиб қолса, яъни маънавий оламида салбий тарафга ўзгариш рўй берса, шунингдек, жуфтига нисбатан унда гараз ҳамда адоват пайдо бўлса, унинг организмида эстроген гормонлари камайиб, андроген гормонлари кўпая бошлайди. Бу эса тухумдонда тухумнинг тўлиқ шаклланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Пировардида тухумнинг қайсидир бир структурасида,

генетик кодида, фаол моддалари жойлашувида ёхуд ДНК, РНК тизимида озми-кўпми камчилик ёки норасолик рўй бериб, туғилажак фарзанднинг қайсидир бир аъзоси ногўлиқ шаклланишига ўз таъсирини ўтказиши.

* * *

... У анча вақт ухлай олмайди. Рўзгор ишлари билан куй-маланиб юрди – супур-сидир, ювиш-тозалаш ва ошхона ишларини бир ёқли қилиб, саромжонлагачгина жойига ётди. Бундай ортиқча хатти-ҳаракатлардан норози бўлган эрини ҳам мулойимлик билан тинчлантирди, иш билан бўлиб вақтнинг ўтганини сезмай қолаётганини баҳон қилди. Эри нолиб-нолиб ухлади, аммо унинг уйқуси мади, аксинча, ётгач ўзи истамаган оғир ўй-хаёллар домга тушди. Унинг асосий муаммоларидан бири қайнона ва қайнсинглисининг кўрс муомаласи эди. Зеро, у ўзининг бошқалар томонидан атай мураккаблаштирилган турмуш чархпалагида эсанкираб қолаётганлигини тушунарди. Ўзини тобора қаттиқ ўраб бораётган бу занжирнинг завожойини топиб чиқиб кетишга эса, қанча уринмасин, қурби етмаётган эди. Бу борада эридан ёрдам сўраганида ҳақ натижа чиқмади. Бу ҳол унинг кўнгил ҳаловатини тобора кемирмоқда эди.

У атрофдагиларнинг ўзидан нима хоҳлашларини, уларнинг ҳақиқий истак-ниятларини билмасдан азоб чекар дастурхон атрофида барча қатори чакчақлашиб, ҳаётнинг турмушнинг завқли онлари тўғрисида самимий гаплашиб фикр алмашиб ўтиргиси келарди. Бироқ у билан ҳеч қанга гаплашмас, шу ерда борлигини билишса ҳам ўзларини кўрмаганга олиб, фақат ўзаро, алоҳида гаплашишар, бу эса унинг иззат-нафсига қаттиқ тегарди. Ҳатто ёзилган дастурхон атрофидан ҳам дуо ўқилмасдан, ҳамма ўз-ўзича туриш

кетаверарди. Шунда унинг ўзи бошқаларнинг ҳам бахтини тилаб дуога қўл очар, ҳафсала билан дастурхонни йиғиштириб бўлгач уйга кириб тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди.

Кўёвга қилинган сарполар ва келинлик сепининг қудатомон ўйлаганидек, талаб қилинганидек бўлмаганидан онасининг куйиниб гапиришлари, отасининг эса бундан ортиғига имкониятим етмаса нима қилай дея бошини эгиб туришлари, умуман, тўй олдидан бўлиб ўтган бошқа хунук машмашалар кўз олдидан бирма-бир ўтар экан, наҳотки, кишининг бахтини, кўёв-келиннинг осойишта, тинч, гўзал ҳаётини мол-дунё белгиласа дея қийналарди. Ахир иккаламиз севишиб турмуш қурганмиз-ку, орамиздаги бир-биримизга бўлган меҳримизни, тотувлигимизни, самимий муҳаббатимизни кўриб қувонишса бўлмасмикан деб ўйлагани сари баттар сиқиларди. Зеро, бу ниятларининг амалга ошмаслигини билар, аллақачон қатъий ҳаракат қилиш вақти келганини ҳис этарди. Лекин бу ҳаракат нимадан иборат бўлмоғи керак, шуни билмасди.

У эридан жўяли ҳаракат бўлмаслигига, нима чора қилса ҳам фақат ўзи қилиши кераклигига амин бўлиб, ниҳоят, бир куни тушга яқин қайнонасининг ҳузурига кирди. Уни кўриб қайнонасининг қовоғидан қор ёққанини сезса-да, ўзини билмаганга олди:

– Ойижон! Ойимни кўрмоқчи эдим. Анча бўлди. Кеча тушимга кириб қолибди... Соғиндимам...

– Боравермайсизми?.. Менга нима, ана, тайёр автобус. Майли, хайр...

У уйига кетди. Бордию фурсат топиб ўз ҳолидан онасига сўз очди. Ҳар кунининг азоб-уқубатда ўтаётганини, айниқса, қайнсинглисининг юрак ўртар аччиқ гаплари ҳамиятини эзаётганини, қайнонасининг жонни узиб олар заҳарли кинояларига бардош бера олмаётганини зор қақ-

шаб йиғлаганча тўкиб солди. Бундай муносабатларига ягона сабаб ўша тўйдан олдинги машмашалар эканлигини ҳазм қила олмаётганлигини айтди. Аммо ота уйига бориб келишга жавоб сўраганида қайнонасининг: «Қайтиб келмасангиз ҳам бўлаверади», – дегандек муомала қилганлигини яширди.

– Жоним қизим, сабр қил! Нима бўлса ҳам улардан яхши, ширин сўзларингни, меҳрибончилигингни аяма. Меҳрда гап кўп, болам. Инсофга келиб қолишар. Эрингинг кўнглига қара. Вақтнинг ўзи табиб. Эринг билан кўпроқ маслаҳатлашиб тур. Иймонингни йўқотма. Инсофли бўл. Ана шунда турмушларинг тугал ва тузук бўлади, қизим...

– Мен бу маслаҳатларингизни қўлимдан келганича қилишга интиляпман, бироқ қайнонам, қайнсинглим...

– Бўлди, қизим, бўлди! Оғир бўл. Чидам сақла. Одоб доирасидан чиқма, сабр таги олтин деган машойихлар...

Меҳринисо қайтиб келиб яна умид билан яшай бошлади...

Шундай изтиробли кунларнинг бирида у бўйиди бўлганини сизди. Аммо бу ҳақда ҳам ҳеч кимга чурч этмасдан, одатдагидек, на қайнонаси, на қайнотаси, на қайнсинглисидан бирон яхши гап эшитмай, ўз ёғига ўзи қовурилиб юраверди. Ахир мен ҳам шу оиланинг фарзандиман-ку, бир куни тушунишар деган яхши ниятда у сабр тагидаги олтинни, ширин дамлар келишини тоқат билан кутарди.

Аммо унинг вазиятни юмшатиш йўлидаги барча ҳаракатлари зое кетди. Ҳатто ҳомиладор эканлигини билишса-да, парво қилишмади. Эри ҳам оила аъзоларининг Меҳринисога бўлган эътиборини, ота-онаси ҳамда қудалар ўртасидаги муносабатни яхшилашга уриниб кўрди. Бироқ фойдаси бўлмади...

Ниҳоят, келин 6 ойлик ҳомиласи билан ўз ота-онаси бағрига қайтишга мажбур бўлди. Бола ўша ерда туғилди. Аммо у катта ташвишларга сабаб бўлди: қорнининг олд қисмида мушаклари йўқ, ўнг буйраги эса қориндан дўппайиб чиқиб турарди. Бу нуқсонларни бартараф қилиш учун бир неча бор жарроҳлик муолажасини ўтказишга тўғри келди.

* * *

Хўш, ана энди дўппини ёнга қўйиб, обдан фикрлашиб олайлик. Тиббиёт тажрибаларидан маълумки, инсон, хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл, хафа бўлганида ички норозилик туйғулари ижобий ҳисларга қараганда ортиқча босим кучига эга бўлади. Бу эса ички секреция безлари гормонларининг ўзаро мувозанати бузилишига олиб келади. Эндорфин каби ўта фаол моддаларнинг ишлаб чиқарилиши кескин пасайиб, тушкунлик, кайфиятнинг бузилиши, ички нолиш, ҳаётдан беизиш, яшаш хоҳишининг ўта паст бўлиши, турмушда ўзининг эгаллаган ўрнидан қоникмаслик каби салбий ҳисларга сабаб бўлади. Агар бундай ҳолатлар узок вақт давом этса, гормонлар ва ўта фаол моддаларнинг қондаги ва тўқималардаги мувозанати бузила бошлайди. Гормонларнинг ўзаро меъерий таъсири издан чиқиши оқибатида тухумдонда тухумнинг шаклланишида номувофиқлик рўй беради. Алалоқибат унинг нозик тузилмаларидан бирида, баъзида эса хромосома оёқчаларида у ёки бу даражадаги силжиш, издан чиқиш содир бўлади. Бундай номеъерий ўзгариш тухум ҳужайрасида модда алмашинувининг бузилишига олиб келади. У ҳатто энг бақувват, энг ҳаракатчан сперматозоиддан уруғланган тақдирида ҳам ҳомиланинг ички аъзоларида норасолик вужудга келиши эҳтимоли юқори.

Меҳринисонинг фарзандидаги нуқсонлар бунга ёрқин мисол. Зеро, тухумдон ва тухумларнинг ривожланиш жараёни аёлнинг ўта стрессли кунларига тўғри келган эди.

Шукрки, кеч бўлса-да, Баҳриддиннинг кўзи очилди, севгисига содиқ қолиб, ўғли операция қилинаётган маҳалда Меҳринисога қувват ва таянч бўлди. Ота-онасининг қаттиқ қисташларига қарамасдан, Меҳринисодан бошқасини демади. Ниҳоят, ёшларнинг шижоати билан оила тикланди. Ҳозир уларга эски машмашалар бегона. Демак, оқилона ечим билан тўғри турмуш тарзи танланди. Аммо бунга бошидаёқ эришилганида норасида гўдак айбсиз жабр кўрмасдан, соғлом дунёга келган бўларди.

Эмбрион давригача бўлган тарбияга бугун дунё тиббиёти жиддий эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки у бўлажак фарзанднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий тарафдан мутлақ соғломлигини таъминловчи, белгиловчи асосий омиллардан биридир. Бу давр эса тухумнинг оналик тухумдонидан пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнидан бошланиб, то сперматозоид билан уруғлангунигача бўлган жараённи ўз ичига олади. Тухум сперматозоид билан уруғланган заҳоти эса эмбрион, яъни пушт вужудга келади.

Хуллас, эмбрион давригача бўлган тарбия бўлажак ота ва она тарафидан амалга оширилади. Она бўлишга тайёргарлик кўриш ҳайз тугаганидан сўнг бошланади. Худди шу пайтда тухумдонларнинг ўнг ёки чап тарафида тухумнинг етилиш жараёни бошланади. Бу жараён тўрт босқичдан иборат бўлиб, барча босқичлар бўлажак онанинг марказий нерв тизими назоратида кечишини, шунингдек, уларнинг ички секреция безлари томонидан ишлаб чиқариладиган гормонлар таъсирида ҳам ўзгариши мумкинлигини асло унутмаслик лозим.

Худди шу пайтда бўлажак онанинг ижобий ҳис-туйғулар таъсирида бўлиши айни муддао. Дарвоқе, мана шундагина унинг ички секреция безлари бир-бири билан мувозанатда ва келишган ҳолда, керакли микдорда гормонлар синтез қилиб беради. Бу эса кўтаринки кайфиятни пайдо қиладиган эндорфинларнинг ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади. Гормонлар ва эндорфинлар, ўз навбатида, тухумнинг тўғри ривожланиши, бекаму кўст шаклланиши, ҳар тарафлама мукамал ҳолатда етилишини тўлиқ қафолатлайди. Шундай ижобий муҳитда етилган тухум эса уруғлантирувчисини интиқ кута бошлайди ва аёл жинсий аъзосига тушган минглаб сперматозоидлар орасидан ўз деворларигача етиб келган кам сонли сперматозоиддан ҳам энг ҳаракатчан, бақувват ва соғломини танлаб, танасига киритиб олади.

Шу ўринда айтиш керакки, гормонлар ва эндорфинларнинг организмда етарли фаол бўлишини таъминлаш бўлажак она ихтиёрига берилган бўлиб, бу Аллоҳнинг буюк ва мўъжизакор иноятидир. Хўш, бу ҳаёдан қандай фойдаланмоқ керак?

Бу вазифани уддалаш учун бўлажак она бўлғуси фарзанди қандай кўринишда бўлишини, унинг қоматини, тийратини, ақлий камолотини тасаввур қилиб, кўз олдида гавдалантириши, унинг ва ўзининг бахти борасидаги орзу-истакларини хаёлидан ўтказиши зарур. Дейлик, олий ўқув юртининг муҳташам залида нутқ ирод этаётганини, муҳтож инсонларга ёрдам бераётганини кўз олдидан кино лентасидек ўтказиб роҳатланиши лозим. Қолаверса, уй-рўзғор ишларини бажариши, кундалик юмушларни уддалаши ҳам унга хурсандчилик, қувонч бағишлаши, шундай кунларга етганига шукрона айтиб, ўзини бахтиёр ҳис қилмоғи лозим.

Албатта, бундай ижобий муҳитни барпо қилишда қайнона, қайнота ҳамда турмуш ўртоғининг улуши, маънавий ва маърифий имдоди, туғилажак боланинг бахтиёр инсон бўлиб етишмоғи тўғрисидаги ғамхўрликлари муҳим аҳамиятга эга.

Қайнонанинг тўйдан кейин келинни ўз қизидай қабул қилиши, ўзаро илиқ муомала, самимий муносабат ҳурмат, айниқса, жуда керак. Қайнона келиннинг ҳар ишидан камчилик топиб ранжитавериш ўрнига оналарча меҳрибонлик билан, гоҳида ҳатто ҳазил-хузувоситасида унинг учун тўғри турмуш тарзини, чиройли муҳитни ярата олса, келиндан соғлом бола туғилишига мустаҳкам замин яратилган бўлади. Шунингдек, бундан истаган қайнота ҳам келинга «қизим» дея мурожаат қилиши, юзида табассум билан юмуш буюриши, яхши ва аъло бажарилган ишлар учун алқаш, ҳатто хато қилса-да, кўнглига заррача озор бермасдан, юмшоқлик билан тушунтириши лозим. Айниқса, бўлажак ота фарзандининг тўлиқ бахтли бўлмоғи учун бўлажак онага энг гўзал ташқи муҳит яратиши, келин ғурурининг топталишига заррача бўлса-да йўл қўймаслиги зарур. Токи бўлажак она ўз турмуш ўртоғининг кундалик қувноқ муомаласи, эркалаларидан қушдек учиб, дилкаш ва дилрабо оҳанглар қуршовида ҳаёт лаззатларидан тўлиқ баҳраманд бўлмоғи лозим. Ана шундагина унинг организмидеги тухум тўлиқ ва расо шаклланиб, уруғланишнинг интизорлик билан кута бошлайди.

* * *

Дилнуранинг орзулари ушалди. Олий ўқув юртини битиргач ўзи севган йигитга турмушга чиқди. Висолнинг энг гўзал онлари бошланди...

– Бегим, бўлажак фарзандимизнинг қандай инсон бўлишини ният қиласиз?

– Дилнурaxon! Буни сиз айтинг! Орзу-ниятларингизни эшитиб рўёбга чиқариш менинг вазифам эмасми?

– Менга қолса, биринчимиз қиз бўлса дейман. Чунки қўлидан иш келадиган бўлганида рўзғор ишларида менга ёрдам беради. Қизи бор уй саранжом-сарипта бўлади. Кейин, у бир соҳанинг олимаси бўлса...

– Тўғри айтдингиз, Дилнурaxon! Аввало, қиз ёки ўғил бўлиши Худодан. Ўғилми, қизми, энг муҳими, соғлом бўлсин. Соғ танда соғ ақл. Қани эди у мактабда аълочи, бошқаларга ўрнак бола бўлса... Олий ўқув юртига кириб тиришқоқлиги, билим олишга чанқоқлиги билан ном қозониб, катта ва обрўли илмий муассасада ихтиро ҳамда кашфиётлар қилса, катта олим, олима бўлса...

– Фарзандимиз Токио ёки Лондонда, Вашингтон ёки Парижда маъруза қиладиган куни самолётда бирга етиб борсак! Фалончи алломанинг ота-оналари деб аэропортда бизни тантана билан кутиб олишса...

– Илоҳим, шундай бўлсин-да!

– Гоҳида хаёлимда бир тасвир ҳадеб айланаверади – ўғлимиз Афинадан биз билан экран орқали кўзлари ёниб, юзида шодлик ифодаси билан гаплашади:

– Ойижон, дадам билан маслаҳатлашинг, мен сизларга денгиз бўйидаги дам олиш масканидан жой ҳозирлаб қўйдим. Аввал Суқрот, Афлотун, Арасту яшаган, ижод қилган манзилларни, боғларни кўрасизлар, зиёрат қиласизлар. Сўнгра денгиз бўйида маза қилиб дам оласизлар. Мени бу ерда Афлотун академиясига аъзо қилиб сайлашди. Бир ҳафтадан кейин академиянинг тантанали анжуманида илмий маърузам бор. Сизлар ҳам тингласангизлар девдим. Бу даданинг илмий ишининг давоми...

– Ҳа, менинг илмий ишларим коинотдаги қора туйнуклар билан боғлиқ. Ҳатто нурни ҳам ўзига ютадиган туйнуклар. Мен фикр қилдим: нур бир сонияда 300 минг километрдан ортиқ масофа босиб ўтади. Хўш, шундай катта тезликдаги нур қандай тарзда ютилади? Агар унинг ютилиши рост бўлса, демак, нур ўз йўлидан оғиши, эгилиши, ҳатто тўхтаб қолиши мумкин экан-да! Агар шундай бўлса, нурни сониянинг қайсидир бир бўлагигача муддатга бўлса-да тўхтатиш иложи топилса, ўзга Галактикада яшовчилар билан бемалол алоқага киришиш мумкин. Бунинг учун нурнинг Морзе алифбосига ўхшаш ҳарфларини яратмоқ лозим. Демак, фарзандларимиз мана шундай оламшумул эзгу ишларнинг давомчилари бўлишаркан-да...

– Ҳа, бўлишади! Япониялик мутахассислар яратган робот ёрдамида инсонда жуда мураккаб операция амалга оширилибди, яъни меъдаости беши кўчириб ўтказилибди. Роботлар мукамал дастур асосида жуда нафис ва нозик ишларни ҳам бекаму кўст бажаради-да, ахир. Бундан бир неча ой аввал илмий журналларнинг бирида ўқидим: Франция ва Америка жарроҳлари ўт халтасини олиб ташлаш амалиётини видеоалоқа ёрдамидаги ҳамкорликда бажаришибди. Айтиш ва қабул қилиш ўртасидаги вақт атига 0,3 секундга тенг. Демак, телехирургия йўналишидаги тиббиёт бошланибди. Насиб бўлса, илоҳим, шундай бўлсин, бўлажак фарзандимиз мана шундай кашфиётлар ичра жавлон уради.

– Балки, фарзандимиз Марсга чиқувчи олимлар орасида бўлар-а?! Ўша ердан туриб Марснинг ажойиб манзараларини бизга намоиш этса-я!

– Ҳақиқатга жуда яқинлашдингиз, дадаси!.. Вой-й... Сизни энди шундай, «дадаси» деб чақирсам майлими-и?..

– Ҳа, «дадаси» деяверинг, менга ҳам шуниси ёқади, онаси...

Иккала ёш ана шундай шўх кайфиятда, чақчақлашганча, бахтдан сармаст бир-бирларининг пинжигига тикилишади...

Асал ойини гўзал тарзда ўтказаётган бахтли жуфтлик кун ва туннинг қандай алмашганини ҳам сезмай, чексиз бахтнинг этагидан маҳкам ушлаган ҳолда илмий баҳс ва мунозаралар қилишарди. Шундай кунларнинг бирида Дилнуранинг бўйида бўлди...

– Ойижон! Рўзгор ишлари билан шуғулланиб ўзингизни уринтириб қўяяпсиз! Мен ҳам сизга ёрдамлашай, рухсат беринг!

– Қизим! Сенга фақат енгил-елпи ишларга рухсат бор, холос. Ана, шўх-шодон куй, ашулалар эшит, ўзинг хиргойи қил. Эътибор қилсам, «Алпомиш» достонини ўқиётганингда овозинг мунг сезилди. Унақа қилма, ўктам товуш билан ўқигин...

– Ҳа, Барчинойнинг изтироблари баён этилган сатрларни ўқиётганимда ўзим билмаган ҳолда...

– Йўқ, барибир, унақа қилмагин, товушингда ўктамлик яққол сезилиб турсин. Ўзинг ҳам зерикма, қорнингдаги болани ҳам зериктирма. Физиканинг қонунларини ҳам овоз чиқариб ўқи. Дўхтир бўлсанг ҳам физиканинг қонунларини билсанг зарар қилмайди, фойдаси тегади. Дўхтирликни физикавий билимларни инобатга олган ҳолда олиб борсанг, неварамиз ҳам бирон-бир кашфиёт эгаси бўлиши мумкин, Худо хоҳласа...

– Ошириб юборасиз-да, ойижон! Одамни уялтирманг, у ҳозир физика қонунларини тушунармиди?

– Тушунади, болам, тушунади! Миясининг хужайралари зарядланади, завқланиб, рағбат олади, қизим! Натижада унда физика фанига ҳавас эрта уйғонади.

– Унда дostonларни нега товуш чиқариб ўқишим керак?

– Эҳ, қизима-а, маърифати етарли бўлмаган инсон ҳеч

қачон етук физик бўла олмайди. Миллий ғурур ҳам бўлиши керак-ку, ахир!

– Майли, ҳам физик, ҳам филолог бўла қолсин! Сиз ютдингиз, ойижон! Масала сизнинг фойдангизга 2:0...

Иккаласи хандон отиб кулишди.

... Йиллар бир-бирини қувлаб ўтаверади... Кўз очиб-юмгунларича Америкадан хушxabар келди – ўғиллари, ўзбекистонлик етук олим Америка фанлар академиясининг хақиқий аъзолигига сайланибди!..

* * *

Бўлажак отанинг фарзандни бино қилишга тайёргарлиги ҳам тўй кунидан анча аввал бошланмоғи шарт. У, энг аввало, тўйгача спиртли ичимликлар ва унинг аралашмаларидан мутлақо воз кечиши (умуман татиб кўрмаслик яна ҳам яхши), организмга қувват берувчи лаззатли таомлардан тановул қилиб юриши, шодлик ва севинч оғушида, бахтли турмуш орзуси билан маст бўлиши керак.

Эркакларнинг уруғдониди икки хил хужайра мавжуд. Шарко Лейдиг хужайралари жинсий майл ва қувватни белгиловчи тестостерон гормонини синтез қилиб, қонга чиқаради. Сертолли хужайралари эса тирик, ҳаракатланувчи, ер юзиди инсон наслининг бардавомлигини таъминловчи сперматозоидларни вужудга келтиради.

Сертолли хужайраларининг расо ривожланиши ички секреция безлари, асосан миянинг ўрта қисмида жойлашган гипофиз томонидан қонга ишлаб чиқарилган гормонлар орқали назорат қилинади. Ана шу гормонларнинг керакли даражада ва мутаносиб равишда синтез қилиниши учун эса етарли миқдорда оқсиллар, минераллар, витаминлар каби қурилиш материаллари талаб этилади. Мана шу материаллар организмда тақчил бўл-

са, гормонларнинг гипофизда синтез қилиниши тўлиқ амалга ошмайди. Шунинг учун ҳам бўлажак ота қувват берувчи ҳар хил таркибга эга бўлган таомларни истеъмол қилиши лозим бўлади.

Сертолли хужайраларининг кислородга бўлган талаби мия пўстлоғи қисмидаги энг фаол хужайраларники кабилар. Улар қоннинг меъерий таркибидаги ўзгаришига ўта сезгир бўлади.

* * *

Лазиза ўрнидан ҳар доимгидек эрта турди. Енгилгина бадантарбия билан шуғулланиди-да, ювиниб бўлгач пардани суриб, дераза табақаларини очди. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Дили яйради. Узоқдаги залворли тоғ тизмаларига суқланиб боқар экан, ўзини худди тоғнинг сўқмоқларида сайр қилаётгандек сизди...

... Атрофда баланд ўсган ўтлар ва гуллар ранг-баранг товланиб, ҳатто диди ўта ўтмаслашган инсоннинг ҳам ҳавасини келтирадиган даражада ажиб бир гўзал манзара ҳосил қилган. Унга ҳайратланиб боқар экансан, қалбининг энг тўрида карахтланиб ётган ҳис-туйғуларни ҳам қайта уйғотиб, нозик тебратади. Хув, ўнг томондаги чўққининг тубидан чиқиб шалдираб оқиб келаётган жилғача катта-кичик тошлару харсангларга тўлқинларини уриб, уларнинг завқини келтирмоқчидек гўё. Аммо гунг ва соқов тошларнинг парвойи палак, кундузи қуёшга баданларини тоблаб, кечаси эса юлдузларга тикилиб узундан-узоқ хаёллар суришни ўзларига касб қилиб олганлар. Улар ўзларининг туйғуларини ҳеч кимга очмас, изҳор қилмас, шу сабабданми, булутлар ҳам уларни томчилари билан аямай саваларди. Кошки, улар парво қилса... Гулларнинг тақдири ўзгача. Гуллар инсоннинг хушрўйликка бўлган ҳавасини

қондирмоқ учун ҳар хил рангларда, гўзалликнинг нозик либосларига бурканган ҳолда қуёш ёғдусида товланишади. Бироқ уларнинг биринчи ошиғи капалаклар. Улар бир-биридан гўзал рангли гулларнинг қай бирини танлашни билмай, унисидан бунисига кўчиб, охири ҳориб-чарчаганча қанотларини тушириб, ерга бағир бериб, ўрмалаб қолишади. Шалдираб шўх оқаётган жилғанинг шундоққина ўнг тарафидаги бесўнақай харсанг ёнидан бўй чўзиб чиққан қизғалдоқнинг қизиллиги кулранг харсангда ҳам шундай инжу рангда аксланадики, бу образни дунёнинг энг зўр рассоми ҳам тасвирлаб бериши амримаҳол. Шу маҳал тўсатдан эсан қаттиқ шамол қизғалдоқнинг чиройли гулбарглари юлиб, аллақерларга учириб олиб кетди. Энди унинг фақат бир парчасигина кулранг харсангга ёпишганича дирдирарди...

Кўзини юмганча бу тасвирлар ичра сайр қилаётган Лазиза бу ҳолдан «Оҳ!» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Худди ҳаммаси кўз ўнгида рўй бераётгандек, қалтираганча кўзларини очди. Кўнглининг тўрида аллақандай тушуниб бўлмас, қуюқ туманли хавотир пайдо бўлди. Шу пайт инграган товуш эшитилди. Бу эрининг овози эди. Лазиза дераза табақаларини шоша-пиша ёпдию меҳмонхонанинг эшигини шахт билан очди.

Бош томонида нуқра ойнаси бор юмшоқ диван устида ётган эрининг танаси қалтирар, оёқ-қўллари учиб тушар, ўзи эса тушунарсиз гўлдираб, ўнг қўли билан ниманидир қидирарди. Ҳуши ўзида эмасдек эди гўё. Чап қўли тирсагининг ички тарафидан қон сизиб турар, унинг томчила-ри атлас кўрпанинг қизил ранг тасвири устидан оқиб тушиб, оқ рангли гул баргини қизилга бўяшга улгурганди. Лазиза бу ҳолни кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Бақирай деди-ю, аммо овози чиқмасдан, тиззаси қалтирай бошла-

ди. Танасидаги мадор товонидан чиқиб кетгандай туюлди. Ҳолсизланиб, эшик табақасига суюнганича чўккалаб қолди. Эрининг танасидаги қалтироқ кучаяётганини кўз олдини қоплаган туман орасидан базўр кўрди-да, диванга қараб талпинди. Ирода бор кучи билан оёқларини судраганича олдинга қараб икки қадам босган ҳам эдики, кўз олди қоронғилашиб, боши айланиб, қўлини диван тарафга чўзганича, тиззалари майишиб, ёнбошига йиқилди. Йиқилаётиб: «Сизга нима бўлди?» – дея олди синиқ ва заиф товушда. Сўнг сал ўзига келиб, диван тарафга эмаклаган эди, ўнг тиззасига бир нарса қаттиқ санчилди. Тиззасини ушлади. Санчилган нарса игнаси қайрилган шприц эди. Игнанинг учи қон, шприц ичида эса озгина хира дори борлигини кўрди. Кўнгли бирон хавfli ҳол содир бўлганини фаҳмлади ва жон-жаҳди билан эри томонга талпинди:

– Сизга нима бўлди?! Кўзингизни очинг, титрашингиз қолдимми? Нега баданингиз совиб кетибди?!

Эрининг кўзини очганини кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлди. Бироқ унинг қараши маъносиз, кўз соққасининг гоҳ тепадаги, гоҳ пастдаги оқи кўринар, қорачиғининг ташқи тарафи қизарган, кўз соққаси эса гоҳ чапга, гоҳ ўнгга айланарди...

Бу ҳолни бироз кузатган Лазиза эрининг аҳволи яхши эмаслигини тушунди-да, унинг ўнг билагини ушлаб, томирини пайпаслади. Аммо топа олмади. Хаёлига лип этиб бир фикр келдию қулоғини эрининг чап томон кўкраги устига қўйди. Юрак гупуллаб урарди. Лазиза унинг юраги тез ураётганидан севинди, сўнгра кўкракларини икки қўли билан ишқалай бошлади.

– Жоним, сизга нима бўлди?!

Кафтлари орасига эрининг юзини олиб, йиғламсираб сўради:

– Ўзингизга келдингизми? Қаттиқ шамолладингизми ёки грипп тегдимикан?

Жонрид юзини девор тарафга бурди-да, ўнг қўлини ярим кўтариб, аста силкитди:

– Ломка... Ҳеч кимга айтма. Уйдагилар хавотир олади. Тез кунда бутунлай тузалиб кетаман.

Лазиза бу гаплардан эрини «ломка» деган касалликка ча линган деб тушунди. «Бечора бошқаларни овора қилмасли учун дорисини ўзи тошиб, ўзига ўзи укол қилибди. Касби тиббиётга ҳеч алоқаси бўлмай туриб ўзига ўзи укол қилгани ни-чи! Жасоратли экан-да менинг қувончим...» Лазиза ўйлаб экан, эрининг устига атлас кўрпани аста ёпиб, жингалак қор сочларини меҳр билан силаб қўйди. Эри тайинлаганидек унинг «ломка» касали тўғрисида ҳеч кимга демади.

Шундай ҳолат яна такрорланганидагина Лазиза юра ютиб насиҳат қилган бўлди:

– Мега қаранг, касалингизни ўзингиз даволай олмайётганга ўхшайсиз. Ахир дўхтир бўлмасангиз. Балки, нотўғри даволаётгандирсиз. Шифохонага ётсангиз тезроқ тузалар мидингиз. Дард томир отиб кетмасайди!

– Сенинг ишинг бўлмасин. Бунга ақлинг етгунича ҳал анча бор. Агар бу тўғрида отамга ё онамга айтсанг, ўш куни сенинг гўштингни ейман.

Жонрид бу сўзларни шундай жаҳл билан айтдики ҳатто ота-онасидан ҳам бундай сўзларни эшитмаган Лазизанинг қалб тўрида оловли шар портлагандай бўлди. Унинг бир парчаси эса томоғига тиқилди. Бир неча боқаттиқ-қаттиқ ютинди. Аммо у ўтиб кетмади, аксинча ҳаво етишмаётгандек нафас олиши қийинлашди. Қўл олди қоронғилашиб, боши айланиб, йиқилди. Аммо Жонрид унга ёрдамга шошилмади. Тўйгача икки йил давомида Лазизанинг бир оғиз ширин сўзига маҳтал бўли

эргашган, «розиман» деганини эшитганида еттинчи осмонга чиқар даражада қувонган, унинг нозик бармоқларини ушлаш бахтига муяссар бўлганида ўзини дунёдаги энг бахтли инсон деб билган йигит энди шу гулини эзгилагандан баттар қилди – чап ёнбошига йиқилиб ётган Лазизага бироз қараб туриб, «дура» деганича бепарволарча хонадан чиқиб кетди...

Шу воқеадан кейин ҳам Лазиза Жонридга нисбатан ширин муомаласини ўзгартирмади. Аммо ўзининг кайфияти йўқ эди. Буни илғаган қайнонаси бир куни авайлабгина сўради:

– Қизим, нимадандир ташвишинг борга ўхшайди. Биламан, иккиқатсан, бироқ бундай сўлғин юришинг фақат бошқоронғилик белгисига ўхшамайди. Ишқилиб, тинчликми, қизим?

Лазиза сал каловланиб турди-да, сўнг дардини ёрди:

– Ўғлингизнинг «ломка» касали ўтиб кетмаяпти. Хуруж қилиб қолганида ўзига ўзи укол қилади. Ёрдам бера олмайётганимдан хижолат бўлиб ўзимга ўзим аччиқ қиламан. Аммо, ойижон, ўғлингиз буни ҳеч кимга айтма деганди! Сўраганингизга...

... Бу ёғи ўзингизга маълум: нега бундай бўлдинг, сенга нима етишмаётганди, еганинг олдинда, емаганинг кетингда бўлса, тагингда машина, сенга яна нима керак эди? Севган қизингни олиб берган бўлсак. Бу сабилга қачон ўргана қолдинг? Энди бошга битган бало бўлдинг-ку!..

... Куёвтўранинг қора қотилдан азият чекиб юргани камлик қилгандай, унинг зарари фарзандига ҳам урди. Дунёга умид билан келган чақалоқнинг қорнидан жигари, талоғи чиқиб қолган, ичаклари ҳам ташқарида эди. У аранг нафас оларди. Шифокорларнинг барча чора-тадбирлари бу оғир норасолик олдида ожиз қолди: гўдак бу дунёда бор-йўғи 24 соатгина нафас олди, холос...

Мана, яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Келинг, энди шу ҳолатга тиббиёт нуқтаи назаридан баҳо беришга ури-
ниб кўрайлик.

Лазиза келин бўлиб тушганининг илк дамлариданоқ б
хонадонда эъозланди, кўнглига қарашди, меҳр кўрсатиш
ди. Чунки у яккаю ягона севимли фарзандларининг севик
ли ёри, севикли келинлари эди-да. Тўйдан икки ой ўти
келинининг бўйида бўлганини билган қайнона неварал
бўлиш орзусида қанча-қанча кечаларни ширин орзулард
уйқусиз ўтказди, яхши ниятлар, ширин орзулар, улуғ ма
садлар уммонида сузди. Аммо...

Ҳа, ҳаммаси бир кунда, бирданига, тўсатдан чиппақ
чиқиб турибди. Гап шундаки, Жонрид «жаноби олийлари
тўйгача захри қотил билан организмни заҳарлаб улгур
ган эди. Қорадори билан тўйинган организм эса бу захр
қотилнинг қондаги миқдори тобора ортиб бораверишин
хоҳлайди. Оқибатда қорадорининг игна билан қонга ту
шириладиган миқдори аста-секинлик билан ортиб бора
веради. Бошқа илож қолмайди. Мабодо шу «доза» вақтид
организмга тушмаса, бадан тиришиб, мушаклар қисқариб
тананинг барча соҳасида тортишган, зирқираган оғри
пайдо бўлади. Титроқ кучайиб, нафас олиш тезлашади
юрак бесаранжом ура бошлайди. Энди организмга захр
қотилдан аввалгидан сал кўпроғи киритилмаганича б
азобли, даҳшатли ҳолат давом этаверади. Бу инсоннинг
фожиаси. Мана шу фожа эса, агар у оилали бўлса, бошқ
беғуноҳ инсонга ҳам «ҳадя» этилади.

Сертолли ҳужайралари қондаги меъерий бирикмалар
хос бўлмаган моддаларга жуда сезгир. Шу сезгирлик нати

жасида патологик, яъни меъерга хос бўлмаган ўзгаришлар
тезда ва турғун равишда пайдо бўлади. Бу ҳол сперматозо-
идларнинг тўлиқ ва расо шаклланмаслиги олиб келади.
Бундай ёмон таъсирлари бўйича қорадори, яъни наркотик
моддалар биринчи ўринда туради.

Яна таъкидлаш жоизки, сертолли ҳужайраларининг фа-
оллиги марказий нерв тизимининг ҳолати билан чамбар-
час боғланган. Шу сабабли ҳам бўлажак отанинг руҳий ҳо-
лати сперматозоидларнинг сони, катта-кичиклиги, боши,
танаси, думи ва кучига таъсир қилиб, пировард натижада
уларнинг қанчалик ҳаракатчан бўлишини таъминлайди.
Руҳий ҳолат қанчалик ижобий бўлса, сперматозидларнинг
сифат ва хусусиятлари шу қадар баланд бўлиши муқаррар.

Тасаввур қилинг, эр кишининг 1 мл шахватида 200 – 400
миллион донагача сперматозоидлар бор. Уларнинг 60 – 70
фоизи фаол бўлади. Аммо атиги 1 ёки 2 таси, баъзи ҳол-
лардагина 4 – 5 тасигина тухумгача етиб боради. Қолганла-
ри эса йўлда ҳалок бўлади. Тухумга етиб борганларининг
энг қудратлиси, фаоли, кучлиси тухум пардасини тешиб,
унинг ичига кира олади. Аммо энг охириги кучини сарфлаб,
манзилга аранг судралиб борган сперматозоид нимжон
бўлса тухум пардасини теша олмайди. Оқибатда уруғлан-
тирувчисини илҳақ бўлиб кутаётган, аммо бу бахтдан бе-
бахра қолган тухум қон йиғилайди ва бу ҳол ҳайз кўриш
тарзида намоён бўлади.

Айтилганлардан хулоса шундай: эр киши ҳаракат-
чанлиги сақланган, қуввати етарли сперматозоидларни
вужудга келтирмоқ учун жимо пайтигача мунтазам ра-
вишда мақсадли шуғулланмоғи, унинг ҳам жисмонан,
ҳам ақлан соғлом бўлиши ўзидан расо фарзанднинг ду-
нёга келишига сабабчи бўлишини ҳар лаҳзада ҳис этиб
турмоғи зарур.

... Хушвақт ўз севгани билан унаштирилганидан ғоятда хурсанд. Тўй куни ҳам яқинлашмоқда. Ўз севганига етишгани, тўй куни ҳам ўзи хоҳлаган баҳорнинг айни кўклар пайтига белгилангани, айниқса, обрўли, нуфузли газетада иккита шеъри чоп этилгани уни ғоятда вақтини хуш қилди. Мана шу қувонч онларини у ўртоқлари билан ресторанда нишонлади. Уйга ширакайф бўлиб қайтган ўғилнинг холи отани сергаклантирди:

– Ўғлим! Бу юриш сенга ярашмайди. Яқинда тўй Ичкилик ичиб гўшангага кириш катта гуноҳ. Сен фақат ўзингни ўйлама. Келиннинг, қайнона, қайнота, ота-онангнинг тинчлигини ўйлашга, келажак борасида тўғри фикр юришиб, шунга яраша ҳаракат қилишга масъулсан. Аммо ҳозир сен бу ҳақда мутлақо ўйламаяпсан!..

Аммо Хушвақт тажрибали отанинг чин дилдан айтилган бу сўзлари мағзига, барибир, етиб бормаган эди. Шу боис яна анчагача вақтини «базми жамшид»да ўтказиб юраверди. Тўйга атиги беш кун қолганидагина ўзича висол оқшомига тайёргарлик кўрган бўлди...

... Кундан кун, ойдан ой ўтиб ўғил фарзанд туғилди. Минг афсуслар бўлсинким, бир-бирларига узукнинг кўзидай ярашган алп қоматли Хушвақт ва сарвиқомат Наргизларнинг ўғил фарзанди кўзлари ғилай, юмшоқ танглайли ва юқори лаби иккига айрилган (қуёнлаб) эди.

Хушвақт ўғлини кўрдию отасининг гаплари нечоғлиқ ҳақиқат эканини тан олиб, бошини эгди. Онаси: «Мана севганингнинг аҳволи! Жуда «қадами қутлуғ» келди», – дедлар зардали киноя қилганида яраланган қалби баттар азобда қолди...

Ана энди фикрингизни кенг қилинг, азиз биродар, бу фарзанднинг норасо туғилишига ким сабабчи, ахир? Хушвақт висол онларига тайёргарликни тўйдан атиги беш кун олдин бошлаган эди-ку! Балки, бу наслга боғлиқдир, айб келин томонда бўлиши ҳам мумкин-ку деб ўйлаётган бўлсангиз ҳам ажабланарли эмас. Аммо Наргиза ҳам, Хушвақт ҳам тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтган. Наргизанинг ота-она қариндошлари орасида ҳам соғлиқлари борасида ҳеч ким шикоят қилмаган.

Уруғдонларда сперматозоид ишлаб берадиган илк хужайралар – гоноцитлар то этилган сперматозоидларга айлангунигача бўлган давр 4 босқичдан иборат бўлиб, 72 кунга тенг. Шу жараёнда руҳий мувозанатнинг бузилиши, наркотик оғуларнинг қабул қилиниши, спиртли ичимликларга ружу қўйилиши, ҳар хил кучли таъсир қилувчи синтетик дориларнинг организмга киритилиши ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бу таъсир даражаси қанчалик юқори бўлса, сперматозоидлардаги патологик ўзгаришлар, яъни нуқсонли жиҳатлар шунчалик кўп бўлаверади.

Хуллас, Хушвақтнинг отаси минг марта ҳақ эди. Соғлом фарзанд истагида қўшилиш учун қалбни, руҳни тўйдан энг камида 72 кун аввал тайёрлай бошламоқ керак. Чунки гонат хужайралари (сперматазоидларнинг энг бирламчи хужайралари) 72 кун ичида тўлақонли сперматозоидга айланиб, ўз маконини тарк этиб, уруғ йўлига тушади. Сперматозоидлар ҳосил бўлишининг ушбу 4 босқичли даврида инсон шодлик ва қувонч ҳисларига кўмилиб, қонида гормонлар ва эндорфинларнинг миқдори тўлиқ, нисбати расо, сифати аъло бўлиши керак.

Хушвақтнинг организмда эса тўй бўлиб, висол онлари бошланган пайтгача «базми жамшид»лар туфайли ўта

нозик сперматозоидлар тузилишида меъёрга хос бўлмаган ўзгаришлар содир бўлган. Жуфтини илҳақ бўлиб кутаётган тухум ўзгаришга учраган сперматозоидлардан бирини ўз танасига қабул қилган. Тухумда танлаш имконияти бўлмагани сабабли чорасиз қолган бўлиши ҳам мумкин. Агар битта эмас, беш-олтита сперматозоид етиб бориб, тухум олдида: «Қани, танла, қай биримизни қабул қиласан?» – дея талашиб турганида эди, тухум улардан қувватлиси ва энг фаolini танларди, албатта. Шўрлик сперматозоидларнинг атиги битасигина мунғайиб, ялиниб етиб бориб турган бўлса, бечора тухум нима қилсин?!

Ушбу ёзилганларни ўқиётганингизда тухум ва сперматозоидларда ҳам фикр қилиш, хулоса чиқариш қобилияти бордек тасвирляпсиз-а, лоф ҳам эви биланда дея ўй-хаёлга берилган бўлсангиз керак. Аммо мен романтика қилаётганим йўқ, ростдан ҳам хужайраларда информация қабул қилиш хусусияти мавжуд.

Олимлар қизиқ тажриба ўтказишган. Бир қутига бир хил тузилишга эга икки гуруҳ хужайралар жойлаштирилган. Шаффоф тўсиқ билан гуруҳлар ўртаси ажратилган. Тажриба даврида улар бир хил овқатлантирилган. Биринчи гуруҳ хужайраларига рентген нурунини камгина дозаси билан таъсир этилган. Орадан бир неча кун ўтгач нурлантирилган хужайралар нобуд бўлган. Бир неча соатдан кейин эса иккинчи гуруҳ хужайралар ҳам ўла бошлаган, пировардида барчаси тириклик нишонасини йўқотган.

Иккинчи мартасида тажриба бирмунча ўзгартирилган, яъни нурлантиришдан олдин иккала гуруҳ орасига қалин қора тўсиқ ўрнатилган. Натижада эса нурлантирилган хужайралар жон таслим қилганларидан кейин ҳам иккинчи гуруҳ хужайралари бемалол яшайверган. Бу шундан далолатки, биринчи тажрибада нурлантирилган

хужайраларнинг азоб билан қийналиб ўлаётгани ҳақидаги информация шаффоф тўсиқ орқали нурлантирилмаган хужайраларга ҳам ўтади ва бундай мудҳиш қийноқ азоби уларга ҳам таъсир қилиб, нобуд бўла бошлашади. Иккинчи тажрибада эса ахборот алмашишнинг иложи бўлмаган, қалин қора парда информациянинг йўлини тўсган.

Энди бундан ҳам қизиқроқ, бироқ тиббиёт олдида келажакда кескин ва долзарб муаммолардан бирига айланган фактни шарҳлашга ҳаракат қилайлик. Яъни, барчага маълумки, микроблар қўзғаган яллиғланиш касалликлари (масалан, ўпка шамоллаши, пневмония, чипқон, суюкнинг йирингли яллиғланиши, остеомиелит ва шунга ўхшашлар) барчага маълум. Яллиғланиш касалликлари антибиотиклар (тетрацилин, бициллин, аугментин ва бошқалар) билан даволанади. Антибиотиклар бу микробларнинг ўсиб, ривожланишини тўхтатадиган (бактериостатик), баъзи ҳолларда уларга қирон келтирадиган (бактерицид) органик моддалардир. Илк марта пенициллин антибиотици ёрдамида минглаб, миллионлаб беморлар ўлим тўшагидан қутқарилган. Аммо вақт ўтиши билан микробларнинг шу антибиотикка сезгирлиги тобора пасайиб бораверди ва бугунга келиб унинг бактериостатик таъсири мутлақо йўқолди. Шу сабабли олимлар пенициллин ўрнига ундан кучлироқ таъсирга эга бўлган иккинчи бўғин антибиотикларни яратдилар. Ҳозирги пайтда эса яллиғланиш хасталикларига қарши учинчи бўғин антибиотиклари қўлланилмоқда. Табиий савол туғилади: нега энди аввалги антибиотиклар касалликни даволашга ярамай қоляпти?

Келинг, ҳурматли ўқирман, тушунарлироқ бўлиши учун гапни пенициллин антибиотигининг кашф қилиниши тарихидан бошлайлик.

Шотландияда Александр Флеминг деган врач яшар эди. Унинг врачлик мақомига эришганлигининг ўзи бир қизиқ тарихий воқеа. Дехқон ўз даласидан ҳориб-чарчаб уйи томон яқинлашганида «Ёрдам беринглар!» деган астойдил ялинган қичқириқ эшитилди. Дарҳол йўлини ўзгартириб, эмранган товуш чиққан томонга етиб борган дехқон қарасаки, 8 – 10 ёшлардаги бола ботқоққа чўкяпти. Дехқон тезликда шох-шаббалардан териб, уларни узунасига бир-бирига тутиб боғлаб, ботқоқнинг ифлос ва бадбўй лойқа сувини ютай-ютай деб, аранг нафас олаётган болага ташланади. Бола ҳам охирги кучини йиғиб, шохнинг бир учини аранг ушлади. Дехқон шохларнинг бир-биридан узилиб кетмаслиги учун бор маҳоратни ишга солиб, авайлаб-авайлаб шох арқонни тортиб, болани ботқоқнинг қўли етар четига олиб келди-да, энди уни қўллари билан узалиб ушлаб, кўнгил айнитар ҳид таратаётган ботқоқнинг чангалидан, бандилигидан халос этди.

– Юр, ўғлим, уйимиз яқин, уст-бошларингни тозалаб ўзинг ҳам илиқ сувда ювинасан. Қалтироғинг ҳам босилади.

– Йўқ! Раҳмат! Отам мени интизорлик билан кутаётган бўлса керак...

Бола шундай дея уст-бошидан анқиб турган балчиқни қўли сидириб, қоқиб-қоқиб туширди-да, югуриб бирпасдан кўздан ғойиб бўлди.

Эртасига эрталаб дехқоннинг уйи рўпарасидаги безатилган извош келиб тўхтади-да, бежирим ва ўзига ярашган кийим билан безанган кибор (деҳқоннинг дастлабки таъбирича) извошдан тушди.

– Кеча менинг боламини ботқоқдан чиқариб олган сен бўласанми?

– Ҳа, менман.

– Мен сендан қарздорман. Жуда яхши инсон экансан. Ўғлимни ўлимдан қутқардинг. Тила тилагингни!

– Менга ҳеч нарса керак эмас, лорд жаноблари...

– Бойлиги ўзига етарли одамман. Қанча десанг ҳам майли...

– Сиз мени хафа қиляпсиз, жаноб. Мен ўз виждонимга яраша иш қилдим, холос.

– Қанча керак бўлса, мендан сўрамайсанми.

– Агар яна бир бор бу тўғрида гап очсангиз, сиздан жуда хафа бўламан.

– Қизиқ одам экансан-ку! Ёнингда турган ўғлинг бўлса керак?

– Ҳа, ўғлим.

– Сенга шундай таклиф бор. Ўғлингни менинг ихтиёримга бер. Мен уни Лондонда ўқитаман. Барча сарф-харажатлари мендан. Сен бу тўғрида мутлақо ўйлама.

Дехқоннинг бунга кўнмасдан иложи қолмади. Мана шундай бахтли тасодиф туфайли дехқоннинг ўғли машҳур олимга айланди. Ботқоқнинг ифлос чангалидан халос этилган бола эса инглиз ҳукумати узоқ йиллар бошқарган Уинстон Черчилл (1874 – 1965) эди.

Ажойиб! Яхшилик қилишнинг шарофати эзгу ниятларнинг бахтли онларга сабаб бўлишини тарихий далиллар ҳам тасдиқламоқда. Энди А.Флеминг врачлик фаолияти тўғрисидаги ҳикоямизни давом эттирайлик.

У ҳарбий шифокор бўлиб ишлаб юрган пайтида уруш бошланиб қолади. Урушда эса ярадорлар кўп. Аммо уларнинг жароҳатига яхшилаб ишлов берилиб, микробларни ўлдирувчи эритмалар билан ювилиб, обдан тикилса ҳам, барибир, бир неча кундан кейин жароҳат яна йиринглайверган. Ярадорлар иситмаси кўтарилиб, алаҳлаб, оқибатда нобуд бўлаверишган...

Операция яхши ўтган бўлса, жароҳат рисоладагидек тозаланган, нега ахир оддий яллиғланишдан ҳам ярадорлар нобуд бўлишмоқда деган савол шифокорни қийнаш бошлайди. Бу эса уни бактериология фани билан шуғулланиб, унинг сирларини очишга ундади.

А.Флеминг 1920 йилларга келиб анча тажрибали бактериолог сифатида шуҳрат қозонди. У илмий тажрибаларини тиришқоқлик билан давом эттирарди. Аммо унинг бир камчилиги бор эди: Яъни саранжом-сарипталикда нуқсонларга йўл қўяр, баъзида унга мутлақо эътибор бермасди. Бир куни Петри косачасига озукани текис жойлаштириб, бактерия аралашмасини экди (Одатда, бактериялар ўрганиш учун Петри косачасига экилади. Махсус озукани улар кўпайиб, колониялар ҳосил қилади)... Худди шу маҳал у қаттиқ аксирди. Бу пайтда оғзидан отилиб чиққан сўла заррачаларидан ҳали оғзи ёпилмаган Петри косачаси ҳам бенасиб қолмади, албатта. Бошқа биров бўлганида тажрибанинг натижасига таъсир қилмасин деб Петри косачасидаги озукани ҳам, бактерия аралашмасини ҳам тўқиб ташлаб, косачани тозалаб, стериллаб, бактерия экишни қайтатдан бошларди. Бироқ Флеминг одатдаги эътиборсизлигини қилди. Бир неча кун ўтгач худди шу Петри косачасини кўлига олса, бу косачанинг баъзи бир жойларидан бактериялар колония ҳосил қилмасдан ўлган эди. А.Флеминг синчков ва талантли бўлгани худди шу ерда асқотди. Бактерияларнинг ўлганига сабаб тагин менинг сўлақларим эмасмикан деган фикрда текширишларни бошлади. Натижа эса тезда ўзини кўрсатди: сўлакнинг таркибиде лизоцим деган табиий фермент бўлиб, у бактерияларнинг қобилигини парчалаб, ўзини эритиб юборар экан.

Бу кашфиёт 1922 йили бўлган эди. Бироқ лизоцим ферменти касаллик чақирмайдиган бактерияларгагини

таъсир қилар, касаллик чақирадиган ҳолга келганида эса уларни эритиб юбориш хусусиятига эга эмас экан. Бироқ бу нарса А.Флемингга касаллик чақирадиган бактерияларга қирғин келтирадиган воситани излашга туртки берди. У кечаю кундуз тиним билмасдан ишлади. Вақтини қизганиб то стерилланган Петри косачалари қолмагунича тажриба ўтказилган косачаларни ювмасди. 1928 йилнинг август ойида у дам олишга жўнаганида ҳам ўша ювилмаган косачалар ювиқсиз қолиб кетди. Тадқиқотчи дам олишдан қайтиб келгачгина моғор босиб кетган Петри косачаларини ювишга киришди. Аммо... уларнинг бирида стафилококлар кўкармаган, балки ҳаммаси ўлган эди!

А.Флемингнинг мияси яшин тезлигида ишлай бошлади. У бир куни қўшни лабораторияга чиқиб, у ердаги ўрганилаётган моғорни кўл бармоғи билан роса эзғилаган эди. Сўнгра кўлини ювмасдан Петри косачасига стафилококк микробларини экканди. У дарҳол қўшни лабораторияга ўтиб, бу моғорнинг пенициллин хилига тегишли эканини аниқлади ва ўз тажрибаларини шу йўналишда давом эттирди.

Дунёда биринчи марта пенициллинни ўзида синаб кўрган инсон А.Флемингнинг шогирди Стюарт Фреддок эди. У анча йиллардан бурун суякларининг икки ёнбошига жойлашган Гаймор бўшлиғининг йирингли яллиғланиши – гайморитдан азоб чекарди. Шу бўшлиққа бир марта киритилган пенициллин эритмаси уни бу дарддан бутунлай халос қилди. Шу тариқа антибиотиклар эраси бошланди. А.Флеминг эса пенициллиннинг кашфиётчиси сифатида Нобель мукофотига сазовор бўлди. Ахир, шу антибиотикнинг қўлланилиши туфайли 240 млн дан ортиқ одам ўлимдан сақлаб қолинди.

Яллиғланиш хасталикларидә антибиотикларни қўлашдан мақсад организмдаги бактерияларни ўлдиришдир. Шу йўл билан ўлдирилган бактериялар организмни химоя кучлари воситәсида тўлиқ зарарсизлантирилиб чиқариб юборилади. Антибиотиклар воситәсида кўпайиши тўхтатилган бактериялар эса иммун кучлар томонидә ўраб олиниб, ҳазм қилинади. Кўпайиши тўхтатилган ёки ўлаётган микроблар бу тўғрисида ўзларининг шерикларига ахборот юборади. Бу ахборотда ҳатто ўзларининг йўқотилишига сабаб бўлган усуллар тўғрисида ҳам маълумотлар берилади.

Бу яшаш учун курашнинг яққол исботи. Микроблар мазкур антибиотикка қарши химоя воситәсини яратмасалар бутунлай қирилиб кетишларини яхши тушунганликлари туфайли бу ишга киришадилар. Улар худди мана шу тариқа ахборот алмашилиб, ўзларига химоя воситәси ишлаб чиққанлиги сабабли ҳам биринчи авлод антибиотикларининг микробларга таъсири мутлақо йўқолди. Шундай ҳол иккинчи бўғин антибиотикларидә ҳам рўй берди. Энг ҳайратланарлиси, микробларнинг пенициллинга чидамлилиги муайян ҳудудда эмас, балки бутун дунё бўйлаб содир бўлди. Ана сизга информация алмашилиш кўламининг кенглиги!

Инсон организмдаги хужайралар эса микроблардан кўра ҳам «ақлли»роқ. Масалан, мия хужайралари ҳеч тинмасдан, мунтазам равишда информация алмашилиб бир-бири билан келишган ҳолда организмнинг барча аъзоларини бошқаради. Тирикликни таъминлаб турадиган юрак хужайралари ҳам марказдан, яъни миядан юборилган буйруқ асосида ишлайди.

Сперматозоидлар ҳам ҳаракатланувчи тирик хужайра. Улар мақсад сари интилади, тухумни топади, унинг

пўстлоғини тешиб, ичкарисига киради. Демак, уларда ҳам бошқарувчи куч мавжуд дея ҳайиқмасдан айтиш мумкин.

Япон олимларининг аниқлашларича, сўнгги пайтларда сперматозоидлар орасида ўз ҳаракат тезлигини 3 – 4 баробар оширган «чемпион»лар пайдо бўла бошлабди. Нега? Чунки ҳозирга келиб ҳомиладор бўлмаслик учун ҳар хил кимевий бирикмалар (контрацептив моддалар) қўлланилмоқда. Демак, ана шу моддаларнинг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун сперматозоидлар ўз тезликларини ошириш йўлини топишибди...

Мана шу айтилганлар асосида таъкидлаш лозимки, эркак организмда сперматозоидлар пайдо бўлар экан, уларнинг ҳар бир заррасида шу шахснинг нерв ва гормон тизимлари ҳамда руҳий ҳолати ҳақидаги ахборот жамланади. Бу узвий боғланиш эса одам спиртли ичимликларга тобе бўлиб қолганида, наркотик моддаларга ружу қўйганида, қаттиқ стресс ҳолатига тушганида ёки оғир хасталикларга чалинганида издан чиқиши мумкин. Оқибатда заиф, шаклланишида қусури бўлган сперматозоидлар пайдо бўлади. Агар тухум шундай сперматозоиддан уруғланса, ҳомиланинг қайсидир бир ривожланиш нуқтасида норасолик юз кўрсатиб, бола майриқлик ёки қайсидир аъзоларидаги нуқсонлар билан туғилади.

Демак, ҳар бир бўлажак ота-она то уларнинг тухум ва сперматозоидлари учрашгунига қадар маънавий-иқтисодий ва руҳий жиҳатдан соғлом муҳитга интилиб, соғлом фарзандни дунёга келтириш завқи билан яшамоғи шарт. Фақат шундагина улар ўзларининг беташвиш ва ишончли келажагига замин тайёрлайдилар.

Шу ўринда «ким эдигу, ким бўлдик?» деган саволни ўртага қўйиб, унга шунчаки эмас, балки жўяли жавоб топиш-

га уриниб кўрайлик. Бунинг учун эса, энг аввало, миллий ўзлигимизни яхши билмоғимиз лозим.

Хоразмий, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Ал-Фарғоний каби улуғ боболаримиз, буюк алломаларимиз биринчи уйғониш даврининг ўзига хос ихтирочилари бўлишган. Амир Темури даври ва ундан кейинги бир неча ўн йилликларда эса иккинчи буюк уйғониш даври бўлди. Аммо бу бўлиниш шартли, албатта. Аслида, ўзи Шарқ тарихининг асосий қисми буюк уйғонишлардан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, тарихнинг залворли қадамлари зафарона шиддат билан илдамлаётган шу даврда биз учун зинапоясимон ривожланишнинг яна бир босқичи бошланди. Бу босқич учинчи буюк уйғониш даври бўлиб тарихга кирса ажаб эмас. Зеро, кейинги йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотларнинг ўсиш суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан ошаётгани, одамларнинг кайфияти кўтаринки бўлиб бораётгани, халқнинг ўзини эркин ҳис қилган ҳолда қонунларда белгиланган тартибларга амал қилиш бўйича 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллагани, таълим ва тарбияга жиддий эътибор қаратилаётгани шундан далолат беради.

Биринчи Президентимиз бошлаб берган мактаб ва олий ўқув юр்தларини ислоҳ қилиш амалий дастури мана шу буюк уйғониш даврининг илк зинапоялари бўлаётганига эса ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Миллий ўзлигини тобора теран ва равшан англаётган, ким бўлгани, ким экани ва энди ким бўлаётганини тушуниб етаётган, томирида ўз илму заковати билан оламини лол қолдирган аждодлар қони оқаётганлигини тушунган халқ илм сирларини янада кўпроқ ва самарали эгаллаш сари мардонатор қадам ташламоқда. Ўзлигини англаган бу халқнинг

нималарга қодир эканлигига эса тарихнинг ўзи тез орада шоҳид бўлажак.

Мана шу меҳнат, ижоднинг илк меваси эса соғлом авлод бўлиши керак эди ва бугун ана шундай, янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлод етишди. Мустақил фикрга эга зукко ёшларимиз энди турмуш куришнинг барча масъулиятини ҳам тушуна бошладилар. Бу масъулият эса, энг аввало, турмуш ўртоғини ҳар томонлама эъзозлашдан бошланади. Зеро, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий ва физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти болага ҳам ўтади. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур.

Шу тобда Индонезия халқининг фарзанди Сукарнонинг: «Пайғамбаримизнинг ўғитини унутмайлик: аёл салтанатнинг пойдеворидир. Аёллари тинч яшаган юрт тинч бўлади. Аёллар изтироб чеккан юрт ҳалокатга яқинлашади», – деб айтган гаплари ёдга тушади.

Ҳа, соғлом авлод муайян ижтимоий жамятнинг барча жабҳаларида жавлон ура бошласа, бундай юртнинг, мамлакатнинг юксак тараққиётга, фаровон турмуш тарзига эришиш йўлидаги ҳаракатини ҳеч бир куч тўхтатиб қола олмайди. Соғлом авлоднинг бундай жавлон урмоғи учун эса ҳам жисмоний, ҳам руҳан соғлом аёл, маънавий ҳамда маърифий тарафдан юксак тафаккур эгаси бўлган соғлом она керак бўлади.

МЎЪЖИЗА ОЛАМИНИНГ СОҲИБАСИ

Келинг, тасаввур қилайлик, учраган ҳар бир эркакка: «Сизнинг бахтингиз нимада?» – деб савол берилса, нима деб жавоб беради? Назаримда, аксарият ҳолларда шу Ва-

танда яшаётганим, эгаллаб турган вазифам, дўстларим, инсонларга нафим тегаётгани каби ва шунга ўхшаш жавоблар бўлади. Аёллардан чиқадиган жавоб эса, асосан, бундай: «Менинг бахтим – фарзандларим!» Мана шу оддийгина жавобда аёлнинг фидойилиги, бағрикенглиги, узоқни кўра билгани, келажак учун ғамхўрлиги, Ватани қудратли кўриш орзуси, фарзандининг истиқболига муҳаббати, хуллас, оламда қандай ижобий мақсадлар бўлса, уларнинг барчаси мужассам. Мана шу биргина оддий, аммо содда жавобда аёл қалбининг буюклиги ўз ифодаси ва исботини топган. Табиатнинг олий қонуни нуқтаи назаридан ҳам бундан бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки она фарзандининг азалий тақдирида асосий илгариланма куч ҳисобланади ва бу аксиомага айланган. Зеро, аёл қалбига берилган яхшиликнинг 90 фоиздан кўпроғи фарзандларига аталган бўлиб, шунинг ўзи улкан мўъжизадир!

*Чаман ичра кезарсан, ишваларда кўп ноз,
Қошинг қайрилмаси соз, лол қолди-ку хаёл.
Юрак ўртанди хиёл, қилсам-да эътироз,
Жилваланди дил оз-моз, кетди қайғу, аёл.*

*Ҳайратдан боқар кулиб раъно гули – танноз,
Ифорин туйгач боз-боз, тобора бўяди ол.
Атиргул ҳавасдан дол, қилса ҳамки эъвоз,
Бор экан сирли, мумтоз, ажиб туйғу аёл.*

*Таъзимда мунчоқ гуллар, қадга боқар гулноз,
Сен ҳақингда гап андоз жўшиб топди камол.
Сен эса очдинг жамол, таърифга сўзлар оз,
Ўзингсан энг сарафроз, ҳуснда жоду аёл.*

Аёл қорнида ривожланаётган ҳомила ўзига хос дунёда яшайди. У ана шу оламда ҳеч қанақа ғам-ташвишсиз, ҳеч

нарсани ўйламасдан яшайверади. Чунки у овқатни, руҳий қувватни, яшаш учун барча зарурий ҳамда керакли унсурларни ОНАдан тайёр ҳолда олаверади. Унинг фақат битта эрмаги бор, холос – онанинг ҳис-туйғуларига шерик бўлиш. Онанинг юрак уришига қулоқ солади, безовталанишига монанд ҳаракатлар қилади. Бу ерда унинг ўзи хўжайин, ўзи бек, ўзи шоҳ. Унинг мулкига ҳеч ким дахл қила олмайди. У ўз дунёсида маза қилиб сайр этади, унинг учун машриқ, мағриб деган тарафнинг ўзи йўқ. Унинг ҳаракатлари чегараланмаган. Ҳар замонда нимадандир норози бўлиб, онасининг қорнига тепиб-тепиб қўяди. У ҳали ўзи яшаётган дунёни кўрмайди, бироқ сезиш ва эшитиш жиҳатидан анча ривожланган. Она қалбида рўй бераётган салбий кечинмалар ҳам, ижобий ҳис-туйғулар ҳам унга ўзининг мувофиқ таъсирини ўтказади. Онанинг руҳиятида содир бўлаётган ўй-фикрлар унинг кўнглида ўз акс садосини беради. Мабодо она қайғуга тушиб, ғам-алам чекаётган, ташвишлари бошини оғритаётган бўлса ҳомила ҳам безовталанади. Ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб, ҳар хил ноўрин ҳаракатлар қила бошлайди: «Она, безовта бўлманг, мен ғамингизга шерикман, мен борман-ку, ахир!» – демоқчидек гўё. Агар она яхши ва ором берувчи орзу-истаклар оғушида бўлса, ҳомила ҳам маза қилиб, бош бармоғини сўриб ётаверади. Эртага бу бола катта йигит бўлганида ундан кайфияти сўрасангиз, бош бармоғини тикка қилиб: «Мана бундай», – деб кўрсатиши ҳам ҳомила пайтидаги бармоғини сўриш одатидан бўлса ажаб эмас. Чунки ҳомиладорлик пайтида бир дунё ташвиш ила бесаранжом юрган онадан туғилган фарзандлардан ҳол сўралганида бош бармоғини кўрсатиш ўрнига: «Ҳа, энди, бир нави-да...» – деб қўя қолишади.

Айни пайтда, ҳомила она қорнидаги фаол моддалар воситасида бошқа дунёда яшашга кўникма ҳосил қилиб,

ўзини шунга тайёрлаб боради. Унинг ривожланиши учун энг рағбатли таъсир эса эшитишдир. Шу боис у онанинг юрак уришига кулоқ солади, гапирганларини эшитади, фикрини тинглайди. Она миясида пайдо бўладиган фикр-туйғулар, рухий қувват ҳомила учун муқаддас борлик. У мана шу муқаддас борликдан рухий қувват, ахборот олади, оқибатда онги борган сари юксалаверади. Мана шу келаётган хабарлар мажмуаси қанчалик даражада кўп ва унумли, самарали бўлса, ҳомиланинг ўз дунёсида ҳам ривожланиши шунчалик юқори бўлади.

... Бола туғилганида у ўзининг аввалги дунёсидан айрилиб, иккинчи оламга келади ва чақалоқ номини олади. Ташвишсиз дунёдан ғалвали оламга келганидан масъуллиқни сезиб йиғлайди. Чунки у энди яшамоқ учун ўзи нафас олиши, нафас чиқариши керак, хуллас, унинг учун ҳам энди яшашнинг қайғуси, ўзига яраша ташвишлари бошланади. Бу дунёнинг нисбий шароитларига тўқнаш келади. У она кўрагидан оппоқ сут эмаётганида ҳам чарчайди, шу боис дам олиб-дам олиб эмади, умрида илк бор толиқиш нима эканлигини сезади. Ҳомила мана шу мураккаблиқларни олдиндан сезгани, келажакни кўра билгани, жавобгарликни ўзида туйгани, яшамоқнинг юки оғир эканлигини ҳис қилгани учун ҳам йиғлайди.

Худди шу вазиятда фикримизни ақл тарозусига солайлик: ҳали тўлиқ ва бекаму кўст шаклланмаган инсонни аввал қорнида, сўнг қўлларида тутиб яшашга тайёрлайдиган, вояга етказадиган онани қандай сўз билан таъриф ва тавсиф қилмоқ мумкин?! Она, аёл тўғрисидаги энг яхши сўзни, олий таърифни ким айта олган? Бундай инсон топи-лармикан ушбу оламда?!

Фарзанд дунёга келди! Унинг илк йиғисини эшитган онанинг шодлик ва бахтиёрлик онларини борича тасвир-

лаш ҳали ҳеч кимга муяссар бўлган эмас. Чақалоқ йиғиси она учун буюк мусиқа, оҳанг, энг лаззатли онларнинг беқиёс, чексиз симфонияси. Чақалоғини илк бор қўлига олаётган онанинг ҳолатини шу вақтгача ҳеч қандай буюк му-саввир ҳам тасвирлай олган эмас. Ҳеч ким бунинг уддасидан чиқолмайди ҳам. Фақат ушбу мўъжизавий жараённи ўз бошидан кечирган, фаҳми, зеҳни юксак аёл рассомгина рангли полотнода бир нарса чизиб бера олар. Аммо, барибир, онанинг ўша пайтдаги асл туйғулари 50 фоизга ҳам очилмаса керак!

Бола туғилганидан кейин ўзининг аввалги оламидан узоқлашади. Киндиги кесилгани заҳоти у олам билан хайрлашиб, алоқаси мутлақо узилади. Энди у бошқа дунёда, бошқа оламда иккинчи ҳаётини бошлайди. Мана шу узоқлашув онага бошқачароқ таъсир қилади. Ушбу таъсир унинг қалбида бир неча сониялар ичида рўй беради. У ҳеч вақоси йўқ ва бўлмаган чексиз бўшлиққа тушиб қолгандек ҳисни бошидан кечиради. Шу боис чақалоғини қўлига олган она уни ёнига қўймайди, балки қалбида, шуурида пайдо бўлган ҳалиги бўшлиқни тўлдириш учун бағрига авайлабгина, лекин маҳкам босади. Бу билан у чақалоқ ва ўзи ўртасида рўй берган биологик узилишни бартараф этишга эришади. Чақалоқ тинчланиб, унинг юраги ҳам она вужудига монанд ура бошлайди. Шу пайтда онанинг теварагини 8 хил рангли бионур ўраб олар экан. Улар ҳар хил бўлиб товланади, жилоланади, ингичка-йўғонлигини ўзгартиради. Бу нурлар қалбида бўшлиқ сезиб, ўзида ғалати туйғуни ҳис қилаётган вақтида онани юрак уриши ҳаддан ташқари тезлашишидан, қон босими пасайиб, оғир аҳволга тушиб қолишидан сақлайди. Онадаги қувватнинг ўз меъёрида, турғун ҳолатда бўлишини таъминлайди. Аммо чақалоқ туғилмасидан олдин ва туғилиши

пайтида содир бўлган нохушликлар туфайли она қалбида рўй берган салбий ҳолатлар унинг вужудида ўз соясини қолдирган бўлса, бу нурлар ҳам мана шу айрилиш, узилиш бўшлиғини ўз вақтида, керакли тарзда тўлдира олмас экан. Худди мана шундай вазиятларда она хушини йўқотади ва шифокорларнинг югур-югури бошланади (Халқимизда бу ҳолни «қорабосди» дейишади. Эътибор қилинг, нур ва қора! Халқимизнинг донолигига қойил қолмасдан илож йўқ!) Чақалоқ она бағрига қўйилганидагина, худди электр чироғи ярқ этиб ёнгани каби, она гавдаси атрофида 8 хил нур шиддат билан, қалин девор мисоли қўрғонга айланади. Чақалоқ она юрагига яқинлаштирилган пайтда нурлар онанинг бош соҳасида ўта нозик, ўта нафис, ўта юпқа ранглар қоришмасидан иборат шундай бир ҳолатга кўчадики, ҳатто мингта замонавий компьютер ҳам бу рангларга менгзаш мумкин бўлган тасвирни пайдо қила олмайди. Чақалоқ илк бор тамшаниб, кўкрак сути таъмини тотганида бу нурлар нафис товланиб, она атрофини ўраган нурлар билан қоришиб мўъжизакор ҳолат касб этади. Афсуски, бундай мўъжизавий ранглар ўйинини оддий инсоний кўз билан кўриш даргумон.

Айтинг энди, азизлар, мўъжизалар оламининг нафақат иштирокчиси, балки тўлиқ ва ҳақиқий эгалари бўлган оналарни, аёлларни қандай таърифласак ҳақиқатга мос тушар экан?! Қандай сўзлар айтсак дилимизда, қалбимизда алангаланиб, онгимиз, шууримизни эгаллаб, портлай-портлай деб турган ҳис-туйғуларимизни билдира оламиз?! Борми-кан шундай сўз? Сўзлар қудрати оналар олдида нақадар ожиз! Оналикнинг барча мукамал мўъжизаларини Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кўргани, сезгани, фаҳмлагани жуда-жуда аниқ. «Жаннат оналар оёғи остидадир!» – дедилар у зот. Биз бандалар эса бу сўзларнинг замирида

нималар яширин эканлигини орадан салкам 14 аср ўтганидан кейингина фаҳмламоқдамиз. Мана шу фаҳмимизга яраша бугун оддий, жўнгина ҳамда ўзимизнинг содда ва жайдари тилимизда баралла айтамыз: «Оналар, бор бўлинг! Бахтимизга кўп яшанг!»

*Кимдир яшар оламда тутаб,
Кимдир қувнаб ва ёна-ёна.
Фақат яшар умрини атаб
Фарзанд учун бетимсол Она!
Беҳаловат тақдирми айби?
Асло эрмас кимнингдир амри!
Буюк устун оналар қалби –
Давом этар Башарнинг умри!*

*Мўъжизали дунёда чексиз
Бир мўъжиза борки ягона,
Қаноат ва ҳимматда тенгсиз,
Бу оламнинг мазмуни – Она!*

Демак, аёллар муқаддас, она муқаддас. Уларнинг мана шундай мўъжизакор оламда, борлиқда эркалар билан биргаликда тоза ҳаводан нафас олиб, заминни тебратиб туриши ер юзидаги ҳаётнинг ҳали бардавом эканлигини англатади.

ПУШТ ТАРБИЯСИ

Тухум сперматозоид билан учрашиб, уни ўзига бириктириб олганидан сўнг эмбрион даври бошланади. Иккала бириккан хужайра эмбрион даврида (пушт даври ҳам дейилади) ирсият қонунларига тўлиқ бўйсунган ҳолда бўлиниш йўли билан кўпаяди ва аста-секинлик билан, қатъий тартибда инсоннинг ички ва

ташқи аъзолари шакллана бошлайди. Эмбрион уч ойлик бўлганида унинг барча аъзолари тўлиқ шаклланиб бўлади. Энди у миниатюрадаги жажжи инсон шаклини олади ва шундан сўнг марказий нерв тизими такомиллаша бошлайди.

Демак, бундан шундай хулоса чиқадики, бола соғлом туғилмоғи учун эмбрионнинг уч ойлик даври тамом бўлгунча бўлажак онанинг руҳиятида салбий стресслар бўлмаслиги шарт.

Она организми пушт учун ташқи муҳит дедик. Мана шу ташқи муҳитдан пуштни уч қаватли плацента (чув) ажратиб туради. Плацентадан бошланган томир тизими пуштининг киндигидан кириб, унинг ичида ингичкалашиб тарқалади. Пушт эмин-эркин, ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан плацента ичидаги сувда сузиб юради. Инсон табиатидаги эркинликка интилиш худди шу ҳолатдан содир бўлиб, мияда турғун марказ ҳосил қилади.

Она организми билан плацента ўртасида доимий равишда модда алмашинуви жараёни содир бўлади. Чунки пушт ҳужайраларининг ўз қонун-қоидасига биноан бўлиниб кўпайиши учун, албатта, энергия зарур. Бу энергия она қонидан плацентага ўтган оқсиллар, гормонлар, витаминлар, минераллар (калий, натрий, кальций, хлор ва бошқалар), микроэлементлар (темир, рух, кобальт, сурма ва шунга ўхшашлар) ҳисобидан қопланади. Шунинг учун бу моддаларга талаб ҳомиладор аёлларда бошқа аёлларга нисбатан 2 – 3 баробар кўпроқ бўлиши табиий.

Шу ўринда яна эслатамиз, плацента шундай мўъжизавий хусусиятга эга ҳосилаки, у пуштни ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан сақлайди. Хусусан, она қонида тасодифан пайдо бўлган зарарли, иллати бор моддаларни пуштга ўтказмайди. Аммо ҳатто мана шундай қалқон ҳам

қуйидаги каби ҳолатларда ўз вазифасини бажара олмай қолади:

1. Онанинг марказий нерв тизими ўз мувозанатини йўқотиб, руҳий ҳолатида қаттиқ ўзгариш бўлса.

2. Она қонида салбий таъсирга эга кимёвий бирикмаларнинг миқдори ошиб кетса.

3. Она яллиғланиш касалликлари ёки вирусли хасталикларни бошидан кечирса.

Эътибор қилган бўлсангиз, аксарият дориларнинг йўриқномасида «Ҳомиладорликнинг 3 ойлик давригача қабул қилиш мумкин эмас» деган ёзувга кўзингиз тушадди. Ҳақиқатан ҳам, айрим дорилар плацента қалқонидан пушт организмига ўтиб, унинг баъзи аъзолари шаклланишига халақит беради. Ҳатто пуштда қандайдир ички ёки ташқи аъзонинг мутлақо шаклланмай қолишига ҳам сабаб бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Масалан, ўтган асрнинг ўрталарида Ғарбий Германияда ҳалқаро шов-шувга, жанжалга сабаб бўлган ҳодиса рўй берди. Яъни «Хеми Грюнетал» фармацевтик фирмаси фақат ўз фойдаси ҳақида ўйлаб, ўзи ишлаб чиқарган «Талидомид» дорисини кенг миқёсли реклама билан тинчлантирувчи, уйқуни маромига тушириб, хотиржам кайфият ҳосил қилувчи восита сифатида кўплаб мамлакатларга анча баланд нархда сотган. Қиммат дорининг «қиммат» натижаси эса тезда намоён бўла қолди: 20 мингдан ортиқ чақалоқлар қўлсиз, оёқсиз ҳолда дунё юзини кўрди. Бундай мисолларни эса яна кўплаб келтириш мумкин. Улардан чиқадиган якуний хулоса эса битта – эмбрионнинг 3 ойлик даври тамом бўлгунча кучли таъсир қилувчи дориларни қабул қилмаслик шарт. Мабодо она бирон хасталикка чалинса ҳам, уни имкон қадар доривор гиёҳлар воситасида бартараф этишга ҳаракат қилиш жоиз.

Умуман олганда, бўлажак она тарбиясини қиз болали пайтиданоқ қаттиқ назоратга олиб, унинг соғлиғига махсимал равишда эътибор бериш, унга илашган ҳар қандайдардни илдизи билан батамом йўқотишга эришмоқ шарҳ Токи келинлик даври бошлангунга қадар (ҳатто унда кейин ҳам) кўнгли булоқ сувидай шаффоф, юраги севин завқиға тўла, қалби тоза, юксак орзу-ниятларға ошно бўлиб ўссин! Зеро, ҳозирги пайтда бунга эришмоқ учун барча шароитлар мавжуд. Акс ҳолда...

* * *

... Ҳафизахон бир маромда товуш чиқариб ишлаётган сунъий буйрак аппаратининг қип-қизил қон оқаётган найчаларига умид билан тикилар экан, хаёлини фақат бир фикр банд этганди. «Мана, бир соат ўтди. Аппарат қонимни тозалапти. Мочевина тушармикан?! 45 бўлиб дейишганди. Балки, 20 га тушгандир. 25 дан ошганда ҳол сиз бўламан. Кўнглим айниб, қусгим келади. Ярим йилда бери шу аҳвол. Яна бир йилгина яшасам эди! Қандай яхши бўларди-я! Болагинамнинг иккинчи операциясидан кейин тузалганини кўрсам армоним қолмасди! Эй Аллоҳ, ўзини сабр бер! Бу қандай бало дард экан-а?! Бирпасда шундай аҳволга тушиб қолдим... Ҳеч тузалай демайди...»

... Ҳафизахон ҳомилали бўлдию тез-тез нафас олади экан, сал юрса ҳарсиллайдиган одат чиқарди. Юраги тез-тез урар, кун ўтгани сари дармони кетиб, ҳолсизланаётганини яққол сезарди. Бу тўғрида қайнона сизга ётиғи билан тушунтирганида у қошлари чимирилганича унга бошдан оёқ диққат билан назар солди:

- Қачондан бери шу ҳолга келдингиз?
- Бўйимда бўлгандан сўнг.
- Илгари ҳеч нарса сезмаганмисиз?

- Фақат томоғим тез-тез оғриб турарди.

- Докторларда даволанганмисиз ёки ўтиб кетар деб юраверганмисиз?

- Йўқ, ойижон! Даво олганман. Аммо фойдаси бўлмаганидан ангинамни олиб ташлашган. Ҳозир ҳеч безовта қилмайди.

- Майли, ётиб дам олинг. Эртага докторга борамиз.

Доктор ҳам чаққонгина экан, пешоб ва қон таҳлилидан кейин қонда яна ниманидир дарҳол аниқлашни буюриб, ультратовуш аппаратида текширишга қоғоз ёзиб берди.

Қон таҳлилини олган доктор бирпас қоғозга қараб турди. Нимани сўрасам, нима деб айтсам экан дея ўйланиб қолди, шекилли, жавоб варақларини чап қўлидан ўнгига олиб, секин айлантди:

- Буйракларингиз анчадан бери хасталанган. Аммо сиз билмасданми ё атайми, чидаб юравергансиз. Илгарилари сизни нима безовта қилган?

- Дўхтир ака, аслида, мени ҳеч нарса безовта қилган эмас. Ўтган йили қишда тишим қаттиқ оғриди. Дўхтирлар йиринглабди дейишди. Орадан уч кун ўтиб қоғоғим ва оёғим шишди. Табибга учрадик, ўзи дўхтир, табибчилик қилаётган экан. Ичишга таблеткалар ёзиб берди. Ўн кун шуларни ичдим. Шишлар қайтди. Ҳар замонда белим симиллаб оғрирди, холос. Бошқа нарса безовта қилмаган.

- Айтаверинг, синглим, айтаверинг.

- Сўнгра турмуш қурдик. Бўйимда бўлди. Устки қовоқларим шишди. Ҳеч кимга билдирмай яна ўша табибга бордим. Қандайдир таблеткалар берди. Жуда ҳам аччиқ экан. Барибир ичдим. Ҳомиладорлик пайтимда гиёҳлардан дамлама қилиб ичдим. Чақалоқ эсон-омон туғилди. Аммо, умуртқасининг пастки тарафида ўсмаси бор эди. Докторлар чурра, икки босқичда операция қиламиз дей-

ишди. Биринчиси яхши ўтди. Иккинчиси 4 ойдан кейин бўларкан.

Ҳафизахоннинг кўзларида ёш айланиб, товуши титради:

– Дўхтир, ёрдам беринг!

– Ёрдам бериш бизнинг вазифамиз. Аммо узоқ вақт даволанишингизга тўғри келади.

– Майли, касалим нима ўзи, дўхтир ака?

– Буйракларингизнинг калавачалари хасталанган.

... Даволаниш бошланди, аммо... ҳалигача тугамайди.

* * *

Ҳафизахон гломерулонефрит билан оғриган. Агар сал бера тафсилроқ тушунтирадиган бўлсак, ҳар буйракда 1,5 – 2 млн калавачалар мавжуд бўлиб, улар қондан бир кеча-кундузда 200 литрга яқин бирламчи пешобни ажратиб олади ва нефис каналчаларга ўтказилади. Бирламчи пешоб қон зардонидан деярли фарқ қилмайди, у каналчалар тизимида қонга қайта сўрилиб, 1,5 – 2,0 литрга яқин пешоб қолади. Унинг таркибида организм учун заҳарли ҳамда кераксиз чиқиндилар моддалар мавжуд. Гломерулонефрит касаллигида мана шу заҳарли чиқинди моддалар аста-секин кўпаяверади. Бу албатта, организм учун таъсирсиз эмас – заҳарлар кўпаяверишидан буйрак тизими сувни етарли миқдорда ташқариб чиқара олмайди, организмда эса оқсил тақчиллигидан тананинг барча соҳаларида сув тўпланади. Қонда мочевина миқдори (меъёрда 4 – 6 ммоль) тобора ошиб, заҳарланиш кучаяверади. Бу касалликнинг ташқи белгиси юқори қовоқларнинг шишиши билан намоён бўлади. Уни даволаш эса ҳам бемордан, ҳам унинг атрофидагилардан сабр-тоқатни талаб қилади. Мунтазам ва эътибор билан ҳар бир салбий ёш бий ўзгаришларга нисбатан даво чора-тадбирларини қўллаш

борилсагина у энг камида икки йил мобайнида бартараф этилиши мумкин. Шу ҳам катта муваффақият.

Гломерулонефритнинг вужудга келишига бодомча безларининг яллиғланиши, томоқ оғриғи, тишлар кариеси, қизамиқ, қизилча ва бошқа сурункали инфекция касалликлари асосий сабаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу хасталикларни ўз вақтида буткул бартараф қилиш чораларини кўриш керак.

Ҳафизахон эса, гарчи томоқ оғриғи ва тиш оғригидан вақтинча қутулган бўлса-да, мунтазам равишда даволанмади. Шифокор ҳам келажагингиз учун сизни бу дарддан бутунлай халос қилишимиз шарт деб айтмади. Ўзида тиббий маданият етарли бўлмагани боис шундай экан-да деб хотиржам юраверди. Гломерулонефрит белгилари пайдо бўлганида ҳам енгил-елпи (тажрибаси кафолатланмаган, табибликни ўзига касб қилган «шифокор» ёрдамида) даволанди. Ҳеч қандай таҳлилларсиз таблеткалар ичаверди (яна ўша малакасиз ва масъулиятсиз «шифокор» тавсиясига кўра). Натижада организмда тўпланаётган заҳарли чиқиндилар ва ноўрин ичилган таблеткалар она қорнидаги плацента ҳимоясини ёриб ўтиб, эмбрионга ҳам кирган. Оқибатда унинг умуртқа поғонаси шаклланишида норасолик рўй бериб, орқа мия чурраси ривожланган.

Дарднинг катта-кичиги ёки оғир-енгили бўлмайди. Айниқса, сурункали йирингли жараёнларга жиддий эътибор бермоқ, уларни ўз вақтида даволамоқ, таг-томири билан йўқотмоқ лозим. Яна такрорлаймиз, пуштнинг (эмбрионнинг) барча аъзолари тўла-тўқис ривожланиб улгургунига қадар бўлажак она нафақат касал бўлмаслиги, балки чиройли ташқи муҳитда, тўғри турмуш шароитида яшаб, фақат ижобий таассуротлар оғушида бўлмоғи шарт.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим, яъни аксар ҳолларда аёллар ҳомиладорликнинг илк даврида қайсидир бир мева-чевага ёки таомларга (аччиқ, нордон, шўр, ширин ва ҳоказолар) бошқоронғи (жерик) бўлишади. Бу кўли истақ ҳам албатта қондирилиши зарур. Зеро, бу ҳол, аслида, онага эмас, пуштга тегишли. Мева ёки таом таркибидаги моддаларга зориқаётган пушт уни онадан сўрамоқда. Онанинг марказий нерв тизимида, яъни онгида бу сўрамева-чева ёки бирон-бир овқат тарзида шаклланиб, истасифатида пайдо бўлмоқда.

Масалан, оддийгина фолий кислотасини олайлик. Бир модда бўлажак она қонида етарли миқдорда бўлмаса, эмбрион ҳужайраларининг бўлиниб кўпайиш жараёни бузилади. Бу кислота эса мева-чевалар таркибида мавжуд.

Онанинг жерик ҳолатидаги талаб ва истаклари қондирилмаганида туғилажак чақалоқнинг ички аъзоларида функционал етишмовчиликлар содир бўлиши фанда ўрганилган.

Соғлом чақалоқ дунёга келганидан кейин унинг барча аъзолари мутаносиб равишда фаолият кўрсатади. Меъда ўширасини, меъдаости беши ферментни, жигар эса сафроничакка чиқара бошлайди, буйрак пешоб ажратиб, қовуққо ташлайди, кўз ёши безлари кўз соққасини намлайди, сўлабезлари оғиз бўшлиғининг меъёрий ҳолатини сақлайди, ички секреция безлари гормонлари қонга тушади ва ҳоказо. Мана шу тариқа мураккаб модда алмашинуви жараёни кечиб, чақалоқ улғайверади. Унинг организми тизимларимажмуаси бир-бири билан қанчалик узвий боғланган, уларнинг ҳамжиҳатликдаги фаоллиги қанчалик мувофиқлашган бўлса, чақалоқнинг улғайиши ўшанчалик яхши, ўз меъёрида, тўғри давом этаверади. Аммо оиладаги нохуш вазиятларсабабли ҳомиладор онанинг руҳий мувозанати бузилса ҳам туғилган чақалоқнинг қайсидир бир ички аъзоси ривожла-

ниш жараёнида бошқаларига нисбатан орқада қолиб, функционал етишмовчилик содир бўлади.

* * *

... Чақалоқ туғилди. У она кўкрагини олгач қайт қила бошлади. Эмган сутининг ярми оғзидан қайтиб чиқаверди. Дунё юзини кўрганидан бир ой ўтса ҳамки, қалқиш давом этаверди, боланинг оғирлиги ҳам меъёридан паст бўлиб, кўриниши рамақижон бўлиб қолаверди.

... Мана, она-бола шифокор ҳузурида. Сўраб-суриштирилганида маълум бўлдики, ҳомиладорликнинг илк даврида оилавий жанжаллардан кейин бўлажак она уйига кириб, аламини йиғидан олаверган. У қайнонасида бир оғиз ширин сўз эшитишни, унинг яхши гаплар билан алқашини, худди она-боладек турмуш кечиришларини жуда ҳам хоҳлар, шундай кунларни орзу қиларди. Бироқ мақсад-ниятларининг ҳеч бири амалга ошмади. Тўрт девор ичига тушиб олиб, ҳеч қовоғини очмайдиган, овқатга керакли маҳсулот ва масаллиқларни ҳам мисқоллаб ўлчаб бериб, яна уни нима қилганини суриштираверадиган тунд қайнона билан уйда ёлғиз қолиш келиннинг юрак-бағрини эзарди. Бунинг устига, у ҳомиладор, яна косадай-косадай катталиқдаги, доналари пўсти ичидан бўртиб-бўртиб кўринаётган анорга жерик бўлган. Анор донасини ўткир пичоқ билан кесиб, қип-қизил марварид доналарини битта-битта оғзига солиб, таъмидан ҳузур қилаётгани тушига кириб чиққан. Аммо бу тўғрида зикна қайнонага айтгандан фойда йўқлигини билгани боис лом-мим демаган. Фақат ичида тўпланган аламларини кўз ёшлари билан тўкаверган...

Замирахон, асли, тақдирдан туҳфа кутиб ёки борига бирака деб яшайверадиганлар тоифасидан эмас, балки яхши

ният ва режалар билан мақсадга эришмоқни жазм қилиш умр кечиришга иштиёқи баланд қиз эди. Бироқ... нима қилсин, бошқачароқ муҳитдаги оилага тушиб қолди. Яхши муомала ва ширин сўзлари танқис, бунинг устига, хасикликнинг хўжайини бўлган қайнонаси билан муносабатни яхшилаш учун кўп ҳаракат қилди. Олий маълумотли инсон сифатида баъзан сахийлик билан, баъзида содда, го эса ёқимли тадбир қўллаб ўз ниятларига етишишга уринади. Бироқ ҳеч қандай наф бўлмади...

Ниҳоят, фарзанд туғилди. Мана энди аҳвол бунақа. Шифокорларнинг аниқлашларича, унинг қайт қилиши меъданинг ичакка ўтар қисмида жойлашган мушакларнинг мувофиқлашмаган тартибсиз ҳаракати оқибатида рўй бераётган экан. Унда икки тарафлама қовуқ-сийдик найи рефлюкси борлиги маълум бўлди. Хўш, рефлюкс қандай дард бўлди экан?

Бу саволнинг ечимини топмоқ учун сиз азиз ўқирманларни тиббиётга оид айрим маълумотлар билан таништирсак айни муддао бўлса керак.

Буйракда пайдо бўлган пешоб қовуқда тўпланади. Пешоб маълум миқдорга етганида эса қовуқ қисқариб, пешоб ташқарига чиқарилади. Эътибор қилинг: қовуқда пешоб қанча миқдорда тўпланса ҳам сийдик найларига қайтма чиқмайди. Чунки сийдик найларининг қовуққа туташган жойида махсус мушак бўлиб, у пешобнинг сийдик найига қайтишига тўсиқ вазифасини ўтайди. Энди яна қизиқ савол пайдо бўлади: пешоб сийдик найига қайтса нима бўлади? Бу муаммо бўлиши мумкинми? Ҳа, муаммо бўлади! Бўлганда ҳам анча жиддий муаммо бўлади. Чунки қовуқ ҳар қисқарганида пешобнинг маълум миқдори сийдик найига қайтиб чиқаверса, пешоб димланиши юзати келади. Оқибатда сийдик найи зўриқиб, кун ўтгани сайин кенгайверади, узаяверади. Асли, рубобнинг йўғон торидан

қалинликдаги сийдик найи бора-бора катта ёшдаги одамларнинг кўрсаткич бармоғидай ўлчамга етади. Натижада сийдик найи ўзига буюрилган вазифани тўлиқ адо этолмай қолади, бундан эса буйраклар азоб чекади. Янги туғилган чақалоқ ана шу дардни тартаётган эди.

Боланинг сут эмган маҳалидаги қайт қилишига дори малҳам бўлди. Лекин қовуқ-сийдик найи рефлюксини жароҳлик билан бартараф этишга тўғри келди. Ҳа, муаммо бартараф этилди, аммо шунча ташвиш кимга керак эди?!

Агар бўлажак она ўзига яратилган шароити яқинларининг муносабатидан хурсанд ва қалби хотиржам ҳолда, ширин орзулар билан бахтиёр яшаганида унинг организида фойдали фаол моддалар миқдори ҳам шунчалик кўп бўлиши аниқ эди. Бу моддаларнинг молекулалари эса плацента орқали эмбрионга ўтиб, унинг ички аъзолари тўлиқ шаклланишини таъминларди. Натижада чақалоқнинг жисмоний жиҳатдан юз фоиз соғлом бўлиши кафолатланарди. Наҳотки, шундай чиройли натижа бўлажак ота, бобо ва момоларни қизиқтирмаса?

Қизиқтиради, бундай бўлмаслиги мумкин ҳам эмас. Аммо кўпинча бунинг учун нима қилиш кераклигини яхши билмаслик, масъулиятни тўла ҳис этмаслик оқибатида ногирон ва касалманд болалар дунёга келмоқда.

Хуллас, онаси қорнида шаклланаётган болангиз ёки неварангиз жисмоний жиҳатдан бақувват, дадил, кучли, чаққон бўлишини истасангиз уни қорнида кўтариб юрган онасига тўлиқ шароит яратинг. Бунинг учун эса онага қуйидагилар муҳимлигини доимо ёдда тутинг:

Ҳеч қачон стресс ҳолатига тушмаслиги.

Оқсил ва витаминларга бой озиқавий моддаларни истеъмол қилиши. Қандайдир мевага ёки таомга бўлган истеъдоди бўғилмаслиги, яъни у дарҳол муҳайё қилиниши.

Эмбрион эмин-эркин сузиб юриши учун қорнини қаттиқ сиқадиған кийимлар киймаслиги, қорин билан ётмаслиги.

Тўғри турмуш тарзини кечириши, кунларини кўтаринки кайфиятда ўтказиши, ҳомила тарбияси билан махсус шуғулланишига кўпроқ вақти бўлиши.

ҲОМИЛА ТАРБИЯСИ

Ана энди бўлажак боланинг келажакда қандай фазилатларга эга бўлишини, комилликнинг қайси даражасига етишини белгилайдиган, аниқлайдиган палла – ҳомила тарбияси тўғрисида фикр юритамиз. Ҳомила тарбияси ҳам инсон руҳий қувватининг, ақлий қобилиятининг пойдевори бўлиб, ота-онадан, қайнона-қайнотадан алоҳида масъулиятни талаб этади. Бу талабни онгли равишда бажармоқ учун эса бурчни англаш шарт. Яъни бу ўзидан кўра ҳар тарафлама баркамол фарзандни улғайтириш учун онгли равишда ва сидқидилдан барча зарур ҳаракатларни режалаштириш ва амалга ошириш демакдир. Шу асосда муайян жамиятда келажак сари илгариланма ҳаракат, силжиш ёки сакраш давом этади. Бунинг бошланиш нуқтаси эса ҳомила тарбияси ҳисобланади. Бу бутун ўйлаб топилган фикр эмас, балки Ибн Сино бобомизнинг асарларида ёзиб кетилган ва ҳаётда ўз исботини топган ҳақиқат. Аллома «Йўлланма ва йўл-йўриқлар» китобида шундай ёзади: «Ҳар бир тананинг руҳи шу тана билан биргаликда пайдо бўлади. У ўз танасидан олдин пайдо бўлмайди. Бир вақтлар қандайдир бир танани тарк этган руҳ ҳозир пайдо бўлган тананинг руҳи эмас». Улуғ бобомизнинг ушбу айтганлари ҳозирги замон фанига нисбатан баъзи бир чегараланиш ва тўлдиришлар билан қабул қилинган тақдирда ҳам бир нарса аниқ: оталик уруғи ва

оналик ҳужайрасининг ўзаро қўшилиувидан пайдо бўлган ҳомилада ота-онанинг аломатларидан бошқа аломатнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқатан ҳам, ҳомила куртаги вужудга келиши биланоқ оталик ва оналик белгилари бирлашган ҳолда материяга, яъни ҳомила ҳужайраларига кириб келади. У, энг аввало, ҳомила ҳужайраларининг барчасига баб-баравар ёйилиб, ҳомила ҳужайраларининг аввалдан белгиланган дастур, яъни наслий код ёки калит бўйича бекаму қўст бўлиниб кўпайишини таъминлайди. Ҳомила ривожининг 3-ҳафтасидан юрак уриб, бир маромда танани қон билан таъминлай бошлайди ва ҳомиланинг ривожланиши учун муҳим ва керакли назоратни амалга оширади.

Улуғ аллома Ибн Сино ушбу мураккаб жараённи аниқ ва қатъий равишда тушуниб етгани боис фарзандни вужудга келтириш учун ният қилинган пайтданоқ ҳомила тарбияси бошланиши лозимлигини таъкидлайди. Чунончи, «Тиб қонунлари» асарида шундай ёзилган: «Жимо пайтида у жуда хурсанд, кайфияти баланд бўлмоғи лозим. Қулай ва шинам, тоза ва саранжом-саристали уйда бўлиб, ўғил бола туғилиши ҳақида ўйлаши шарт. Кучли ва жасур, келишган ва қоматдор, чаққон ва эпчил, сахий ва қувноқ йигитларни кўз олдига келтиргани ҳолда алоқа қилиши ва уруғ ташлаши лозим». Объектив қараганда, бўлажак ота-она ўртасидаги интиқлик, юксак орзу-ниятлар қанчалик соф, беғубор ва тиниқ бўлса, уларнинг жинсий ҳужайраларидаги Х ва Y хромосомаларнинг (наслий сифат ва хусусиятларни ҳомилага ўтказувчилар) мукамаллиги шунчалик юқори бўлади. Хуллас, ақлий, маънавий, маърифий, жисмоний эҳтирослар замирида ривожланган Х ва Y хромосомаларга эга жинсий ҳужайралар ўзаро тўқнашганида ҳар тарафлама баркамол, келажак имкониятлари юқори бўлган ҳомила

вужудга келади. Албатта, бундай пайтда нималарни ўйлаш, орзу қилиш ҳомила тарбиясини режалаштирган ота-она тафаккурининг қай даражада эканлигига узвий боғлиқ.

Ҳомиланинг 3-ҳафтасидан, яъни юрак ура бошлаши биланоқ мия ҳужайралари пайдо бўлиб, кўпая бошлайди. Миянинг асосий қисмлари шаклланиб бўлган заҳоти бошқариш вазифаси юракдан мияга ўтади. Ана энди мия барча материя, яъни ҳомила танасининг барча аъзоларини тўлиқ назорат қилади, идора қилади ва ривожлантиради. Ички аъзоларнинг келажакда бажариши лозим бўлган иш фаолиятини аста-секинлик билан ўз маромига тушира бошлайди. Айниқса, англаш, тасаввур қилиш, идрок этиш, фаҳмлаш, фикрлаш, хулоса чиқариш даражасини белгиловчи мия пўстлоқ ҳужайралари шиддат билан ривожланиб, кўпаяди. Айниқса, ҳомила ривожининг 8 – 17 ҳафтalik даврларида бу жараён шунчалик жадаллашадикки, шу боис ҳам фанда у «Портлашдан кўпайиш» деган номни олган. Агар мана шу даврда мия ҳужайралари етарли равишда ахборот олмаса, такомиллашув рўй бермайди, қувват ошмайди. Бу ҳол, Ибн Сино таъбири билан айтганда, эгарланган-у, аммо маррага етказа олмай тўхтаб қолган от устидан туша олмайётган чавандознинг ҳоли каби бўлиб қолади. Оқибатда мия ҳужайралари кўпайишдан секинлашади. Агар ҳужайралар ўз вақтида рағбат сезмаса, уларнинг 50 фоизгача ҳалок бўлиши мумкин. Яъни туғилажак чақалоқнинг ақлий имкониятлари шунчага камаяди. Мана шу салбий ҳолатнинг олди ўз вақтида олинсагина чақалоқнинг келажакда буюк инсон бўлиш даражаси 80 фоизгача сақлаб қолиниши мумкин. Бу эса жуда мураккаб ҳам эмас – ҳужайралар кўшимча ахборот билан таъминланса кифоя. Яъни ҳомиланинг эшитиш тизимига таъсир этиш зарур. Зеро, эшитиш орқали мия ҳужайралари қанчалик яхши

ахборот олса, унинг такомиллашуви шунчалик яхши ва самарали бўлади. Ҳомиланинг кетма-кет бўлинаётган ҳужайраларини ахборот билан таъминлаш 100 фоиз амалга оширилса, қувват олган ҳужайралар анча такомиллашиб, кодланади. Кодланган ҳужайралар эса миянинг пўстлоқ қисмида қаватма-қават жойлашаверади. Чақалоқ туғилганидан кейин ва унинг улғайиш даврида кодланган ҳужайралар уйғониб, ўзларига берилган ахборотни тез ўзлаштиради ва таҳлил қилади. Яъни унинг келажакда фозил ва комил инсон бўлиб, ўз ақлий қобилияти билан ихтиро ҳамда кашфиётлар яратиши учун пойдевор вужудга келади.

Япон олимларининг текшириш хулосаларига қараганда, ҳомила даврининг 8 – 17 ҳафтalikларида кўп ахборот қабул қилган чақалоқда шартсиз рефлексларнинг анчаси такомиллашар, шартли рефлекснинг ҳосил бўлиши ҳам шунчалик тез ва мукамал бўлар экан. Мана шу жиҳатларни ҳисобга олган япон олимлари ҳозирги пайтда ҳомиланинг 3 ойлик давридан бошлаб уни ахборот билан таъминлаш механизмини ишлаб чиқиб, амалиётда қўлламоқдалар. Бу ахборотлар эса соддадан аста-секинлик билан мураккаблашаверади. Шу йўл билан ҳомила она қорнидаёқ шахс сифатида шакллантирилиб, келажакда иқтидорли инсон бўлиб етишувига асосий пойдевор қўйилади.

Шу ўринда мия ҳужайралари шиддат билан ривожланадиган даврнинг 9 ҳафта давом этиши ҳам бежиз эмасдек. Зеро, бобо-момоларимиз 9 сонига алоҳида эътибор беришади. Эртақларда ҳам «тўққиз кечаю тўққиз кундуз йўл юрибди» деган гапларга алоҳида урғу бериларди. Ҳомиланинг тўлиқ шаклланиш даври ҳам 9 ой 9 кун 9 соатга тўғри келади...

Асримиз бошларида рус олими В.М.Бехтеров махсус текширувлар асосида кар боланинг жисмоний ва

руҳий-ақлий жиҳатдан ривожланиши кўр боланикига нисбатан анча орқада қолишини исботлади. Чунки эшитиш орқали таассуротни қабул қилувчи мия пўстлоғи хужайралари кўришникига нисбатан тезроқ, яхшироқ ҳамда сифатлироқ таъсирланади. Демак, ҳомиланинг 3-ойлигидаёқ эшита бошлаши, ёруғликни эса чақалоқ бўлиб туғилганидан 1 ой ўтгачгина сеза бошлаши бекорга эмас. Бу билан Парвардигоримиз юксак савияли, ақли расо болани дунёга келтириш учун нималар қилиш ва энг аввало нималарга эътиборни қаратмоқ лозимлигини ўз бандаларига таъкидламоқда. Бу таъкидни эса илк бор буюк аллома бобомиз Ибн Сино пайқаган ва англаб етган эди.

Калифорниялик врач Ранс Ванде Кар ҳомила билан суҳбатлашишни йўлга қўйди. У ҳомиладор аёл ҳузурига кирганида ҳомилага савол берар ва у билан суҳбатлашарди. Ҳомила эса она қорнидан унинг гапларига аниқ ҳаракатлар билан жавоб қайтарарди. Бошқа бир америкалик олим – шифокор Бренд Логен қувноқ кайфиятдаги онанинг юрак уришини магнит лентасига ёзиб олди ва уни она қорни орқали ҳомилага мунтазам равишда эшиттирди.

Яна бир бор қайд этамиз: 3 ойлик эмбрион – жажжи ва митти одам. Унинг барча ички ва ташқи аъзолари шаклланган. Юраги бир текис уряпти, ўз организмни ўз қони билан таъминляпти, эшитяпти ва ҳаракат қиляпти. Энди у ҳомила даврига кирди. Бу даврдан унинг марказий нерв системаси такомиллаша бошлайди. Кундан-кунга ташқи муҳитни тушуниш, англаш, завқланиш, лаззатланиш, фарқлаш туйғулари ривожланиб, ўзаро узвий боғланиш тобора мувофиқлашиб бораверади. Бу жараёнларнинг барчаси, энг аввало, мия пўстлоқ қисми хужайраларининг кўпайиши билан содир бўлади. Энди унинг ҳаракатлари

дадиллашади, кучаяди ва шу ҳаракат орқали ўзининг борлигини сездиради. Масалан, ҳомила 16 ҳафталик бўлганида онаси унинг ҳаракатини аниқ сезади. 18 ҳафталигида эса у онасининг товушини танийди. Ҳомила даврининг 19 ҳафталигида киндигини бармоқлари билан ушлаб, боши атрофида айлантириб ўйнайди, умбалоқ ошади, таъм билиш, ҳид билиш, сезиш, эшитиш марказлари орасида мустаҳкам боғланиш пайдо бўлади. Бу эса она ва ҳомила ўртасидаги мулоқотга шароит яратади. Энди у билан бемалол гаплашиш мумкин. Мана шу даврдан бошлаб она ҳомилага ақлий таъсир қилишнинг турли йўларини ўйлаб, излаб, яратиб, у билан тўғри муносабат ўрнатмоқнинг оқилона, аммо хилма-хил усулларини қўлламоғи лозим. Чунки ҳомилада таниш, билиш ва англаш хусусиятлари пайдо бўлиб, онасининг ҳам, отасининг ҳам товушини фарқлайди, уларнинг товуш оҳангидан кайфиятини англайди. Шу боис ҳомилага эҳтиёт бўлиб, мулойимлик билан муомала қилмоқ лозим. Масалан, онанинг ўз қорнини сийпалаганини ҳам ҳомила сезади. Бу сийпалаш ҳомила учун онанинг эркалашидир. Эркалаш қанчалик даражада мулойим, майин, меҳрга тўла бўлса, ҳомиланинг қувноқлиги шунчалик ошади ва энди у жилмая бошлайди. Агар она шодланаётган бўлса, у бармоғини сўриб, киндик томирини ушлаб, оёқларини тебрантиради, қўллари билан ҳар хил майин ҳаракатлар қила бошлайди. Мабодо нохушлик сезса онасининг стресс ҳолатига тушганини англаса, норози бўлиб, оёқлари билан она қорнига тепади, кўз соққасини айлантириб, ижирғанади.

Ҳомила ҳатто атрофдагиларнинг ўз онаси билан қандай муносабатда бўлаётганини ҳам англайди, ҳатто улар билан «ҳомилачасига» мулоқот қилишга киришади. Шунинг учун ҳам онанинг ҳомила улғаяётган даврда овоз чиқариб ма-

йин ва ширали товушда ҳикоя, дoston ва шеърлар ўқиши, қўшиқ хиргойи қилиши, мусиқа тинглаши, ҳатто бошқалар билан оддий суҳбат қуриши ҳам ҳомиланинг марказий нерв тизими яхши шаклланиб, марказ билан боғланишни тезроқ уддалашига рағбат бўлади. Онанинг ўз касби юзасидан товуш чиқариб баҳсга киришиши, масалан, математика теоремалари асосларини баён қилиши, физика қонунлари тўғрисида товуш чиқариб фикр юритиши, завқ билан фалсафий мавзуда маърузалар қилиши кабилар ҳомила учун фойдали ахборот манбаи ҳисобланади. Ҳомилага берилаётган ахборот ҳажми қанчалик катта бўлса, ундан биоқувват олиб кодланаётган ҳужайралар шунчалик кўп бўлади.

Бундай ахборотларни ололмаётган ҳомила эса йиғлайди. Сизга бу гаплар лоф бўлиб туюлаётган бўлиши мумкин. Аммо буни фан исботлаган. Америкалик олимлар уч ўлчамда рангли кўрсатадиган ультратовуш аппаратада 17 ҳафталик ҳомилаларни икки гуруҳга бўлиб ўрганишган. Шунда оналари мусикадан, табиий фанлардан, фалсафадан ахборот олаётган, севинчли ва шодлик онларини бошидан кечираётган ҳомилаларнинг жилмайиш онлари бошқаларга қараганда тез-тез содир бўлиши қайд этилади. Иккинчи гуруҳда эса оғирроқ кун кечираётган, турмуш ўртоғи билан яшамаётган, атроф-муҳити носоғлом оналар тўпланган эди. Уларнинг ҳомиласи жуда кам ижобий ахборот олган. Шу боис текширишда 80 фоиз ҳомилада жилмайиш мутлақо қузатилмаган. Энг қизиғи, ана ўша ҳомилаларнинг 34 фоизиде тез-тез йиғлаб, ўксиниб-ўксиниб олиш ҳолати қайд этилади.

Шу тажрибадан келиб чиқиб яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, ахборот орқали биоқувват ололмаган ҳужайралар ҳомила миясининг пўстлоқ қисмида қатма-қат жойлашмасдан, аксинча, нобуд бўладилар ва чиқинди сифатида киндик томири орқали плацентага чиқариб ташланади. Мия

ҳужайраларининг «портлашдан кўпайиш»и пайтида ақалли 50 фоиз ҳужайралари сақланиб қолса, бу ҳомиланинг келажакда ақлли, салоҳиятли инсон бўлишини таъминлайди.

ЗАВҚЛИ САДОЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Ҳа, у ўғлини чанқоқлик билан хориждан келишини интизорлик билан орзиқиб кутяпти. Унга меҳри бўлакча...

... Ҳаёллари билан бир неча йиллар аввалги ёрқин умр саҳифаларини варақлар экан, дил орзусининг айни ушалган маҳалида саралаб севган гулини қалбининг энг нозик тўрида авайлаб эркалаган турмуш ўртоғининг рубоб чалиб қўшиқ айтганида қандай лаззатли ҳис-ҳаяжон ва туйғулар ичра роҳат дунёсида кезганини энтиқиб эслади.

Қуёш эндигина ҳаётбахш нурини чексиз олам узра сочиб, нозик дилларга ҳузур бағишловчи тоза ва соф ҳавони силаб қиздира бошлаганида Мавлудахон рубобнинг лаззат ҳада этувчи ёқимли овозини эшитди. Бугунги қилинажак, ишларининг унумли бўлишини режалаштираётганидан аввалига торнинг майин ва равон титраб жаранглашига эътибор бермади. Куйнинг жозибали оҳангидан инжу лаззатлар оғушига кўмилиб қолганини, куй сеҳри уни тобора ўз бағрига тортаётганини Мавлудахоннинг ўзи ҳам сезмай қолди. Куй эса тобора фусункор мўъжизали жарангларди. Торнинг оҳанрабо навоси чамангулларнинг оҳиста, аста оғиб эсаётган салқин шабада пайтида ажойиб муаттар ифорлар ақлни қитиқлаб маст қилгани каби Мавлудахон ҳам мафтункор куй оғушига сингиб бораётганини, қалбини ранг-баранг юксак ва шаффоф туйғулар ром этаётганини сезмай ҳам қолди.

Ширин ва ёқимли орзулар қанотида илк майсадай тебраниб мазза қилаётган Мавлудахон қалбини эгаллаб олган му-

саффо туйғуларини бир нуқтага йиғиб, завқли ором олмоқ ниятида қимирламай турган бўлса ҳам, дилкаш оҳанг оҳанрабодай ўзига чорлади. Райҳон ҳиди анқиб, шудрингнинг гавҳар дончалари ялтираб кўринаётган манзарага маҳлиё Илёсбек атрофини ўраган борлиқнинг бошқа мафтункор гўзалликларига эътибор бермасдан ўзи чалаётган куйнинг маҳзун ва тошқин, жўшқин ва муҳсин садосига мафтун бўлганича гўзаллик ва чиройнинг сарасини бирпасда ажратиб оладиган кўзларини юмиб, рубобнинг жилоли навосига монанд ҳолда бошини тебратиб, кўшиқ бошлади:

*Тўлқинланиб борлиқ, ранг сочди осмон,
Жўр бўлмоқчи чунон сайроқи булбул.
Авжига чиқди куй, энди-чи гумон,
Куй завқига булбул маҳлиё буткул.*

*Қалбларни лол айлар жарангли кўшиқ,
Кўшиқ жарангидан тенгсиздир бу ишқ.*

Сирли ва ўта жозибали оҳанглардан ўзгача ҳайратланарли роҳат олиб қип-қизил ловуллаб ёнаётган қон эса севган ва севилган юракдан жўшиб, тошиб, куйнинг ҳам оромбахш, ҳам дилни қитиқловчи унидан ҳузурланиб қувонаётган бошнинг тебранишига сабабчи бўлаётгани аниқ эди.

Дилни аллаловчи оромбахш куй оқими нозли, бир қадар ишвали майин оҳанги билан жаранглаётган савти марғуб Мавлудахонни сеҳрлаб, шунчалик ўзига асир қилгандики, унинг садоси тўлқинларидан қалбининг нозик ҳислари жўшқинлашиб, ҳозирги ҳолатидан-да юксакроқ кўркам ва сўлим манзарали мақомга кўтарилди. Муаззам садолар оҳунинг гўзал кўзларини ҳам лол қолдирадиган чиройли кўзларини янада мафтункор айлаган ўқ-ёйнинг ўқи мисол узун узун қоп-қора киприқларини пирпиратиб, кайфиятнинг

дилгир ва дилкаш бўронига уни буткул кўмиб ташлади. Чалаётган куйининг авж пардалари ичра ниҳоний тўлғанаётган Илёсбекнинг ёнига боришга мажоли етмаётган Мавлудахоннинг юрак пардаларининг ҳаяжонга чулғанган туғёнлари энди ишвали рақсга туша бошлади. Оҳанрабо куй садоси юпқа ва нозик кумуш шиша жомчаси жарангидай товланиб, айни авж пардасида ўйнай бошлаганида булбулнинг завқли овозини ҳам мафтун қилгувчи куй ва кўшиқ сеҳри Мавлудахоннинг азиз ва ноёб кечинмаларини олов рангли лолазор майдонининг ўртасига етаклади. Кўшиқнинг сержило ва муҳаббатга тўйинган мўъжаз ва сеҳрловчи дураҳшон сўзлари Мавлудахоннинг бир вақтлар илкис уйғонган туйғуларидан ҳам юксакроқ ички шаффоф кечинмаларини оловранг ҳисларининг лазиз пардаларига ўраб завқнинг ширин жозибаси дурлари билан чулғаб олди.

*Кўшиқ янграр жўшқин куйига монанд,
Инжу тугёнлардан сўзлари тиниқ.
Жозоба сеҳридан гуллар баҳраманд,
Завқланган дилларда юраклар ёниқ.*

*Қалбларни лол айлар жарангли кўшиқ,
Кўшиқ жарангидан чексиздир бу ишқ.*

Ёлқинли ранглардан товланаётган сержило мушак ёғдуси ичра қалбидаги ҳислар нурланаётганидан ҳомиласи қимирлаганини, унинг қимирлаши, тебраниши куйнинг тўлғанишига монанд бўлаётганини сизди. Бу ҳолдан севгининг беқиёс юксак туйғуларидан ифтихор уйғониб, ҳомиласининг наво нағмасидан ҳайратланиб тинглаётганини англади-да, ёқимли ҳислар ларзасининг буткул бўйсунган тобе қулига айланди. Энди сержило ва серишва эрка инжу нозларни дилкаш садоларига тамомила бўйсундирган куй

ва кўшиқ Мавлудахоннинг кўркам кўклам боғларида гуллаган севгисининг энг бахтли онларини кўз олдида яна ҳам яққол гавдалантирди. Ҳаётнинг энг ширин сезими қалбинини олий лаззатга чулғаб, хаёлини булбуллар чарх уриб сайраётган атиргуллар чаманзорга етаклаганда оҳанг бошқача бир майин ва мунис оҳангда эшилиб-эшилиб ва титраб тўлғона бошлади. Оҳангнинг нафис ва нозик эркаловчи дилбар навосидан ҳомила ўнгдан чапга тебранар, унинг эркаланиб майин тебраниши Мавлудахон хаёлининг энг нозик торларини аста силаб, куйнинг нозик, майин сасини узоқ эшитиш жажжи кўзмунчоқнинг истаги экани унга аён бўлаётган эди. Мавлудахон буни аниқ сезар экан, беҳисоб ва чексиз сержило рангларга ўралиб, ажойиб дилрабо таронанинг беқийс ва шукуҳли оҳанглари ичра суза бошлагандек бўлар, кўзларини оҳиста юмганида жозибали садоларининг ҳомиласи қулоқ пардасининг энг нозик нуқталарига урилиб, етти рангда товланиб чарақлаётганини, бундан эса ҳомиланинг қиқирлаб кулаётганини тасаввур қилиб кўрарди.

Ҳомиласининг жажжигина жимжилоғини сўриб, бошқа бармоқларини завол билмас таронанинг шавқли ва завқли оҳанг тўлқинларига жўр бўлиб тебратаётганидан Мавлудахоннинг лоладек очилган рухсорида ўзгача бир латофат гўзаллашиб, анор каби қизарган ёноқларида нурли бир малоҳат жилва қила бошлади.

Ўта хурсанд бўлганидан қалб туйғулари түгён уриб, бардам ҳислар ҳайбатидан ларзага келиб куй завқидан юрагида пайдо бўлаётган ҳаяжон эпкинларини ёниқ нурларга айлантириб, оташ нигоҳларини куй ва кўшиқ муаллифига қаратди. Шу пайт Илёсбек илқис бошини кўтариб, куйнинг жозибали жарангини айни авжи нуқтасида тўхтатиб, жилмайганича Мавлудахонга яқинлашди-да, унинг елкасидан қучоқлаб олди. Жилвали куйнинг дилтортар оҳанглари

ўрайдан чиқа олмаган Мавлудахон ҳомиласининг яна авж садоларни эшитишга интиқ бўлаётганини сезиб, Илёсбекнинг юзига қувончга чулғанган кўзлари билан боқиб, «Яна чалинг!» – дея олди мулойимгина...

*Тор титрайди, кўшиқ, ҳайратда осмон,
Кўнгил эрийдию йиғлайди юрак.
Севишган туйғулар юксалур ҳамон,
Эй фалак, айт, сенга яна не керак?!*

*Қалбларни лол айлар жарангли кўшиқ,
Кўшиқ жарангидан сўнгсиздир бу ишқ.*

... Мана бугун бир вақтлар дилрабо ва дилкаш наво оҳангига нағмаланган жажжи кўзмунчоқ хорижда, халқаро конкурсда ғолиб пайтида эшитган «Ширин туйғулар» куйини оркестрга мослаб моҳирона дирижёрлик қилгани учун олий мукофотга сазовор бўлди. Мавлудахон ўғлини сабрсизлик билан хаёлида тасаввур қилиб орзиқиб кутар экан, бир неча йиллар аввалги ёрқин умр саҳифаларини хаёлларида варақлаб, куй садолари авж пардасининг нотаси ичра лаззатли туйғулар дунёсини кеза бошлади... Ҳа, у ўғлини чанқоқлик билан зориқиб кутяпти. Унга меҳри бўлакча.

... Умр дафтارينинг бир неча йиллар аввалги ёрқин саҳифаларини хаёлан варақлар экан, турмуш ўртоғининг рубоб чалиб қандай лаззатли туйғулар ичра кезишини англагандай бўлди...

... Эндигина кўтарилган қуёш ҳаётбахш нурини олам узра сочиб, дилларга ҳузур бағишловчи тоза ва соф ҳавони силаб қиздира бошлаганида Мавлудахон рубобнинг ёқимли овозини эшитди. Бутун ўй-хаёли бугунги қилинажак ишларининг режаси билан банд бўлгани боис аввалига торнинг

майин ва равон жаранглашига чуқур эътибор бермаг-
эди. Аммо куйнинг жозибали оҳанги уни инжу лаззати
оғушига тортиб кетганини Мавлудахон сезмай ҳам қолди.
Куй тобора мафтункор ва мўъжизали жарангларди. Чам-
гуллар узра оҳиста эсаётган салқин шабада ақлни қитиқ-
маст қилгани каби, куй ҳам Мавлудахоннинг қалбини ранг-
баранг юксак туйғулар ила ром айлади...

* * *

Тарихий далиллар:

1. Машҳур режиссёр Брот куйидагича ҳикоя қилади:

«Бир куни роялда ўзим янги ижод қилган куйимни та-
рорлай бошладим. Шу пайт миямда кулоққа хуш ёқадиган
янги куй пайдо бўлди, мен уни такрорлаб чала бошладим.
Куй айни авжигача чикқанида онам мени тўхтатиб сўради:
– Ўғлим, сенга бу куйни чалишни ким ўргатди?»

Мен бу куй хаёлимга қуйилиб келаётганини ва уш-
фақат ижро этаётганимни айтдим. Онам ҳайратининг че-
йўқ эди. Онамнинг айтишига қараганда, менга бошқо-
ронғи бўлганида у нукул шу куйни чалар экан».

2. «Соғлом болаларни шакллантириш» лаборатория-
бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори М.Лазерев куйидагича
тажрибани ўтказди. У ҳомилали аёлга она алласини ўрг-
тиб, ҳар куни соат 8:00 да куйлаши лозимлигини уқтирди.
Бир неча ўн кунлар шундай қилинди. Аммо кунларнинг
бирида алла айтилиши лозим бўлган вақтда ёш ҳомил-
дор она алла айтишни унутиб қўяди. Шунда ҳомила жад-
билан безовталаниб, типирчилаб, кескин ҳаракатлар қил-
бошлайди ва она бундан ўзини нохуш сезади. У аллаё-
қайтадан бошлагани заҳоти ҳомила ҳам тинчланади.

3. Новосибирск педагогика университети олимлари ҳа-
одамлар орасида катта текширув ўтказишди. Табиатан ўт-

баджаҳл, худбин, бошқалар фикри билан ҳисоблашмайди-
ган, ижобий нарсалардан ҳам доимо норози, тажовузкор
одамларда шу нарса аниқландики, улар ҳомилалик даври-
да на она алласи, на ашула, на мусиқа оҳангларини эши-
тишган.

Энди ҳозирги пайтда амалиётда қўлланилаётган ва та-
жрибада ўзини тўла оқлаган айрим ишларга диққатимиз-
ни жалб қилсак, ҳурматли ўқирман!

Пренапедия атамаси учта сўздан иборат бўлиб, peri –
атроф, natal – туғилишга алоқадор, paidela – ўқитиш, яъни
бола ҳали туғилмасидан, онаси қорнида эканлигида уни
ўқитиш ва ривожлантириш усулидир. Бу усулнинг мақса-
ди бола туғилгунича фаол ўқитиш тизими ёрдамида чақа-
лоқнинг наслий ва ақлий имкониятларини тўлиқ очиб,
ундан унумли ва тўла фойдаланишга эришишдир. АҚШ ва
Канада олимлар гуруҳи тадқиқотларидан маълум бўлиши-
ча, ақлнинг камолоти катта ёшли инсон миясидаги кулранг
модда миқдори билан эмас, балки болалик ва ўсмирлик
даврида миянинг қандай ривожлангани билан узвий боғ-
лиқ экан. Боланинг она қорнида (пренатал) ривожланиш
жараёнида товуш сигналининг, оқимининг, яъни ҳар хил
ахборотларнинг етишмаслиги бола мияси ривожига тўхта-
тувчи таъсир кўрсатади.

Пренапедия усули. Бу усул Россияда 1983 йилдан бери
қўлланилмоқда. Унда мусиқанинг организмга таъсирдан
фойдаланилади. Бу усулда шу нарса аниқландики, онанинг
ўзига ёққан мусиқани тинглаши унинг қорнида ўсаётган
боланинг ички аъзолари қобилияти тўғри тикланишига,
ҳужайраларда модда алмашинуви жараёнининг самарали
бўлишига ёрдам беради, боланинг фикрни жамлаш ва об-
раз (тасвирлар) ҳосил қилиш қобилияти учун замин яра-
тади. Бу усул 16 та ритмик товушни эшиттиришдан иборат

бўлиб, улар она юраги ритмига айнан ўхшашдир. Ҳомилани ривожлангани сари товушлар ритми ҳам изчиллик билан ошиб бораверади. Бу усул ҳозирги пайтда, айниқса, АҚШ тиббиёт муассасаларида кенг тарқалган бўлиб, 2006 йилда 100 мингдан ортиқ болаларга жорий этилди. Улар ростида ақлий қобилиятлари юқори бўлиб туғилди.

Пренапедия усулида тарбияланган болаларда қуйидаги ижобий кўрсаткичлар аниқланган:

1. Физиологик жиҳатдан етук бўлиб туғилишган.
2. Туғилишдан кейин осон мослашишган, яъни очиб кўз билан туғилганлар (камроқ бақирадилар, онасини ҳур билан эмиб, яхши ухлаб ором оладилар).
3. Ҳаётининг биринчи йилида камроқ касалланганлар.
4. Ҳаётининг кейинги даврларида сурункали касалликларга берилувчанлик сезилмаган.
5. Кўкрак сути билан боқиш кўрсаткичи ортган.
6. Жисмоний ва руҳий жиҳатдан тезроқ ривожланишган.

Бу болаларда ривожланиш босқичлари ҳам эрта бошланади, тил ўрганиш, мусиқани фарқлаш, ижодкорлик боради. Анчагина қобилиятли бўлиб, таълим муассасасига тайёргарлик даражаси ҳам юқори бўлади.

3. Гаптономия усули. Бу усулнинг мақсади ота-оналарнинг бўлгуси фарзандлари билан танишувлари ва ахборот алмашинувлари воситасида ақлий ва жисмоний қобилиятини ошириш.

Профессор М.Я.Лазеровнинг ҳомилани мусиқа билан ривожлантириш бўйича «Санатал» усули Россияда, айниқса, Татаристонда ва хорижда 1983 йилдан бери муваффақиятли қўлланилмоқда.

Профессор Брент Лоуган 1980 йилнинг охиридан бошлаб ҳомилаларга аёлларга ёққан мусиқани уларнинг бо-

лалари ҳам эшитишлари учун қулоқчинни она қорнига жойлаштириш усулини қўллади. Мусиқа эшитиш пайтида шифокорлар ультратовуш аппарати ёрдамида ҳомиланинг қимирлашларини кузатдилар, унинг юрак ритмидаги ўзгаришларни ўлчадилар.

2006 йилда Гарвард университети қошида болаларнинг эрта ривожланиши бўйича Гарвард маркази ташкил этилди. Марказ болаларнинг эрта ривожланишини иқтисоднинг ривожланишига калит бўлади деб ҳисоблайди.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда ҳомилалар тарбиясига юқоридаги усуллар билан таъсир этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, онада ижобий ҳис-туйғуларни ривожлантиришга, уни мана шу қувноқ ҳис-туйғулар «қармоғи»да мумкин қадар кўпроқ тутиб туришга муҳим тадбир сифатида қаралмоқда. Зеро, ҳис-туйғулар ва кайфият нафақат кишининг фаолиятини, балки кўпинча инсон организмидаги турли ижобий ҳамда салбий жиҳатларни ҳам бошқаради. Хўш, бу қобилият инсонда қачон пайдо бўлади?

Энди туғилган чақалоқнинг ёнида онаси борлигини ҳис қилиши, онанинг уни қўлига олиши, кўкрак тутиши чақалоқда ижобий ҳислар туғдириши тиббиёт оламига анчадан бери маълум. Аслида эса чақалоқдаги илк ижобий ҳис-туйғулар у ҳали она қорнида эканлигидаёқ, онанинг қувончдан энтикаётган юрак товушини эшитишидан вужудга келади. Ҳомила бу ижобий ҳислардан қанчалик тўйиб, узоқ вақт давомида баҳраманд бўлса, унинг туғилган пайтдаги «инга»си ҳам шунчалик қувноқ, ёқимли ва жарангдор бўлар экан. Худди шунингдек, ҳомила вужудига салбий ҳислар ҳам сингиб кетиши мумкин. Агар она ҳомилаларлик даврида кўп изтироб чекса, юрагидаги биотўлқинлар хусусияти ўзгариб, ҳомиллага жуда нохуш таъсир қилади.

Агар бу ҳолат сурункали давом этса, шу муҳитда ўсган ҳомила туғилганида унинг «инга»си ҳам ҳазин, ялингенси-мон, худди сиздан ёрдам сўраётгандек бўлиши турган гап.

* * *

Оилада фарзанд дунёга келди! Бундан қувончлироқ ҳодиса бўлмаса керак.

Фарзанд илк бор кулганида юракларнинг қувончга тўлишини сўз билан таърифлаш қийин. Илк қадам ташлаганидаёқ атрофда қанчадан-қанча қийқириқ ва чапаклар билан қарши олинади. Ҳа, фарзанднинг дунёга келганидан бошлаб то ўзи мустақил ҳаёт йўлига тушиб олгунича ота-она меҳридан баҳраманд бўлиб ёки қариндош-уруғи қаноти остида ўсишида ўзгача бир файз борки, бунга иқроор бўлмасдан ўзга илож йўқ.

Санкт-Петербург болалар шифохоналаридан бирига америкалик шифокорлар тажриба алмашиш учун келганларида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Чақалоқ чала туғилганди. Оғирлиги бор-йўғи 750 грамм. Бизнинг шифокорларимиз умид йўқ дейишди. Ҳатто онаси ҳам ундан умидини узиб бўлган. Бироқ америкаликлар чақалоқ парваришини ўз зиммаларига олдилар. Ўрис тилини биладиган алоҳида ҳамшира ажратишди. Мен ҳайрон бўлдим: ахир бир парча гўшт чақалоққа тилнинг нима аҳамияти бор?! Ҳамшира эса чақалоқ атрофида шунчалик парвона бўлардики, асти қўяверинг. У чақалоқнинг бошидаги сарик туюқларини силар, баданларига авайлаб кафтларини текизар, бармоқлари билан юзларини меҳрибонларча силаб, шундай мулойим ва сирли овоз билан чақалоқни нафис эркалар эдики, гўё у 8 – 10 ойлик бола билан гаплашаётдек. Ҳамшира ифодали тарзда шеър ўқир, ашула хиргойи қиларди. Ашула оҳанги гоҳида мунглироқ бўлса, баъзида шўх бўлар, меним-

ча, шу ранг-барангликда ҳам қонуний бир даврийлик бордек эди. Яна шуниси аҳамиятлики, америкалик шифокорлар талаби билан чақалоқнинг онаси қидириб топилиб, бир неча ўн доллар эвазига унинг ўз боласини эркаловчи мақтов сўзлари магнит лентасига ёзиб олиниб, вақти-вақти билан чала чақалоққа эшиттириб турилди. Хуллас, ана шундай оддий, лекин чуқур мазмунга эга парвариш оқибатида боланинг вазнига вазн қўшила бошлади. Бу воқеадан сўнг боланинг илк тарбияси нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигига тан бермасдан илож йўқ эди.

Мана шу мисолнинг ўзидан момо-боболаримизнинг энди туғилган болага нима сабабдан катта эътибор берганлари аён бўлади. Даҳрийлик мафкурасига алданган даврларда эса биз буни масхара қилиб келдик.

Дунёга келган фарзанднинг хусусий имкониятларини ўз вақтида пайқаб, шу йўналишда таълим бериш ҳам ота-онанинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Аслини олганда, бу ҳам қийин жараён эмас. Дейлик, машҳур донишманд ва фан докторларини жамлаб махсус жамият тузилади. Мисол учун, Мансурбек адабиётга жуда қизиқади: шеър ёзишда синфида илғор. У албатта филология бўйича машҳур олимга бириктирилади. Шу тарзда қизиқишларига қараб Жасурбек математика, Дониёр физика, Фахриддин техника, Нодира фалсафа бўйича фан доктори ва академикларга бириктирилади. Ана шунда миянинг пўстлоқ қисмида кодланиб турган ҳужайралар бирин-кетин уйғонаверади ва шахснинг шу соҳа бўйича интеллектуал қобилияти тобора ошиб бораверади.

Кўплаб кузатишлар хулосаси сифатида шу нарсани қайд этиш керакки, илгарилари (ҳатто 50 – 60-йилларда ҳам) болалар тарбияси инсоний қонунлар замирида олиб бориларди. Масалан, агар бир қишлоқ ёки маҳаллада би-

роп бола етим қолса, оқсоқоллар маслаҳатлашиб, боланинг тарбиясини уни уддалай оладиган ўзига тўқ оилага топширарди. Болани олган оила ҳам: «Менинг қаровсиз қоладиган қариндошим йўқ, болаларим нимани еса, шуни ейди, нимани кийса, шуни кияди», – дея уни ўқитиб, уйли-жойли қилиб, рўзгорини ажратиб берганидан кейингина ўз вазифасини адо қилган бўлиб, оқ фотиҳа берган.

Азизлар, қуйидаги қонуниятга диққат-эътиборингизни қаратинг: бола туғилганидан кейин уни эркалаш, аллаш, хушчакчақ кайфият билан силаб-сийпалаш боланинг руҳий-ҳиссий ҳолатига таъсир кўрсатади ва шу пайтдан чақалоқнинг мурғак қалбида инсоний меҳр, муҳаббат, раҳм-шафқат куртак ота бошлайди. Онанинг эркалашларидан лаззат олган боланинг юраги, жигари, мияси инсоний қадр-қиммат туйғулари билан суғорила боради. Ана энди ўйлаб, фикр юритайлик: она меҳрини кўрмай ўста қизда юқоридаги ажойиб хусусиятлар, яъни онага хос турма инстинктлар ривожланармикин?! Демак, у келажакда она бўлса, ҳеч оғринмай, қийналмай, қалби сесканмасдан ўз боласини етимхонага топширса, бундан ажабланишнинг ҳожати йўқ. Унинг боласининг тақдири эса янада аянчлироқ бўлади. Мана, кўрдингизми, келажакда ўз боласига меҳр-муҳаббати бўлмаган, боласининг тақдири заррача ташвишлантирмайдиган оналарнинг жамиятда пайдо бўлиши бугун турли сабаб билан етим қолаётган болаларнинг пайдо бўлишига боғлиқ. Бу ўриндаги энг аянчли маълумот шуки, «Меҳрибонлик уй»ларида тарбияланаётларнинг 90 фоизини тирик етимлар ташкил қилади. Ушбу занжир реакциясининг олди бугунданок олинмаса, бир кун келиб бугун жамият етимхонага айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

* * *

Яна пушт тарбиясига қайтамиз. Бу борада қизиқ бир факт шуки, бугунги кунга келиб аждодларимиз яхши билган ҳақиқатлар хориж олимларининг текширишларида ўз тасдиғини топмоқда. Масалан, немис олимларининг аниқлашларича, пушт ҳосил бўлишидан бошлаб, энг аввало, унда руҳият шаклланади ва бу жараён унинг хотирасида сақланиб қолади. Ҳомилада уч ойлик даврида таъм билиш қобилияти пайдо бўлади, сўнгра эшитади, ҳид билади ва кўра бошлайди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз одамнинг ёшига яна бир ёш қўшиб ҳисоблашган. Зеро, туғилиш ҳомила учун бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш, холос – у боши пастга қараган ҳолатда яшашдан боши юқорида бўлиб яшашга ўтади.

Мана шулар инобатга олинса, ҳомилани олдириш (аборт) нақадар ваҳшийлик экани ойдинлашади ва қалбни ларзага солади. Америкалик олимлар ультратовуш ёрдамида ҳатто аборт қилинаётган ҳомиланинг даҳшат ичра товушсиз фарёд қилишини кинолентага туширишга муваффақ бўлдилар. Бу хавфни сезган ҳомиланинг юрак уриши бир дақиқада 140 дан тезлашиб, 200 мартагача етиши, баъзан ундан ҳам ошиши кузатилади. У таҳликага тушиб оёқ-қўлини қимирлатади, оғзини катта-катта очиб, юзида даҳшат аломати пайдо бўлади. Ялингансимон афтини буриштириб, аборт ускунасига кўзларини мўлтиратиб тикилади...

Юқорида ҳам бир неча бор қайд этганимиздек, агар она ҳамиша яхши ва кўнглига хуш ёқадиган нарсалар тўғрисида ўйласа, ўзи севган машғулотлар билан шуғуланса айни муддао бўлади. Онанинг халқ қахрамонлари тўғрисидаги хикоя, эртак, роман, шеър ва дostonларни пичирлаб ёки овоз чиқазиб ўқиши, маъноли ашулалар айтиши ва кенг

мушоҳада билан фикр юритиши ҳомиланинг, агар қиз бўлса, демак, бўлажак онанинг мияси яхши ривожланиб, ақлий қобилияти юқори, қалби гўзал бўлишини таъминлайди. Худди мана шундай муҳитда етилган ва туғилган бола қалбида ўз ота-онасига, халқига, Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат лиммо-лим бўлади.

Демак, республикамизнинг дунё халқлари орасидаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаши учун келажак авлод ҳақида бугунданок жиддий ўйламоқ, яъни бола тарбиясини она қорнидалиқ маҳалидаёқ бошламоқ керак. Пуштининг биринчи кунидан бошлаб унинг онасига ғамхўр бўлиш, унга хоҳлаган таомини муҳайё қилиб, кайфияти ҳар доим хушчақчақ бўлишини таъминлаш лозим. Токи келажакда тирик етимлар кўпайишининг олди олинсин.

Юқорида айтилган далиллардан кейин ҳомилани инсонлик белгиларидан узоқ мавжудот деб айта олмаслигимиз тайин. Аммо ҳомилага ўз вақтида ва керакли равишда ахборот бериш вазифасини уддалаяпмизми? Ҳомиланинг ақлий ва таҳлил қилиш қобилиятини ошириш учун қандай ҳаракат қилаётирмиз? Келинг, шу ерда можар мусиқа шуноси Зольтан Кодея билан бўлиб ўтган суҳбатни ёдга олайлик. Ундан сўрадилар: «Чақалоқ туғилди. Уни мусиқа билан ҳозирданок тарбиялаш эрта эмасмикан?» Жавобини эшитинг: «Кеч! Бу тарбияни унинг онаси қорнида маҳал, туғилишидан 9 ой олдин бошламоқ зарур эди».

Овоз чиқариб шеър ўқиладимиз, дoston айтиладимиз, физика, кимё, математика, фалсафадан баҳслар олиб бориладимиз, ашула янграйдимиз, хиргойи қилинадимиз, мусиқа чалинадимиз — ҳомила уларнинг барчасини эшитади, ундав ором олади, яйрайди, хурсанд бўлади ва буни онага қимирлаб билдиради. Ёқимли наво янтраганда қиз ҳомила ўз киндик томирини панжалари билан ушлаб, жажжи оёқла-

ри ва бошини рақсга монанд тебратар, киндик томирини боши узра айлантитар экан. Агар ёмон шовқинлар ёки рок мусиқалар ёқмаса, ҳомила бесаранжом бўлиб, ёқимсиз ва ноўрин ҳаракатлар қилади.

Ҳозирда нуқсонли аъзоларнинг фаолиятини тиклаш учун эмбрион ривожланиш давридаёқ операция қилинмоқда. Масалан, ҳомиладаги қовуқдан пешоб чиқаришга тўсиқ бўлувчи клапанларда, буйракларнинг пуфакка ўхшаб кенгайиб қоладиган гидронерфоз норасолигида жарроҳлик муолажалари амалга оширилмоқда. Баъзи ҳолларда операция тутагач, ҳомила бачадон ичида жарроҳга жажжи қўлчаларини узатиб, бош бармоғини қисиб, миннатдорчилик билдиради! Бу айнан мўъжиза эмасми?

Ушбу келтирилган дадиллар асосида ишонч билан айтиш мумкинки, болага ҳомилалигидаёқ етарли равишда ахборотлар берилса, бу билан бўлажак ота-оналар миллатнинг шаънини юксакларга кўтарувчи, халқаро эътирофга сазовор алломаларнинг дунёга келишига хизмат қилган бўладилар. Буни қайси ота-она хоҳламайди?!

Ана энди хулоса қилиш пайти келди: туғилажак болага ҳомила сифатида пайдо бўлишидан бошлаб то дунёга келгунича тўғри тарбия берилиб, унинг келажакда ким бўлишини ўйлаган ҳолда онгли ҳаракатлар қилиниши шарт. Тарбия воситаси сифатида соддаликдан аста-секинлик билан мураккабликка йўналтирилган ахборотлар мажмуаси танланиши зарур. Токи бу ахборот ҳомиланинг эшитиш тизимига ижобий таъсир эта олсин. Отанинг ҳомила билан суҳбатлашиш, суҳбат жараёнида унга ривожлантирувчи сўзлар айтиш, она қорни устидан ҳомилани эркалатиб суйиши, овозини тез-тез чиқазиб туриши, буларнинг барчаси ҳомиланинг ақлий тафаккури ривожига катта рағбат беради. Берилган ахборот ҳо-

миланинг мия ҳужайраларида ном-нишонсиз, беиз йўқо-
либ кетмайди, аксинча, ҳужайраларнинг юксак даражада
такомиллашувига сабаб бўлади.

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Тўрғайнинг ноласи, айниқса, ҳар нола сўнгидаги чў-
зиқ-чўзиқ, ҳазин ва мунгли оҳанг она оҳига ўхшарди. Уни
жон қулоғи билан тинглар экан, Ойхон момонинг дийдаси
юмшаб, кўз ёшлари селдай оқа бошлади. Қалби ларзага ке-
либ, ундаги орзу-истаклар, хоҳиш-ирода, жами туйғулари
қоришиб кетди гўё. Энди тафти қайтиб, қизара бошлаган
қуёшга жонсарак тикилганича энди у ҳам тўрғайга жўр-
овоз бўлиб ўз қўшиғини бошлади:

*Ёнимдаги бўз тўрғай,
Бўзламасанг не бўлғай?
Сен бўзласанг ёнимда,
Юрагим гамга тўлғай.*

Гўдак дунёга келиб илк марта нафас олиб ва олам юзини
кўрар экан, чинқириб юборади. Чақалоқнинг ана шу овози
она учун жамики мусиқа куйларидан ҳам ёқимлидир. Бу
кунни орзиқиб кутган она қалби қувончдан энтикадию юра-
ги ҳаприқиб, кўкракларига сут келади. Бу оддий сут эмас,
балки авлод-аждоғларнинг барча муҳим хусусиятларини
ўзида умумлаштирувчи ҳужайралар ривожини таъминлай-
диган ҳаётбахш неъматдир. У инсоннинг келажак бахтини
белгиловчи ақлий қобилияти, вужудига жо қилинган барча
яхши фазилатлари, иқтидори ва барча интеллектуал салоҳи-
яти ривожига туртки берувчи ноёб малҳамдир. Туғилган
инсоннинг қичқиргани шу азиз неъматни, ноёб малҳамни
талаб қилганидир. Агар унинг бу талаби қондирилса, илк

нафас олган заҳотидаёқ шитоб билан кўпая бошлаган мия
ҳужайралари шу мўъжизали неъматдан озиқланиб, унда
ақл, меҳр-муҳаббат ва қобилиятлар мажмуаси юксала бора-
ди. Бу пойдевор тикланыптими, юксаланыптими, демак, бар-
камол ёш авлод ўсиб улғаяди, мамлакатда юксак савияли,
заковатли қатлам юзага келади.

Мабодо бу ҳужайралар шу малҳамдан бебахра қолса-чи?
Бунда, албатта, ҳужайраларнинг кўпайиш мароми ва мунта-
замлиги бузилади, оқсиллар тизимида озми-кўпми салбий
ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Худди мана шу ўзгаришлар
эса тақдирга таъсир қилувчи омил бўлиб қолиши мумкин.
Бу ўзгаришлар жараёни она ва бола ўртасида бир неча ой да-
вомида юзага келган мувозанатни бузиб қўяди.

Юқорида айтилганларни халқимиз ўзининг минг йил-
лик тажрибасида исбот этган.

* * *

... Ойхон момо Ҳисор тоғининг шундоққина этагида-
ги қишлоқда яшарди. У ҳар куни қуёшдан олдин уйғониб,
пахсали девор билан ўралган ва томи қамиш билан ёпилган
уйининг деразаси олдидаги супадада ўтирганича кунботар
тарафга умид билан тикиларди. Ўзича атрофда ўсаётган
майсалар, ўт-ўланлар, қушчалар билан сўзлашар, ҳаётининг
энг бахтли кунларини кўз олдига келтириб, шу севимли
ва бахтиёр онларини кўмсарди. Аммо ўтмиш қайтмайди.
Шуни англагани сари Худодан ўзига сабр-тоқат тилайди, ҳеч
бўлмаса, шу ширин хаёллардан мосуво бўлмасайди...

*Дардларимнинг сасидан,
Тоғлар чўқар кўзгалиб,
Айтаверсам дардимни,
Тошлар йиғлар дод солиб.*

Тоглар, чўкманг кўзгалиб,
Аввал тингланг сўзимни,
Айрилиқнинг оҳлари
Тун қилди кундузимни.

Тошлар, йиглаб додламанг,
Тингланг мени оҳиста,
Мени соғинч ҳислари
Қилди телба ҳам хаста.

Дардим танамга сизмай,
Отай дейман аламга,
Отилган шу дардларим
Етиб борсин боламга.
Болам тинглаб дардимнинг
Дардлигини билмасин,
Гумон ичра тўлғониб,
Юрак-бағрим тилмасин.

Ёлвораман, ой, сенга,
Доим тўлин ой бўлгин,
Боламнинг омонлигин
Хабарин бериб турган.

Ойдек омонлигимни
Ойга боқиб билсайди,
Дардим айтган алламдек
Болалигин қўмсайди.

Онанинг қалбида йиғилиб қолган барча алами, орзулари, истак ва тилаклари акс этган мунгли ҳамда ҳазин қўшиқ қишлоқ бўйлаб таралади. Изтироб ва андуҳлар уммониға фарқ бўлишдан ирода кучи билан ўзини сақлаб қолаётган бу онаға ёрдам беришга эса қишлоқ аҳли ожиз

эди. Улар онадаги кучнинг меҳр туфайли эканини билишар, она қалбига таскин берадиган ундан кучлироқ биронта ҳам чора топа олмасдилар. Аксинча, кимлардир бу қўшиқнинг юраклар тубига урилаётган тўлқинларига чидай олмай хўнг-хўнг йиғлар, баъзи бирлари эса она дардига қандай тасалли беришни ўйлаганларича хаёл дарёсига чўкиб, қўшиққа монанд бошларини тебратишар, ҳар замонда оҳ тортиб қўйишарди. Яна кимлардир бундай ҳазин ва мунгли товушни эшитишга чидаёлмай уйларига қамалиб олишарди.

Истак ва умид илинжида ёнаётган онанинг безовта қалби эса ишончини йўқотмасликка қасам ичар, худди мана шу қасам кучи ҳаёт ипларини таранг тортиб турарди. Ишонч ўти сал пасайган дамларда она яна ўз қўшиғини бошларди:

Хаёлим босган тоғлар,
Нега мудраб ётасиз,
Ҳар замонда тўлғониб,
Тошлар юмалатасиз?

Тоглар тоши энибди,
Менга бундан не фойда?
Бағрим каби синибди,
Айтинглар, ўғлим қайда?!

Шамол бермас хабарин,
Фақатгина инграйди,
Кечалари тушимда
Овозлари янграйди.

Хабар бер деб сўрасам,
Мўлтирайди юлдузлар,

Ойдан хабар келар деб
Кўр бўлди бу мўрт кўзлар.

Дардим тўфон бўлди ҳам,
Ҳеч ким хабар бермайди,
Аямасдан гамларим
Қиличини сермайди.

Аллоҳ, ўзинг мадад бер,
Суянайин ўзингга!
Менга яхши хабар бер,
Қалбим интиқ сўзингга!

... Кунлар шу зайлда ўтаверди. Она қалбидан отилаётган дардларни, охларни супанинг шундоққина ўнг ёнида ўсган жинжак пояси тагига ин қурган тўрғай жим эшитгар эшитгани сари унинг ҳам танаси титрарди. Бу ноалар оғ тўрғай қалбидан ўтиб, унинг бағир тафтида паноҳ топғаз тухумлардаги эндигина жон энаётган жўжаларнинг ҳам танасига соримой сингари сингиб борарди.

На бирон-бир инсондан, на бир қушу жонивордан, на бич ўт-ўландан хабар эшитмаётган она дардини бўлишишга шариқ излаб турганида шундоққина кўл етар жойда, ғумай бўлиб баландликда тўрғай сайрай бошлади. Она унга жўр бўлди...

Сенда йўқдир бу ният –
Дарду аламни қўзгай,
Не ажабким, сайрашинг
Дилни фироққа бургай.

Дилни фироққа буриб,
Ҳижронни ёдга солгай,
Ғам-аламлар қўзгалиб,
Армонлар дилда қолгай.

Нола менгзар сайрашинг
Дилим кўргонин бузгай,
Ноаларим атрофга
Қумдай сочилиб тўзгай.

Ноламдан тошлар синиб,
Умидим сувга сўнгай,
Сен эслатма ҳижронни,
Эсламаганим ўннгай.

Сен сайрагин бўзламай,
Осмондаги бўзтўрғай,
Дардим олсанг бир нафас,
Орзум қалбимда тургай.
Сен баландда беҳабар,
Ситам умидим юлгай,
Кўнгилгинам чўктириб,
Орзу гулларим сўлгай.

Дардим олгин бир келиб,
Қўлимга кўн, бўзтўрғай,
Сенга дардларим айтиб,
Қалбим шодликка тўлгай.

Ёнимдаги бўзтўрғай,
Бўзламасанг не бўлгай?
Бўзламасанг осмонда,
Кўнглим хотиржам тургай.

Она бу қўшиғини айтаётган маҳали унинг кўз ўнгидан тўлғоқ онларида кўрганлари ўтди...

... Ўшанда икки бор тўлғоқ кучидан ҳолсизланиб, кўз олдида юлдуз тўла осмон чирпирак бўлиб айланганда кўзининг олдидан тиниқ бир нур учиб ўтганди. У шу нур ке-

тидан талпиндию боши айланиб, кўз олди қоронғилашиб, бир тим қора остонага бош қўйди. Бўйни зирқираб оғриётгани, юраги тобора беҳол бўлаётганини сезиб, бошини аста кўтарган эди, кенг ялангликка чиқиб қолибди. Атрофга назар солди. Узоқда ястаниб ётган залворли тоғлар билан ўзи ўртасида қандайдир парда бордек туюлди. Бу пардани яхшироқ кўриш учун кўзларини қўллари билан уқалади. Ана шунда у, хайрият, ўзига келди. Шунда у «юзига сув сепинлар» деган гапларни узуқ-юлуқ эшитди. Эшитдию ҳолсизликдан бир-бирига талпинган киприклари, толиққан қовоқларини базўр кўтарди. Зимистондан ёруғликка чиқиб, борлиқдан таралаётган, аммо секин эшитилаётган енгил шовқиннинг дўмбира гумбурига айланаётганини сездию: «Оҳ, дўмбирам, яна гумбура! Тинма асло!» – дея кўзларини зўрға очди. Туринг, Ойхон опа! Суюнчи беринг, ўғил! Ўзиям нақ ўн кунлик бўлди деган гапларни эшитдию юраги шув этиб кетди. Кўнгли беҳузур бўлиб, дилидан шу гапларни ўтказди: «Э воҳ! Меҳр сутини бера олмабман-да! Ўғиз сутидан бебаҳра қолган ўғлим-а! Нима қилай...» Она яна ҳушидан кетганди ўшанда?..

Онанинг қалбини тобора қаттиқроқ кемираётган армон ноласи тўхташи билан унинг асирига айланган тўрғай онанинг қўлига келиб қўнди. У ҳеч ҳадик сезмаган мунчоқ кўзлари билан онага тикилди. Бу ҳолдан Ойхон момо аввалига шошиб қолди, кейин қўлига тўрғайнинг қўнишида бир сир борлигини сезганича унинг кўзларига тикилди. Тикилдию: «Оҳ!» – деб юборди. Она тўрғайнинг кўзлари тубида «Ўғлингиз тирик!» деган маънони уқди! Уқдию шошиб-пишиб гапира бошлади: «Тирикми, тирикми?! Бир кучоғимга олсам армоним йўқ эди. Буни ўғлимга айт! Оҳ!» Ойхон момо яна бир нималар демоқчи эди, аммо унинг иккинчи оҳидан чўчиган тўрғай пириллаб осмонга кўтарилди. Тўрғайнинг

орқасидан бор кучи билан талпинган она кўзларини катта очдию ўнг ёнбошига беозоргина йиқилди.

Осмонга кучи етгунича баландроқ кўтарилишга интилаётган тўрғай онанинг ўз фарзандига айтмоқчи бўлган сўзларини бор овози билан такрорлаб сайрай бошлади...

* * *

Эътибор беринг, тўлғоқ пайтида ҳушидан кетиб, Аллоҳнинг меҳрибончилиги билан тирик қолган, туғилган боласининг 10 кунлик бўлганини эшитган Ойхон она ўғлига ўғиз сутини бера олмаганидан ўта ташвишга тушиб, кучли изтироб туфайли яна ҳушидан кетди. Бу ривоятдан англашиладики, ўғиз сутида қандайдир муҳим бир сир бор.

Аниқ эсимда, 1967 – 1968 йиллар, Тошкент давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида таҳсил олиб юрган кезларимизда янги туғилган болага она сутини 5 – 6-кунлари бериш керак деган ғарб табobati тавсияси қулоғимизга қуйилган. Бу пайтда она ўз боласини эмизишга мадорсиз, камқувват бўлади, шунинг учун у ором олиши керак деб ўргатилган. Мана шу муддат ичида чақалоқ бошқа оналардан соғиб олинган сут билан озиқлантирилар, она эса кўкрагида йиғилиб қолган сутини шиша идишга соғиб берарди. Кўпгина оналаримиз бу тартиб жабрини тортишган. Минг-минглаб болалар донор сутидан қоникмай, чирқиллаб йиғлаб ётаверишган, оналарнинг кўпчилиги эса кўкрак безида сутнинг димланишидан озор чеккан.

Аслида, оналик муҳаббати, оналик меҳри, она бўлиш лаззати ва қувончи она сути орқали чақалоқ организмга берилади. Агар она ўзининг Аллоҳ томонидан берилган шу хусусиятларини қисман ёки бутунлай унутиб қўйса, шундай салбий ҳолат юз берадики, бунга тўхталмасдан илож йўқ. Яъни ҳозирги пайтда баъзи аёлларнинг

«замонавий»лашишлари оқибатида айрим оналар ўзларининг наслий мажбуриятларини унутиб қўймоқдалар. Натижада она сутининг ўрнини босувчи ёки босишга мўлжалланган сунъий сут ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалари бунёд этилди. Она эса боласини ҳар хил фабрикалар, корхоналар, фирмалар ишлаб чиқарган сунъий маҳсулотлар билан озиқлантириб, ўзининг гўё тараққийлашганидан мақтана бошлади. Ҳатто буни ўзига берилган катта имтиёз ўрнида қабул қилиб, ўзгача мағрурлик билан уни бутун дунёга намоёйиш қила бошлади. Бу мағрурликка ҳавас қилганлар ҳам кўпаяверди. Бу томонда эса сунъий сутнинг таркибини она сути таркибига яқинлаштириш ёки айнан ўзидай қилиш учун кимёвий лабораториялар ташкил қилиниб, ўзаро мусобақага астойдил киришиб кетдилар. Кимёвий корхоналар зўриқиб ишлай бошлади. Улар ишлаб чиқарган сут эса мақтовлар ичида «тобланди», харидори янада кўпайди. Оқибатда сунъий овқатлантириш маҳсулотлари афзал саналиб, она сундан бебаҳра, бенасиб болалар сони ҳам тобора ортаверди. Сунъий сут борлиги туфайли хотиржамликка берилган оналар ўртасида гиполактия (она сутининг камайиши) ёки кўкрак безидан сутнинг мутлақо ажралмай қўйиш ҳоллари ҳам геометрик ривож бўйича ортиб бораверди. Ана шу оналарнинг қизлари вояга етиб она бўлганларида (оналарнинг иккинчи авлоди) эса ҳали боласи 2 – 3 ойликка етмасидан кўкрак безидан сут ажралиши камай бошлайди, орадан кўп ўтмай сут келиши бутунлай тўхтайтиди.

Бугунга келиб маълум бўлдики, сунъий сут билан овқатлантирилган болалар катта бўлганларидан кейин юрак-қон томир касалликлари, қон босимининг ошиши (гипертония), склероз, қанд касаллигининг инсулин-

га тобе шакли, кўриш ўткирлигининг камайиши ҳамда руҳий хасталикларга она сути билан тўйдириб озиқлантирилган тенгдошларига нисбатан 30 – 40 марта кўпроқ дучор бўлар экан. Оқибатда бу тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ана энди мулоҳаза қилайлик: ушбу касалликлар бошқа мамлакатларга қараганда 20 – 30, боринги, 10 баравар кўпроқ бўлган заминда буюк давлат барпо этиш мумкинми?! Ахир унинг хазинасидаги маблағ асосан шу касалликларни бартараф этиш учун сарфланади-ку! Ўз навбатида, бу беморлар ўз мамлакатининг ижтимоий ва моддий бойлигини оширишга, соғлом ақл ва соғлом тан эгалари кўпайишига хизмат қила олмайдилар-ку!

Сунъий сут билан боқилган қизлар балоғат ёшига етиб она бўлганларида уларнинг 70 фоизидан ортикроғида меъёрий вазндан анча кам бўлган болалар туғилади ва уларнинг барчасида камқонлик – анемия аниқланади. Маълумки, дунёда ҳар йили 12 миллион бола ўлаётган бўлса, уларнинг 55 фоизи кам вазнда (меъёрда 3250 грамм) туғилиб, 20 – 25 фоизи эса камқонлик туфайли нобуд бўлмоқда. Зеро, бундай болаларнинг нобуд бўлиш эҳтимоли 4 – 5 баравар юқори бўлади.

Бу маълумотлар ҳам она сутининг қадри қанчалик баланд эканлигини, сунъий овқатлантиришга зўр бериш, уни ташвиқ қилиш, оналарни ўз сути билан боласини боқишдан бездириш қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатмоқда. Агар бу ҳол шу тарзда давом этаверса, бундан ҳам даҳшатли ҳолатлар келиб чиқаверади. Зеро, Америка олимларининг айтишларича, сунъий сут билан боқилган қизларда бепуштлик тўрт баравар кўпроқ учрар экан. Бироқ бундай бепуштликни даволашнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Ҳозирги пайтда сунъий сут билан бола улғайтиришга

ружу қўйган мамлакатларда бепуштлик 15 фоизгача қайд этилаётгани ҳам бунинг исботи. Энг даҳшатлиси, бу қизларнинг аксрияти ўзларида она бўлиш хусусияти йўқлигини эшитганларида ҳеч бир қайғуга, ташвишга тушмайдилар. Мана бу ҳақиқий фожиа! Мана табиат мувозанатини алдашга уринишнинг аянчли оқибати!

Бундай ўта салбий ҳоллар тафаккур олами кенг ва узоқни кўзлайдиган ҳар бир инсонни ўйлантириши турган гап. Мана шуларни англагандагина биз биринчи Президентимизнинг 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни «Оналар ва болалар йили», 2016 йилни эса «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилганлигининг ҳақиқий маъносига тушуна бошлаймиз. Ислоҳ Каримовнинг: «... Ҳар бир инсон ўзидан соғлом фарзанд, соғлом зурриёт қолдириш кераклигини англаб етса, эҳтимол, вақти-соати келиб биз шундай мамлакатга айланамизки, унда энг соғлом миллат ва элатлар истиқомат қилади», – деб айтганининг ўзи бизга бир олий дастур бўлиб, уни бажариш учун ҳар биримиз астойдил ҳаракат қилмоғимиз шарт ва зарур.

Маълумки, она сутининг таркибида ҳар хил тузлар, витаминлар, оқсиллар гормонлар ва яна бошқа ўта фаол биомоддалар мавжуд. Улар шундай мутаносибликдаки, боланинг меъда-ичак тизимида бенуксон ва ўз қиёмига етган ҳолда парчаланиб, сўрилиб ҳазм бўлади. Энг асосийси, она сути таркибида ПРОЛАКТИН гормони бор. Бу модда ҳомиладорлик бошланган пайтда она организмида кўпаяверади ва бола туғилган пайтда энг кўп миқдорда бўлади. Худди шу ўта фаол модда она сути билан бола организмига ўтади ва қиз боланинг келажакда она бўлишини, ҳа, она бўлишини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Мабодо қизалоқ организми мана шу модда билан тўйинмаса ёки кам миқдорда ўтса, у эр-

тага улғайганида бепуштликка дучор бўлади ёки ҳомиладорликка жуда катта қийинчиликлар билан, кўп марта махсус даволанишлар эвазигагина эришади. Она сундан, ундаги ПРОЛАКТИНдан бебаҳра бўлган қизларда ўзининг она бўлганлигини ҳис қилиб қувониш, боласига меҳрибонлик қилиш, уни асраб-авайлаш каби сифатлар ҳам мутлақо ривожланмайди ёки ўта кам бўлади. Оналик меҳри деярли йўқ бўлган мана шу оналарнинг қизлари эса онага хос хусусиятларнинг куртаги ҳам топилмайдиган, эркаксифат аёл бўлиб етиладилар. Чақалоқларини ахлат қутисига ташлаб кетишлар, боласини ўз қўли билан бўғиб ўлдиришлар, боласидан воз кечишларининг асл сабаби худди мана шундадир.

Боласини атайлаб сундан эрта ажратган ёки шунга мажбур бўлган она организмида ҳам гормонлар мувозанати бузилиб, у ёки бу салбий ўзгаришлар бўлгани туфайли кейинги фарзандининг туғилиши ва ўсишига тўсқинлик кўрсатадиган омиллар юзага келади. Демак, она бўлишни юксак орзу деб биладиган, соғлом, ақлли ва жисмонан баркамол фарзандни дунёга келтириш борасида қайғурадиган, маънавий ҳамда маърифий сифатларга эга онани шакллантириш бўлажак онага худди шу она сутини тўлиқ беришдан, тўғрироғи, она сути таркибидаги ПРОЛАКТИНга тўйдиришдан бошланади.

Ҳомиладор она организмидаги пролактин ўзининг кимёвий тузилиши, сифат ва хусусиятлари билан ўғил бола организмига ҳам ўзгача таъсир кўрсатади.

* * *

... Ўзини зўрман деб юрган бир полвон йигит узоқроқ бир қишлоқ полвонидан йиқилибди. Иккинчи тўйда ҳам худди шу полвондан йиқилганида йигитнинг отаси ория-

тига чидай олмай ўғлини хўп уришибди. Аммо сал ўзига келгач ўйланиб қолибди, балки, бунга ўзим айбдордирман, балки, курашнинг нозик жиҳатларини чидам билан ўғлимга ўргатмагандирман дея фикр юритибди. Шундан сўнг ўғлига ўзи билган барча кураш сирларини чидам ва сабот билан ўргатибди, жисмонан расо тарбиялабди. Энди у ўғлининг соф ғалабасига чин дилдан ишонарди!

Фалакнинг гардиши айланиб, қўшни қишлоқда яна катта тўй бўлибди. Кураш тугай-тугай деб қолганида энг катта соврин эълон қилиниб, ота даврага ўз ўғлини чиқарибди. Ота ўғлининг бу гал аввалги мағлубият аламини олишига ишониб жуда хурсанд эмиш. Аммо... натижа бунинг тескариси бўлибди: ўғли биринчи ушлашишдаёқ қоқма чилнинг зарбидан ерга елкаси билан қулабди. Ота шундай кучли ўғлининг йиқилиши сабабини била олмай хуноб бўлиб, ўғлини йиқитган йигитнинг отасини бир кўрай, обдан гаплашай дея сўраб-суриштириб уйини топиб борибди. Салом бериб эшикдан ичкарига бош суққанида ҳовлининг нариги бурчагида йигитнинг онаси тоғдай бўлиб ўтирганмиш. Сийнасини букилган тиззаси устига қўйиб, 2 – 2,5 ёшга кирган эгизак болаларини эмизаётган экан. Меҳмон «Бундай онанинг сутини эмган полвонни йиқитиш асло мумкин эмас», – дебди ва изига қайтибди...

* * *

Ҳа, она сутидан пролактин орқали ўғил болага жасурлик, мардлик, куч ва чаққонлик каби сифатлар берилади.

Америкалик машҳур болалар шифокори Спок болаларни чақалоқликдан мустақилликка ўргатиш мақсадида уни туғилган заҳотиёқ онасидан айириш, фақат бир неча кундан кейингина онага бериб, аниқ бир вақт оралиғидагина

эмизиш, бошқа пайтда болани онадан алоҳида сақлаш, шу тариқа болада шартли рефлекс ҳосил қилиб тарбиялашни таклиф қилди. Машҳурлиги туфайли Спокнинг таклифи деярли муҳокамасиз қабул қилиниб, бу усул деярли бутун дунё болалар шифокорлари томонидан ҳеч иккиланмасдан, тезда ёшасига амалиётга жорий қилинди. Натижада мана шу тариқа тарбияланган болаларнинг бир неча авлоди етишди ва болани онадан, тўғрироғи, она сутидан ажратиш усули ўз ҳосилини бера бошлади. Шу усул жорий этилган мамлакатларда аввалги йилларга қараганда руҳий мувозанати бузилган, раҳмсиз, баджаҳл, ўзгаларни жисмонан эзишдан лаззатланадиган, умуман, ҳайвоний сифатли, ота-онасига меҳрсиз инсонлар сони 4 – 5 баравар кўпайгани қайд этилди. МДХ давлатларининг бирида она сутидан айрилган ўша болалар ўртасида жиноятчилик шу даражада кучайиб кетдики, меҳнат қилиш лаёқатига эга йигитларнинг ҳар 10 нафаридан 3 нафари жавобгарликка тортилиб, қамоқхонада «тарбияланаётган»ларнинг сони бўйича бу мамлакат жаҳонда биринчи ўринга чиқиб кетди. Чунки бу ерда Спок усули биринчилардан бўлиб қўлланилган ва зўр бериб тарғиб қилинганди. Ҳа, бу болани онадан ҳам руҳий, ҳам жисмоний ажратишнинг маҳсули эди! Бу маҳсулни кўрган Спок машҳур бўлишига қарамасдан, далиллар олдида бош эгди ва таклиф этган усули жуда катта хато бўлганлигини матбуотда тан олди! Бу ҳам ўзига яраша жасорат эди! Бироқ усулнинг эгаси ундан қайтганига қарамай, аксар мамлакатлар қатори бизда ҳам то мустақил бўлгунимизча унинг жабри давом этди ва болалар ўлими жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирида қолавердик. Бунинг оддий сабаби эса она ва боланинг руҳий ҳолати, бир-бирига узвий боғлиқлик мезони инobatта олинмаганида, халқимизнинг азалий одатларига хилоф ўлароқ она ва бола ўртасидаги кучли меҳр-муҳаббат риштаси узиб

ташланганида эди. Бола тарбиясида Спок усули қўлланганида она сути миқдори камайиб, сунъий овқатлантиришга эҳтиёж ортиб бораверади. Натихада сунъий сутга ружу қўйилади. Бу эса жуда кеч пайқалди, англаб етилганида ҳам узок йиллар тегшли чора кўрилмади. Ҳолбуки, сунъий озикланган болалар ўртасида ўпка яллиғланиши 4 барабар ортиқ бўлиши, уларда ўлим ҳолати ҳам шунчалик кўп эканлиги 1990 йиллардан ҳам олдин ўз исботини топган эди.

Африкада шундай бир воқеа қайд этилади: норғул йигит атроф гўзаллигига маҳлиёларча тикилиб турган пайтида рўпарасида пайдо бўлган захарли илон унинг кўзига захарини сочади. Бунақа илон тури Африкада кўп бўлиб, унинг захари тушган кўзнинг кўрмай қолиши аниқ эди. Қолаверса, захарланган одамнинг ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Бироқ ҳалиги йигитнинг ёнида тасодифан пайдо бўлиб қолган эмизикли аёл дарҳол кўкрак сути билан захарланган кўзни ювиб ташлайди. Шу туфайлигина йигитнинг нафақат жони, ҳатто кўзи ҳам омон қолади. Кейинчалик йигит шифокорларга мушоахат қилганида бу хабар шифокорларни ҳам лол қилганди.

Демак, она сутида илон захрининг кучини қирқиб, кесиб ташлайдиган зидди захар борлигини ўша она билган. Аммо биз – янги замон одамлари она сутининг мана шундай хусусиятини эндигина англаб етяпмиз. Сунъий сут билан озиклантирилган болалар ўртасида ичкетар касалликларидан ўлим 14 барабар кўп бўлиши сабабига энди ақлимиз ега бошлади.

Ҳозирги пайтда ўз исботини топган далиллардан яна бири шуки, она сути билан болани тўйдириш бирданига уч вазифани бекаму кўст бажаради:

1. Болани тўлиқ овқатлантириш.

2. Боланинг соғлиғини таъминлаш.

3. Боланинг порлоқ келажакини кафолатлаш.

Мана шу уч вазифа эса соғлом авлод шаклланишининг гаровидир.

Ҳозирги пайтда Америка Қўшма Штатларида Спок усулидан тамомила воз кечилиб, она сути билан болаларни эркин боқиш бўйича ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилган. Бунга амал қилган ва алоҳида эътибор берган оналар ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. 1991 йилдан бошлаб Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ томонидан ҳам туғруқхоналарда она сути билан боқиш кенг тарғиб қилинмоқда.

Кўпгина текширишлар шуни кўрсатдики, бола туғилганидан бошлаб уни эмизиш бачадоннинг ўз вақтида қисқаришини таъминлаб, кўп қон йўқотилишининг ҳам олдини олади, яъни онани келажакда камқон бўлиб қолишдан асрайди. Шунингдек, болани ўз сути билан боқатган онада сут беши раки камдан-кам учрайди. Она боласини қанча узок вақт эмизса, бу касаллик билан оғриш эҳтимоли шунчалик кам бўлар экан.

Эслайлик, момоларимиз кўзи ёриган аёлни қаттиқ ҳимояга олишар, унинг олдида ҳар кимни ҳам киритавермас, бу билан уни хафа қилувчи, руҳан эзилишига сабаб бўлувчи омиллардан сақлар, овқатининг кучли бўлишига эътибор қилишар, сути қочиб кетмасин деб авайлашарди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, кўзи ёриган онани ҳар тарафлама рағбатлантириш, хурсанд қилиш сутнинг мунтазам ажралиб туриши ва бола учун етарли даражада бўлишига замин яратади.

Қисқасини айтганда, она организми – мўъжизалар макони. Унинг сиз ва биз ҳали тушуниб етмаган шундай сирли қирралари борки, буни оддийгина ОНА ЖА-

СОРАТИ дейишади. Мўъжизалардан бири шуки, ер қи-мирлаганида, сув тошқини бўлганида ёки уруш бўла-ётганида ҳам она сути камаймайди, яъни гиполактия кузатилмайди. Чунки бундай ҳолларда она организмда «ўз-ўзини химоя қилиш» тизими сирли равишда ишга тушади.

Демак, она руҳияти кўтаринки, эртанги кунга ишон-чи мустаҳкам, боласини ўз сути билан боқишга иштиёқи кучли ва эҳтироси ўтли бўлса, гиполактия бўлиши мум-кин эмас. Руҳий ҳолатнинг бетакрор ва сирли кучини кўрингки, ҳатто ўзи фарзанд кўрмаган аёлларда ҳам бола асраб олганида сут пайдо бўлиши кузатилади.

* * *

Ҳар бир муайян пайтда кечаётган жараённинг ёки оламдаги барча нарсанинг ўз бошланиш нуқтаси бор. Мана шу бошланиш нуқта ёки ядронинг бирламчи ҳолати унинг келгуси сифат ва хусусиятлари шаклланишида ҳал қилув-чи омил вазифасини бажаради. Бу қонуниятга ташқи куч аралашмаса, у белгиланган йўлда ҳеч адашмасдан, чалғи-масдан давом этаверади.

Маълумки, инсониятнинг ер юзида мавжудлигини таъ-минлаб турувчи оналик ва оталик ҳужайралари жуда назик ҳамда фаол биокимёвий ва нейроэндокрин жараёнлар ту-файли ўта мураккаб босқичлардан ўтиб етилади. Уларнинг тўлиқ етилиш даври эса ҳар хил. Яъни оналик ҳужайраси учун бу муддат 24 – 28 кун, оталик ҳужайраси учун 10 кун. Бироқ бу 10 кун муддат сперматозоидларнинг уруғдондан чиқиб, уруғ пуфакчаларида йиғилишига сарф бўладиган вақтдир. Сперматозоидларнинг илк ҳужайраси пайдо бў-либ, тўлиқ етилиши учун эса 82 – 83 кун муддат зарур. Мана шу давр мобайнида тирик ҳужайралар макроорганизмдан

яъни ота ва она организмдан келаётган информациялар таъсири остида бўлади. Олинаётган хабар қанчалик салбий таъсирга эга бўлса, ҳужайралар қуввати ҳам шу даражада кучсиз, шаклий ва молекуляр ўзгаришларга мойил, қарши-лик кўрсатувчи кучи заиф бўлади. Бошқача айтганда, ҳу-жайраларнинг ички мувозанат кучларини издан чиқариш осонлашади. Агар макроорганизмдан келаётган ахборот ижобий бўлса, жинсий ҳужайранинг қувват кучи ҳам юқори даражада, ички мувозанати турғун, белгиланган йўлдан со-битлик билан боришга шай бўлади.

Демак, ҳаётнинг завқли дамларидан сархуш, ўз иши-дан, бажараётган меҳнатидан, ижодидан қувонч олаётган, руҳиятида бунёдкорлик, яратувчилик ҳисси барқ ураётган, келажакка юксак ишонч билан боқаётган, ҳаётдан мам-нун ота-оналар организмда етилган ҳужайралар бақувват бўлиб етиладилар. Мана шундай ҳужайралар ўзаро учраш-ганларида улардаги интиқлик, орзиқиб қутилган висол натижасида кучли биоқувват рўй беради, ўзаро бириккан хромосомалар насл калитлари таъсирида кўп каррали кўпайишни бошлаб, ҳомила пайдо бўлади. Энди биоқувват руҳий қувватга айланиб, бўлажак чақалоқнинг ички аъзо-лари шаклланади, ривожланади. Бу жараён икки ҳужайра-даги наслий калит белгилаб берган тизимдан, дастурдан ҳеч адашмасдан, оғишмасдан то 90 кунгача давом этади. Мабодо бу жараён бирон кучли салбий таъсир кўрсатувчи омилга дуч келса, ички аъзоларнинг қай биридадир у ёки бу кўринишдаги норасолик, нуқсон пайдо бўлиши мум-кин. Масалан, касаллиги туфайли она кучли таъсир этувчи дори ичса ёхуд кучли руҳий зўриқиш вужудга келса... Шу сабабли ҳам кучли дорилар қутисига «ҳомиладорликнинг дастлабки 3 ойида ушбу дорини ичиш мумкин эмас» деб ёзиб қўйилган бўлади.

Мана шу 3 ой муддат тугаганидан сўнг ҳомиладаги ички аъзолар шаклланиб бўлади. Ана энди ҳомила ҳужайраларидаги руҳий қувват марказий нерв системасига берилади, яъни ҳужайралар ўз ваколатини ҳомила миясига топширади. Бу Аллоҳ таоло тарафидан ҳужайраларга берилган сирли ва мўъжизавий хусусиятдир. Мабодо ички аъзолар шаклланиб бўлганидан кейин ҳам ўзларини тўлиқ идора қиладиган хусусиятларини сақлаб қоладиган бўлса, у вақтда ички аъзолардаги ўзаро мутаносиблик, яъни бир-бири билан келишган, мослашган ҳолда ўз ишини бажариш мутлақо бўлмасди. Тасаввур қилинг: ўнг оёқ чапга, чап оёқ ўнг тарафга қараб ҳаракатланаверса, юрак ўз билганича қисқариб ураверса, ўпка ўзи мустақил равишда нафас олаверса, кўз ўзи билган тарафга қарайверса... Унда инсон организми яшай оладими?! Шунинг учун ҳужайралар ўз ихтиёрлари билан (албатта, бу ўта мураккаб ва жиддий жараён) ўз мустақилликларини (аммо барчасини эмас) марказий нерв системаси ҳужайраларига, миянинг ҳужайралар тўпламидан ташкил топган махсус марказларига беради. Бу марказлар эса, ўз навбатида, миянинг пўстлоқ қисмида жойлашган ҳужайраларга бўйсунди.

Демак, биоқувват қанчалик мустақкам ва бақувват бўлса, руҳий қувват ҳам шунчалик кучли ҳамда кенг имкониятли бўлади. Жасур ва билимдон кишиларнинг ўз ҳиссий қувватларини ўта қалтис ҳолатларда ҳам бардош билан бошқариб, туришлари, уларни меъёрий мувозанатдан чиқариш деярли мумкин эмаслиги айна ҳақиқатдир.

Шу тариқа нуқтадан ҳам минг баробар кичик икки ҳужайранинг бирлашиб кўпайишидан 2 миллиарддан ортиқ ҳужайра пайдо бўлади ва чақалоқ туғилади. Чақалоқ туғилганидан кейин ҳам бу ҳужайралар кўпайишда давом этаверади ва 13 триллионгача етади. Энг муҳими, оламда

улуғланган, мақталиб кўкларга кўтарилган ана шу инсоннинг ҳар бир ҳужайраси она қорнида шаклланади, тарбияланади, ташқи муҳит, яъни она организмдан келатган информациялар таъсирида вояга етади. Инсонга хос жамики яхши фазилатлар шу ҳужайраларда барқарорлашади. Йиллар ўтгани сари бу сифатлар бирин-кетин намоён бўла бошлайди. Хўш, бу яхши сифатлар нима? Бу, энг аввало, ақл-фаросат, идрок, она юртга, ота-онага меҳр-муҳаббат, сўнгра эса жисмоний кучдир. Мана шуларнинг барчаси она организми орқали болага берилади. Шу боис ҳам мавжуд сифатларнинг келгуси наслга берилиши отага нисбатан онада 2 – 3 баравар устун. Келинг, ушбу айтилган сўзларни илмий ўрганиб кўрайлик.

Оналик тухумдон ҳужайрасида бир жуфт XX хромосомалар, оталик уруғдон ҳужайрасида эса X ва Y хромосомалар мавжуд. Америка ва Англия олимларнинг аниқлашлари, зийракликнинг юқори бўлишини белгиловчи генлар, яъни наслий калитлар худди шу X хромосомалар оёқлари чеккасида ва ён томонларида жойлашар экан. Y хромосомада эса бир оёқ кам. Яна шуниси муҳимки, аёллардаги X хромосомаларнинг бирида ёмон сифатлар: жаҳл, бепарқлик, дангасалик, лоқайдлик, ҳасад каби иллат генлари жойлашган бўлиб, унинг ўрнини иккинчи хромосомадаги яхши фазилатларни наслга ўтказувчи генлар тезда эгаллаб олади. Эркаклардаги X хромосоманинг ёмон иллатлари ўрнини эгалловчи бошқа генлар йўқ, чунки эркак зотида атиги биттагина X хромосома мавжуд.

Биология қонунидан маълумки, агар оналик тухумдон ҳужайрасининг X хромосомаси билан оталик уруғдон ҳужайрасининг Y хромосомаси қўшилса, ўғил бола, мабодо XX хромосомалар учрашса, қиз бола дунёга келади. Кўряпмизки, XY хромосомаларда ҳам, XX хромосомаларда ҳам

яхшилиқ сифатларини ўтказувчи генлар устун. Демак, бўлажак боланинг ақлий қобилияти, идроки, зехни қай даражада бўлиши асосан оналик хромосомаларига боғлиқ. **Амир Темур** бобомизнинг келин танлашга нечоғлиқ эътибор қилиши ёки халқимизнинг «Онасини кўриб қизини ол!» каби мақоллари бежизга эмаслиги мана энди ўзининг тиббий, қонуний исботини топди.

Биолог олим И.А.Аршавский узоқ йиллар махсус тажриба олиб бориб, натижаларини 1976 йили эълон қилди. Тажрибалардан аниқланишича, энди туғилган кўзичоқ совлиқдан дарҳол ажратилиб, бошқа она қўйларнинг сути билан катта қилинса, ўша кўзичоқ кейинчалик қўйлар сурувига мутлақо қўшилмас, ўз онасини ҳам танимас, маърайвериб-маърайвериб эгасини безор қилар экан. Шу тариқа улғайган кўзида ўз онасига, сурувига, атроф-муҳитга меҳр ҳеч қачон пайдо бўлмасдан у сотилиб ёки сўйилиб кетаркан. Ўғиз сутини олган, яъни илк пайдо бўлган сутни эмган кўзичоқда эса нотабиий сифатлар ривожланмас экан. И.А.Аршавскийнинг кейинги чуқур тадқиқотлари шуни кўрсатдики, онанинг оғиз сутида шундай ўта фаол моддалар бор эканки, бу кимёвий бирикмалар чақалоқнинг (кўзичоқнинг) марказий нерв тизимида, яъни миясида юртга, ўзи туғилиб ўсган тупроққа, шу атроф-муҳитга, ота-онага, қариндош-уруғга меҳр-муҳаббат марказини пайдо қиларкан. Ҳақиқатан, оғиз сутини тўйиб эмган болада юқорида ёзилган яхши сифатлар намоён бўлади ва бу ҳосил бўлган марказни энди ҳеч қандай куч билан йўқотиб бўлмайди. Бу марказ бутун умрга муҳрланиб қолади. Меҳр-муҳаббат маркази миядаги хотира маркази билан шундай чамбарчас боғланганки, бу боғлиқликни фақат хотира марказини йўқотиб бартараф қилиш мумкин, холос.

Киндик қони тўкилган жойни соғиниб, уни бир кўриб ўлсам, армоним йўқ эди дея яшаётган не-не бой-бадавлат мусофирларнинг юрт соғинчида бағри ўртаниб, Ватанга бир умр талпиниб ўтишлари сабаби ҳам мана шу меҳр-муҳаббат маркази туфайлидир. Сўраб кўринг, уларнинг фарзандларида ота-оналарида мавжуд бўлганидай Ватанга нисбатан кучли севги, интилиш, талпиниш бормикан?! Албатта, йўқ, чунки улар она оғиз сутини бошқа тупроқда эмганлар. Қаерда яхши шароит бўлса, ўша ерга талпиниб яшайдиганларнинг ўтмишини суриштириб кўринг, уларда киндик қони тўкилган жойга нисбатан меҳр-муҳаббат йўқлиги сабаби она оғиз сутини дастлабки илк даврда эммаганлари туфайлидир.

Америка олимларининг текширишларига кўра, сунъий овқатлантирилган болаларнинг ақлий даражаси она сутини тўлиқ эмган болаларга нисбатан 8 поғона паст бўларкан. 1996 йили АҚШ олимлари Янги Зеландияда 1000 нафардан ортиқ болаларни текширишганида она сути билан улғайган 8 – 13 ёшли болалар сунъий овқатлантирилган ўз тенгқурларига нисбатан ақлан анча устун бўлишган. Айниқса, математика ва ўқиш борасида бу фарқ яққол сезилган. Олимларнинг фикрича, бола она сутини қанчалик кўп эмган бўлса, унинг ақлий қобилияти шунчалик ўткир бўларкан.

Юқорида алоҳида таъкидлаганимиздек, ҳомиланинг 3 ойлик даврида унинг барча ички аъзолари ва бош мияси анатомик жиҳатдан шаклланиб бўлади. Ҳомиланинг туғилгунича бўлган кейинги даврида унинг келажак руҳий дунёси, ақлий камолотини белгиловчи қисм – миянинг пўстлоқ қисми ривожланади. Мана шу ривожланишнинг тез ёки секин, мукамал ва такомиллашган бўлиши кўп жиҳатдан онага боғлиқ. Ҳомила 3 ойлик даврдан бошлаб эшитади.

Онанинг юрак уришига қулоқ солади. Она юраги безовталанганида ёки кайфияти нохуш бўлганида, изтироблар оғушида қолганида ҳомила ҳам безовталанади, юрак уриши тезлашади. Онанинг ижобий ҳис-туйғуларидан эса ҳомила энтиқиб қувонади, завқланади, бу, ўз навбатида, мия пўстлоқ қисмининг ривожланишига, тараққиётига жуда яхши таъсир кўрсатади. Ҳомиланинг 3 ойлик давридан бошлаб онанинг овоз чиқариб китоб ўқиши, шеър ва дostonлар айтиши ёки эшитиши, ақлий меҳнат билан шуғулланаётганида уни пичирлаши ҳомила мия пўстлоқ қисмидаги ақлга, тафаккурга масъул ҳужайралар сонининг кескин кўпайишига кучли туртки ва рағбат бўлади. Чунки ҳомиладор аёл мусиқадан қанчалик завқланса, шеърлар эшитишдан ёки овоз чиқариб ўқишдан қувонса, шод бўлса, севинчдан энтикса, кўшиқ, ашула тинглашдан қалби ҳис-ҳаяжонга тўлиб, бахтиёрлик ҳис этса, ҳомилада мия пўстлоқ ҳужайралари шунчалик кучли ижобий таъсирланади, ақлий машғулотлардан баҳра олади. Натижада мия пўстлоқ ҳужайралари яхши кўпайиб, такомиллашади. Она қорнидаёқ шундай тарбия олган чақалоқнинг заковати, зеҳни бошқа чақалоқларникига нисбатан юқори даражада бўлиши далиллар билан исботланган.

Тиббиётда ўз исботини топган ана шу аксиомалардан келиб чиқадиган хулоса битта: ақлан ва жисмонан ривожланган чақалоқ туғилиши учун, энг аввало, ОНА соғлом, маънавий ҳамда маърифий жиҳатдан юксак савияли бўлиб, юқорида қайд этилган машғулотлар билан шуғулланиши шарт. Агар шуларга қатъий риоя этилса, ОНА жамият олдидаги ўз вазифасини виждонан уддалаган бўлади. Онанинг мана шу муқаддас вазифани бажариши учун барча шароитни яратиб бериш эса эркакларнинг асосий вазифасидир. Фақат ана шундагина юрт шон-шавкати олам

узра кенг ёйилиб, бу ерда барчанинг ҳавасини келтирадиган фарзандлар туғилади.

Мана шу айтилган гапларни турмуш далиллари билан исботлайлик: нега шоир ёки шоираларнинг фарзандлари шоир бўлиб етишмайди ё бу ҳол жуда камдан-кам тарзда рўй беради? Бироқ бастакор, кўшиқчилар фарзандларининг аксарияти мусиқачи бўлиб етишадилар ёхуд ашулачилик санъатини танлайдилар. Сабаби аён: улар туғилган маҳалиданоқ шу санъат турини келажакда яхши ўзлаштиришга, эгаллашга тайёр ҳолда бўлганлар. Яъни 3 ойлик давридан бошлаб эшитган куй-оҳанглари ёки кўшиқ хонишлари ҳомиланинг мия ҳужайраларига «михланиб» қолади. Улар, албатта, қайта уйғониши мумкин. Мабо-до шундай куйларнинг бир нечтаси мия ҳужайраларига миxланиб қолгудай бўлса, келажакда уларнинг ҳар хил бирикишидан, товланиб турланишидан янги куй бунёдга келади ва бу куй шу бастакорники бўлиб қолади. Шу тариқа етук бастакор етишиб, машҳур бўлиши мумкин. Мана шу сабабдан ҳам ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда 3 ойлик ҳомиласи бор аёлларга махсус мусиқалар эшиттирилиптики, бу куйларнинг тебраниш товушлари ҳомила мия пўстлоқ ҳужайраларини таъсирлаш хусусиятига эга. Мана шундай мусиқаларнинг ҳомилага янада мос ва такомиллашган ранг-баранг турларини яратиш устида кўп бастакорлар меҳнат қилмоқдалар.

Бошқа бир далилга мурожаат қилайлик. Нега бахшилар оиласидан кўпинча бахшилар етишиб чиқади? Нима учун кўпинча бахшининг ўғли бахши бўлади? Бу саволга ҳам жавоб тайёр: бахшининг аёли ҳомилалик давридаёқ қулоқлари динг бўлиб дoston эшитган. Алпомиш, Гўрўғли, Равшанбек, Авазхон, Нуралихонлар тўғрисида айтилган оҳангдор сатрларнинг жаранглаши ҳомила мия ҳужайра-

ларига ижобий таъсир кўрсатган. Хомила чақалоқ бўлганидаёқ унинг бахши бўлиш имконияти тайёр ҳолда бўлган, энди уни уйғотиш ва рағбатлантириш қолган, холос.

Қайси юртда аёл эъзоланиб, соғлом авлод, соғлом фикр ва юқори ақлий тафаккур шаклланса, шу юртнинг келажакги порлоқ бўлиб, жадал ривожланиши турган гап. Демак, мамлакат ривожини оддий учбурчак белгилайди: учбурчак асосида ОНА ва она сути бўлса, унинг чўққисида бола туради. Бу асос қанчалик бақувват, бардам, соғлом, тийрак, зийрак, юксак маънавий-маърифий тушунчаларга эга бўлса, чўққининг юксаклиги ҳам, баркамол такомиллашгани ҳам шунчалик юқори ва мустаҳкам бўлажак.

ИБН СИНО ВА СОҒЛОМ АВЛОД

Мозий қаърига назар ташламоқдан мақсад келажак сари интилишнинг мезоний таянчини топишдир. Чиндан ҳам ибтидоий тизимдан юксак ижтимоий жамият сари илк қадамларини ташлаган инсоният ниҳоятда такомиллашган технология, ракета ҳамда компьютер асрига етиб келди. Демак, инсониятнинг ҳар бир бўғини ўзидан олдинги бўғинидан жисмонан, ақлан бирмунча кучлироқ бўлгандагина тараққиётга эришди. Албатта, бу жараён доимо бир текис ва ҳар доим илгариланма ривожланишда тараққий этмайди, балки орқага қайтишлар, муайян ҳолатда асрлар давомида бир жойда депсиниб туришлар юз беради. Ҳар хил ижтимоий вазиятлар туфайли баъзан инсониятнинг ривожланиш нуқтаси вақтдан ҳам ўздириб юборилди, бошқа бир минтақадаги ҳолат эса орқага тортувчи сифатга эга бўлди. Мана шу қабилдаги сакраш, орқага қайтишлар, депсинишлар, бир жойда қотиб қолишлар – барчасининг бирлашмаси инсоният учун илгариланма ҳаракат хусусиятини ташкил этди.

Кишилик жамиятининг ривожланишини муайян ижтимоий тузумда баракали меҳнат қилаётган инсонлар белгилайди. Чунончи, бирор-бир ижтимоий тузилмада яшайётган инсонларнинг янада фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришга интилишлари табиий. Мана шу интилиш онгли ҳаракатлардан иборат бўлиб, мақсад сари режа асосида тўғри йўналтириладиган бўлса, фароғатли турмуш кечиришнинг завқли ўйлари инсоният қалбини тобора кўпроқ чулғай бошлайди.

Хўш, маънавий, маърифий ва иқтисодий жиҳатдан баркамол тузумда яшаш онларини яқинлаштириш учун нима қилмоқ керак? Буюк келажакни таъминлашнинг асосий мезони нима?

Улуғ бобомиз, алломалар султони Абу Али ибн Сино «Йўлланма ва йўл-йўриқлар» асарида шундай ёзади: «Сен ушбу гапларимни эшит! Инсон танаси уч ҳолатда бўлади: уларнинг биринчиси ва энг яхшиси – келишган ва бардам гавдали; иккинчиси – мана шу даражада такомиллашмаган гавдали; учинчиси – ногирон ва касал гавдалидир. Инсон онги ҳам худди шундай уч ҳолатда бўлади. Ақлан ва англашнинг энг юқори даражасига маърифатли инсонлар эришади; иккинчи гуруҳдаги онг ёки руҳ ҳолати шундайки, уларнинг эгалари биринчи гуруҳдаги олий саодатга, айниқса, ақл жиҳатдан эришган эмаслар, ақлий имкониятлари ҳам унчалик кўп эмас. Бироқ улар фоний дунёда фойдали ишлар билан шуғулланиб, жамиятга фойда ҳам келтирадилар. Улар бу дунёнинг неъматларидан ҳам фойдаланадилар. Учунчи ҳолатдагилар эса касал ва ногирон руҳга эга бўлганлар, улар қийналиш эвазига кун кечирадилар. Биринчи ва учинчи ҳолатдаги руҳлар камроқ учрайди. Ўрта ҳолат руҳи эса анча кўп. Бу гуруҳ ўзининг тутган ўрнига кўра эзгулик ишларини такомиллаштириш қобилиятига эга эмас».

Ибн Сино ўғитлари бўйича нуқул касал, ногирон ҳамда шунга яраша онгга эга инсонлардан иборат жамиятда орқага қайтиш, инқироз ва ҳалокат рўй беради. Иккинчи ҳолатдаги онг ва руҳга эга одамлар эса жамият ривожланишини таъминлай олмайдилар ва бундай жамиятнинг тараққиётдан орқада қолиши турган гап. Жамиятнинг барқарор ривожланишини фақат юксак онгли, гўзал хулқли, ақлан такомиллашган, юксак маърифатли, яъни биринчи тоифадаги тана ва руҳга эга инсонларгина таъминлай оладилар.

Буюк аллома «Донишнома» асарида ўзининг юқоридаги фикрларини янада ривожлантирди: «Инсон руҳи материядан ташқари нарсаларни била бошлаганида унинг яна кўпроқ нарсаларни билмоғи учун ўзининг сезги аъзоларига муҳтожлиги қолмайди. Руҳ танадан ажралганида ўз сезги аъзолари билан алоқаси узилади. Худди мана шу вақтда аввалига руҳнинг ривожланишига ва такомиллашувига ёрдам берган тана энди руҳнинг янада такомиллашувига ҳалақит бера бошлайди. Бу ҳол мақсадга интилаётган, аммо оти юрмай қолган чавандозни эслатади. Агар от устида ўтирган чавандоз эгардан туша олмаса, аввалида мақсад сари элтаётган от энди унга ҳалақит беради».

Ибн Сино ўғитлари бўйича ҳар бир танага бир руҳ тўғри келади. Материя пайдо бўлган тақдирдагина унда руҳ пайдо бўлади. Танадан руҳ ажралганида икки ҳолат рўй беради: биринчиси – руҳ ва тананинг бир-бирига мослиги шу даражага етадики, бунда руҳ сезиб таъсирланишдан кўра фикр қилиб англашдан олий завқ олади. Олий такомилга етган танадан ажралган руҳнинг завқ олиши ва лаззатланиши чексиз бўлади.

Ана энди қуйидаги муаммони ҳал қилайлик: тана қачон пайдо бўлади, руҳ унга қайси маҳал ва қачон ўтади?

Буюк табиб Ибн Синонинг таъкидлашича, инсон руҳи унинг миясида жойлашган. Фикр қилиш, сезиш, англаш, билиш руҳга боғлиқ.

Маълумки, инсоннинг кўпайиш аъзолари – бу оталик уруғдони ва оналик тухумдонидир. Оталик уруғдони таркибида сперматозоидлар бор, шаҳват ишлаб чиқилади. Улуғ аллома Абу Али ибн Сино ўзининг шоҳ асари – «Тиб қонунлари» китобида шундай ёзади: «Букрот шаҳват тўғрисида шундай дейди: шаҳватнинг кўп қисми мияда пайдо бўлади. У қулоқнинг орқа тарафидан ўтайдиган икки томирдан уруғдонга тушади. Бу томирдан қон олиш фарзандсизликка олиб келади. Мен ўйлайманки, шаҳватнинг мияда пайдо бўлиши шарт эмас. Бироқ унинг асоси мия...»

Букрот ва Ибн Синонинг бу фикрларини ҳозирги замон фани қарашлари мутлақо тасдиқлайди. Чунки уруғдоннинг шаҳват ишлаб чиқариши, унинг сифати ва қандай хусусиятга эга бўлиши ички секреция безларининг етакчиси – гипофиз ҳамда эпифизларнинг назорати остида бўлиб, улар, ўз навбатида, ўйлаш, фикр қилиш, англаш сифатларининг эгаси – мия пўстлоғи билан чамбарчас боғлиқ.

Ибн Сино фикрларидан муҳим хулоса келиб чиқади. Шаҳват таркибидаги сперматозоидлар тирик хужайралар, улар фаол ҳаракат қиладилар, улардан бири ёки иккиси она тухумдони хужайрасини излайди, қидиради, топади ва унинг ичига киради.

Хужайра бу материя, аммо у ҳаракат қилса, демак, унда, яъни сперматозоидда ҳам ҳаракатлантирувчи куч бор. Оналик тухуми эса деярли ҳаракатсиз. Оталик уруғи ва оналик тухуми учрашгач, икки хужайрадан бир материя, яъни пушт пайдо бўлади. Ибн Сино фикрича, шакл берувчи оталик уруғи ва қабул қилувчи оналик тухуми учрашгач, тана, яъни материя пайдо бўлиб, энди ҳаракатлантирув-

чи куч унинг ривожланиши, тараққий этиши учун хизмат қила бошлайди; хужайраларнинг тўғри бўлиниб кўпайишини, аъзолар бўйлаб тақсимланишини, тўғри жойлашувларини ўта назорат қамда қатъийлик билан назорат қилади, бошқаради. Худди мана шу пайтда материянинг, яъни тананинг қай даражада ривожлангани жуда муҳим. Агар соғлом сперматозоид соғлом тухум билан учрашган бўлса, бу мураккаб жараёни идора ва назорат қилиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Мабодо аксинча бўлса, тараққиёт жараёнининг қайсидир бир нуқтаси руҳнинг назоратидан ташқарида ривожланиб ёки орқада қолиб, ҳомила қандайдир бир нуқсон ёки майриқлик билан туғилади. Китобимизнинг кейинги саҳифаларида бунга алоҳида ва батафсил тўхталамиз.

Ушбу қайд этилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: билиш ва англаш, тасаввур қилиш ва фикрлаш, хуллас, ақлий қобилияти жуда юксак бўлган онгли инсон такомиллашган биринчи тоифа руҳга эга.

Ибн Сино ўғитлари, йўл-йўриқлари асосида айтилган шу хулоса бугунга келиб назариётда ҳам, амалиётда ҳам ўз тасдиғини топди.

Ҳозирги замон фанининг эътироф этишича, янги туғилган чақалоқнинг келажакда ақлий жиҳатдан қомил улуғ аллома бўлиб етишиш имконияти 80 фоизни ташкил қилади. Фақат 20 фоиз ҳолатда натижа туғилгандан кейинги тарбияга ҳамда шу инсоннинг тинмай тер тўкиб қилган муваффақиятли меҳнатига боғлиқ бўлади. Бу тасдиқ улуғ Гетенинг «Гений – бу 1 фоиз истеъдод ва 99 фоиз машаққатли меҳнатдир» деган фикрини тамомила чиппаққа чиқаради.

Ҳа, тафаккур оламининг юксак чўққисидаги келин ва куёвнинг мақсадли ўй-фикрлар ҳамда ҳаракатларидан

туғилган болада, албатта, туғма талант ёки қобилият бўлади. Мана шу сифатлар ўз вақтида тўғри пайқалиб, керакли ва зарурий тарбия берилса, истеъдодни шакллантириш ҳеч гап эмас. Бу ҳолатда битта асосий вазифа қолади, яъни истеъдоднинг тафаккур дунёсини ривожлантириб, уни даҳога айлантириш.

*Ушалди буткул ота-она орзуси,
Энди туғилди қалбда бегубор ният.
Уфқни кўзлар юракнинг орзу ёдуси,
Ҳайрон айлаб дилларни ноёб қобилият.*

*Чигаллар оламидан ўрганиб сирлар,
Дуру гавҳар излашдан юрак бўлди шод.
Маҳорат гиштларидан қурди қасрлар,
Ҳар ишда мудом ҳамроҳ юксак истеъдод.*

*Истеъдод истеъдоддан ўтмади нари,
Даҳо чиқмади, афсус, фикр қил, зоҳид.
Говлар тузоқ тафаккур интилган сари,
Ким айбдор, эй фалак, давр ё муҳит?!*

Ҳа, истеъдодни даҳога, генийга айлантирмоқ учун шунга йўналтирилган, шу вазифани олий мақсад деб билган юксак савияли тизим бўлиш шарт. Шундай тизим муайян жамиятда мавжуд эмас экан, истеъдод пайқалмасдан қолаверади. Бу эса, албатта, шу ижтимоий жамиятнинг қолақлигидан дарак беради.

Биринчи Президентимиз: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак!» – деб бир неча бор таъкидлаганларида, бир неча бор бунга чуқур урғу берганларида ишончли келажак бунёд этишга ишора бор эди.

Бу вазифани бажариш учун, энг аввало, биз ўз руҳимизни, Ибн Сино айтганидек, биринчи тоифа даражасига етказишимиз, танамизни эса руҳнинг яна ҳам ривожланишига халақит бермайдиган ҳолатга келтиришимиз зарур, яъни тана бир жойда тўхтаб қолган чавандоз отига ўхшаб қолмасин. Шунда фарзандларимиз Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини таъминлашга қодир мукаммал ақлга эга онгли шахс бўлиб туғиладилар. Энди уларга мақсад сари йўналтирилган тарбия бермоғимиз, уларнинг ақлий қобилиятини намоён қила олиш йўсинида ўстирмоғимиз шарт. Худди шундай юксак ижобий муҳит вужудга келган тақдирдагина буюк келажакни шитоб билан яқинлаштирадиган илгариланма ҳаракатни пайдо қилмоқ вазифасини бажаришга киришган бўламиз.

БУЮКЛИККА РАҒБАТ

Инсон халқ манфаатини ўйлаб ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни бажариш учун барча имкониятларни ишга солса, пайдо бўлган тўсиқларни, қийинчиликларни бартараф этиб, кўзланган чўққини эгалласа, натижада шу ижтимоий муҳитда янгилашиш шабадаси эса бошлайди ва бу инсон буюк ҳисобланади. Аммо буюк бўлиш учун улғу мақсад ва кенг кўламли вазифаларни аниқлаш даражасига етмоқ шарт. Бу даражага етган инсонлар сони қай маконда кўп бўлса, ўша маконнинг ижтимоий, маънавий ва маърифий жиҳатдан етакчи бўлиши турган гап. Чунки муайян ижтимоий шароитда шу мақсад ва вазифаларни бажариш учун шай турган яратувчиларгина буюк инсоний мақсадни тушунган ҳолда баракали меҳнат қиладилар.

Бир вақтлар Афлотун ҳам ўз академиясини ташкил этиш учун йўналишлар белгилаб олган эди...

... Афлотун бир куни ўз академиясига шоғирдлар танлаш учун барча даъвогарларни йиғиб, кенг далага олиб чиқибди-да, биринчисидан сўрабди:

– Қани, айтинг-чи, сиз атрофингизда нималарни кўраётибсиз?

– Майсаларни, қўй боқётган чўпонларни, яна кўп молларни.

Бундай жавобни эшитган Афлотун қўл силтабди:

– Сиздан ҳеч қачон файласуф чиқмайди. Минг уринсангиз ҳам бунга эриша олмайсиз.

Афлотун иккинчи даъвогарнинг елкасига қўлини қўйиб дебди:

– Балки, сиз бошқа нарсаларни кўраётгандирсиз?

– Ҳа, устоз! Осмон гўзаллигидан ғоят ҳайратга тушган майсалар мана шу гўзалликдан тобора кўпроқ баҳраманд бўлиш учун ҳамда лаззатга чулғаниш ишқида яна кўкка талпинмоқдалар. Мана шу гўзалликка маҳлиё қўйлар атрофга кенг тарқалиб, майсаларга суқланиб боқмоқдалар. Бироқ қўйларнинг очлик манфаати анча устун келиши майсаларга қирон келтирмоқда. Бундан ўзича хурсанд қўйчивонлар ҳали нақд бўлмаган фойданинг қанча бўлиши ва уни нима қилиш тўғрисида ҳар хил хомаки режалар тузмоқдалар. Худди мана шу вазиятда мен қарама-қаршиликлар борлигини кўряпман...

... Шоғирдликка даъвогар яна анча гапларни айтмоқчи экан-у, бироқ Афлотун уни қучоқлаб олибди-да, исмини сўрабди.

– Арасту, – деб жавоб берибди шоғирд.

– Сиздан ажойиб файласуф чиқади!

Афлотун бу сўзларни фахрланиб айтибди. Шу сўзлар айтилиши билан Афлотун тарафидан мақсад қўйилди, вазифалар белгиланди.

Ҳақиқатан ҳам орадан бир неча ўн йиллар ўтиб Арасту билиш назарияси фалсафасида ўзининг ўчмас нөмини қолдирди, кейинчалик «Фалсафанинг Искандар Зулқарнайни» деган ном олди.

Арасту инсон руҳини тадқиқ этишни юракни ўрганишдан бошлади, чунки у пайтларда руҳ юракда жойлашган ва унинг макони юрак деб тушунилар эди.

Арасту товуқ тухумини меъёрий иссиқликда сақлаб, жўжа эмбрионида юрак ура бошлагач, тухум пўчоғидан махсус дарча очиб, юрак ишга мусиқанинг таъсирини обдан ўрганди. Мана шу ва бошқа тажрибалари асосида куйидаги сатрларни ёзиб қолдирган: «Мусиқа инсон характери шаклланишига, руҳиятининг маънавий тарафига ижобий таъсир қилиш мумкин. Кейинчалик жисмоний тарбия гавдани, мусиқа эса руҳиятни тўғрилайди».

Мана шу сўзларнинг тағ замирига эътибор қилинса мақсад аниқлангани ва вазифа белгилангани аён бўлади. Аниқ мақсад ва белгиланган вазифанинг асл моҳиятини тeraan англаш учун инсон ақлий жиҳатдан мушоҳада қилмоғи лозим. Билиш, тасаввур қилиш, фикрлаш билан киши ақлини лол қолдирадиган даражадаги қонуниятлар яратган, инсон ақлини ҳайрон қолдирган кашфиётлар орқали билишнинг нақадар муҳимлигини ойдинлаштирган улуғ алломаларнинг деярли барчаси мусиқага ошно бўлишган. Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Резерфорд, Нилс Бор, Альберт Эйнштейн, Лев Ландау, Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзий ва бошқа кўплаб улуғ зотлар нафақат мусиқани жон-диллари билан эшитганлар, балки мусиқа асбобларидан бирини қойилмақом қилиб чалганлар ҳам.

Мусиқа – бу инсоннинг вақтини бекор ўтказаетганида зерикмаслиги учун ўйлаб топилган машғулот эмас, балки инсон танасида жойлашган барча хужайралар учун завқ

олиш манбаи, инсон руҳиятига таъсир этиб, янги ижодларга рағбатлантирувчи сеҳрли жозиба. Мусиқа эшитиб ундан завқланмайдиган одамни учрата олмайсиз. Чунки мусиқа оҳанглари инсон қонига, хужайрасига сингиб кетган.

Бу эса инсоннинг ҳомилалик давридан бошланади.

Ҳа, она қалби – ҳомила учун ташқи дунё, ташқи муҳит. Бироқ ташқи муҳит она организмнинг ҳолатига, ҳомиланинг энди ура бошлаган юрагига, марказий нерв тизимида жадал кўпаяётган мия хужайраларига ўз таъсирини ўтказди. Бу таъсир ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин.

Ҳомила 3 ойлик давридаёқ илк бор она юрагининг «гуп-гуп» уришини эшитади. Мана шу товуш – ҳомила учун энг яхши мусиқа. У шу товушдан баҳра олади, завқланади, лаззатланади. Салбий муҳит оқибатида она юраги безовталашиб, бежо ура бошласа, ҳомила ҳам нотинч бўла бошлайди, юрак уриши тезлашиб, тартиб, мароми бузилади. Келин, шу айтилганларнинг тажрибада тасдиқланганига эътибор берайлик.

Она гурзи илон ўлдирилиб, унинг юраги олинди. Юракнинг бўлмачаларига махсус найчалар ўрнатилиб, шу найчаларга оддий ош тузининг 0,9 % лик физиологик эритмаси қуйилди. Эритма таъсиридан гурзи илон юраги аввал аста-секинлик билан, сўнггра тобора шиддат билан ура бошлади. Илон қорни очилиб, унинг ичидан учта ўлиб ётган илончаларнинг юраги олинди. Уларнинг юраги она юрагига яқинлаштирилганида бола илончаларнинг юраклари ҳам худди она юраги каби тебраниб ура бошлади. Эритмага юрак уришини тезлаштирадиган, секинлаштирадиган моддалар қўшилганида она илон юрагидаги қисқаришларда қандай ўзгаришлар рўй берса, илончалар юрагида ҳам шундай ўзгаришлар

қайд этилди. Демак, илон юраги уришида пайдо бўлаётган биотўлқинлар унинг болачалари юраги хужайралари тарафидан қабул қилинди ва мускуллари қисқариб, юракчалар ура бошлади, яъни биоахборот алмашинуви содир бўлди.

Албатта, инсон – илонга қараганда бағоят мураккаб, мўъжизавий жонзот. Демак, она ва ҳомила ўртасидаги биотўлқин ва биоахборотлар янада мукамал ривожланган. Ҳозирги пайтда шу нарса аниқланганки, ҳомила нафақат она юраги уришини, ҳатто она организмидаги ички аъзоларнинг ишлаш жараёнида пайдо бўладиган биоовозларни ҳам эшитади, улардан ўзига керакли ахборот олади. Шуниси эътиборлики, бу ахборотларни ҳомила мусиқа, яъни ўзига хос мелодия кўринишида қабул қилади.

* * *

... Шаҳар тинчини шифохона томон шитоб билан ошиқаётган тез ёрдам машинаси моторининг товуши бузмоқда. Шифохонага автомобиль ҳалокати натижасида мияси оғир шикастланган чалажон беморни келтиришди. Шу заҳоти унга тез ёрдам кўрсатилиб ҳаёти сақлаб қолинди, бироқ бош мияси қаттиқ лат еганидан бемор эс-хушини йўқотган эди. Орадан бир ҳафта ўтибдики, бемор на кўзини очади, на нафас олади. Бемор ётган хонанинг тинчини фақат сунъий нафас олдириш аппаратининг бир маромда ишлаб турган товуши бузмоқда.

Одатдаги даво чора-тадбирларининг нафи бўлмагач, эксперимент, яъни тажрибада тасдиқланган, аммо амалиётда ҳали қўлланилмаган муолажа усулини қўллашга қарор қилинди. Бошқа илож ҳам йўқ эди-да, ахир! Беморнинг орқа мия суюқлигига 18 ҳафталик ҳомиланинг бир неча минг мия хужайралари киритилди. Орадан уч кун

ўтди. Бемор кўзини очиб сув сўради. Ҳа, ҳайрон қоларли натижа. Хўш, бу ерда қандай мўъжиза рўй берди? Сири нимада?

Ҳомила 18 – 22 ҳафталигида (ҳали унинг туғилишига энг камида 16 – 18 ҳафта бор) мия хужайраларининг ривожланиш, кўпайиш имконияти жуда юқори бўлади. Унинг бу имконияти бошқа организмга ўтганида ҳам сақланиб қолаверади. Бу сифат насл калити орқали берилган. Мана шу мия хужайралари лат ейишдан ишлаш қобилиятини йўқотган мия қисмига кўчириб ўтказилса, бу хужайралар нафақат жуда тез ўсади, балки лат еган мия қисмининг ишини ҳам бажара бошлайди. Шунингдек, лат еган соҳа хужайраларининг ҳам тезда тикланишига катта ҳисса қўшади. Натижада лат еган мия хужайралари иш фаолияти, яъни функциясини тўлиқ тиклайди.

Кўпдан-кўп ўтказилган синовларга кўра, лат еган мияни шу усулда тиклаш учун бош мия косачасини тешиб, мия қобигини очиш шарт эмас. Фақат ҳомила мияси хужайралари орқа мия суюқлигига киритилса бас. Чунки хужайралар ўртасидаги биологик ахборот алмашинуви туфайли ҳомила мияси хужайралари лат еган мия қисмини ўзи қидириб топади ва унга малҳам бўлади.

Ҳомила она қорнида ҳар томони ҳомила суви билан ўралган ҳолатда бўлса-да, ҳеч қачон тинч турмайди. Она нафасига ва ҳаракатига монанд тебранади. Она юрагининг «дук-дук» уриши шу суюқликдан ўтиб, эшитиш аъзоси – ички қулоқнинг лабиринтларини ҳам тебратади.

Бу тебранишлар мароми, даврийлиги қанчалик бир текис ва жозибали бўлса, ҳомила учун энг қулай мусиқали муҳит ҳисобланади. Бундан эса ҳомила хужайралари ором олади, рағбат сезади, кўпайишига кўпроқ мойиллик пайдо бўлади. Мана шу боис ҳам ҳомилалик даврида мусиқа ва

алла билан махсус тарбия олган чақалоқлар бошқа тенгдошларига нисбатан оғирроқ бўлади.

Инсон бош мияси ҳам, орқа мияси ҳам ўзига хос таркибли суюқлик билан ўралган (худди ҳомила каби). Мусиқа завқидан, лаззатидан бошини майин тебратаётган инсоннинг бош мияси ҳам, орқа мияси ҳам оҳиста тебранади ва бу пайтда ҳомила пайтидаги ширин ҳисни ўз бошидан кечиради. Бундан эса инсон руҳияти ширин туйғулар оғушида бўлиб, тана ҳужайраларига жаннатий ҳис тарқатади.

Юқорида айтилганлар асосида она юрагининг тебранишидан чиққан «дук-дук» товуш ҳомиланинг – туғилажак чақалоқнинг илк мусиқаси ҳисобланади деб айтиш мумкин. Маълумки, мусиқани кўриб бўлмади, аммо ёзиб олиш мумкин. Ёзиб олинганида эса 7 та ҳарф, 7 та банд борлигини кўриш мумкин. Не ажабки, юрак тўлқинлари ҳам 5 та ҳарф – Q, R, S, T, P ва икки паузадан, яъни 7 банддан иборат экан. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг буюк инояти. Ҳа, она юраги мусиқасининг ҳар бир ҳарфи ҳомиланинг ҳар бир ҳужайрасига муҳрланиб қолади.

Худди мана шу ерда яна буюк аллома бобомиз Ибн Синони эса олишга мажбурмиз. Унинг айтишича, она юраги ритмидан лаззатланган ва ширин ҳислар туяётган мия ҳужайраларида жойлашган руҳ аниқ бир даврда материя, яъни ҳомила танасига рағбат беради, натижада унинг ҳажми ошиб, руҳ ва материянинг мослиги вужудга келади. Руҳнинг рағбат кучи ошиши учун мия ҳужайралари кўпайиши шарт. Бу эса кўшимча ахборот талаб қилади. Мана шу кўшимча ахборотнинг энг кучлиси, сифатлиси, таъбир жоиз бўлса, олий даражадагиси – энг яхши ашула бўлмиш она алласидир.

Келинг, далилларга мурожаат қилайлик. Россиялик олимларнинг текширишлари натижасида шу нарса қайд

қилиндики, бошқаларни азоблаш ҳисобига кун кечирувчи ахлоқи паст инсонларнинг оналари бирон-бир аллани ёки ашулани билмас, мусиқага беписанд аёллар бўлишган. Демак, ҳомилалик даврида ва туғилгандан кейин ашула, алла ва яхши мусиқа эшитиш инсоннинг туйғулар доираси кенгайиб, ижобий шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Кўпгина олимларнинг хулосасига кўра, ҳомиланинг келажакда ақлий жиҳатдан етук тафаккур эгаси бўлиб етишмоғида, юксак руҳият эгаси бўлиб шаклланишида мусиқа ва алла айтиш биринчи ўринда, она меҳри эса тўққизинчи ўринда турар экан.

Мана шу ҳаётини далиллардан ҳам мусиқанинг ҳомила тарбиясида нечоғлик ўрни катта эканлигини билиш мумкин. Чунки ҳомилага эшиттирилган мусиқа оҳанглари онгости ҳужайраларига муҳрланиб, миҳланиб қолади ва бу муҳрланиш, одатда, миянинг хотира марказида рўй беради. Келинг, ҳурматли ўқувчи, мана шу вазиятда хотира маркази тўғрисида фикр юритайлик.

Одатда, инсонда хотира маркази иккита бўлади. Масалан, айтайлик, сиз бутун бир яхши шеърни ёд олдингиз, эртасига уни равон ва ифодали ўқиб, тенгдошларингизни қойил қолдирдингиз. Орадан ўн кун ўтгач худди шу шеърни тутилиб-тутилиб, сўзларини эслаш учун ўртада анча тўхталиб айтиб берасиз. Анча вақт ўтгач эса шеърнинг мазмуни ёдда қолади, холос. Бу ҳолда шеърни ёд олаётганингизда унинг сўзлари биринчи хотира марказига электр зарядлари кўринишида жойлашади. Агар бу шеър маълум бир давр оралиғида такрорлаб турилмаса, хотира марказидаги электр зарядлар кучи аста-секинлик билан камая боради. Вақт ўтиши билан бу заряддан ном-нишон қолмайди. Демак, биринчи хотира марказида йиғилган ахборот худди аккумулятор зарядига ўхшайди. Кўшимча заряд олмай ту-

риб қолган аккумуляторнинг кучи кундан-кунга камайиб, охир-оқибатда кераксиз матоҳга айланиб қолиши барчага аён. Хотирасиз ижод ҳам мисоли шундай.

Агар сиз шеърни ҳар куни, кунора, ҳафтада такрорлаб турсангиз, ёдлаган шеърингизнинг биринчи хотира марказига йиғилган электр зарядлари кўринишидаги сатрлари иккинчи хотира марказига оқсил молекулалари шаклида ўтади. Оқсил молекулалари эса ҳеч қачон йўқолмайди.

Иккинчи хотира маркази онгостида, яъни мия пўстлоғи остида жойлашган ва мия пўстлоғи ҳужайралари билан чамбарчас боғланган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳатто энг чуқур уйқуда ётган одамни уйғотиб, ундан ота-онасининг исмини ёки кўпайтириш жадвалларини сўрасангиз, бемалол айтиб беради. Жуда яхши ёдланган шеърни айтганда ҳам унинг сатрлари миянинг чуқур жойидан ўз-ўзидан қуйилиб келаверади, инсон уни такрорлайди, холос.

Узоқ хотиралар ҳам иккинчи хотира марказида «михланиб» қолади. Ўша хотиралар эслатилса, қолган хотира лавҳалари инсон кўз ўнгидан бирма-бир ўтаверади. Бу ажойиб феноменнинг механизми қуйидагича: мия пўстлоғи ҳужайралари олинаётган сўроқ-ахборотни махсус канал орқали иккинчи хотира марказига ўтказиб, шу сўроқ-ахборотга оид «хазина» ёки «шкаф»ни очади. Мана шу хазинадаги, яъни хотира марказининг махсус катагидаги лавҳа ёки лавҳалар кўриш ёки гапириш марказига олдинма-кетин узатилаверади. Сиз уларни қайта кўриб ёки гапириб берасиз. Мана шу ҳолат хотираларнинг онгостида муҳрлангани, кодлангани учун содир бўлади.

Ҳомила хотира марказида муҳрланган она юрагининг товуши, она алласи, эшитган мусиқаси ҳам қайсидир бир

сўров-ахборот таъсиридан уйғотилса, у тананинг барча ҳужайраларига рағбат беради. Шуниси қизиқки, уларни уйғотиш жиҳатидан биринчи ўринда мусиқа туради ва бу ҳолдан тиббиётда унумли фойдаланилади...

... Оғир дардли бир бемор операция қилиниши керак. Бу операциянинг мураккаб, ўта хавфли жиҳатлари анча. Аммо шу операция қилинмаса, бемор ҳаётдан кўз юмиши аниқ. Шу боис уни операцияга обдан тайёрлашди. Бунда унинг руҳий жиҳатига, ички аъзоларининг муайян пайтдаги ҳолатига ҳамиша эътибор берилди. Айниқса, бир муҳим жиҳатга диққат қилинди. Беморнинг қайси мусиқа турини, қайси ашулаларни, қайси ҳофизлар қўшиғини дилдан яхши кўриши сўраб-билиб олинди. Операция пайтида худди шу мусиқа, ашула ва қўшиқлар қулоққа хуш ёқадиган тарзда эшиттириб турилди.

Кузатишлар кўрсатдики, мана шу усулда операция қилинган беморлар мусиқа эшиттирилмай операция қилинганларга нисбатан 3 – 4 кун олдин тузаладилар.

Демак, мусиқа ёки алла эшиттирилганида хотира марказидаги алла сўзлари ва илк мусиқа муҳрланган оқсил ҳужайраларини уйғотади, у ерда жойлашган руҳни жунбишга келтириб, рағбатлантиради. Оқибатда танадаги барча ҳужайралар биоахборотдан уйғониб лаззат олади. Лаззат олиш ҳиссиётидан эса организмда кўплаб эндорфинлар ишлаб чиқарилиб, оғриқ сезиш йўқолади. Энг аҳамиятлиси, бу пайтда организмнинг иммунбиологик кучлари кўпаяди. Барчаси жам бўлиб, касалликдан тезроқ қутулиш, тузалиш имконини яратади. Операция қилинган беморларнинг жароҳати ҳам тез битади.

Олимлар тарафидан қуйидаги тажриба ўтказилди. Наслий калит эгаси бўлмиш ДНК молекулалари суртилган пластинка устига лазер нурлари туширилди. Худди шу

пайтда пластинкага уланган карнайдан жуда тиниқ ва равон куй эшитила бошлади. Бу куй булбул, гоҳида эса Жанубий Америкада бир-бирлари билан ҳуштак воситасида гаплашадиган элат товушига ўхшарди. Бу тажриба ҳар хил усулда минг марталаб қайтарилди. Шу нарса аниқландики, ДНК молекулалари лазер нурларини ўзига ютиб, кейин ўзидан лазер нурларини голограмма тасвирида чиқаради. Бунинг натижасида эса наслга оид ахборотнинг 90 фоизи ни ўқиб олиш мумкин бўлади. Шу усулда аниқланишича, ҳар бир ҳайвон ва қуш ДНКсининг ўзига хос куй-муסיқаси бўлиб, улар ҳеч қачон бир-бирини такрорламас экан.

Худди шу усулда ДНК ўзида сақлайдиган хромосома-ларни текшириш ҳам жуда ҳайрон қоларли натижаларни кўрсатди. Масалан, айтайлик, сут тишларининг насл калити – коди тарафидан белгиланган чиқиш вақти келганида шу калитни тутган хромосомадан электромагнит тўлқин-лари, нур ва ўзига хос куй-мусиқа пайдо бўлиб жаранглай бошлайди. Мана шу куй-мелодия орқали тиш чиқаришга оид ва унга ёрдамчи ҳужайралар буйруқ олади. Бу буйруқ, албатта, бажарилади, чунки у ҳужайра марказидаги тирик материянинг ядросидан келяпти. Бироз вақт ўтганидан кейин эса организм ҳужайралари хромосомасидан бошқа лазер куйи жарангини эшитади, энди улар шу буйруқни бажаришга киришади ва жинсий аъзолар катталаша бошлайди, масалан, кўкрак безлари. Хуллас, организм ҳужайралари умр бўйи хромосомалардан келаётган лазер-куй жаранги таъсирида фаолият кўрсатади.

Бу куй хромосомаларнинг бир бўлаги, заррачасидан бошланиб, наслий ахборотни ҳам рўй-рост намоён қилади. Бу куйда организмнинг ўтган кунлар ахбороти, ҳозирги пайтдаги ҳолати ва келажакдаги нотаси ёзилган бўлади. Хромосомаларнинг мана шу куйлари тембрининг баланд ва

пастлиги, жаранги, қувноқлиги, ҳазинлиги ва бошқа хусу-сиятларига қараб ҳамиша уларнинг касал ёки соғломлиги тўғрисида фикр юритишимиз мумкин. Келажакда шундай пайт келадикки, ҳужайра хромосомаси куйларининг сифати ва хусузиятига қараб инсониятга маълум 30 мингдан ортиқ касаллик турларининг хуружини жуда эрта аниқлаш мумкин бўлади. Фақат бунинг учун шу касалликларга хос хро-мосома куйларининг (албатта, бу куйлар ҳазин ва мунгли) компьютер каталогини тузиб чиқиш керак, холос.

Маълумки, насл кодига биноан одамзод энг камида 130 – 150 йил умр кўриши лозим. Бироқ инсон 60 – 80 ёшга кирганида (аксарият ҳолларда шундай) ҳужайра хромо-сомасидан ўлим муסיқаси чалинади. Бошқа ҳужайралар, асосан юрак ҳужайра мушаклари бу буйруқни бажаришга мажбур – уришдан тўхтайдди. Бу аксиома асло бузилмайди. Мабодо бирон-бир модда алмашинуви жараёни ёки хаста-лик сабабидан юрак уриши тўхташга мажбур бўлган бўлса, дорилар, массаж, кучли электр заряди воситасида уни яна уришга, яъни юрак мускуллари ишини тиклашга эришмоқ мумкин. Бироқ ҳужайра хромосомасидан юрак уришига буйруқ келмаса, у қайтадан урмас экан. Хўш, энди фикр қилайлик, хромосомаларнинг генетик аппаратида 130 – 150 ёшга кириш куйини чалишни ўргатиш, балки шунга мажбур қилиш мумкин эмасмикан? Ана шунда ҳужайра хромосомаларидан янграётган муסיқа таъсирида инсон бемалол, ҳеч қандай машаққатсиз 130 – 150 ёшга киради. Худди шу йўл билан рак ҳужайраларига ҳам таъсир қилиш мумкин. Рак ҳужайралари хромосомаларнинг қайси куйи-га қараб жавоб тариқасида кўпаяётганликларини билиб олиб, худди шу куйга антимелодия яратиш мумкин.

Хулоса шуки, муסיқа, ашула, она алласи ҳужайра хро-мосомаларига ижобий таъсир этиш қобилиятига эга.

Шунинг учун ҳам булар ҳомила тарбиясида энг биринчи ўринда туради. Ҳомиладорлик даврида мусиқа, қўшиқ, она алласи билан тарбияланган боланинг ақлий имкониятлари ғоят юқори бўлиши – бу улкан неъмат. Фақат унга рағбат бериб, етарли равишда фойдаланишни билиш лозим.

Ривожланган мамлакатларда аллақачон бу усулдан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳомиланинг юрак уришини тезлаштирадиган ёки секинлаштирадиган, маромийлигини сақлайдиган, унинг ҳис-ҳаяжонига ижобий таъсир этадиган махсус мусиқа ритмлари танланиб, ҳомиладор аёлларга эшиттирилмоқда.

Бундай мусиқий тарбияни олиб туғилган чақалоқларда ҳам жисмоний, ҳам ақлий қобилият кўрсаткичлари анча юқори бўлади. Кейинчалик бу чақалоқлар ўз тенгдошларига нисбатан эртароқ бошини тута бошлайди, уларнинг тили эрта чиқади. Ҳатто икки ёшга тўлган пайтларидаёқ шеърлар айтиб, булбулсифат сайрай бошлайдилар.

Улуғ аллома Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобидаги қуйидаги гаплар бежиз эмас: «Чақалоқлар организи ва характерини мустаҳкамлаш учун, биринчидан, уни енгилгина чайқатиш ёки силкитиш, силаш, иккинчидан, унга мусиқа эшиттириш, ашула айтиш лозим. Чақалоқларнинг буларни қандай қабул қилишига қараб жисмоний машқлар ёки мусиқага мойиллик пайдо бўлади. Биринчиси унинг танасини, иккинчиси эса руҳиятини мустаҳкамлайди».

Ҳомила тарбиясида мусиқага бу даражада эътибор берилишидан мақсад улуғ бастакорларни етиштириш эмас, балки ҳомила мия ҳужайраларининг кўпайишига эришиб, руҳи такомиллашган, ақлан ва жисмонан етук соғлом авлодни тарбиялашдир. Ибн Сино бобомиз таъкидлаганидек, руҳи ва танаси бир-бирига жуда монанд биринчи тоифа ин-

сонларни қарор топтириш лозим. Токи бунда руҳ ва тана шу даражада бир-бирига мос келсинки, улар бундан олий лаззат олсин. Бундай олий лаззат эса тарихда ўчмас, ёрқин из қолдирган Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хўжа Шамсиддин Кулол, Сўфи Оллоёр ва бошқа улуғ боболаримизга насиб этган. Бунинг учун фақат бир мўъжизавий имкониятни унутмасак бўлди – инсониятнинг буюк кашфиёти бўлган мусиқа инсоннинг тафаккур жиҳатдан буюк бўлишини таъминловчи воситадир!

НОЛА

Даҳлизга кирган ҳам эдимки, торнинг майин садоси, ғижжакнинг маҳзун ноласини эшитиб жойимда туриб қолдим. Хаёлот дунёсини остин-устин қилиб юборувчи, бироқ ҳозирда юракнинг туб-тубида ўтириб қолган ҳис-туйғуларни уйғотувчи оҳанрабоининг асирига айландим беихтиёр. Торнинг юракни ўйнатувчи, ғижжакнинг калава ипидек чўзилиб-эшилаётган ва инсон баданига малҳамдек сингиб кетаётган нафис саслари мени тамомила сеҳрлаб қўйганди. Куй тамом бўлиб, санъаткорлар шаънига олқишлар эшитила бошлаганидагина ўзимга келдим ва секингина эшикни очиб, куй сеҳрига маҳлиё бўлиб ўтирганлар билан саломлашдим. Мени уйига таклиф қилган дўстим бошқа хонада экан, шекилли, уни даврада кўрмадим. Астагина чеккадаги стулга бориб ўтирдим. Атрофга разм солдим. Шунда юрагим увушгандай бўлиб кетди. Қўлида тор тутган кўркам йигитнинг кўзлари кўр эди. Йигитнинг табиат ато этган кўркини бузиб турган норасоликдан ачиниш ҳисларимни бир нуқтага тўплаб улгурмасимдан даврадагилардан бири гап ташлади:

– Яшанг-эй, ука! Баракалла! Энди битта ашуладан ҳам эшитайлик.

Шунда доирачининг ўнг томонида ўтирган ўрта яшар киши: «Қани, ўғлим, «Соғинчим»ни айтасизми!» – дея жойидан бир кўзғалиб олди. Кейин даврадагиларга мурожаат қилди:

– Ўғлим Қодиржоннинг машқи ҳали маромига етгани йўқ. Бугун биз ҳам меҳмон бўлиб келганмиз. Камчиликлари бўлса, узр!

Кейин ўғли тарафга ўтирилди:

– Ўғлим, шопмасдан, авж пардага чиқмасдан бошлай-веринг...

Отанинг гапида қандайдир бир ўзгача юмшоқлик ҳамда фахр бўлиб, буни сезмасликнинг иложи йўқ эди. Мен унинг ўз ўғлидан ҳали кўп нарсаларни кутаётгани, келажакда муваффақиятлари тайин бўлишига ишонч кайфиятини аниқ сездим.

Отасининг гапларидан кейин Қодиржон созини қўлига унғай қилиб ушлади-да, торлар жарангини бироз тўғрилаган бўлди. Бирпас жим туриб, кейин ғижжакчи ва доирачига «бошлаймиз» ишорасини қилди.

Ярим жиддий, ярим мунгли, ярим ялиниш, ярим ҳижрон мақомидаги куй жаранглай бошлади. Ғижжак ва тор оҳанглари бир-бирига монанд тўлғонаётгани мусиқа ҳалилининг роса ҳадиси олинганидан нишона эди. Ашула бошланди. Қодиржоннинг товуши шундай тиниқ, завқли ва жарангдор, ширали ҳамда ёқимли эдики, бундай покиза ва маъсум товушни мен ҳали ҳеч қаерда эшитмаган эдим. Товушнинг латиф жаранглаши, куйнинг унга уйқаш бўлаётган меҳригиё садоси хаёлим тулпорини жилловлаб, фақат ўзи истаётган томонга етакламоқда эди:

*Соғинчининг бағрига бош қўяй десам,
Илинжнинг ёшлари сел бўлиб оқди.*

*Туйғулар қалбимда сўнаётган дам,
Ҳижроннинг азоби дардларим ёқди.*

*Интизор тилаклар бўлдилар банди,
Ташиналик бағрига кўзларим чўқди.
Висолнинг орзуси унга талпиниб
Юрагим қонидан гул ясаб тақди.*

*Аммо ўлмай қолди биргина умид,
Юлдуз мисол ёнар илҳақ овунчим.
Қўшигим дилларга армондай кўниб,
Йўқлаб келар энди мени соғинчим!*

Қўшиқ тугади. Давра аҳли жим. Қўшиқ сеҳри даврадагиларни шунчалик банди қилгандики, кўнгилларидаги ҳис-туйғулар, айтилажак сўзларни ҳам эритиб юборганди. Ҳали бу сеҳр кучи адо бўлмай туриб Қодиржон иккинчи кўшиқни бошлади.

Қўшиқ шундай ҳазин, эмранган нолали эдики, дилнинг тубида яшириниб қолган ҳаяжонми, ҳайронликми, ҳайратми, кўнгил таажжубими, борингики, қалбнинг чуқур қатламларидаги покиза ва шаффоф туйғуларни шиддат билан кўзгатиб, гавдани куйга монанд тебранишга мажбур қилар, агар мана шу тебраниш бўлмаса, ҳис-ҳаяжон сиғмаётган танангиз ёрилиб кетиши мумкиндек эди. Бу кўшиқ худди Қодиржоннинг ўзи учун яратилгандай. Унинг қалбидан бутун кучи билан отилиб чиқаётган ноланинг беқиёс таъсири ҳам ҳайронлик, ҳам ҳайрат, ҳам ачиниш, ҳам инсон овози мўъжизасининг кучига тан бериш кайфиятини уйғотарди тингловчида. Бехитиёр «Эй Худо, нега шу болани сўқир қилиб яратдинг-а, қанчалик жабр бўлаётгани фақат ўзингга маълум, бироқ нурни кўриш каби мўъжизани унга ато этмай, ширали

овоз берибсан-да, эй қодир Аллоҳ» деган ўй қалбингизни илма-тешиқ қилиб, изтироблар уммонига ғарқ қилар, юрагингизга оғир бир юк чўқарди:

*Тақдирда бор бўлса тошу тарозу,
Топиб беринг менга туганмас ёғду,
Ёғдуни ушламоқ менга бир орзу,
Орзумни зор этманг, хор этманг асло!*

*Яна беринг менга ранглар жилвасин,
Ўзайлик сеҳрини қалбим илғасин,
Ожизлигим ранглар асло билмасин,
Орзумни зор этманг, хор этманг асло!*

*Айтингиз, инсонлар, диллар фарқини,
Кўнгли оқ ё қора англаш турқини,
Қандай эрур қалбнинг хира, ёрқини?
Орзумни зор этманг, хор этманг асло!*

*Мўъжаз сеҳр беринг айтар сўзимга,
Сийпалай торларин суртиб кўзимга?
Қўшиқ қилиб айтай танлаб ўзимга,
Орзумни зор этманг, хор этманг асло!*

Разм солсам, кимларнингдир кўзларида ёш милтиллар, яна кимлардир кўз ёшларини ташқарига чиқара олмаса-да, ҳар замонда «қилт-қилт» югиниб кўярди. Бошларини чайқаб, кўшиққа монанд тебранишарди. Қўшиқнинг охириги мисралари янграётганида ёши элликларга борган норғул киши чўнтагидан дастрўмолини олиб, кўз ёшларини артди. У йиғлаётганини ҳеч кимдан яширмаётган эди.

Агар қўшиқ яна бир оз шу тарзда давом этадиган бўлса, барчанинг хаёлида ҳаёти давомида кечирган изтиробли, аламли, ғамли онларини тиклаб, рухларини маҳзун ҳолатга

тушириб қўйиши аниқ эди. Шуларни сезгандай, тингловчиларнинг руҳий зўриқиши баланд нуқтага чиққанида қўшиқ оҳиста тинди. Даврадагиларнинг уч-тўрттаси бараварига тасанно айтишди:

– Отанга балли! Раҳмат! Қойил!

Шу пайт Қодиржоннинг отаси ташқарига чиқди. Мен бунда бир сир борлигини тушундим ва унинг ортидан интиқдим.

Тўлин ойга тикилганича айвон устунига суяниб турган Қодиржоннинг отаси олдига бордим-да, кўлини қаттиқ сиқдим. Бу менинг ҳам ҳурматим, ҳам ҳайратим эди. Аммо буни сўз билан ҳам айтиш истаги туғилди:

– Чин дилдан табриклайман! Ўғлингизнинг булбулдай жарангли, ёқимли овози бор экан. Жуда ажойиб! Иқболини берсин! Раҳмат сизга!

Қодиржоннинг отаси ҳам кўлимни қаттиқ сиқди. Секкингина: «Раҳмат!» – деб қўйди. Бир оздан кейин гап бошлади:

– Онасиз ўсди. У бир ёшга кирганида онаси бизларни ташлаб кетиб қолди. Бизлар қариндош эдик. Севишганмиз. У шу Қодиржонга боши қоронғи бўлганида мен тор чалиб ашула айтардим, у эса ашуламга қўшиларди. Орада грипп билан қаттиқ оғриди. Тақдир экан... Меҳр сутдан ўтади дегувчи эди. Аммо... Билмадим...

Отанинг товуши қалтирай бошлади. Чўнтагидан рўмолчасини олиб, бурнини артган киши бўлди, аслида, кўзларида пайдо бўлган намнинг кўз ёшига айланишга йўл қўймаслик учун бир чора эди бу. Томоғини қириб олди. Сездимки, ҳали юрагида севги оташи ёнмоқда. Балки...

Хаёлимни унинг қалтирашдан ўнганмаган овози бузди:

– Қодиржонни тарбиялаш учун меҳримни аямадим. Сиз эшитган қўшиқларнинг куйи ҳам, сўзи ҳам ўзиники. У дунёни қалби билан кўради, кўнгли билан сезади. Ўғ-

лим жуда иродали. Ишонасизми, онаси ташлаб кетганини айтганимда, кўзларидан атиги икки томчи ёш чиқди, холос. Ўшандан бери йиғлаганини кўрмаганман. Гўё кўз ёшлари қуриб битгану, улар куй ва қўшиққа айлангандай. Бугун меҳнатимнинг мевасини кўриб турибман. «Отанга балли!» деган сўзни эшитиш орзуим эди. Ушалди. Ўғлимнинг шундай олқишга сазовор бўлганини қани энди бағритош онаси билса, кўрса, эшитса деб ўйладиму кўнглим бузилиб кетди... Ўғлининг ёрдамга муҳтож бўлмай, катта санъаткор бўлиб етишганини билса кошки эди...

– Кейин уйланмадингизми?

– Йўқ.

Унинг жавобини эшитиб узоқ вақт нима деб тасалли беришни, овутишни билмай, калаванинг учини йўқотиб қўйдим. Бир нарса дейишим ниҳоятда зарур эканлигини тушуниб турардим. Бу одамга ҳурматим ниҳоятда ошиб кетганидан керакли сўзларни топа олмай қийналаётган эдим. Қодиржоннинг отаси менинг аҳволимни тушунди, шекилли, қўлимни сиқди. Бу билан ўзингизни уринтирманг, нима демоқчи бўлганингизни тушунаман дер эди..

... Мен ҳам, Қодиржоннинг отаси ҳам жим. Ичкаридан энди шўх куй эшитила бошлади. Мен беихтиёр савол бердим:

– Шу пайтгача учрашмадингларми?

– Қодиржоннинг онаси биланми?

– Ҳа.

– Йўқ. «Ма, белингдан тушган кўр болангни ўзинг катта қил!» деган сўзлар ҳали-ҳануз юрагимга найзадек санчилади. Ҳеч кутмагандим. Шу сўзлар қайта-қайта хаёлимга келадию... Э, қўйинг, шуни эсламай...

Мен уни тушундим. Дардини баттар янгилашни истамадим. Бироқ... Аёл севгисининг бу тартибда тез совиши,

айниқса, боласини ташлаб кетиши жуда ажиб бир ҳол. Балки... Балки, ўзларининг қариндош эканлигидан иккинчи фарзанд ҳам ногирон туғилиши мумкинлигини сездимикан?! Балки... Балки, шунинг учун ҳам ўз севгилисига, эрига: «Кўр болангни ўзинг катта қил!» – дея даҳшатли гапларни айтдимикан? Бу ўртадаги меҳр ипларини буткул узиш учун атайин айтилмадимикан? Балки... Балки, яна ким билади дейсиз...

– Юринг, уйга кирайлик. Меҳмонлар ҳам кутиб қолишди. Ташқари анча совуқ экан, – дедим, аммо хаёлларим елкални залвор билан босаётганини сезиб турардим.

Қодиржоннинг отаси гапимни қабул қилди. Биз уйга кирганимизда Қодиржон янги қўшиқ бошлади:

Лоқайд одамлардек унсиз ва гамсиз

Совуқ тошлар ётар ерларни босиб.

Яшамоқ маънисин сезмайди ҳаргиз,

Аммо либос каби тоққа муносиб.

Ёмғирсиз булутга бор дардин тўкиб,

Сирдош бўлмоқ етмас гулларга насиб.

Севинчу гамлардан осмон энтикиб,

Бўлгин, дейди, кўкда менга муносиб.

Тупроққа айланиб дардсиз бир кесак,

Майсаларга дармон ётмаскан писиб.

Дардсиз кесакдек ким бир дардсиз, бешак,

Бўлгайми инсонга менгаши муносиб?

Жон-қон томирига сингиб ҳақ, иймон,

Ҳар сифатга инсоф кирса гар ўсиб.

Кўнглини гул дарди чуллаган инсон,

Жон берсанг ярашур унга муносиб!

Айтилаётган ашуланинг сеҳри, мўъжизали кучи юракларни аллақачон забт этган, мағлуб юраклар эса кўкрак қафсларини ёриб чиққудек урмоқда эди. Кўшиқ тугаса ҳамки, дилгир ҳислар чўққилардан тушгиси келмас, бунинг кўпроқ давом этишини истамоқда эди.

Эшик оҳиста очилди. Дўстим кўринди. У аввал кечирим сўради. Кейин бироз ялинган ва эмранган товуш билан секин гапирди:

– Азизлар! Сизлардан илтимос, гапимни охиригача эшитингизлар. Кўшни хонада аёлларимиз ўтиришибди. Кўшиқчи-ҳофиз укамиз аёллар даврасига ҳам бир жуфт ашула айтиб берса. Жуда илтимос қилишяпти. Маликаларнинг илтимосини ҳатто шоҳлар ҳам ерда қолдирмаганлар-ку. Нима дейсизлар?..

Биров рад этиб қолмасин деб кўркдими, дўстим даврадагиларнинг жавобини ҳам кутмасдан яна сўзида давом этди:

– Сукут – ризолик аломати дейдилар. Қодиржон, сиздан илтимос, атиги бир жуфт кўшиқ айтиб беринг аёлларимизга...

Қодиржон қўлидаги торни қўймасдан, отасининг нима дейишини кутиб турди. Отасидан розилик ишорасини олгач торини доирачига узатиб, ўрнидан кўзгалди. Гижжакчи унинг ўнг тирсагидан ушлаб эшик томон бошлади. Орқадан доирачи эргашди. Қалбим Қодиржон овозининг соф ва тиниқ ноласи ҳамда меҳригиё садосига шунчалик тобе бўлган эдики, мен англаб ёки англамай унинг изидан эргашдим. Аёллар даврасига биз тўрт киши бўлиб кириб бордик. Қатор бўлиб кўрпачалар устидан жой олдик. Бир-икки аёл бизлар билан ҳол-аҳвол сўрашишди, аммо кўпчилиги Қодиржонга қараб қотиб қолишди. Шундай келишган, қошлари қалин ва қоп-қора, киприклари узун-узун, юзлари

ошқоқ, қиррабурун, лаблари юпқа, яноқлари сал қизилтоб, кулгичлари ўзига ярашган, ўнг яноғининг четида қоп-қора холи бор йигитнинг кўзлари ожизлигини ҳазм қилишга олмаётгани, бундан афсус чекишаётгани шундоққина юз ифодаларидан билиниб турарди. Давранинг ўртасида, Қодиржоннинг қарама-қаршисида ўтирган ўрта ёшлардаги кўхликкина аёл эса ўрнидан бир қимирлаб, ўнг томонидаги дугонасига пичирлабгина бир нималар деди. Қодиржон қўлига торини олди. Гижжакчи ва доирачига нималарнидир имлади. Торнинг пастки ва ўрта пардаларини бирма-бир чертиб, кейин бошладик ишорасини қилди. Аввал куйнинг, кейин кўшиқнинг сеҳрли жаранги, ром қилувчи садоси эшитилиб, нозик юракларнинг мунис ва инжу-туйгуларини майин қитиклай бошлади.

Кўнгилларга ҳислар бағишлаб,

Адо этди азиз умрини.

Гулдон ичра томири нишлаб,

Кўп тилади инсон сабрини.

Ҳидин тўккач зангли қутидан,

Бир кун, э воҳ, топди қабрини,

У гул эди, у гул эди, у...

Соф севгининг дилини гашлаб,

Гўдак бошлар азиз умрини,

Йўргак ичра гоҳ шод, гоҳ йиғлаб,

Тилар вужуд, руҳнинг сабрини.

Сабр отди кимнидир қарғаб,

Гўдак танир гулнинг қабрини,

У ўғил эди, у ўғил эди, у...

Қодиржон кўшиқнинг биринчи бандини тамом қилган ҳам эдики, дугонасига пичирлаб гапирган рўпара-

сидаги аёлнинг ранги оқарди. Аёл чўнтагидан рўмолчасини олиб, яноқларини ёпиб, ашулани берилиб тинглай бошлади. Куй ва қўшиқнинг таъсиридан аёлнинг боши эгилган. Бошқаларнинг ҳам шу ҳолга тушишини кутардим.

Қўшиқнинг иккинчи банди ҳам тугади. Шунда Қодиржон бошини илкис кўтарди. Нимадандир безовта, важоҳатида аввалги сокинликдан асар ҳам қолмаган. У аввал бошини чап, кейин ўнг томонга кескин бурди. Кейин эса бошини эгиб, қўшиқ тинглаётган жувон тарафга юзини бурганича қотиб қолди. Энтикиб чуқур-чуқур нафас олди. Қодиржоннинг бош бармоқ эни узунлигидаги сочлари тиккайиб, худди орқадан эсаётган шабададан титраётгандек, пешонаси олд тарафга эгилиб гўё таъзим қилаётгандек эди. У тор чалишдан тўхтаган, ғижжакчи ва доирачи эса куйни давом эттиришарди. Улар Қодиржонга қараб ҳайрон бўлишарди. Куй нақароти яна бир марта қайтарилди. Қодиржон эса ҳали ҳам ўша аёлга бошини қаратганча қотиб турарди. У тез-тез нафас олди-да, ҳаяжонда аллақандай бир тушуниб бўлмас шиддат, исёнкор ҳис, бўронли кўзғалиш билан торнинг пастки пардаларини титратиб, черта бошлади. Унинг бутун гавдаси дир-дир титраётгани кўллари, бармоқлари қалтираётгани торга ҳам ўтган, қалбидаги барча ҳис-туйғуларнинг, бир ёшидан бери йиғилиб ётган изтироб-аламларнинг катта ғалаёни, довули бошланганди. Бу вақтда аёл ҳам Қодиржонга кўзларини катта-катта очиб, киприкларини қоқмасдан қараб турар, гўё бу кўзлар даҳшатдан қотиб қолган эди. Оналик муҳаббати, оналик соғинчи, фарзанд жамолига ташналик, қатъий қарор, афсус ва надомат ҳамда бир ёшгача ҳар бир ҳужайрасига сингиб кетган она сути меҳри ўртасидаги талпиниш тўлқинларининг

бир-бирига зарб билан урилиб, яшиндек чақнашини кўраётган эдим. Қодиржоннинг янги куй бошлаганидан, аммо бу куйнинг ўзига мутлақо нотаниш эканлигидан ҳайрон ғижжакчи аввалига шошиб қолди. Сўнгра биров давом этган танаффусдан сўнг куйга қўшилиб, ғижжакнинг мунгли нидоси билан торга жўр бўла бўлди. Қўшиқ бошланди.

*Аввал мен эдим-ку ёпишган зулук²
Чақа тишлам гўштан бўлмадим тўлиқ,
Тугилмадим нечун, онажон ўлик,
Тақдир менга, айтинг, зулмат эдиму?*

*Тугилдим кўр бўлиб, ташлаб кетдингиз,
Зулматни яна ҳам зулмат этдингиз,
Мен учун қуёшмас, тамом ботдингиз,
Тақдирим, онажон, зулмат эдиму?*

*Сўрамангиз мена она меҳрини,
Билмайин ўсдим мен меҳр сеҳрини,
На бир иссиқ сўзу на бир қаҳрини,
Тақдирим, онажон, зулмат эдиму?*

*Сиз кўрган қуёшни абад кўрмасман,
Сиз каби юргандек асло юрмасман,
Ҳаётнинг завқини нечун сурмасман?
Тақдирим, онажон, зулмат эдиму?*

*Айтинг, онажоним, недир гуноҳим,
Қайдасиз, билмасман, излайди оҳим,
Мен учун доим соғ бўлинг, илоҳим,
Тақдирим, онажон, зулмат эдиму!?*

² Қуръони Карим оятларида инсон зурриётининг илк ривожланиш даврига берилган таъриф

Ашуланинг иккинчи банди тугаб, ғижжакнинг но-ласи айни авж пардасига чиққанда рўпарадаги аёлнинг рўмолчаси ҳам тушиб кетиб, кўзларини жовдиратганча Қодиржонга тикилиб турарди. Мен ана шунда унинг ўнг яноғидаги холининг худди Қодиржон яноғидаги холга ўшашлигини пайқадим ва тақдирнинг сирларига яна бир бор таҳсинлар ўқидим.

Қўшиқнинг учинчи бандидан кейин Қодиржон чертаётган торнинг мунгли, охли фарёди юракнинг энг нозик нуқталарини беаёв мижиклаб эзаётганида аёлнинг кўз ёшлари таранг яноқларидан қатор-қатор бўлиб лабларига туша бошлади. Қодиржон қўшиқни тугатди ва торини сал кўтариб, иккинчи қўшиқни бошлади.

*Фалак, бизни элдан настда билдингми,
Бенигоҳ яратиб, қасда билдингми,
Сўқир дилбандни нораства билдингми,
Ташлагач эски гулдаста билдингми,
Онажон, бизни сен хаста билдингми?*

*Фақат тушларимда сийнангни кўрдим,
Отам этагига осилдим, турдим,
Бир қанот булбулдай учмадим, юрдим,
Камалак рангини бармоқда кўрдим,
Онажон, бизни сен хаста билдингми?*

*Авлиё Маширабнинг жуббаси йиртиқ,
Бири кам дунёмиш инсонга тортиқ,
Менда иккиси кам, биттаси ортиқ,
Кўзим томирига солинган қортиқ,
Онажон, бизни сен хаста билдингми?*

*Хурлар қўлларимдан тутарлар тунлар,
Кўзларим олдида чақнар учқунлар,*

*Қодиржон бағрида йиғлар очунлар,
Бўғзимга тиқилгай оғриқли унлар,
Онажон, бизни сен хаста билдингми?*

Қўшиқнинг ўртасига келганда аёл ўрнидан туриб, эшик олдида бориб қолди. Қодиржоннинг тори ва овози янада мунглироқ фарёд билан нола қиларди. Торнинг йиғлашига ғижжакнинг инграши қўшилди. Доиранинг товуши йиғлаш ва инграш таъсирини кучайтириб, юракни аямай эзгиларди. «Қодиржон бағрида йиғлар очунлар» сўзлари янграганида аёл Қодиржон тарафига бир талпинди, қўлларини у томон чўзиб бир нималар демоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Бошқа аёллар эса ашула сеҳрига тебранишиб, бўлаётган ҳодисалардан беҳабар, улар фақат ўзларига маълум дунёдаги ҳис-туйғулар билан курашиб, ё қувлашиб, ё қувнашиб, ё сирлашардилар. Аёл эшикни очди-ю, аммо чиқиб кета олмади. Эшикни қия очганича Қодиржоннинг «Онажон, бизни сен хаста билдингми?» ноласини эшитгач зўр шиддат билан: «Оҳ!» – деб фарёд қилганича ташқарига отилди...

Қодиржон ҳам қўшиқни тугатди. Тугатдию олқишлар бўлаётганига заррача ҳам эътибор бермасдан ўрнидан тез қўзғалди. Ғижжакчи ғижжагини бировга беришга ҳам улгурмай қолди. Қожиржонинг тирсагидан мен ушлаб олдим. Унинг билаклари қафасдаги қуш каби титрарди. Юзи оппоқ, пешонаси қуюқ тер билан қопланган, лаблари газабданми, кўркувданми, зўриқишданми, ҳаяжонданми, аччиқданми, қаттиқ қимтилган. Қодиржон билан мен эшиқдан чиққанимиз заҳоти аввал биз ўтирган хонадан Қодиржоннинг отаси ҳовлиқиб чиқиб келди.

– Нима бўлди? Тинчликми, ўғлим?

Қодиржон ўнг қўли билан отасининг елкасини пай-паслаб топди ва унинг бағрига бошини қўйиб, пиқиллаб йиғлаб юборди:

– Онамни сездим!..

– А-а-а?.. Нима-а-а-а?..

... Дахлизга чиқиш йўлида ҳалиги аёл хушсиз ётар, унинг юзига аёллар совуқ сув сепишмоқда эди...

АЛЛА

Алла айтиш ҳар бир бўлажак онанинг ширин орзуси!..

... Онанинг бахти бўлармикан бугун чексиз, ахир у яшарди-ку ҳеч бировга кексиз. Бугун орзуси ушалгандай бўлар, кўнгли қувончларга тўлар! Бугун бошида порлайди кўёш. Қувончдан кўзларида айланади ёш...

Барча олимлар жамулжам бўлмоқда эди бу ҳашаматли залда. Катта анжуманда анча маърузалар тингланган бир-бир, бўлмоқда эди кашфиётлар содир. Маърузалар орасида тўхташ бўлганда андак жарангларди олқишлар ҳамда чапак.

Залнинг ўртасида ўлтирарди мушфиқ она ўзининг қувончига ўзи бўлиб парвона. Кошки, амалга ошса орзуси бугун, кетарди қалбидан тугун. Кеча газетага кўз ташлаган маҳал ҳушидан кетишига қолди сағал.

Бир фамилияга тушди кўзи, бирдан порлади хира юлдузи. Кўкси ичра таралди жилоли ёғду, олимлар орасида ўғли эди у!

Ҳа, бир вақтлар бўлган Аллоҳ инояти, ушалган эди унинг улкан ва нозик нияти. Бошида порлаганди чарақлаб кўёш, севинчдан айланарди кўзларида ёш. Ҳеч кимга айта олмай дил изҳорини, фақат Аллоҳга айтди юрак зорини: Эй Аллоҳим, кечирибсан сен гуноҳларимни, эшитибсан дилдан чиққан оҳларимни, қалбимни эзиб ташлаганди тўхмат, фақат сен мени тушундинг, албат!.. Бошим қоронғу бўлганига бўлибди анча, ўшанда гулла-

ди қалбимда орзудан ғунча. Этса насиб отасидан бўлур дердим ёдгор, Ёдгоридан, илоҳим, руҳи қилур ифтихор! Севинчим булоқдай ошган шу палла, айтдим юракдан жўшиб ғунчадан гуллаган алла: «Тоғлардан ошиб кўкка етди қувончим, энди пайдо йиллар тутган овунчим. Сени кутар орзу билан соғинчим, алла, тўнғичим, аллаё, алла, тўнғичим, аллаё, алла. Тоғлар бошида ялтирайди қор, элингда ҳали топарсан эътибор, эътиборинга онанг энди интизор, алла, тўнғичим, аллаё, алла, тўнғичим, аллаё, алла!»

Шу сўзларни айтганида тўлиб кетганди дийдаси, сезганди – қимирлади ҳомиласи. Эркалаб қорнини силади аста, ўйлади – хурсандлигидан, бераётгандек бўлди гулдаста. Болагинам деди шивирлаб майин: «Келажакда олим бўлишинг тайин, туғиларсан бардам ва тетик, сўнгра касбинг бўлур математик. Балки, қалбингда бўлур пайдо шифо бериш туйғуси. Ишонаман, сен алломасан бўлғуси, болам, иқболинг бўлсин баланд, дунё бўйлаб юксак уч, қанотдир сенга талант!»

Кўп гаплашарди ҳомиласи билан майин ва майин, гоҳи бошланарди ашула-достон, товушин кўп кўтармайин хиргойи қиларди достонлардан парча. Гўё очарди ҳомиласин миясига сеҳрли дарча. Энди ухла, болагинам, дерди, сўнг қорнини силаб дуо қиларди. Бахтнинг барчасини унга тилаб, сўнгра алла айтарди фақат унга атайлаб...

Бола туғилди, аммо бошланди айрилиқ. Амакилар кўрсатишди кўп қилиқ, унга хос эди юксак номус-ор. Ҳатто ўз макони кўриниб кўзига тор, мадад олиб хаёлидан, ўйидан, ғамгин бўлиб чиқиб кетди қадрдон уйдан.

... Ана ... Бугун ... Она юрагида бошланди нола. Минбарда эди ўз онасин ҳеч кўрмаган бола. Ҳозир бола эмас, машҳур кашфиётчи, донишманд, яна ихтиролар яратиш

билан банд. Бугун ҳам баён қилди муҳим ихтиро, эътибори чунон ошди илм аҳли аро. Минбарда сўзлар эди бемалол, яна янги кашфиёт эди, эҳтимол, ҳа, бу сафар ҳам у улоқни айирди ҳалол, маъруза сўнгида ёғилди ўндан ортиқ савол. У жавоб берарди ўктам ва мағрур, ҳайбатидан яққол билинарди ўзбекона ғурур, бирдан зал оёққа қалқди, олимнинг юзидан шодлик нурлари балқди.

Она унга тикиларди интиқ, илинж билан, қалбида ёнаётган ўксик соғинч билан. Ўз онасин танирмикан дер дилида, шу вақт ўзи айтган алла айланди тилида: «Тоғлардан ошиб кўкка етди қувончим, энди пайдо йиллар кутган овунчим, сени кутар орзу билан соғинчим, алла, тўнғичим, аллаё, алла! Алла, тўнғичим, аллаё, алла! Тоғлар бошида ялтирайди қор, элингда ҳали топарсан эътибор. Эътиборингга онанг энди интизор. Алла, тўнғичим, аллаё, алла! Алла, тўнғичим, аллаё, алла!»

Она йиғиб барча бардошин, киприklarига илиб икки томчи ёшин, руҳий кучини йиғиб бир нуқтага, икки кўз қувватин қаратиб ўртага, йўлак ҳосил қилди қувват кучидан, хотирасин унга жойлади олиб ақл қатидан, барчасин йўллади ўғли томон дилимда ҳеч қолмасин дея армон. Сеҳрли диққат билан пичирлаб, кўзи билан ҳомилали онани тасвирлаб, ҳар бир сўзига бериб урғу, яна аллани бошлади у: «Тоғлардан ошиб кўкка етди қувончим, энди пайдо йиллар кутган овунчим, сени кутар орзу билан соғинчим, алла, тўнғичим, аллаё, алла!!! Тоғлар бошида ялтирайди қор, элингда ҳали топарсан эътибор, эътиборингга онанг энди интизор, алла, тўнғичим, аллаё, алла! Алла, тўнғичим, аллаё, алла! Аллаё, алла!!!»

Залнинг ўртасига келган йигит, қалбида ёнгандай бўлдию ёлқин ўт, худди огоҳ бўлгандай бир сирдан, тўхтади турган жойида бирпас, тезлашган эди нафас. Тинглаётган

дек эди ниманидир, у билан бир ҳол бўлганди содир! Она томон бурилган кез она ҳам пичирларди тез-тез. Тўқнашди кўзлар бир-бирига, учди ғойибдан сўзлар. Йиғлаб она томон ташлади қадам, қадамлар эди бардам ва шахдам. Онанинг елкасидан ушлади икки қўллаб, оппоқ сочларин меҳр билан силаб: Сиз... Сиз... Онамсиз дея жавобга бўлди интиқ, она кўзларига тикилди қаттиқ. Она талпинди ўғли томон, бирон сўз айтолмай ютинарди ҳамон, бўғзига тикилган эди шодликдан нимарса, қани энди уни тез ютиб юборса... Даф бўлганидан неча йиллик фурқат, кўзларида ёш айланарди фақат. Қулоғига чалинди яна йигит гаплари, томоғидаги тикин кетгандай бўлди нари: «Онам ким деб савол берганимда минг қатла, минг биринчисига эшитардим тиниқ алла, баъзида сўзлари аниқ, баъзида чала. Ўша аллани эшитдим ҳозир, кўзларим сизга тушди, қалбимдан ғам-алам юки кўчди, ахир дилим эмас-ку сўқир! Ахир сиздан мен томон бир нур таралаётир! Қарадим, қараганим сари алла сўзлари эшитилди тиниқ, қалбим сизни таниди аниқ! Шу онам дедим! Сиз онамсиз! Ўнг юзингизда хол, менинг ҳам юзимда хол, демак, мен сиз ўстирган ниҳол! Сиз онамсиз?»

«Ҳа», – дея олди она ҳолсиз, мўлтираб ёшли кўзлари билан турарди қараб. «Болагинам, жоним менинг», – дея олди, холос, ўғлининг бағрига йиқилди бехос. «Онажон!» Шундай ҳайқирди, ҳайқирди йигит, чақнарди кўзларидан ўт, сўнгра тортди яна бир наъра: «Азизлар! Онамни топдим!» Овозида севинч бор эди минг карра! Унинг бахтига қуёш балқди. Зал ичра одамлар ҳам гуррос қалқди. Ёғилди ҳар тарафдан қарсақлар ва олқиш, ниҳоят, бахтни кучди она боёқиш. Йўқ, йўқ, энди она эмас ҳеч боёқиш, ахир кетди бошидан буткул ташвиш. Энг бахтли инсон эди шу палла, боласига айтгани учун алла!

АЛЛА МЎЪЖИЗАСИ

Фарзанд жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, ота-онасига иснод келтирмайдиган, юзини ерга қаратмайдиган, она юртига фақат яхшилиқни раво кўриб, унга доимий содиқ қоладиган, тафаккури юксак, дунёқараши кенг инсон бўлиб етишмоғини кўриш ҳамда ундан фахрланиш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Албатта, бундай шарафли орзуга эришмоқ учун бўлажак ота-она алланинг аҳамиятини, унинг мўъжизавий хусусиятини чуқур тушуниб, англаб шунга мувофиқ тарзда ҳаракат қилмоғи лозим.

Бунда, энг аввало, бўлажак онанинг фаоллиги муҳим, оиланинг бошқа вакиллари эса унга шарт-шароит яратишлари керак бўлади. Фақат ана шундагина кўзланган орзуга эришилади.

Она ҳомиладор бўлганини сезиши билан алла айтишга тайёргарлик кўриши, алла сўзларини ўрганиб, ёд олиши, уни пичирлаб ёки товуш чиқариб қайтариши, айниқса, бу ҳолга ҳомиланинг уч ойлик давридан бошлаб алоҳида эътибор бермоғи шарт. Бўлажак она жажжи инсонга мослаб кўйлақчалар, иштончалар, камзулчалар бичаётганида, тикаётганида, мўъжазгина кашталар билан гулчалар ясаётганида алла сўзларини товуш чиқариб, такрор-такрор айтиши, товуш оҳангини, ритмини тез-тез ўзгартириб туриши ҳам катта аҳамият касб этади.

Ҳақли савол туғилади – ҳўш, нега шундай қилиш керак, бу шунчалик шартми?

Сиз ўз фарзандингиз элнинг корига ярайдиган, оғирини енгил қилиб, одамларга нафи тегадиган, фахрланишга муносиб инсон бўлишини жуда-жуда истайсиз, тўғримми? Буни асло рад эта олмайсиз. Шундай экан, юқорида айтилганларга риоя қилишингиз керак. Зеро, шундагина

юксак мақсадингиз йўлида биринчи босқични бажарган бўласиз.

Ҳомила уч ойлик давридан эшита бошлайди. Мана шу эшитиш аъзосининг хизмати туфайли унинг келажақдаги ақлий қобилияти ва табиати, тафаккур даражаси ҳамда бўлажак имкониятлари аста-секинлик билан, аммо тобора юксалишда шакллана бошлайди, ривожланади. Худди шу пайтда ҳомила онадан қанчалик кўп информация олса, мианинг келажақда ақлий ва мушоҳада қобилиятини белгилайдиган ҳужайралари шунчалик даражада кўпаяверади. Чунки бу ҳужайралар атрофдан олинаётган информацияларга жуда сезгир ва мушток. Келаётган информацияларни ўзларининг наслий кодларига, наномеханизмларига сиғдира олмаётганини англаган ҳужайралар ўзларининг кўпайишлари зарурият эканлигини сезганлари заҳотиёқ шиддат билан кўпая бошлайдилар, яъни ҳужайраларнинг сон жиҳатдан катталашув мўъжизаси рўй беради. Бу хусусият ахборотнинг келиш жараёнига мос тарзда баъзан секинлашиши мумкин, бироқ тезлашиш жараёни устунлик қилади. Демак, ахборот қанча кўп бўлса, шунчалик яхши.

Мабодо бирон сабаб билан информация келиши тўхтаса, уни ўзига қабул қилишга тайёр турган ҳужайралар ўзларини энди кераксиз ҳисоблаб нобуд бўлишади. Шунингдек, кейинги ахборот тизими қабул қилинганида ҳам кўпайишга масъул ҳужайраларнинг бўлиниб, сон жиҳатдан катталашуви жараёни анча сусаяди.

Ана энди алла мўъжизасининг иккинчи жиҳатига эътиборимизни қаратайлик. Алланинг сўзларини ёд олаётган, пичирлаб ёки товуш чиқариб такрорлаётган она руҳиятида кўтаринки кайфият, хушчақчақлик, хурсандчилик, қувноқлик, шодлик ва севинч туйғулари ҳукм суради. Мана шундай ҳисларни бошдан кечираётган она организмда

ички секреция безлари тарафидан фаол модда – эндорфинлар кўплаб ишлаб чиқарилади ва қонга ташланади. Мана шу эндорфинларнинг маълум бир қисми ҳомила организмга ўтади. Бу вазиятда ҳомила ҳаракати бошланади. Ҳомила бош бармоқларини сўриб, боши ва оёқларини қимирлатиб, она қорнида сайр қила бошлайди. Ҳатто ўзининг шод ва хурсанд эканлигини билдириш учун эркаланиб, товони билан она қорнига тепиб-тепиб қўяди. Бу ҳаракат қанчалик кўп давом этса, боланинг мушак тизими яхши ривожланиб, жисмоний баркамол бўлиб туғилиши шунчалик юқори бўлади. Ҳомила организмда эндорфин миқдори қанча кўп бўлса, ҳомила ички аъзоларининг шаклланиши тўлиқ ва ўз меъёрида бўлади. Шунингдек, мия ҳужайраларининг бўлиниб кўпайиши учун жуда қулай шароит яратилади.

Одатда, бола меъёрий ҳолатда туғилганида унинг барча ички аъзолари болаларга хос тарзда ўз вазифаларини тўлиқ бажаради. Агар ички аъзолар берилган вазифани уддалай олмаса, бу клиник белгилар билан ўзини намоён этади. Масалан, меъда суюқлигининг қизилўнғачга, қовуқдаги пешобнинг сийдик найига, ўт халтасидаги сафронинг жигар-ўт йўлларига қайтиб чиқиши қайд этилади. Шунингдек, кўз мушакларининг бир-бирига мос равишда қисқармаслиги (икийлик), киндикнинг ўз вақтида ёпилмай чурра пайдо бўлиши, меъда-ичак тизимида муаммолар юзага келиши ҳам ота-оналарнинг безовта бўлишига сабаб бўлади. Мана шу ҳоллар эса аксар ҳолларда она алласини мутлақо эшитмаган ёки ёлчителиб тингламаган, тинглай олмаган чақалоқларда учрайди.

Ҳомила 6 ойлик давридан бошлаб ташқаридан келаётган информацияларга ташналик сезади. Берилаётган информацияларни танлаб-танлаб ўзининг мия «файл»ларига

жойлаштиради. Хотира марказидаги ҳужайралар кўпайиб, такомиллашади, боланинг ақлий қобилиятини белгилайдиган, мушоҳада қилиш хусусиятини аниқлайдиган мия пўстлоқ ҳужайралари сон жиҳатдан кескин ошиб, ҳажм жиҳатидан ҳам кенгайверади. Айни пайтда, янги пайдо бўлган ҳужайралар ҳам информация кута бошлайди. Худди шу пайти ёқимли мусиқа тинглаш, айтилаётган ашулага жўр бўлиш, овоз чиқариб шеър айтиш, дoston ўқиш – ҳомила истаётган маълумот вазифасини бажаради. Мана шу маълумотлар мия ҳужайраларига бориб «михланади». Бу информацияларни ўзига сингдирган ҳужайралар қулай пайт келганида ёки шунга шароит туғилганида ёхуд кучли зарурият бўлганида уйғонади ва керакли маълумотни тақдим этади. Бунда улар аввал олинган кўринишда эмас, балки бир-бирлари билан қоришган ҳолатда, сиз истаган тартибда бўлади. Мана шу сабабли ҳам рассомлар чизилган пейзажни ўзларининг мия экранида кўрадилар, кўз ўнгида тасаввур қиладилар ёки бу манзара уларнинг тушларида намоён бўлади.

Ҳа, ҳомилалик даврида керакли тарбияни олган инсон келажакда рассом бўладими, шоир, ёзувчи ёхуд қайсидир бир соҳа олимими, энг аввало, у шу соҳанинг устасига айланади. Унинг ижоди ҳамиша баракали бўлади. Чунки у етарли информацияга эга, бу борада унда мустаҳкам пойдевор мавжуд.

Бола туғилганидан кейин алла мунтазам айтилиши шарт. Чунки ташқи муҳитга тўлиқ мослашиб улгурмаган новда аллани, ўзи ўрганган товушни, оҳангни зориқиб кутади, ундан завқ олишни истайди. Бу истак эса қондирилиши шарт. Нима учун? Чунки бола туғилганидан кейин онадан унинг организмга ўтган эндорфинларнинг бир қисми парчаланади, бир қисми эса буйрақлар орқали организмни тарк

этади. Мана энди шу эндорфинларнинг қондаги миқдори ни тиклаш керак. Бунинг эса иккита йўли бор. Биринчиси, болада ички секреция безларининг ўзи бу фаол моддаларни синтез қила бошлайди. Аммо улар ҳали етарли қувватга эга эмас. Иккинчиси, эндорфинлар она сути билан болага берилади. Бунинг учун эса қувонч булоқларидан севинч сувларини ичаётган она алла айтиши шарт. Она алла айтаётганида нафақат ўзининг аввалги ёд олган сўзларини айтади, балки энди у ўзининг орзуси – боласининг бахтини тилайди. Энди у ижодкорга айланади. Мақсадини, тилагини қалбидаги энг яхши сўзлар воситасида ёқимли оҳангга айлантиради. Худди мана шу сўзлар дилнинг энг нозик нуқталаридан отилиб чиқиб тилга кўчаётганида онанинг кўз ўнгидан ёқимли сўзларга хос гўзал манзаралар ўта бошлайди. Бу манзаралар албатта мия ҳужайраларининг маҳсули, у онанинг кўз шох пардасида жойлашган ҳужайраларга берилиб, у ердан ажойиб манзара кўринишида акс этади. Шу жараёнда сеҳрли ва сирли манзараларга мос эндорфинлар она организмда синтезланади ва она қонидан унинг сутига ўтади. Эндорфинларга тўйинган сутни эмган бола миясидаги ҳужайралар кўзгалади, рағбатланади. Алла айтган онанинг сутини тўйиб-тўйиб эмган болада келажакда ижод қилишга мойиллик пайдо бўлади. Агар унга мос равишда туртки берилса, албатта, ижодкор бўлиб етишади.

Аллани мунтазам равишда эшитаётган бола организмда эндорфинларнинг синтез қилиниши ҳам тобора ортиб бораверади, чунки шу моддаларни ишлаб чиқарувчи ҳужайралар рағбатланиб кўпаяди, қуввати ошади.

Бола она сутидаги эндорфинларнинг таъмини жуда яхши сезади. Аввалдан алла айтиб боласини эмизган она нима сабабдандир алла айтмасдан боласини эмизса, бола кўкрак сўрғичини оғзидан чиқариб ташлаб, йиғлай бошлайди.

Шу ерда бир муқоясага ўрин берсак. Тош кўтариш, мушг-лашиш, югуриш, баландликка сакраш ёки узоқ масофага югуриш бўйича жаҳон чемпионлари ўз-ўзидан чемпион бўлиб қолишмайди-ку! Улар бу даражага етгунларича тер тўкиб машқ қиладилар. Ойлар, йиллар давомида жисмоний зўриқишни тобора кучайтиришга зўр бериб уринганларидан кейингина ўз мақсадларига эришадилар. Улар асосан мускулларининг қувватини оширишади, шу жараёнда мускулларнинг ишлаш қобилияти, қувватини идора ва назорат қилувчи мия ҳужайралари ҳам кўпайиб такомиллашади.

Онанинг алла айтиши ҳам бола организми учун худди шундай жараённи вужудга келтиради. Эндорфинларни ишлаб чиқарувчи ҳужайраларни она алласи машқ қилдиради, тоблаяди, қувватлантиради, сон жиҳатдан кўпайтиради. Мана шу қонуният миянинг информацияни қабул қилувчи ҳужайраларига ҳам тегишли. Уларни ҳам машқ қилдириш, тоблаш, такомиллаштириш вазифасини она алласи бажаради. Она алласини мунтазам равишда эшитиб, мия ҳужайралари алла информациясидан тўйинган бола келажакда хушчақчақ, ҳазил-мутойибани тушунадиган, ўзи ҳам юморга бой, қувноқ инсон бўлиб улғаяди, у ўтирган даврада ижодга оид фойдали баҳслар узоқ давом этади. Бундай даврада бировни мазах қилиш, ғийбат, бировнинг устидан кулиш ва фирромлик ҳеч қачон бўлмайди. Чунки унинг марказий нерв тизими ҳужайраларида шунга мувофиқ ёки мойил ҳужайралар йўқ.

Бешиққалик маҳалида мутлақо алла эшитмаган бола келажакда камгап, доим хўмрайиб юрадиган, ҳазил-мутойибани тушунмайдиган, одамови бўлиб етишади. Унинг суҳбатидан баҳра ололмайсиз, қувноқ суҳбатга ҳам торта олмайсиз. Бундай инсон бировга яхшилик ҳам қилмайди, яхшиликни ҳам билмайди. У билан мулоқотда бўлган

одамлар нега у шундай экан-а, характери жуда оғир, тушуниш ҳам қийин, бундай феъл-атвор кимдан ўтган экан-а деган гапларни айтишади. Билишмайдики, у то бир ёшга киргунича она алласидан бебаҳра бўлган.

Келинг, ҳурматли ўқирман, шу ерда яна бир бор далилларга мурожаат қилайлик. Новосибирск педагогика университети олимлари жуда қизиқ тажриба ўтказишди. Тадқиқотда катта ёшли одамлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашишди. Суҳбатлашилган одамлар сони бир неча ўн мингдан ортиқ бўлиб, статистик жиҳатдан ишонарлилик даражаси жуда юқори эди. Тадқиқотда маълум бўлдики, табиатан баджаҳл, худбин, бошқаларнинг ва жамиятнинг ишидан хато қидириб, доим норози бўлиб юрадиган, фақат ўзининг фикрини тўғри деб билиб, ўзгаларнинг фикри билан мутлақо ҳисоблашмайдиган, ижобий тарафи кўриниб турган нарсалардан ҳам кемтик топадиган ва тажовузга мойил одамлар ҳомилалик даврида ҳам, чақалоқлик паллаларида ҳам на она алласини, на қўшиқ ва на мусиқа оҳанглари эшитишмаган экан.

Ҳар қандай балоғат ёшига етган ва ундан ўтаётган инсоннинг руҳий ҳолати, жамиятда ўзини тутиши, одамлар билан мулоқот усули марказий нерв тизимидаги ҳужайралар мажмуасининг ривожланганлик ва такомиллашганлик даражасига боғлиқ. Мана шу сифат она алласи билан чамбарчас ва узвий боғланган.

Ҳар бир жамиятнинг ўзига хос ривожланиш қонунлари бор. Улар, табиат қонунларидан фарқли ўлароқ, муайян жамиятда яшовчи инсонлар тафаккури, онги, хоҳиш-иродаси ҳамда истаклари билан чамбарчас боғланган. Мана шу жамият қонунларининг секин ва тез ривожланиши, амал доирасининг кенг ёхуд торлиги

етақчи гуруҳларнинг назарий ва амалий тушунчаларига бориб тақалади. Баъзан шу ривожланиш қонуни муайян бир вақт оралиғида инсон онгининг шаклланиш хусусиятлари билан қоришиб кетади. Мана шу хусусиятлар мажмуасининг амалиётга қай тариқа жорий қилинишидан жамият ривожланиб гуркирайди ёки турғунлашиб инқироз сари юз тутаети. Бунга тарихдан сон-саноксиз мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Амир Темур бобомизнинг марказлашган буюк давлат тузиши, Абдуллахоннинг тарқоқ давлатни бирлаштириш йўлидаги уринишлари, Буюк Туркистоннинг уч мустақил давлатга бўлиниб кетиши ва ҳоказо.

Бу сўзлар гўё «тарихни шахслар эмас, балки халқ яратади» деган қонунни инкор қилаётгандек туюлиши мумкин. Аммо асло ундай эмас. Зеро, тарих ғилдираги ҳаркатининг етакчи кучи халқ эканлиги инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Биз фақат ҳар бир муайян жамиятда ёрқин из қолдирган шахслар томонидан шу даврнинг етилай-етилай деб турган хоҳиш-иродасини ўз вақтида пайқаган ҳолда шунга мувофиқ билимдонлик, шижоат ва ботирлик билан иш олиб борилишини таъкидламоқчимиз. Бунга ҳам тарихда мисоллар топилади. Масалан, Махатма Гандининг инқилобий юришлари, муҳтарам биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилиши.

Юксак тафаккур эгаси англаган, тушунган йўналишнинг халқ манфаатлари йўлида хизмат қила оладиган даражага чиқиши ҳамда уларни жамиятнинг ижтимоий тизимига жорий этиш бир ёки икки йилда амалга ошадиган жўн жараён эмаслиги ҳаммага равшан. Бунинг учун ўнлаб йиллар керак бўлар балки. Бироқ шу нарса аниқки, бу жараён муайян жамиятнинг пойдевори қўйилган нуқтадан

бошланади. Мана шундан кейингина Ватан манфаати, халқ фаровонлигини кўзловчи онг ва тафаккур тўлиқ шаклланиб, унинг эволюциясини биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо авлод вакиллари аста-секинлик билан олға силжитаверадилар. Мана шу эволюция жараёнининг тез ёки секин кечиши эса жамиятдаги мафкура, маънавият, маърифат ва таълим-тарбияга бориб тақалади.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун дастлаб оиладаги тарбия тизимини такомиллаштиришимиз, боболаримиз, момоларимизнинг минг йиллик урф-одатлари, анъаналари асосида қадриятларимизни тўлиқ тиклаб, мутлақо янги тарбия тизимини яратишимиз зарур. Токи бундай тарбия ёш авлод қалбида, онгида, қонида инсоф, иймон, ҳақиқатгўйлик, ростгўйлик, мағрурлик, ифтихор, она Ватанга муҳаббат, она тупроқни севиш, эъзозлаш ҳис-туйғуларини шакллантира олсин. Ана шундагина биз халқимизнинг дунё халқлари орасидаги мавқеини янада баланд кўтара оламиз.

Ҳа, юртнинг келажаги ёшларга боғлиқ. Жуссаси соғ, онги кенг қамровли, тафаккури юксак даражадаги ёшлар юртимиз келажагидир.

ЖИНС ТАРБИЯСИ

Оила қуришни истаган келин-куёвлар ўзларидан интеллекти баланд, баркамол фарзанд қолдиришни мақсад қилиб, соғлиғига жиддий эътибор беришлари, бунда эса соғлом уруғ ва соғлом тухум ҳужайралари қўшилишидангина соғлом ҳомила вужудга келишини унутмасликлари лозим. Носоғлом уруғ ва носоғлом тухум ҳужайраларидан юзага келган ҳомила ҳеч қачон соғлом бўлмайди. Шунинг учун уруғ ва тухумни махсус тайёргарлик билан,

жавобгарликни ҳис қилган ҳолда учраштириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, боболаримиз маст қилувчи ичимликлар ичган пайтда жимо билан шуғулланишни қатъий тақиқлаганлар. Чунки бунда уруғ ҳам маст бўлади. Натижада унинг нозик ҳужайра тузилмаларида ўзгаришлар вужудга келиб, бола қандайдир бир норасолик билан туғилиши эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, уруғ ҳолати ва сифатининг қандай бўлишига шахснинг муайян пайтдаги қалб кечинмалари, шодлик ёки қайғуси, ўй-фикрида нималар кечаётгани ҳам катта таъсир кўрсатади. Яхши нарсалар тўғрисида ўйлаш, фикрлаш, соғлом тасаввур уруғнинг сифатли бўлишига таъсир кўрсатувчи кучли омилдир. Мана шу ижобий омиллар насл калитига ўзининг бақувватлик, ҳаракатчанлик, кам-кўстсизлик хусусиятларини ато этади.

Худди шунингдек, тухум ҳужайранинг соғлом бўлиши ҳам бўлажак онанинг руҳий ҳолати билан узвий боғлиқ. Ундаги камқонлик, оқсил тақчиллигига учрагани, турмушдан ёлчимагани, ҳар хил қайғу-аламлар ичида қолиши тухум ҳужайраси тузилмаларида носоғлом муҳитнинг юзага келишига туртки бўлади. Бу, албатта, туғилажак бола ички аъзоларининг меъёрий шаклланишига салбий таъсир қилади. Бўлажак онанинг шодон ўйлари, ёрқин келажак тўғрисида фикр юритиши, уруғ билан учрашишга тайёрланаётган тухум ҳужайрасида фаол кимёвий жараёни авж олдиради. Ана шундай рағбатланган уруғ ва тухум ҳужайра учрашагина улардан баркамол ҳомила пайдо бўлади.

Маълумки, инсон организми доимо ҳаво, сув, тупроқ, қуёш, яъни ташқи муҳит таъсири остида бўлади. Мана шу унсурлар инсон организмга узоқ вақт давомида салбий ёки ижобий таъсир қилиши мумкин. Ҳомила учун эса она организми ташқи муҳит ҳисобланади ва унинг таъсири узоқ

вақт – тўққиз ойу тўққиз кун давом этади. Мана шу ташқи муҳитнинг ҳомила 90 кунлик бўлгунича қай ҳолда бўлиши туғилажак боланинг жисмоний ва жинсий соғлигини белгилайди. Инчунин, мана шу даврда она фаол кимёвий моддалар таъсирига учрамаслиги, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқатлар истеъмол қилиши, иложи борича ўзини ҳар хил касалликларга чалинишдан сақламоғи шарт.

Аёл ҳомиладор бўлгач, унинг организмда ҳам жуда назик гормонлар (ўта фаол моддалар) мувозанати сезиларли даражада бузилади. Ҳомиладор аёлдаги ҳар қандай ҳидни кўтара олмаслик, бош айланиши, қайт қилиш, кўнгил айланиши, ҳолсизлик, иштаҳанинг бузилиши каби белгилар мана шу мувозанат палласининг бир томонга оғиши натижасидир. Бу даврда онанинг бирон-бир касалликка дучор бўлиши, ғам-алам тортиши, турмуш ташвишларидан азият чекиши, сиқилиши, тинчининг бузилиши бўлажак инсон аъзоларининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу қалтис даврда ҳомила соғлом ривожланиши учун бўлажак она ташвишлардан холи, кайфияти ҳар доим кўтаринки, салбий таъсирлардан йироқ бўлиши лозим. Бу даврда у тинч ва осойишта ҳолатда, бахтиёр дамлар ҳавосидан тўйиб-тўйиб қувноқ ва шодон нафас олиши керак.

Ҳомила 3 ойлик бўлганида унинг марказий нерв тизимидаги бўлажак тафаккур ва ақл маркази аста-секинлик билан ривожлана бошлайди. Бу даврда она руҳий ҳолатининг қай даража ва йўсинда бўлиши миянинг, демакки, ақл, характер ва руҳиятнинг шаклланишига таъсир қилади. Ушбу вазиятни тўлароқ ҳис қилиш учун биологик қонунни яна бир бор эслашимизга тўғри келади.

Уруғ ва тухум учрашганидан кейин унинг қиз ёки ўғил бўлиши ота онанинг хоҳиш-иродасига мутлақо боғлиқ

эмас. Онанинг орзу-нияти билан унинг жинси ўзгариб қолмайди. Ҳомила ривожланишининг биологик қонуни шундай: агар уруғда ҳам, тухумда ҳам X хромосомалар бўлса, албатта қиз бола ривожланади. Агар X ва Y хромосомалар учрашса, туғилажак фарзанд ўғил бўлади. Y хромосомалар эса фақат эркакларда мавжуд, аёлларда мутлақо йўқ. Демак, фарзанднинг ўғил ёки қиз бўлиши фақат ва фақат эркакка боғлиқ.

Шунинг учун бўлажак фарзандининг қиз ёки ўғил бўлиши онани мутлақо ташвишлантормаслиги, балки соғлом бола тўғрисида ўйламоғи ва шунга яраша ҳаракат қилмоғи лозим. Худди мана шу даврда ҳомила миясини ривожлантиришга рағбат уйғотувчи ўй-фикрлар билан чалғиш, овоз чиқариб шеър ўқиш, дoston айтиш, ҳикоя мутолаа қилиш, мусиқалар эшитиш ёки ижро этиш, дутор, рубоб, дўмбира чалиш, қувноқ кайфиятдаги суҳбатларда иштирок этиш зарур. Чунки ҳомила мана шу овозлар оҳангини эшитади, тинглайди, тушунишга ҳаракат қилади. Бу эса унинг мия ҳужайралари кўпайишига кучли туртки бўлади. Боланинг туғилишини кўтаринки кайфиятда ўйлаб, унга атаб кўйлақчалар, кашталар тикиш ва қўшиқ хиргойи қилиш, аллалар айтиш туғилажак бола руҳиятининг тўғри ва мукамал шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳомиладорлик даврини қувноқлик, шодлик, бахтиёрлик ҳис-туйғулари билан ўтказган аёлдан соғлом бола туғилиши муқаррар. Бундай бола келажакда касалликларга жуда кам чалиниб, жисмонан соғлом ўсади. Кўтаринки кайфият билан туғилган чақалоқ йиғиси ҳам бошқача: ёқимли, аммо қулоқни қоматга келтирар даражада чинқириқ овозда, ҳеч қачон мунгли, худди ёрдам сўраётгани каби ялинчоқ, хумнинг ичидан келётган овозга ўхшаб эшитилар-эшитилмас даражада бўлмайди. Масалан,

ундай бола бирон-бир ножўя сабабга биноан қаттиқ касалланиб қолди дейлик. У қандай оғир аҳволда бўлмасин, яшашга интилиши кучли бўлгани боис, кучсиз дорилар ҳам яхши таъсир қилади. Бу жиҳатдан у шифокорга энг яқин ёрдамчи. Чунки организмга юборилаётган дорилардан чақалоқнинг нафас ва юрак тизими ўзини тезда тиклаб, турғунлашади. Мана шу турғун ҳолат бир неча соат мобайнида сақлаб турилса бас, ички аъзолар мувоzanати ўнгланиб, чақалоқ тезда ўзига келади, унда тузалиш жараёни бошланади. Аммо ота-онаси эътиборсиз бўлган, бутунги ибора билан айтганда, исталмаган чақалоқлар ташқи муҳитнинг ижобий таъсирига ҳам жуда лоқайд бўлиб, уни қўлга олганингизда, эркалаганингизда ҳам бефарқлигича қолаверади. Йиғлашлари ҳазин, она сутини истар-истамас ютади. Уларнинг томирига анча кучли дорилар киритилганида ҳам юрак ва нафас тизими бир оз муддатга уйғонади, холос. Ҳали дориларнинг кучи кетмай туриб юрак уриши тобора сустлашаверади, нафас ҳам ўз равонлигини йўқотаверади. Бундай чақалоқлар «исталмаган»ини билгандек, ўзини ўлимга тайёрлаётгандек таассурот қолдиради. Мана шу сабабга асосан ҳам орзу-умидлар билан туғилиши кутилган чақалоқларга нисбатан исталмаган чақалоқлар орасида ўлим ҳолати 5 – 6 баравар кўп.

Жинсий тарбия ҳам бола туғилмасдан анча илгари бошланмоғи лозим. Туғилажак боланинг руҳияти ва онгининг қатъий равишда бир жинсга тегишли бўлиши ҳам асосан онанинг дилида кечаётган ўй-фикрлари, эндокрин безлари системаси фаолияти ҳамда муайян вазиятдаги руҳий аҳволига боғлиқ. Маълумки, онанинг эндокрин безлари фаолиятига мос равишда ҳомиланинг ҳам эндокрин безлари системаси ҳамда жинсий аъзолари у ёки бу ўзгаришларга учраши мумкин.

Она қорнида ўсаётган пуштнинг жинси 42 кунлик бўлгунича маълум бўлмайди. Бу даврда унда ҳам қизлик, ҳам ўғиллик жинсий аъзоларининг бирламчи асослари мавжуд. Жинсий хромосомаси XX бўлган уруғ ва тухумдон пушт ривожланганида ўғил болалик жинсий аъзолари бутунлай атрофияга учраб, кейинчалик мутлақо сўрилиб кетади, қиз болалик жинсий аъзолари эса тараққий этиб, ривожлана бошлайди. Агар жинсий хромосомаси X бўлган тухум ҳужайраси Y ли сперматозоид билан уруғланса, қизлик жинсий аъзолари атрофияга учраб, аксинча, ўғил болалик жинсий аъзолари ривожлана бошлайди. Пуштнинг она қорнидаги ривожланиш жараёни тўлиқ меъёрида бўлганида ана шундай биологик қонун ҳукм суради.

Қиз ёки ўғил бола жинсий аъзоларининг шаклланиш жараёни асосан пуштнинг 90 кунлик пайтигача, тўлиқ ривожланиб тараққий этиши эса асосан 120 – 140 кунлик давригача давом этади. Мана шу даврда салбий стресс ҳолати бўлмаслигига эришиш, она учун алғов-далғовли кунлардан, руҳий эзилишлардан, изтироб ва виждонан қийналишлардан холи бўлган муҳит яратиш тўғри жинсли чақалоқ дунёга келишининг гаровидир. Аксинча бўлса, туғилажак чақалоқ жинсий аъзоларида у ёки бу даражадаги меъёрий издан чиқишлар кузатилиши мумкин.

Эркакларда стресс ҳолати рўй берганда ички секреция безларидан ўта фаол жинсий гормонлар – АНДРОГЕНлар шиддат билан қонга тушади ва ўз таъсирини кўрсатади. Дикқат қилинг-а, эркаклар жуда аччиқланганларида қандай ҳолатларни кузатасиз: баъзи бирлари қип-қизариб кетиб, ҳатто гапира олмасдан нуқул ғулдираб қоладилар. Айримларининг эса ранги оқариб, бутун танаси дир-дир титрайди, баъзилари ақлини йўқотиб, зудлик билан муштини ишга соладилар. Бу салбий сифатларнинг барчаси андрогенларнинг

организмга кўрсатган таъсирдан келиб чиқади. Андрогенлар организмда парчаланиб, йўқ бўлиши билан юқоридаги салбий ҳолатлар ҳам барҳам топади. Шундан кейин эркалар қилган ишларидан афсусланадилар, пушаймон бўладилар, мулойимлашиб қоладилар.

Аёлларда стресс ҳолати содир бўлганда жинсий гормон – эстрогенлар ва жуда оз миқдорда андрогенлар қонга ўтади, натижада улар ҳиссиётида ҳам ўзгаришлар кузатилади.

Ана энди қуйидаги ҳолни кўз олдимишга келтирайлик. Она организмда қиз жинсли ҳомила ривожланаётган бўлсин. Она қонида юзага келган ва стресс ҳолати туфайли ортиқча бўлиб қолган эстрогенларнинг қандайдир миқдори ҳомила организмга ўтади ва ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Онанинг стресс ҳолати сурункали бўлса, туғилган қизалоқнинг сут безлари анча катта бўлиб, у салгина сиқилса, ҳатто оғиз сути ҳам ажралиши мумкин. Бундай ҳолларда ота-оналар кўпинча хирургга мурожаат қилишади. «Кўринг-а, мастит» (кўкрак безининг яллиғланиши) йўқмикан дейишади. Аслида, бу эстрогенларнинг таъсири бўлиб, улар организмдан буйрак орқали чиқиб кетгани сари кўкрак безлари ҳам кичиклашиб бораверади. Қиз чақалоқ туғилганидан 17 – 18 кун ўтгач кўкрак безлари ўзининг меъёрий ҳолатига тушади. Агар она қиз боланинг жинсий аъзолари шаклланиши даврида фақат салбий таассуротлар ҳукми остида яшашга мажбур бўлса, қиз ҳомила организмда эстроген ва андрогенлар таъсиридан (ҳомила руҳиятида ҳам) ўзгаришлар рўй беради. Бундай қизларнинг кўпчилиги балоғат ёшига етганларида ўғил болага эмас, балки қиз болага жинсий майллари устунлик қила бошлайди. Улардан келажакда транссексуаллар етишиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Ўғил жинсли ҳомила ривожланаётган даврда онада стресс ҳолати кузатилса, бола жинсий аъзоларида қандай-

дир бир нуқсон пайдо бўлади. Бу нуқсонларнинг орасида энг кўп учрайдигани гипоспадия туғма норасолигидир. Гипоспадия – бу сийдик чиқариш канали, яъни уретра ташқи тешигининг меъёрий (анатомик) жойида бўлмасдан, олат танасининг турли жойларида, ёрғоқ қисмига ёки ораликқа очилишидир. Хўш, бу туғма норасолик қандай пайдо бўлади? Онада стресс ҳолати рўй берганида эстроген гормонининг бир қисми пуштнинг шаклланаётган организмга ўтади. Эстроген эса ўғиллик жинсий аъзоларининг ривожига тескари таъсир кўрсатади. Айтайлик, ёш ҳомиладор аёл ҳар куни қайнонасининг турли дашномларини, бунинг устига, эрининг ҳам бўлмағур ади-бадиларини эшитавериб, юраги сиқилишидан унда стресс ҳолатининг 1-даражаси (бу ерда шартли равишда шундай) пайдо бўлса, гипоспадиянинг энгил шакллари рўй беради. Чунки эстрогеннинг таъсиридан уретранинг олд девори охиригача шаклланмасдан, олат бошигача етиб бормади.

Агар стресс ҳолати 2-даражага ўтса (ҳар куни қайнона ёки қайнота билан уриш-жанжал, ёш аёлнинг ўтиришида, туришида қўним бўлмаслиги, кўнгли истаган овқатни вақтида тановул қила олмаслиги ва шунга ўхшашлар) гипоспадиянинг оғир шакли, яъни уретранинг ташқи тешиги ёрғоқ соҳасида ёки ораликқа очилиши кузатилади. Улар ҳеч ҳам ўғил болага ўхшаб сия олмайдилар ва катта бўлганларида жимога яроқсиз бўладилар. Бу норасоликни бартараф этиш учун жуда нозик ва мураккаб пластик операцияни бажаришга тўғри келади. Албатта, буларнинг барчаси оиланинг мустақамлигига путур еткази.

Агар ёш оилада мутлақо тинчлик бўлмай, ҳар кунги уриш-жанжаллардан ёш ҳомиладор аёлнинг юрак-бағри эзилса ва буни бировга айта олмаса, кучли ички изтироб ва қайғу-аламдан стресснинг 3-даражаси вужудга келиб, эстро-

геннинг катта миқдори ўғил жинси шаклланаётган пуштта ўтади. Оқибатда шу гормоннинг қизлик жинсий аъзолари шаклланишига бўлган таъсиридан гермафродит бола туғилиши мумкин. Одатда, бундай болаларда ҳам қизлик, ҳам ўғиллик жинсий аъзолари ҳосил бўлади. Тиббиёт нуқтаи назаридан асл эркак ёки асл аёл бўлиши жуда ҳам гумон бўлган инсон етилади. Бу эса оиланинг фожиаси. Ахир аёл ҳомиладорлик пайтида стресс ҳолатига тушмаса, шу туғма норасолик мутлақо бўлмасди-ку! Афсуски, бундай норасоликдан оила ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам ютқазади!

Ҳомиладор аёлнинг руҳий ҳолати салбий бўлиши туфайли келиб чиқадиган туғма норасоликлар (аслини олганда улар фақат она қорнида пайдо бўлади, холос) талайгина.

Ҳомиладорликнинг 4 ойликкача бўлган даври ўта қалтис бўлиб, мана шу даврда ташқи муҳит, оиладаги шароит, ўзаро муносабатлар ижобий бўлиши шарт. Ҳомиланинг руҳий дунёси шаклланаётган даврда (асосан 3 ойлик бўлгандан кейин) онанинг нималарни ўйлаши, фикр қилиши, ҳис-туйғуларининг интеллектуал жиҳатдан қай даражада эканлиги бўлажак боланинг қандай тафаккур эгаси бўлишини белгилайди.

Онанинг ҳис-туйғулари салбий хусусиятга эга бўлса, боланинг руҳий ҳолати ҳам салбий таъсирга учрайди. Масалан, аёл ўз фарзандининг дунёга келишини хоҳламай, аборт қилдириш йўллариини ўйлайверадиган бўлса, бироқ бунинг уддасидан чиқа олмай, бола туғилса, унинг характерида салбий сифатлар бўлиши тайин. Бундай салбий хусусиятлар туғилажак боланинг гавдасида, муомаласида, қилиғида ўз жинсига эмас, ўзга жинсга хос белгилар кўринишида акс этади. Ёки: «Эй Худо, ишқилиб, ўғил (ёки қиз) бўлсин-да, орзу-умидларимиз рўёбга чиқсин-да, унинг ўғил (ёки қиз) бўлишини қандай хоҳлайман-а», – дея кечаю кундуз ўйлайверишдан ҳомила жинси асло ўзгармай-

ди. Балки онада пайдо бўлган ортиқча гормонлар, ўта фаол моддалар эндигина онги, фикри, характери шаклланиб келаётган ҳомилага салбий таъсир кўрсатади. Айтайлик, ҳомила қиз бўлса-ю, она ҳадеб ўғил бола туғилиши ҳақида ўйлайверса, қиз боланинг қизларга хос руҳияти шаклланишига халақит беради. Мабодо ҳомила ўғил бўлса-ю, лекин ўй-фикрларнинг барчаси қиз бола туғилишига қаратилган бўлса, туғилажак боланинг келажақда норғул, елкаси ерга тегмаган полвонлар қаторидан ўрин олиши даргумон.

КЕЛАЖАК УЧУН ҚАЙГУРИБ...

Фарзанд кўришнинг олий мақсади фақат насл эмас, балки фоний дунёда жарангли ва ҳурматли ном қолдиришидир. Ҳеч қачон «отаси (онаси) ким эдию ўғли (қизи) қаёққа борарди...» деган ёмон сўзни эшитмаслик. Шунинг учун фарзанд туғилганидан кейин унга ҳар томонлама мақсадли тарбия бермоқ лозим.

Чақалоқ туғилган куннинг дастлабки соатлариданок унинг бўлажак характери қатъий равишда шакллана бошлайди. У ёлғиз қолишдан қўрқади, ёнида бировнинг бўлишини хоҳлайди. Момоларимизнинг: «Чақалоғингизни ҳеч қачон ёлғиз қолдирманг. Агар бунинг иложи бўлмаса, ёнида ўткир пичоқ қолдиринг», – дейишлари бежиз эмас.

Тўққиз ойу тўққиз кун она қорнида бўлган чақалоқ туғилганида янги шароит ва янги муҳит сабабли ўзини анча ноқулай сезади. Шунинг учун ҳам чақалоққа она қорнидаги каби шароит яратилса, руҳан ором олади, ўзи учун қулай шароит яратилганидан қалби яйрайди, камроқ безовталанади ёки мутлақо безовта бўлмайди. Чақалоқ то бешикка белангунича унинг икки томонига (ёнбошига) кичкина болишчалар қўйилишининг сабаби ҳам шу.

Оёқ-қўллари яхшилаб ўраб-чирмаб (асло танғиб эмас), йўртаклашнинг ҳам моҳияти шунга бориб тақалади. Йўртакланган чақалоқнинг руҳияти ортиқча ҳис-ҳаяжонсиз ривожланади. Чақалоқнинг маълум муддатгача йўртакланган ҳолда бўлиши унинг нерв тизимини мустаҳкамлайди. Бундай болалар келажакда босиқ, мулоҳазали, кенг қамровли фикр юритадиган инсон бўлиб етишади. Унда руҳан ва жинсий жиҳатдан ўз-ўзини англаши ҳам эрта бошланади. Мана шу англашнинг илк босқичлари қачон бошланиши, қай тарафга йўналтирилиши, ички сезгию ҳиссиётларининг сифат ва хусусиятлари боланинг келажакини белгилайди. Гўдақ ўса боргани сари аста-секинлик билан унинг ички секреция безлари ҳам шакллана бошлайди, фаоллашади. Мана шунга асосан ёш новда ўзи билмаган ҳолатда, ўзининг ўғил ёки қизлигини намоён қила бошлайди. Гормонал ривожланиш бўлган тақдирдагина қиз ёки ўғил қарама-қарши жинсга иштиёқ кўзи билан қарай бошлайди. Худди мана шу даврда ўзига хос хаёлий тасвирларга тўла учқур қанотли севги тулпорлари кўкка парвоз қилади, севги булоқлари кўз очади. Бу пайтда жимога интилиш эмас балки ҳиссиётнинг энг теран, мазмундор, ширин даври бошланади. Салбий сабаблар ёки нотўғри тарбия оқибатида мана шу босқич тўлиқ ўз даврини ўтамаса, бола муқаддас севги ҳиссидан бебаҳра қолиши мумкин. Бу пайтда нозик, тез эгилувчан, ҳиссиётларга тез берилувчан қалб майли «у мен учун» принципида эмас, балки «мен у учун» тарзда шаклланади. Мана шу устунлик ўз вақтида пайқалиб, тезда бартараф этилмаса, ёмон хусусиятларнинг ривожланиши ҳеч гап эмас.

Тўғри тарбияда эса кейинги босқич ривожланади. Жинсий гормонлар кўп миқдорда қонга тушишидан жинсий ҳис, майл оловланади, иштиёқ ўзининг авж нуқтасига чиқади.

Ёш, бақувват юрак энди ширин товуш ва ёқимли жилмайишга ташна. Ҳиссий ташналикни авж олдирган гулни ҳидлаш учун аллақандай режалар тузиб, хаёлий манзараларни кўз олдига келтириб, кечаси билан тўлғаниб чиқади. Шоирона сатрлар хаёлида оппоқ каптарлар мисол чарх уради:

*Дард чулғар беқиёс ишқнинг майидан,
Қоронгилик чўқар томирлар бўйлаб.
Оҳ тортиб инграйди висол куйидан
Соҳиби ишқнинг тақдирин ўйлаб.*

*Келгуси тақдири раишқнинг қаърида
Чигалнинг учини тополмай гаранг.
Томчидай титрайди илинж зорида,
Ишқ сиртмоғи эса тортилган таранг.*

*Ярқирар бирдан нур, қуввати юксак,
Борлиқни чулғади зиё чашмаси.
Бўлажак висолдан ҳайратда юрак,
Кўнгилда товланар ишқ карашмаси.*

*Сўзлари ҳам нурланди хаёл тонгида,
Чақнар ишқ учқуни, жилвасидан «Оҳ!»
Чехрадан нур балқиб, бўзлар кўнглида:
– Ишқ дардидан мени айирма, Аллоҳ!*

Мана шундай болада марказий нерв тизимининг энг муҳим нуқталарида жинсий хусусиятлар тўғри шаклланади, ота-она истаган, севгига содиқ баркамол йигит ёки вафодор, хаёли, соҳибжамол, гўзал қалбли қиз етишади. Агар мана шу босқичларда хатога йўл қўйилган бўлса, ижтимоий тузум хушламайдиган сифатларни ўзида муҳассамлаштирган йигит-қизлар вояга етиши эҳтимолдан холи эмас.

Бир неча ўн йиллар давомида ўғил ва қизлар «Сизлар тенг ҳуқуққа эгасизлар» ақидаси асосида бошқа маънони кўнгилларига тугиб олдилар. Айниқса, ўғил болалар боғча, мактаб, лагерлар, болалар уйи, интернатдаги тарбия тоши остида худди қиз боласимон қилиб ўстирилди. Натижада билагидан куч, товонидан ўт чарсиллаб турган паҳлавон, кўрқмас йигитлар эмас, балки қизларга хос мулойим, иккиланувчи, бўшанг, қатъий сўз айта олмайдиган, ўз мустақил фикрини билдиришга ҳам ҳайиқадагиган инсонлар анча кўпайиб қолди. Қизларга ҳам бу ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ажойиб назокат, юксак ҳаё, муқаддас шарм, майин табассум, мафтункор чехра, нозик қарашларнинг анча камайгани бугун сир эмас.

Насл генлари ва руҳият ҳар нарсадан таъсирланувчи нозик тузилма. Мана шунинг учун ҳам ижтимоий меҳнатда нуқул мускул кучига эътибор бериш, кўпроқ бундай «афзалликлар»ни аёлларга раво кўриш шу ген хусусиятлари ва руҳиятига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Оқибатда биологик жиҳатдан аёл бўлган инсонларда эркакларга хос фазилатлар ҳам шаклланиб улгуради.

Мана шу туғма ва орттирилган салбий мажмуаларнинг барчаси баъзи бир ёш авлод вакилларида руҳият жиҳатидан ўз жинси чегарасидан ташқаридаги хусусиятларнинг ҳам шаклланишига сабаб бўлади. Бу сифатдаги инсонлар доимо дистормонияда, яъни тақдирдан норози бўлиб ҳаёт кечирдилар, борига шукр қилиш улар учун бегона, атроф-муҳит билан доимо қарама-қаршиликда бўлишади. Уларнинг қалбида ҳам алғов-далғов, қарама-қарши ҳиссиётлар жўш уради. Улар ўзларининг биологик ва ижтимоий жиҳатдан ким эканликларини яхши билганлари ҳолда, руҳий кечинмаларини ўзгартира олмайдилар. Атрофдаги одамлар эса улар билан қалбан гаплашмайдилар, улар ҳолини тушунмайдилар,

кўнгил сўрамайдилар, ҳатто тушунишни ҳам истамайдилар. Балки «псих...», «аллақандайроқми-ей», «қандайдир анақами-ей» дея масхара ҳам қиладилар. Шундай салбий руҳдаги ёшлардан келгусида транссексуаллар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Уларнинг жинсий аъзолари тузилишига оид масалаларга тўхталмаган ҳолимизда ҳам (бу табобатда муҳим муаммо ҳисобланади), ўз жинсига хос бўлмаган характерни намоён қилишларини таъкидлаш лозим.

Шу ўринда бир нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзан бу транссексуаллар анча талантли одамлар бўлиб, ўзларининг салбий хусусиятлари ўрнини ақлий, жисмоний ёки характеридаги айрим ўзгача сифатлар билан қоплайдилар. Ҳатто улар ўзларининг ақлий ёки бошқа қобилиятлари билан катта ном ҳам қозонадилар. Шу боис бу каби фактларга дуч келинганида ҳайратланмаслик керак.

ЭРКАКШОДА МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛАР

Жанна д'Арк (1412 – 1431) учун эркаклар билан саёхатга чиқиш, уларнинг олдида ечиниш, кийимларини алмаштириш ҳеч гап эмас эди. У ҳаминша эркаклар билан бир тўшақда ухлаб қолаверарди. У доимо эркаклар кийимида юрарди. Ҳатто турмадалигида ҳам герцогиня Бедфорская берган кўйлакни киймаган. Бироқ унда эркакларга нисбатан майл йўқ эди. Замондошларининг ёзишича, унинг елкалари кенг, овози дўриллаган, ўзининг аёллигини тан олмаган жангари бўлган.

Рус ёзувчиси Надежда Андреевна Дурова (1783 – 1866) 23 ёшида сочларини кесиб ташлаб, эркаклар кийимини кийиб, казаклар полкида 11 йил хизмат қилганди. Ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин ҳам у чекар, нуқул эркаклар кийимида юрар, аёллар билан ўйинга тушарди. У ўзини эркакча ном билан аташни бошқалардан талаб ҳам қиларди.

Н.А.Дурова Россияда Георгий крести ордени билан мукофотланган ягона аёлдир. У 60 ёшгача ўзини эркакман деб юрди. То ўлгунича эркакча кийимини, бошидан аскарча қалпоғини, қишда эса папахини ташламади.

Фаранг ёзувчиси Жорж Санд (1804 – 1876) овози ва қомати ингичка бўлса ҳам, баъзан эркакча кийимда юрар, ҳатто ўша замонда фақат эркаклар шуғулланиши лозим бўлган спорт турлари: милтиқдан отиш, отда юриш, қиличбозлик билан шуғулланарди. Жорж Сандни руҳшунослар «юбкадаги эркак» деб аташарди.

Беморлар парваришини «бўлмағур иш» деб қаровчиларга қақшатқич зарба бериб, уни иззатли касб даражасига кўтарган инглиз ҳамшираси Флоренс Найтингейл (1820 – 1910) ҳаёти ҳам қизиқ. У 17 ёшидан ярадорлар парвариши билан шуғуллана бошлайди. Ўша пайтларда бу иш фақат эркакларнинг вазифаси ҳисобланарди. У ўз хоҳиши билан кўплаб шифохоналарда бўлади, Севастополь жангида ярадорлар парваришини ташкил қилиш билан шуғулланади ва бу тўғрида китоблар ҳам ёзади. У анча чиройли ва қомати келишган аёл бўлса-да, турмушга чиқишини сўраганларга қатъий рад жавобини берарди. Умрининг охиригача турмуш қурмади. У ҳам ўзини эркак деб ҳисоблар ва аёлларни яхши кўрар эди. Шифокорларнинг гувоҳлик беришича, унинг ички секреция безлари кўпроқ эркакларникига яқин экан.

Ҳа, кагта-кичик жилғалар ва ирмоқлардан улкан дарё ҳосил бўлгани мисол, оилалар мажмуасидан жамият пайдо бўлади. Муайян жамиятнинг дунё миқёсида тутган ўрни, ҳаёт даражаси, умумий онгнинг юксаклиги мана шу оилалар мажмуасининг қандай эканлигига, турмуш тарзининг юксаклигига, шубҳасиз, боғлиқ.

Соғ танда соғлом ақл бўлишини унутмаслигимиз керак. Соғлом ақл ва соғлом тангина соғлом муҳитни яратади.

Хуллас, ҳар қандай мураккаблик соддаликдан бошлангани каби, ҳар бир шахснинг маънавий ва жисмоний соғлиги умумий жамиятнинг соғломлигига ўз таъсирини кўрсатади. Халқимиз бекорга «бирники мингга» демайди. Дарҳақиқат, кези келганда бир одамнинг соғлиги жойида эмаслиги анча кишини (ота-онаси, қариндош-уруғлари, шифокорлар) ташвишга қўйиши бор гап-ку.

Демак, соғлом авлод учун кураш ҳар Ватаннинг бир онгли фуқароси учун энг олий вазифалардан бири бўлиб қолмоғи шарт ва зарур.

Адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларни ҳамда ислом дини қонун-қоидаларини мукаммал ўрганган ҳолда маънавий жиҳатдан енгилмас даражада кучли бўлишимиз, амалий, табиий, техникавий фанлар чўққисини эгаллаб, уни олий амалиётга жорий қилишимиз, шубҳасиз, Ватанимиз куч-қудратини оширади.

Бугун биз Маҳмуд Кошғарий, Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Форобий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Чағминий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Заҳририддин Бобур, Огоҳий, Машраб (яна қанчадан-қанча муборак номларни келтириш мумкин) каби буюк боболаримиз билан фахрланамиз. Ана энди шу фахр ҳислари томиримиздаги қонни кўпиртиргани, жўшиб уйғотгани каби, болаларимиздаги, неvara, эвараларимиздаги илмга чанқоқлик, маърифатга иштиёқдан, уларнинг бирон-бир илм эгаси бўлганидан ҳам фахрланиш туйғуларини ўзимизда уйғота олишимиз керак.

Машҳур олимлар, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёт йўлига эътибор берсангиз, уларнинг шундай инсонлар бўлиб етишувида оила муҳити, ота-она ёки энг яқин қариндошлари, бобоси ёхуд момосининг таъсири бўлгани ойдинлашади.

Демак, бундай ижобий хусусиятлар шу инсонларга наслдан ўтган, яъни мия ҳужайраларида бу сифатлар улар туғилганида бор бўлган, фақат мана шу хусусиятларни уйғотиш ва рағбатлантириш қолган, холос.

Атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг «манқурт»ини эслайлик. Жўломонга: «От!» – дея буйруқ берганларида ёшлигида машқ қилавериб, машқ қилавериб шартсиз рефлексга айланган ўқ-ёйдан отиш маҳорати уйғониб, ўз онасини отиб ўлдиради. Бу тасвир ўз-ўзидан ўйлаб чиқарилмаган, балки генетик наслиёт қонунларига асосланган. Айтайлик, қайсидир бир мураккаб соҳага тегишли кучли интеллектуал сифат мия пўстлоғида муҳрланган бўлсаю у илмий жиҳатдан янада кўпроқ такомиллаштирилса, ушбу фанга тегишли илм, тафаккур онгостига, яъни мия пўстлоқларидан ўтиб, мия пўстлоқости марказларида (онгости) кавшарланиб қолади. Ана шу кавшарланган илмни энди ҳеч нарса билан ўчириб бўлмайди. Кавшарланган илмий маълумотлар, информациялар мажмуаси олий илмий фикрлаш, олий таҳлил, ноёб истеъдодни вужудга келтиради. Улар олинган информацияларни чоғиштириш, фикр-ни янги йўналишда тараққий эттириш ва ундан хулоса чиқаришнинг олий мақомига эришадилар. Бу тоифадаги инсонлар меҳнатнинг тагидаги роҳатнигина ўйламасдан, балки шу меҳнатнинг маҳсули ўлароқ илмий фикрлаш заҳматига бош суқиб, бирон-бир ихтиро ёки кашфиёт муаллифига айланадилар. Галилео Галилей, Исаак Ньютон, Резерфорд, Андрей Сахаров, Мстислав Келдиш, Саъди Си-рождикинов кабилар мана шундай юксак салоҳиятга эга инсонлар эди.

Донишманд қадимдан сўйлар бир ўғит:

«Меҳнат ҳам, меҳнатнинг таги ҳам роҳат,

*Роҳатдан ризқ олса мисоли бургут,
Бундай дилга асло ёндашмас офат».*

*Ўғитнинг исботин йиллар ҳам айтсин,
Чархпалак теграсида айланса одам.
Майли, сурсин мудом сафою гаитин
Лаззатнинг бағрида қувониб ҳар доим.*

*Магар шундай эрса қисмат палаги,
Депсиниб айланар ўз теграсида.
Ўксинар аламдан ривож малаги
Меҳнатнинг тагида заҳмат, аслида.*

*Меҳнатнинг заҳматин кўра олсанг бас,
Юксалиш мезону зеҳни қўлингда.
Тафаккур комида ололсанг нафас,
Кашфиёт гавҳари мўлдир йўлингда!*

Демак, меҳнатнинг ҳосиласи бўлмиш роҳатни эмас, балки меҳнат натижасида пайдо бўлган муаммони, тугунни, сирни ечмоқ заҳматини бўйнига олган инсонгина кашфиёт ёки ихтиро муаллифи бўлиб, даҳо шарафига муяссар бўлади. Онгостида кавшарланган сифатларнинг насл калити орқали фарзандга, неварога, эварага берилиши – Аллоҳ томони берилган буюк имконият. Энди мана шу хусусиятни уйғотиш учун туртки бўлиш керак, холос. Агар туртки, рағбат бўлма-са, бу сифат умр бўйи уйғонмасдан қолавериши мумкин.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ота-онанинг дунёни тушуниш кўлами, маънавий-маърифий олами, мафкураси, табиий фанларни билиш доираси, хуллас, интеллектуал даражаси қанчалик кўпроқ онгостига ўтган бўлса, туғилган фарзанднинг келажақдаги илмий имкониятлари ҳам шунчалик юқори бўлади.

Маълумки, чақалоқ туғилганида унинг мияси оғирлиги тана вазнининг $\frac{1}{8}$ қисмини ташкил қилади. Одатда, ўн ил чақалоқлар мияси тахминан 390 грамм, қизалоқларники эса 355 грамм бўлади. Улар 1 ёш бўлганларида мия массаси 2,5 бараварга, 3 ёшга кирганларида эса 3 бараварга оғирлашади. Бу асосан мия хужайраларининг бўлиниб кўпайиши ҳисобига рўй беради. Демак, кўпайган мия хужайраларини ахборот билан тўлдириш лозим. Агар аксинча бўлса, бу хужайралар нуқул бўш катакчалардан (албатта, бу кўпол ўхшатиш) иборат бўлиб қолаверади. Ахборот қабул қилувчи рибонуклеин кислоталар молекуласи ҳеч нарса ёзилмаган магнит лентаси янглиғ хужайра ичида шалвираб, чўзилиб ётаверади.

Тасаввур қилайлик: чақалоқ мияси то 1 ёш бўлгунча айланаси бўйича 12 см га узаяди. Бу, албатта, мия массасининг ошиши ҳисобига бўлади. То 6 ёшгача мия пўстлоқ қисми хужайралари кўпайиши ва мия эгатлари чуқурлашуви туфайли мия юзаси катталашади. Бола туғилганида бош суяги айланаси 36 – 37 см бўлса, то 6 ёшга етгунча энг камида 13 см га ошади. Энди бош суяги ичида 1 мм ҳам бўш жой йўқ. Унинг ичини мия тўлиқ эгаллаган. Миянинг пўстлоқ ва пўстлоқости қисми ҳамда марказларининг катталашуви ана шу даврга тўғри келади. Келажакда интеллектуал жиҳатдан юксак савияли фарзандим билан фахрлансам, жамият ҳам бундай олим билан мақтанса дея орзу қилган ҳар бир ота-она худди шу даврда шиддат билан хужайралари кўпаяётган боланинг миясини керакли ва зарурий ахборот билан таъминлаши, бу билан наслдан ўтган геннинг илмий тафаккур имкониятларига кенг йўл очиб бериши керак. Ахборот эса хилма-хил: бола билан бевосита ёки билвосита мулоқотда бўлиш, уни ранглар жилвасидан баҳраманд қилиш, миясига мусиқа оҳанглари қуйиш, шеър, дostonлар айтиш, ҳар хил ўйинчоқлар,

электрон ўйинлар, математик машқлар бажариш, хуллас, кўриш, эшитиш, сезиш ва билиш имкониятларини тобора кенгайтириб, фикрлаш, англаш, тасаввур қилиш, хулоса чиқариш каби интеллектуал сифат ҳамда хусусиятларини ривожлантириш кабилардир.

Бола неча ойлик бўлишидан қатъи назар, у билан тез-тез илмий мулоқотда бўлиш, 3 – 4 ёшга тўлгунча унинг нимага ва қайси соҳага қобилиятли эканлигини аниқлаш жуда муҳим. Ўз фарзандининг келажаги ёрқин бўлишини истовчилар худди шундай қиладилар. Ривожланган мамлакатларда бунинг учун махсус синаш ва аниқлаш мезонлари бор. Улар фарзандларини мактабга бермасданок ундаги бор қобилиятни аниқлайдилар ва шу йўналишда унинг етук бўлишини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

Бола эс-ҳушини йиғиб, бирон нарсага ақли етадиган бўлганидан кейин уни ҳеч камситмасдан, кўнглини чўқтирмасдан илмга янада ва ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. Келинг, ушбу вазиятда икки хил тарбия усулини бир-бирига таққослайлик.

Ўз фарзандининг нимага, қайси соҳага қизиқиши ва қобилиятини билган ота-она ушбу илҳомлантириш, рағбатлантириш усулини қўллайди: Қизим! (ўғлим!) сен жуда қобилиятли, ҳар нарсага ақлинг етадиган, талантли фарзандимсан. Айниқса, математикадан (физикадан ёки адабиётдан) зўрсан. Агар сен астойдил шуғуллансанг, келажакда буюк олим бўласан. Сендаги бу ақлий қобилият жуда ноёб! Балки ҳеч кимда йўқ. Шунинг учун ҳам сен энг яхшисан!

Мана шу қабилдаги сўзлар фарзанд онгига ҳар куни, ўз вақтида мароми билан сингдирилса, у ўзининг ҳақиқатан ҳам шундай ноёб қобилият эгаси эканлигига, буюклигига ишонади ва шу йўлда тиришқоқлик билан ҳаракат қила бошлайди.

Агар ҳар куни унга: «Сен ландавурсан, лапашангсан, сендан ҳеч ким чиқмайди», – дейилаверса, бундай тарбия олган болаларда бўшанглик, ўз кучига ишонмаслик, йиғлоқилик, ҳадик, ўз мустақил фикрига эга бўлмаслик иллатлари шаклланиб, бу хусусият тобора етакчилик қила бошлайди. «Шу тўртта қўйни ҳам эплаб боқа олмаяпсан-ку, гўр бўлармидинг, тоғанга ўхшаган латтачайнар бўласан-да...» – дейилган ҳақоратлар мунтазам такрорланаверса, ғурури топталган боладан бирор-бир илм эгаси етишиб чиқмайди.

Бу гапларга қаршилиқ қилувчилар ҳам бўлиши мумкин. Ҳа, фалончининг ўғли ёшлигида бўшанг, гапи оғзидан тушадиган бола эди, мана, бугунга келиб фан доктори бўлди-ку дейишлари турган гап. Ҳа, тўғри, шундай бўлган. Лекин синчиклаб эътибор қилинса, шу бўшанг боланинг тезда ўзини ўнглаб, илм-фанга меҳр қўйишида акасинингми, сингисинингми, отасинингми, тоғасинингми ёки кимнингдир жон ачитар аччиқ, иззат-нафсига, ғурурига тегар гапи туртки бўлган. Шу гапдан кейин унинг қони кўпириб, эҳ, мен шундай одам бўлиб олдингиздан бир ўтайки, ана ўшанда кўрасиз кимлигимни дея ўзига ўзи сўз берган ёки қаттиқ қасам ичган. Агар шу бола ёшлигидан бошлаб илм олишга руҳлантирилганида у муайян пайтда эгаллаб турган мавқеидан кўра юқорироқ даражага эга бўлиши муқаррар эди.

Тўғри руҳда тарбияланиб, илму фаннинг мураккаб чигалларидан чиқиш йўлини топган олим фарзандларини ҳам мана шу йўналишда тарбиялаб вояга етказса, ундаги яхши имконият, сифатлар фарзандларига ҳам берилади. Демак, бу олимнинг фарзандлари иқтидорли, тафаккур жиҳатидан отасига, онасига ёки тоғасига қараганда ҳам каттароқ имкониятга эга бўлади.

II ҚИСМ

КЕЛАЖАГИМ ПОРЛОҚ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Ҳар бир яшаётган инсон борки, тинч-тотувликда бахтли умр кечирсам дейди. Аммо орзу қилинган бахтни ҳеч ким қўшқўллаб топширмайди. Бахтли бўлмоқ учун турмушнинг одатий ташвишларини ғолибона енгиб ўтиб, оқ кабутардек орзуларга эришиб, чиннидек тоза ниятлар билан маънавият ва маърифат уммонидаги улкан бойликка эга бўлмоқ лозим. Аммо ана шу бойликлар ичида фарзанд неъматининг ўрни беқиёс. Зеро, оила қанчалик тўкинликда ҳаёт кечирмасин, фарзанд бўлмаса, турмуш кемтик бўлиб, у борган сари каттариб, дағаллашаверади. Ҳа, фарзанд – оила мустаҳкамлигини таъминловчи олий ўзак.

Ривоятга кўра, донишманднинг бир-биридан ақлли, ўткир зехдли ва фикри тиниқ бир нечта шогирди бўлган экан. У ёши бир жойга борганда зехни кундан-кунга ўтмаслашаётганини сезибди. Шунда ворисликни шогирдларининг қайси бирига топширишни билмай кўп ўйланиб қолибди. Охири уларни имтиҳондан ўтказишни маъқул кўрибди. Шогирдларини ҳузурига тўплаб, савол билан мурожаат қилибди:

– Ҳаёт манбаи нима? Ҳаёт нимаси билан ширин?

Шогирдлар табиатнинг борки инъомларини бирма-бир санай бошлашибди. Донишманд тасбеҳини ўгирганича, кўзларини юмиб, уларнинг сўзларини сукут билан тинглабди.

Пойгакроқда ўтирган шогирд:

– Табиат зурриёт билан тирик! – деб жавоб қилибди.

Толиблар тенгдошига ажабланиб қарашибди, чунки жавобнинг саволга ҳеч қандай алоқаси йўқдек экан-да. Ҳатто донишманд ҳам беихтиёр бошини кўтариб:

– Ажаб, жавобингни бизга изоҳлаб бер, – дебди.

– Табиат қонунининг энг олий мезони – бу зурриёт қолдириш. Тирик мавжудот борки, у эртанги кун билан яшайди, наслини давом эттириш учун доим курашади. Инсон ҳаёти ҳам фарзанд билан, унинг одоби ва баркамоллиги билан гўзал, ширин.

Донишманднинг серажин чехрасига нур югурибди. Ўрнидан туриб, пойгакда ўтирган шогирдининг ёнига борибди:

– Имтиҳондан яхши ўтдинг. Бу қутлуғ меҳроб фақат ҳақиқат нуруни сочмоғи лозим. Олган илминг ва тийрак ақлинг ҳақ йўлни танлашингда шамшир бўлмоғи шарт! – дебди. Шундай шогирди борлигидан ҳаддан ташқари хурсанд бўлиб, ўрнини унга ишониб топширибди.

Халқимизнинг ноёб хислати бор – доим фарзандим дейди. Фарзандининг камолини орзу қилади. Уни бахтли қилмоқ учун бор-будини беришга тайёр. Халқимиз болажон халқ. Жисмонан бақувват, соғлом, ақли тийрак, зеҳни зийрак, фаҳм-фаросатли фарзанд ота-онанинг бахти ва фаҳри.

Бироқ оилада носоғлом фарзанд ўсса, ҳаётлари қанчалик фаровон бўлса ҳам, ота-она кўнглининг бир четига ғам-ғусса соя солиб тураверади. Бунинг устига, носоғлом эканлигини билган фарзанднинг ўзи келажагида нималар кутаётганини ўйлаб, ёмон хаёллар чигалидан чиқиш йўлини билмасдан, тушкунлик ва изтироб комига тушиб қолсандан ҳам ёмон!..

ФАРЗАНД – УМР ЗИЙНАТИ

Дардни даволамай туриб дилдаги губорни тарқатиб бўлмайди.

Отанинг айтганлари

Қуйидаги ҳаётий лавҳани мушоҳада учун эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Баҳорнинг ям-яшил либосини кийган заминни бир гулдурас ҳайқириқ ларзага солди:

– Мен отаман! Ҳа, ота бўлдим!

Алвон лолалар тўшалган кенг адир бўйлаб барваста йигит куёшга томон қучоғини очганча югурмоқда. У ўзида йўқ хурсанд. Қувончи чексиз, оламга сиғмайди. Дилидан отилиб чиққан ҳайбатли ҳайқириқ бот-бот тилига кўчади:

– Мен отаман! Ота бўлдим!

Гўё унинг қувончига шерик бўлгандек чиройли қушлар ҳам тинимсиз сайрашади, ирмоқлар ўзанига сиғмай, тошиб оқади. Енгил, майин шабада баҳорнинг ифорли гулларидан бўса олади.

– Саиджон!.. Саид!

Ташқаридан эшитилган ғуборсиз тиниқ овоз гуллар тагини чопаетган Саиднинг эътиборини ўзига тортди.

Қаддини ростлаб, кетмонни четга қўйди. Гулзордан чиқиб, эшик томон энди қадам босган ҳам эдики, қаршисида жон дўсти Ботирни кўрди. Унинг чехрасида қувончдан нур ёғиларди.

– Тинчликми, оғзинг қулоғингда! – деб сўради Саид ҳайратланиб.

– Мени қутлайвер, дўстим.

– Гапирсанг-чи.

– Суюнчининг каттасидан чўзавер!

– Суюнчи қочмас. Сен айтгандек бўлади. Аввал айт, нима гап?

– Ота бўлдим, дўстим! Ўғиллик бўлдим, – дея Ботир Саидни кучоқлади-да, даст кўтариб гир айлантира бошлади. Дўстининг кучли билаклари орасида Саиднинг қовурғалари эзилиб кетаёзди.

– Қўйвор-э, қовурғамни синдириб юборасан!..

– Ота бўлдим, эшитяпсанми, ота!

Саиджон ҳам ич-ичидан хурсанд бўлди. Қувонмасинми, ахир?.. Воқеалар... Воқеалар...

Тиббиёт институтининг олтинчи босқич толиби Саиджон ёзги таътил кунларини қишлоқда ўтказишга борди. Унинг келганини эшитиб тенгдош дўстлари жам бўлишди. Анча вақтгача гурунглашиб ўтиришди. Лекин бир нарса Саидни ажаблантирди. Энг яқин ўртоғи, тўққиз йил бир партада ўтириб таҳсил олган дўсти Ботир даврада кўринмасди. Бунинг сабабини билиш учун ёнида ўтирган Қосимни гапга тортди:

– Ботир яхши юрибдими ёки уйланиб олиб уйдан чиқмай қўйдими?

– Эй, нимасини айтасан, Саид. Шинаванда йигит уйландию ўзгарди-қолди. Бутун қишлоқ аҳли ҳайрон. Кеча Қодир ака билан гаражда гаплашгандим. «Мен ҳам ҳайронман, ука. Ўртоғингда қандайдир ёмон томонга ўзгариш бор. Ичида катта бир дарди бор-у, уни айтгани юраги дов бермаётгандай. Ишдан келиб ҳеч қувониб, очилиб-сочилиб гаплашмайди. Ўзи севган қўшни қишлоқлик қизни олиб берган бўлсак...» – дейди Қодир ака ҳам.

– Чавандозликда вилоятда донғи чиқиб қолганди, кўпқариларга ҳам қатнашмай қўйди. Чойхонага ҳам чиқмайди. Хонанишин бўлиб қолган. Ҳайронман, жуда ҳайронман...

– Одам юборайми? – дея Саиджон ўрнидан кўзгалди.

– Келмаса керагов, – деди иккиланиб Қосим.

Ҳақиқатан ҳам келмади Ботир ўша куни.

... Ботир ота-онасиз, акасининг оиласида ўсди. Қодир ака укасини сира ўкситмай тарбия қилди, ўқитди. Ботир мактабни битириб фермада ишлай бошлади. Меҳнатсеварлиги, агрофагиларга меҳрибонлиги билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Тез орада уни вилоят миқёсида мукофотлашди. Тўйи ҳам хушчақчақлик ва ўйин-кулги билан ўтди. Аммо тўй ўтанидан кейин Ботир ўзгарди-қолди. Ўзини одамлардан олиб қочадиган бўлди. Одамовига айланди.

Саиджон Ботирни дала шийпонидан топди. У супада қўлидаги калта ёғоч билан ер чизиб, жуда хомуш ўтирарди. Кўзлари киртайиб, пешонасига ажинлар тушган. Худди ўн йилга қаригандай. Саид дўстининг рўпарасига бориб тўхтади.

– Қачон келдинг, Саид? – деб сўради Ботир қўлидаги ёғочни ўйнаб.

– Кеча. Ҳамма болалар келишди, чақирсам ҳам келмадинг!

Саиднинг гапи жавобсиз қолди.

– Ботир, соғлигинг жойидами, сенга нима бўлди?

Ботир жавоб бермай қайтиб жойига ўтирди. Саид ҳам унинг ёнига ўтириб, қўлини унинг елкасига қўйди. Ботир қўлидаги калта ёғочни шовуллаб оқаётган сувга улоқтирди. Иягини кафтлари орасига олди. Унинг бу ҳаракати Саидни ажаблантирди.

– Ботир, дўстим, сенга нима бўлди, бирон жойинг оғриятими? Юз фоиз бўлмаса-да, салкам докторман. Айт, балки, ёрдамим тегар.

Ботир тўсатдан елкасидан Саиднинг қўлини силтаб ташлаб ўрнидан турди.

– Нега менга илакишиб қолдиларинг, кечагина келиб сен ҳам мени сўроққа тутяпсанми-а?!

– Оғайни, нималар деяпсан, бирортаси ножўя гап айт-дими ёки турмушинг...

Саиднинг гапи оғзида қолди.

– Мени тинч қўйларинг, тушундиларингми, сен ҳам тинч қўй! – деди Ботир важоҳат билан. – Докторлигинг ўзингга, менга ҳеч ким ёрдам бера олмайди... Ҳатто профессорларинг ҳам, мен ношудман... Йигит қиёфасидаги ношуд қиз боламан. Қутулдимми энди?!

– Ботир, қаёқдаги куракда турмайдиган гапларни гапиряпсан. Сен-а?.. Биров сени қиз боласан, ношудсан деяптими?

Ботир бир нафас карахт туриб қолди.

– Мени холи қўй, илтимос, тинч қўй, Саид!

– Бу нима деганинг, ўртоқ?

– Саид, барибир, тушунмайсан.

– Қачондан бери сени тушунмайдиган бўлиб қолдим? Уйланганингдан кейинми?

– Ҳа, ҳа! Уйланганимдан кейин! – деди бақриб Ботир.

– Ботир, жинни-пинни бўлиб қолмадингми, нега бақиряпсан?

– Ҳа, жинниман, катта жинниман! Ақлдан озганман! Тинч қўясанми, йўқми?! – Ботир кафтларини пешонасига тиради: – Нима бало, менда қасдларинг борми? Мендан нима истайсанлар, ҳаммаларинг тергайсанлар, фақат тергаганларинг-тергаган. Лекин фойдаси йўқ...

Саид яна ўртоғининг елкасидан кучди:

– Одамга ўхшаб бундай тушунтириб гапирсанг-чи. Ўртоқлар билан биргалашиб бу мушкулни ҳал қилармиз, балки...

– Менга қара, Саид! Сен менга ҳозирча эътибор берма, мендан хафа ҳам бўлма...

– Нега эътибор бермас эканман?

– Дўстим, тушунсанг-чи, менинг дардим ҳозир ўзимга ҳам ортиқча. Мендан бошқа ҳеч нарсани суриштирмагин, дўстим, илтимос...

– Қанақасига, ахир, бундай, одамга ўхшаб тушунтир, қон қилиб юбординг! Ахир биз дўстмиз-ку!

– Менинг дардимга ҳеч ким даво топа олмайди, Саид, – деди Ботир қалтираган овозда.

Ана шундагина Саид дўстининг кайфи борлигини сездди. Ҳайрати баттар ортди. Ахир унинг бунақа одати йўқ эди-да. Саид нима қилишини билмай бир оз туриб қолди. У бу ерда жиддий сабаб борлигини сезиб: «Йўқ, буни шундайлигича қолдирмайман», – дея ўзига ўзи сўз берди.

– Менга қара, оғайни, ахир, мен билан дардлашмасанг, ўз сирингни менга очмасанг, кимга очасан-а?..

Ботир бошини қуйи солди. Саид унинг қўллари қалтираётганини, лаблари пирпираб учаётганини кўрди. «Майли, ҳозирча уни қийнамай, ётиғи билан яна суриштирарман, балки, кейинчалик ўзи ёрилар» деган қарорга келиб аста ўрнидан турди:

– Майли, дўстим, яна ўзинг биласан. Кечкурун уйингда кўришармиз.

Саид шундай деб Ботирга қўлини узатди. Ботир дўстининг қўлини олди-ю, лекин нима учундир қўлини қўйиб юборгиси келмай, нигоҳини унга қаратди ва яна бошини қуйи солди. У нимадир демоқчи бўлар, аммо бунинг уддасидан чиқа олмаётгани яққол сезилиб турарди. Ботир бир қарорга кела олмади, шекилли, астагина Саиднинг қўлини қўйиб юборди. Ҳорғин ва ғамгин оҳангда: «Хўп», – деб қўйди.

Унинг илгариги тезоблигидан ва чўрткесарлигидан асар ҳам қолмаган эди. Ўртоғининг хамирдай бўшашиб қолгани Саидни янада баттароқ ташвишга солди.

«Нега у бунчалик ўзгариб қолди экан-а?! Нега энди сувсираган палакка ўхшаб шалвирайди? Нега бунчалик азоб?! Сабаби нима экан-а, ҳеч тушуна олмай қолдим!»

Уйга қайтгач Саидни сўрида ёнбошлаб ётган буваси Чори бобо қарши олди:

– Саидбек, қалай, зерикмаяпсанми?

– Йўқ, бобо, зерикиш қаёқда дейсиз, ўртоқларим ҳам шу ерда, яна қишлоқнинг соф ҳавоси...

– Тўғри, ўғлим, тўғри. Даланинг тоза ҳавосига нима етсин, бор дардингни суғуриб олади. Ҳа, айтмоқчи, Саидбек, кеча ўртоғинг Ботир кўринмади, аҳволи яхшимикан?

– Ҳозир унинг олдидан келяпман, – деди Саид сир бой бермай. – Жуда яхши, хурсанд...

– Яхши бўлсин-да, бахтли бўлишсин ёшлар...

Бувасининг гапидан Саиднинг кўнглида аллақандай таҳлика пайдо бўлди ва шошиб:

– Бирон нарса сездингизми ёки эшитдингизми, бобо? – деб сўради.

– Йўқ, болам. Ҳеч нарса сезмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Ўзим шунчаки сўраётиман-да..

– Бобо, Ботир ёмон томонга ўзгарган. Қандайдир бошқачароқ. Назаримда, ўзини анча олдириб қўйган.

– Ҳмм, нега? Сабабини билдингми, сўраб-суриштирдингми, ўғлим?

– Ҳеч нарса била олмадим, бобо...

– Мен ҳам сезгандим, ўшандан бери ҳайронман.

– Сиз нимани билдингиз? Қаерда, қандай қилиб?

– Кел, ўтир, ўғлим. Куни кеча Арслон дурадгор келганди. Бир гапни айтиб қолди. Ҳозир келин кирган иморатнинг устини ёпишаётган экан. Ботиржон келиб қолибди. У иморатнинг атрофини айланиб кўрибди, тикилиб қарабди. Унинг нимадандир ғам чекаётгани шундоққина билиниб

турганмиш. Кейин эса бир четга чиқиб мунғайиб ўтириб олибди. Арслон хомушлиги сабабини сўрабди, саломлашмаганига сал-пал ҳазиллашибди ҳам. Шунда у нима деб жавоб қилибди дегин. «Бу иморатни бекорга қураётисизлар, бунинг ҳеч ҳожати йўқ эди», – дермиш. «Нега ундай дейсиз, иморатдан кўнглингиз тўлмаяптими?» – деб сўраса, у: «Йўқ, уста, иморат жуда ҳам яхши қуриляпти. Гап бошқа томонда...» – дебди. Сабабини сўраса, айтмасдан: «Барибир, мен учун иморатни бекорга қураётисизлар», – деганича бошини қуйи солиб нари кетибди. Арслон ҳеч нарсага тушунмай қолибди.

Бу гапни ўртоғининг акасига айтган эдим, у: «Бирон нарсадан хафадир ёки кайфияти бўлмагандир-да», – деб қўя қолди. Балким, ростдан ўшанда акасидан хафа бўлгандир ёки бировдан қандайдир нохуш гап эшитгандир. Ҳа, майли, ҳозир хурсанд бўлса бўлди-да. Йигитликда нималар бўлмайди дейсан, Саидбек.

Дўстининг дилида шунча хафачилиги, ғами, изтироб би бўла туриб шу вақтгача сезмаганидан хафа бўлган Саид ўзини қойий бошлади: «Шуям дўстлик бўлдию! У сенга айтмаса, ўзинг синчковлик билан аниқлашинг керак эди-ку, Саидбек! Қанақа дўстсан? Ботирнинг дили оғрияпти. Қаттиқ оғрияпти! Бунинг сабабини қандай билсам бўлади?!»

Саид ўйлагани сари ўйининг тагига ета олмай тобора хит бўларди. Кўп ўйлаганидан боши ҳам лўқиллаб оғрий бошлади. Лекин Ботирнинг ароқ ичгани, гапининг ҳам бетайин, аммо сирли тус олгани унинг хаёлидан кетмасди.

«Тушуна олмай қолдим бу ҳодисага. Бу ерда муҳим бир гап бор. Жуда жиддий. Йўқса, ботир дўстим бунчалик тушкунликка тушмаган бўларди. Мунаввар бокира эмасми-

кан? У ўзгани севган бўлса-я. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир унинг ифбатли, андишали, одобли қиз эканлиги ҳаммага маълум-ку! Гап бошқа ерда, сабаби бошқа... Аммо нима?! Бу қандай сир бўлди экан?.. Йўқ, бу сирнинг тагига етмасдан қўймайман!»

Саид шундай қатъий қарорга келди-да, ўрнидан турди.

Саид Ботирларнинг ҳовлисига кириб бораркан, Қодир акага кўзи тушди.

– Ассалому алайкум, Қодир ака. Аҳволларингиз яхшими?

Саид ўзи берган саволнинг жавобини кутмасдан шошилиб сўради:

– Ботир қаерда, Қодир ака?

– Уйда бўлса керак.

Каттакон ғўлани майдалаётган Ботирнинг акаси болтани ерга қўйиб, Саид сари юра бошлади:

– Саиджон, тўхтагин.

У келиб кўришди-да, давом этди:

– Ўртоғингда қандайдир ғалати ўзгариш бор. Мен ҳеч тушуна олмай қолдим. У жуда қаттиқ хафами ёки ғамдан азоб чекаптими, билолмаяпман. Бирон гап сўрасанг, аввал «а» дейди, кейин қайтариб сўрайди. Яна гапингни қайтариб айтсанг, кўнгли хушламай жавоб беради. Хаёли жойида эмас. Ҳайронман! Нима қилишни билмай қолдим.

– Мен ҳам анча ажабланиб қолдим, Қодир ака.

– Тўй яхши ўтган бўлса, ўзи севган қизни олиб берган бўлсак... Яна нима қилиш керак эди, билмадим, нега бундай бўлиб қолди?..

– Ҳа, бу ерда бир гап бор, лекин у буни очик айта олмапти...

– Ҳа-а... Сен сабабини сўраб билгин, кейин менга айттарсан.

Айвон олдини супураётган Мунаввар Саидга қимти-нибгина салом берди.

– Мунаввархон, Ботиржон уйдами?

– Ҳа.

Мунавварнинг унчалик хушламай жавоб берганлигини Саид яққол сизди. У бундан иккиланиб, ўйланиб қолди. Қайтиб кетайми деган хаёлга ҳам борди. Лекин қатъий мақсад уни ичкарига ундади. Диванда ётган Ботир остонада Саидни кўриб ўрнидан турди.

– Саид, кел, ўртоқ...

Аввалига уларнинг суҳбати қовушмади. Андак фурсат ўтгандан кейингина Ботир бошини қуйи солиб, кўнглини ёрди:

– Дилим оғрияпти, юрагим оғрияпти, Саиджон. Агар билсанг, дунё мен учун буткул қоронғу, дўстим!

Алами тўлиб турган экан, шекилли, овозидан хўрлиги келиб, руҳан эзилаётгани шундоққина сезилиб турарди:

– Сен билмайсан менинг дардимни, Саид, ёрдам ҳам қила олмайсан! Иложи йўқ...

– Бир иложини қилармиз, Ботир. Ўзи нима гап?

Ботир жавоб бермасдан, бошини ирғаб, қўллари билан кўзларини беркитиб йиғлай бошлади.

– Ўзингни бос, Ботир! Ўзингни бос.

Лекин Ботир пиқиллаб йиғлашда давом этди. Саиднинг жаҳли чиқди. Тўғри-да, бутун танасидан куч ёғилиб турган йигит бошига тушган ғамни баргараф қилиш ўрнига йиғлаб ўтирса...

Саид энди ғижиниб гапирди:

– Бундай одамга ўхшаб тушунтирсанг-чи, нима гап ўзи? Дардинг нима?

– Мен лапашангман, Саид, ношудман!

– Нега ундай дейсан, сенга бир гап бўлганми, мундоқ тушунтириб берсанг-чи.

– Йўқ, Саид, йўқ! Сен билмайсан, мени тушунмайсан...

– Ҳей, йигитмисан ўзинг, мунча эзгилаяпсан?

Бу гапни эшитиб Ботир бирдан бошини кўтарди. Туриб ўтирди. Унинг важоҳатини кўриб Саид кўрқиб кетди. Унинг ёшга тўлган кўзларидаги даҳшатдан Саид орқага тисарилди, беихтиёр: «И-е, Ботир», – дея олди.

– Ҳа, тўғри гапирдинг, Саид, мен йигит эмасман! Тушундингми, йигит эмасман!

Ботир шундай ҳазин товуш билан бақирдики, Саиднинг кулоқлари шанғиллаб кетди.

Ботир қўлларини мушт қилди. Ўрнидан тураётиб беихтиёр инграб юборди. Сўнгра стол олдига борди. Кейин бошини қўллари орасига олиб яна диванга келиб ўтирди. Унинг икки елкаси силкиниб-силкиниб тушарди. У йиғламоқда эди. Саид шошиб қолди. У нима қиларини ҳам, дўстига қандай тасалли беришни ҳам билмай каловланиб қолди. Ҳатто Ботирнинг хатти-ҳаракатидан хавотирга тушди. Ахир унинг бундай ҳолатга тушишини тасаввур ҳам қила олмасди. Саид яна Мунаввар тўғрисида ўйлай бошлади. Демак, у бокира эмас экан-да! Наҳотки, шундай бўлса? «Одам оласи ичида» деганлари шу бўлса керак-да. Ҳа, Ботирнинг алам билан айтган сўзлари: «Мен йигит бўла туриб бузилган қизни олдимми?! Шуям йигитлик бўлдимми...» – деганимикан? Эҳ, Мунаввар, Мунаввар, гулдек ўртоғимни шунчалик азобга қўйдингми-а?! Наҳотки, бўлажак турмушинг тўғрисида заррача ўйлаб кўрмаган бўлсанг?!»

Саид ҳали ҳам товуш чиқармасдан ўксиниб йиғлаётган Ботирнинг елкасига қўлини қўйди:

– Кечир, дўстим, айб менда. Мен нотўғри гапирдим. Мени ҳам анча хит қилдинг-да, ахир. Наҳотки, сени шун-

чалик даражада азобга солаётган нарса мутлақо айтиб бўлмайдиган сир бўлса?..

– Айта олмайман, Саид, мени қийнама. Шундоқ ҳам изтиробим чексиз... Нима қилишимни, қаёққа бошимни уришимни билмай, боши берк кўчага кириб қолганман, Саид, жон дўстим, қаёққа қарамай ҳамма томонда умидсизлик, ишончим буткул йўқолган, билмай қолдим, Саид, билмайман...

– Кел, оғайни, мени ҳам қийнамагин. Икковлашиб бирон-бир чорасини топармиз, ахир!..

– Йўқ, Саид, мен айта олмайман.

Ботирнинг елкалари яна силкиниб туша бошлади.

– Ботир, хафа бўлмагин-у, дўстим, тўғриси айтсам, сен эсингни еб қўйибсан. Мен нимани айтяпману сен нималарни алжираяпсан? Дўстингдан яширмай, мана шундай, ўртоқ, нима бўлади ёки нима қилсак экан деб маслаҳатлашишнинг ўрнига нукул пиқиллайсан. Агар Мунаввар тарафдан бирон гап...

– Йўқ, Саид, йўқ!

Ботирнинг кўзлари Саидга қадалди.

– Ундай дема, мен, аксинча, Мунавварнинг бахтига зомин бўлдим! Зомин бўлдим. Эшитяпсанми, Саид?..

– Ҳеч нарсага тушунмаётибман, Ботир, ўлай агар...

Ботир кўзларининг ёшини артди-да, ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Ўйланди. Саид хайрон бўлганча уни кузатарди. «Ажаб, нималар бўляпти ўзи?... У Мунавварнинг бахтига нега зомин бўларкан? Демак, уни бу азобга солаётган сабаб Мунаввар эмас» деган фикр кўнглидан ўтди.

Ботир чинни идишлар билан безатилган сервантнинг олдига борди-да, бир конвертни олди. Уни қўлида тутганича анча вақт ўйланиб турди. Сўнгра Саиднинг олдига келдию унинг кўзларига қарамасдан конвертни узатди:

– Дўстим, Саиджон! Ичида ёзилган нарсаларни фақат уйингга борганда ўқи, сенга менинг...

Ботир гапира олмай бир-икки марта ютинди, кўзларидан шовуллаб ёш келди. Кўз ёшларини артмасдан туриб чуқур нафас олди-да, бироздан кейин қийналиб, тути-либ-тутилиб гапирди: «Сендан фақат бир илтимос, бу гап иккимизнинг орамизда қолсин. Сендан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак. Номус деган нарса бор-ку... Умуман... умуман... умуман. Хайр, дўстим!..»

У Саиднинг қўлини кафтлари орасига олди. Кейин ҳеч кутилмаган ҳолда Саидни қучоқлаб олди-да, қучоғидан бўшатмасдан бошини Саиднинг бошига қўйди. Қучоғидан бўшатгандан кейин ҳам Саиднинг қўлини узоқ вақт-гача қўйиб юбормади. Кейин яна ғамгин товуш билан гапирди:

– Дўстлигимиз ҳаққи, мени... энди бор, дўстим! Бор, энди кет, Саид!

У бу сўзларни товуши қалтираб, йиғламсираб айтди. Бу ҳол Саидга жуда аянчли туюлди. Ботир кейинги сўзларини шундай айтдики, бундан Саиднинг кўнгли бўшашиб кетди. Ўзи ҳам буни сезиб беихтиёр эшик томонга бурилди. Эшикдан чиқишига бир қадам қолганда «Саид» деган ўта ҳаяжонли товушни эшитиб орқасига қаради. Ботир аянчли бир аҳволда бошини эгиб ўтирар, елкаси тушиб кетганди. Саид чопиб бориб унинг елкасини силкитиб-силкитиб тортиб: «Нимадан бунчалик ғам-азоб тортаётибсан?! Айтсанг-чи, ахир!» – дея бақириб-бақириб сўрагиси келди. Аммо Ботир бошини кўтариб бир ғалати оҳангда: «Саид, хайр!..» – дегач, бу фикридан қайтди.

Саид йўлда аста-аста қадам ташлаб кетар экан, Ботирнинг аянчли аҳволини кўз олдидан кетказа олмасди. Нега у менга конверт берди, нега тўғридан-тўғри айтавермади?!

Қизик, тўхта, Саид, нега энди мен конвертнинг ичида нима ёзилганини уйга бориб ўқишим керак экан? Ҳозирнинг ўзида ўқисам, ким менга халақит бераётибди? Унинг сабри чидамади. Йўлнинг четига чиқди-да, шошиб конвертнинг ичидан қоғозни олди.

«Саиджон, дўстим! Дунёда менга энг азиз кишилар сен ва акам. Сизлар мен учун дунё, мен учун ҳаёт. Айниқса, сен. Танамнинг ярмисан, юрагимсан. Шунинг учун ҳам сенга, ҳа, фақат-фақат сенга ҳеч кимга айтиш мумкин бўлмаган сирни айтаётибман. Бу сирни сену мендан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак, ҳатто мен ўлганимдан кейин ҳам...»

– Нима деяпти бу тентак, нега у ўлар экан?! Вой, аҳмоғ-ей!

Саиднинг юраги гупиллаб уриб кетди. Хатнинг шу ерини яна қайтадан тез ўқиб чиқди. Йўқ, у янглишмаяпти, худди шундай ёзибди. Саид ўрнидан даст турди. Хатнинг қолган қисмига тез-тез кўз югуртириб чиқди-да, Ботирларникига қараб бор кучи билан югуриб кетди. «Лаёқатим бор, интилишим бор, лекин ожизман! Эркаклигим йўқ экан, мен эркак эмас эканман... Шунинг учун...» – деб ёзилган гаплар унинг хаёлини тамомила банд этган эди.

Саид ҳовлига шитоб билан югуриб кирдию: «Ботир!..» – дея бақириб юборди. Ошхона юмушлари билан овора Мунаввар ташқарига чиқди. Саиднинг вазоҳатини кўриб анграйиб қолди.

– Ботир қани?! – деб сўради Саид.

– Уйдалар, – деди саволдан ажабланиб Мунаввар.

– Уйда...

Саид чопиб бориб уйнинг эшигини зарб билан очди. Аммо Ботир уйда йўқ эди. Ташқарига чиқди, ундан дарак йўқ. Томорқани кузатди, у ерда ҳам йўқ. Қарда бўлиши мумкин? Саид бутун вужудини қулоққа айлантириб

атрофни кузатди. Молхона тарафдан секин тарақлаган товушни эшитдию бир оз қотиб қолди. Кўнгли бир нима ни сезди-да, «Ботир!» – дея бақирганча молхона тарафга чошиб кетди. Унинг эшигини итарди. Эшик орқасидан тамбалаб қўйилган бўлса керак, очилмади. Саид орқасига чекинди-да, беш-олти метр наридан чошиб келиб эшикни елкаси билан урди. У эшик билан бирга гупиллаб йиқилди. Устига пахсанинг ўпирилган катта бир бўлаги келиб тушди. У бунга парво ҳам қилмади. Бошини тезда кўтариб хонани кўздан кечирди. Саид даҳшат билан: «А...а...!» – деб бақириб юборди! Ўрнидан ирғиб турганча типирчилаб осилиб турган Ботирнинг оёғидан кўтарди. Атрофга аламли, юқорига қаради: Ботирнинг кўзлари косасидан отилиб чиқиб кетгудай. Юзлари, айниқса, лаблари кўкарган. Саид кўрқиб кетди. «Мунаввар, Қодир ака!» – деб бор кучи билан қичқирди. Ботирнинг бўйнини қисиб ётган арқонни бўшатмоқчи эди, лекин қўллари етмади. «Мунаввар, Қодир ака!» – деб яна жон-жаҳди билан бақириб юборди. Эшикда Мунаввар кўринди.

Воқеани кўрган Мунаввар тош қотиб қолди. У ҳам ғайритабиий товуш билан бақириб юборди:

– Ботир ака, нима қилиб қўйдингиз?

– Мунаввар, тезроқ пичоқ олиб келинг!

Мунаввар югуриб бориб пичоқ олиб келиб Саиднинг кўлига тутқазди.

– Оёғидан кўтаринг, Мунаввар!

Арслондек йигитни кўтаришга Мунавварнинг кучи етмади. Ботирнинг танаси шилқ этиб ён томонга қийшайиб кетди. Бўйнидаги арқон яна тортилиб қолди. Саид стул устига чиқиб Ботирни бир қўли билан қўлтиғидан кўтарди. Иккинчи қўлидаги пичоқ билан арқонни кесиб юборди. Иккаласи ҳам ерга юмалаб тушишди. Саид чаққонлик

билан ўрнидан турди-да, Ботирнинг бўйнидаги арқонни тез бўшатди. Мунаввар иккиси уни даст кўтариб, ташқарига олиб чиқишди, ёқаларининг тутмаларини ечишди. Саид унинг кўкраklarини босиб-босиб қўйиб юборди, юзига бир-икки шапатилади, пастки жағини кўтариб очди. Бир оздан кейин Ботир нафас ола бошлади. Кўкарган лаблари, юзлари қизара бошлади. Саид эса унинг юзларини ишқалашда давом этар, кўкрагини босиб-босиб қўярди. У қанча вақт ўтганини билмас, терлаб кетган, юраги гупиллаб урарди. Мунаввар бу орада сув келтириб, Ботирнинг юзига сецди. У инганиб, бир оздан кейин кўзини очди. Олдин тепага, кейин атрофига қараб қўллари билан юзини сийпатилади. Саид бу вақтда ўзида тушунтириб бўлмайдиган бир ҳолсизлик, кучсизлик сезди. Кўнгли беҳузур бўлиб, йиғлаб юборди. Кўзига дув этиб ёш қўйилди. Бу ҳам кўрқув, ҳам хурсандчилик ёшлари эди...

* * *

Наҳотки, Ботирнинг ҳаётдан юз ўгиришга мажбурлаган дард шунчалик мураккаб ҳамда бедаво бўлса?

Одатда, бундай васваса инсоннинг иззат-нафсини, юксак инсоний ҳисларини ерга урадиган, поймол қиладиган кучли туйғу туйғули юзага келади. Бундай ҳолат ўзининг камситилишини кўтара олмайдиган ва шунга йўл қўймайдиган йигитларда, айниқса, яққол ва тез намоён бўлади.

Ботирда бундай кайфият тўйдан олдинроқ пайдо бўлган ва тўйдан кейин кескин кучайган. Бинобарин, Ботирнинг бу чигал, мураккаб вазиятга тушиб қолишига унинг жинсий лаёқатсизлиги асосий сабаб бўлган.

Тасаввур қилинг-а, йигит кишида жинсий алоқа қилишга истак бўлса-ю, аммо уддасидан чиқолмаса... Куч-қувват бўла

туриб, севган ёстикдоши билан қўшила олмаса!.. Бу йигит иззат-нафси, гурури, нозик ҳис-туйғуларининг поймол бўлиши, келажаги, орзу-умидларининг саробга айланиши-ку, ахир. Бунинг устига, келин ҳам «ўлганнинг устига тешав»-дек минғирлаб қўйса борми... Бундай оғир юкни кўтара олмай йигит боши эгилади, гурури топталади. Оқибатда йигит ҳар хил ёмон ҳаёлларга бориб, тобора ҳаётдан безаверади. Бу ҳолат кундан-кунга зўрайса зўраядики, асло камаймайдди. Чунки шу ҳолга тушганлар бу мураккаб чигаллашган тўрдан чиқишнинг йўлини топа олмай, руҳий тушқунликка тушиб қолади. Дардини айтишни ўзига катта иснод деб билади. Оқибатда у ўзини ўзи қўлга ололмай, васвасага тушади, баъзан ўз жонига онгли равишда қасд қилишдек мудҳиш ишга қўл уриши ҳам мумкин.

Табиатнинг олий қонунларидан бири инсон наслининг давом этишидир. Фарзанд кўришга бўлган интилиш – бу бир майл эмас, балки қонуниятдир. Ҳаёт фарзанд билан ширин. Фарзанд кўриш учун эса эркакми, аёлми, унинг тўрт мучаси соғ бўлиши лозим. Тўғри, киши беварзанд бўлиши мумкин. Лекин юқоридаги мисолимизда тақдир бутунлай бошқача, анча мураккаб.

Қуйида яна бир ибратли ҳаётий лавҳани келтириб ўтишни лозим топдик.

* * *

Сочлари кумушдек оқарган профессор ўз хонасида ҳа-яжондан у ёқ-бу ёққа юрарди. Мана, ҳозиргина қувончдан кўзлари порлаган ота: «Фарзандимнинг уйланиш тўйига албатта борасиз. Сиз бормасангиз, тўйимиз тўйдаё ўтмай-ди», – деб уни тўйга таклиф этди. Ўғли институтни битирибди. Уйланаётган экан. Профессорнинг кўз олдига бир неча йил илгариги суҳбат жонланди...

– Мен ота-онамдан эрта ажралган ёлғиз фарзанд эдим, профессор. Қийинчилик билан ўсдим. Сиз мени ҳаётдан нолияпти деб тушунманг. Бир амаллаб техникумни ҳам битириб олдим. Қариндошлар ёрдамида уйланиб ҳам олдим. Ҳаётим ҳам изга тушди. Турмушимиз ҳам ёмон эмас эди. Лекин, афсуски, етти йил фарзанд кўрмадик. Тушқунликка туша бошладим. Ҳар хил гап-сўзлар кўпайди. Югур-югур бошланди: қайси табиб ёки фолбин ҳақида эшитсак ўшанга югурдик. Билганлар ҳам, билмаганлар ҳам ҳар хил маслаҳатлар беришди. Аммо натижаси бўлмади. Шу тарзда 10 йил умримиз ўтди. Ниҳоят, Тошкентга келиб, касалхонада ётиб даволандик. Докторларга раҳмат, яхши даволашди. Ёшимиз қирққа яқинлашганида аёлим ҳомиладор бўлди, қувондик. Не қилайликки, яна қишлоқда мишмишлар тарқалибди – бола мендан эмас эмиш. Аёлим бу тухматдан кўп азоб чекди. Мен унга: «Қайғурма, бу тухмат ва ёлғон эканлигини жуда яхши биламан», – деб кўп марта айтдим. Аммо у ҳомиладорлик пайтида ўйнаб-кула олмади, ғам тортди. Фарзанд туғилди. Қизалоғим худди менга ўхшарди. Тортган азобларимиздан қутулдик. Кўнглимиз равшан тортди. Душманларимиз ҳам мум тишлаб қолди. Қизимизни мактабга бердик. У беш баҳо билан ўқирди. Лекин бизларни ташвишга солгани, у каттаргани сари ғалати қилиқлар чиқара бошлади. Унинг уйдаги қилиқлари ҳам, кўчадаги қилиқлари ҳам, ҳар хил ўйинлар билан машғул бўлиши ҳам қиз боланикига ўхшамасди. Биз уни эркаликдан, оилада ягона бўлганидан деб тушундик. Қизимиз тўртинчи синфга ўтганида унинг овози дўриллай бошлади. У нуқул ўғил болалар билан ўйнарди. Тўп суришга ҳам қизиқарди. Бир неча марта ўғил болалар билан ўйнамагин, ахир, сен қиз боласан-ку деб танбеҳ бердик. Бундай пайтда унинг жаҳли чиқиб, кўзлари бургутнинг, йўқ, худди бўрининг

кўзларига ўхшаб кетарди. Мен унинг бу қилиқлари маъносига энди тушунгандайман, ўртоқ профессор. Сиз уни қиз эмас, ўғил дедингиз. Энди менга шу кўргилик ҳам бормиди, домла? Қишлоғимиз одамлари, тенгқурларим менда бир фарзанд борлигини, у ҳам бўлса қиз бола эканлигини билишади-ку! Сизнинг айтганингизга кўнсам, қандай бўларкан? Хўп, исмини ҳам ўзгартирдик дейлик. Барибир, қандай қилиб ўн йил давомида қиз бўлиб ўсган фарзандим бирданига ўғил болага айланади?! Мен қишлоғимга қайси юз билан кириб бораман?! Мен уларга нима дейман? Оғзига кучи етмаганлар нималар дейишмайди? Маломатга қолдим, маломатга! Йигит бўлганда-чи?! Ким унга қизини берарди? Қийин савдо бўлди, домла, қийин савдо...

– Ўзингиз ўйлаб кўринг. Бошқа иложи йўқ-да, ахир. Операция қилмадик ҳам дейлик, майли, у Гулнора бўлиб қолаверсин. Ахир сиз уни турмушга бера олмайсиз-ку! Агар ҳозир операция қилсак, уч йилда, борингки, беш йилда бу шов-шувлар, бекорчи гаплар барҳам топади! Болангиз ҳам бахтли бўлади.

– Илгари бунақа гапни эшитган бўлсак ҳам майли эди-я! Фалончининг ўғли ҳам аввал қиз эди, буям шунга ўхшаган бўлибди-да деб гапириб қўя қолишарди...

– Сиз биринчи галда болангизнинг келажагини, бахтини ўйланг...

– Мен-ку ўйлаяпман, аммо...

– Агар ҳар хил хаёлларга берилаверсангиз, бу муаммоларнинг ҳеч қачон ечими чиқмайди. «Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битибди» деган гапни биласиз-ку! Аммо биз, докторлар, таваккалчи эмасмиз. Болангизни кўрдик, текширдик. Унинг ўғил бола эканлигини аниқладик. Туғилган пайтидаги хато учун у бутун умр қийналиши керакми?! Ўзингиз ҳам бир кун келиб фарзандингизнинг қанчалик ғам чекаётганидан чидай олмасангиз керак...

– Ўртоқ профессор, у ҳақиқий ўғил бола бўлармикан?!

– Бўлиши аниқ. Бунга гумонимиз йўқ. У ҳақиқий ўғил бола. Уйланиш тўйига ўзим бош бўламан, насиб этса...

– Айтганингиз келсин, ўртоқ профессор. Майли, мен розиман!..

... Ҳа, кимнингдир бахтли бўлишига сабабчи бўлиш кишига олам-олам қувонч бахш этар экан. Мана, бир вақтлар «Гулнора» бўлганнинг уйланиш тўйи бўляпти-я.

* * *

Икки ҳаётий воқеа, икки хил манзара, икки тақдир... Иккала ҳолда ҳам жарроҳлик йўли билан дарддан халос этилганлар бахти. Аммо... Аммо ғам ва ҳасрат чангалидан қандай қилиб чиқиш йўлини билмай, фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам дард ва ҳасратларга ташлаб кетганлар-чи?.. Ким айбдор экан?! Ким ва нимага?!

* * *

Ҳовли тўрига гиламлар осилган, гўё девор қирмизи, кўк, сариқ ва бошқа нафис ранглар билан бўялгандек. Бу ҳовлида бугун катта тантана. Киши руҳига завқ бериб, ажиб туйғулар уйғотадиган ашула ва куйлар ижро этилмоқда. Ҳамма хурсанд, дилларда ҳаяжон, юзларда табассум. Икки қатор стол-стуллар билан ўралган сахнада ўғил ва қизлар хиром этишмоқда. Бугун Расулжон ва Гулсараларнинг бахт кечаси. Икки соатдан кўпроқ давом этган тантанали базмда илиқ сўзлар гапирилди, келин ва куёвга битмас-туганмас бахт тилашди. Янгича тўй ҳаммага маъқул бўлди. Тўй ташкилотчиларига ташаккурлар айтилди. Айниқса, Саодат хола ўзида йўқ хурсанд. Бўлмасам-чи, ёшлигидан

уягчан, кўп очилиб гапирмайдиган ўғлининг тўйи. Холанинг орзуси ушалди-да, ахир...

... Аммо кўп ўтмай келин-куёв бахти чиннидек синди. Тўйдан бир ҳафта ўтиб-ўтмай Расулжон ўзгарди-қолди. Илгариги одамовилиги баттар кучайди. Ўртоқларидан ўзини олиб қочади. Орадан бир ой ўтди. Расулжоннинг ғами кучайса кучайдики, заррача камаймади. Қаттиқ ташвишланган Сиддиқжон ака ўғли билан ҳар қанча гаплашмасин, бу сирнинг тагига ета олмади. Охирги марта гаплашганида ота қаттиқ-қаттиқ гапирди: «Сен бошимизга битган бало бўлдинг. На дардингни ёрасан, на очилиб гаплашасан. Қон қилдинг-ку, ахир, одамни! Ҳе, бола бўлмай кет!» Ўғли фақат йиғлади. Ташвишланган ота унинг дўстлари билан обдан гаплашди, аммо тайинли бир гап эшитмади. Дўстлари ҳам Расулжоннинг ғамини енгиллата олмадилар. Расулжон ҳеч ким билан очилиб гаплашмади, ҳеч кимга ўз дардини очмади, ҳасратлашмади.

Ниҳоят, Саодат хола келинпошша билан хуфия гаплашиб кўрди. «Ўғлингизнинг эркаклиги йўқ экан», – деб айтилган гап Саодат холанинг елкасига зарб билан урилган тошдан ҳам баттар таъсир қилди. Она бечора ўкириб-ўкириб йиғлади. Бундан Расулжон ҳам хабар топди. Онасининг йиғисига анча вақт мунгли термилиб қараб турди-да, ҳовлидан чиқиб кетди...

Келинг, ҳурматли китобхон, инсоннинг азоб чекишига, изтиробда қолишига, баъзан эса фалокатига сабаб бўлувчи бу дард тўғрисида фикр юритайлик.

Бу дард туғма нуқсон бўлиб, гипоспадия деб аталади. Гипоспадия сийдик чиқариш канали орқа (пастки) деворининг ҳосил бўлмай қолиши билан ифодаланади. Бу нуқсонда сийдик чиқариш канали (уретра деб аталади) ташқи тешиги ўзининг ўрнида, яъни олат бошининг ўртасида

бўлмасдан, унинг вентраль, яъни пастки юзасининг турли жойларида очилади. Сийдик чиқариш канали ташқи тешигининг олат танасининг қайси қисмида жойлашганига кўра гипоспадиянинг бошча, тана, ёрғоқ ва оралиқ шакллари фарқланади. Уретранинг ташқи тешиги олат танасининг бошланғич қисмида, ўртасида, ёрғоқ билан туташган жойларида ҳам очилади. Гипоспадиянинг хордал тури ҳам борки, унда уретра ташқи тешиги ўз меъёрий жойида бўлади-ю, лекин сийдик чиқариш каналининг (уретра) узунлиги олат узунлигидан анча қисқа бўлади. Бундай ҳолда олат ғовак танаси узайгани билан уретра узунлиги ўзгармасдан қолаверади. Шунинг учун йиллар ўтгани сари олатнинг орқа тарафга қайрилиб эгилиши тобора ортаверади.

Гипоспадиянинг энг енгил, яъни бошча шаклида уретра ташқи тешиги олат бошининг айни пасткида жойлашади. Шу жойдан то уретра ташқи тешиги меъёрда бўлиши керак бўлган қисмигача узунасига бириктирувчи тўқима ривожланган. Бу бириктирувчи тўқима меъёрда бўлиши керак бўлган уретра қолдиғи бўлиб, уни хорда тортмоғи дейилади. Унинг узунлиги бола туғилганида қанча бўлса, йиллар ўтиши билан ҳам ўзгармай қолаверади. Боланинг ёши улғайгани сари олат ғовак таналари ҳам узаяверади. Бу табиатнинг ўзгармас қонуни. Аммо хорда тортмоғининг узунлиги бир зайлда қолавергани учун олат боши ички, яъни вентраль тарафга йил ўтгани сари кўпроқ қайрилиб бораверади. Натижада уретранинг ташқи тешиги олат боши билан тўсилиб қолади. Энди сийдик тўғри йўналишда чиқмай, балки атрофга сачраб чиқа бошлайди. Демак, гипоспадиянинг бошча турида балоғатга етган ўсмир йигитларда сийдикнинг сачраб чиқиши кузатилади.

Гипоспадиянинг бу турида саксон фоиз ҳолларда уретранинг ташқи тешиги жуда кичкина бўлади. Бунга меато-

стеноз дейилади. Кўпинча уретра тешигининг атрофини бириктирувчи тўқима ўраб олган бўлади. Боланинг ёши улғайгани сари сийдик миқдори кўпаяверади, аммо бу тешик каттармайди. Бу ҳолда боланинг сийдик оқими ингичка бўлиб, сийдик жараёни узок вақт давом этади. Бу, албатта, меъёрга хос ҳолат эмас.

* * *

Авазжон кейинги пайтларда анча камгап, ўйинларни хушламайдиган, одамови бўлиб қолди. Нимадандир норозидай ўйлангани-ўйланган. У бешинчи синфга ўтгунга қадар қувноқ ва чаққон, ҳаддан ташқари шўх эди. Ота-она ҳайрон бўлиб қолишди. Ахир уларнинг «ерга урса, осмонга сапчийдиган» ўғилларига нима бўлди?

Авазбек онасининг саволларига ҳам жавоб бермади. Отаси роса ўсмоқчилаб сўраб-суриштирганидан кейингина дардини айтди. «Сияётганимни ўртоқларим кўриб қолганидан бери: «Сибизик қилиб сиясан», – деб мени мазах қилишади...» Шундай дедию у йиғлаб юборди. Отаси ташвишга тушиб уни сийдириб кўрди. Ҳақиқатан ҳам, у сияётганида сийдик оқими жуда ингичка бўлиб чиқар, бу пайтда Авазжон ҳаддан ташқари кучанарди. Сийдик оқими ҳам узокқа кетмай, оёқларининг тагига тушарди. Авазбек анчадан бери шундай азоб чекар, аммо дардини ҳеч кимга айта олмай қийналиб юрган экан. Чунки унинг онгида «андиша» деган тушунча шаклланаётган эди-да.

Текширишлардан кейин унда гипоспадиянинг бошча шакли ва меатостеноз борлиги аниқланди. Операция қилинди, яъни уретра ташқи тешигида кенглик ҳосил қилиниб, олат бошига чиқарилди. Операциянинг иккинчи куни унга уйига рухсат берилди. У тамомила соғайди.

Гипоспадия бошча турининг меатостеноз (уретра тешигининг торайиши) ҳоллари вақтида жарроҳлик муолажаси қилинса, боланинг келгуси ҳаёти ташвишлардан холи бўлади. Навқирон йигитлик чоғида бу дарддан асар ҳам қолмайди.

Лекин ҳозирги пайтда ҳам, ота-оналарнинг тиббий маданияти сезиларли даражада ошганига қарамасдан, шу оддий дарддан азият чекувчиларнинг кўплаб учраётгани шифокорларнинг жиддий ташвишига сабаб бўлмоқда. Чунки гипоспадиянинг бу турида уч-тўрт ёшгача ҳеч қандай шикоят қилинмайди. Ота-оналар эса, одатда, уретранинг ташқи тешиги қаерда жойлашганига эътибор беришмайди. Бирламчи текшириш пайтида бу ҳолат врачлар назаридан ҳам четда қолиши мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, боланинг ўсиш жараёнида олат ғовак таналари узаяди, уретра узунлиги ҳам яхши тарафга ўзгаради, бироқ уретра ташқи тешиги катталиги ўзгармайди, балки, аксинча, тораяверади. Боланинг ёши улғайгани сари бўйи ўсади, энига катталашади, сийдик миқдори кўпаяди. Энди уретранинг ташқи тешиги кўпайган сийдик миқдорини мувофиқ равишда ўтказа олмай қолади. Оқибатда сийиш вақти чўзилади. Бундан эса сийдик пуфаги (қовуқ) зўриқа бошлайди. Зўриқиш аста-секинлик билан қовуқ девори мускуллари толиқишига сабаб бўлади ва қовуқ кенгая бошлайди. Бундай жараён уретранинг ўзида ҳам давом этади. Вақт ўтиши билан қовуқ мускулларининг толиқиши кучайиб, кучи камаяверади. Энди сийдикни қовуқдан тўлалигича чиқариш учун боланинг ўзи қорин олдинги мускулларини, яъни деворини таранглаштиради ва яна кучанади. Шунга қарамай, сийдик пуфагида сийдикнинг қолдиқ миқдори кўпаяверади. Пировардида қовуқда, уретрада яллиғланиш бошланади. Шуни унутмаслик керакки,

қаерда сийдик димланиши рўй берса, албатта, яллиғланиш содир бўлиб, у кундан-кунга кучайиб, зўрая бошлайди. Яллиғланиш эса фақат қовуқ ва уретра билан чегараланиб қолмай, балки сийдик найлари ва буйрақларнинг ҳам шу ҳолатга тушишига сабаб бўлади.

* * *

Ярим кеча. Самода юлдузлар порляпти. Тўлин ой ҳам чиқди. Бу ажойиб тунги манзарани ва сокинликни машинанинг шовқини бузиб юборди. Шифохонанинг дарвоза тавақалари зудлик билан ланг очилди-да, машина шитоб билан қабулхона эшиги олдига келиб тўхтади. Машина ичидан боласини кўтариб олган ота, кўз ёшини тўхтата олмаётган она тушиб келишди.

– Доктор, боламизга ёрдам беринглар! У ўзини билмай қолди, ҳушини йўқотди!..

– Мана бу ерга ётқизинглар, – дея кушеткани кўрсатди врач.

– У алланималарни гапириб, кўзларини катта-катта очиб, бир нарсаларни қўли билан кўрсатиб қичқираётган эди. Кейин бирданига жим бўлиб қолди. Шошиб бу ерга олиб келдик. Сиздан илтимос, доктор...

– Ҳозир, ҳозир! Умидахон, боланинг иссиғини ўлчанг! Марҳабохон, тез кислородни уланг, боланинг бурнига тунг!

Врач чаққонлик билан боланинг ёқа тугмаларини, камзулини ечиб ташлади. Кўйлагини кўтариб, юрак уришини эшитиб кўрди. Фонендоскопни қулоғидан олди.

– Болангизнинг дарди нимадан ва қачон бошланди? Қандай овқат еди, нима бердингиз? Навбати билан, аввал сиз гапиринг... – дея врач беморнинг онасига мурожаат қилди.

– Кеча мактабга бормаганди. Қорним оғрияпти деб хархаша қилди, инжиқ бўлиб қолди. Майли, бормасанг бормай қўя қол дедим. Кечга бориб сия олмаётганини айтди. Ўздан-ўзи шундай бўляпти деди. Ўша жойини кўрдим. Ҳеч нарсани пайқай олмадим. Кейин ётқизиб қўйдим. Иссиққина шўрва қилиб бердим. Шўрвани ҳам озгина ичди, холос. Юзига қўлимни текизсам, иссиғи борга ўхшади. Яримта аспириин бердим. Лекин аҳволи ҳеч яхшиланмади. Кейин алаҳдай бошлади. Сизларга югурдик...

– Маҳмуджон ака, иссиғи қирқ экан.

– Ярим миллилитр аналгин, шунча димедрол ва бир миллилитр амидопирин қилинглар. Марҳабо, сиз кислородни салгина кўпайтиринг. Тезроқ қимирланглар!..

Врач қовуқ устининг шишиб қолганига эътибор берди: «Аҳа, боланинг қовуғи анча катталашган, демак, сийдик тўпланган. Тош уретрасига тикилиб қолдимикан-а?»

– Болангизнинг илгарилари сийдиги ранги қизил бўлганми?

– Йўқ, ҳечам унақа бўлганмас, доктор.

– Чинқириб сийган пайтлари-чи?

– Йўқ, ҳечам сезмаганман.

«Демак, қовуғида тош йўқ. Бу ерда бошқа хасталик борга ўхшайди». Маҳмуджон уретрани синчиклаб текшираётганининг кенгайиб кетганига эътибор берди. Унинг кенгайган қисми олат бошига етмасдан тугар, тешиги эса ҳаддан ташқари кичкина, тор эди. Маҳмуджон бирданига енгил нафас олди, аммо аччиғи чиққанлигини яшира олмади.

– Яшанглар-эй! Ўғлингиз анча вақтдан бери сийишга жуда қийналиб юрар экан-у, эътибор бермабсизларда-а?..

Маҳмуджон болани даст кўтарди-да, операция хонасига олиб кириб кетди. Уретранинг тор тешигини ништар билан озгина қирқди. Шу заҳоти зўр куч билан аввал йи-

ринг, сўнгра сийдик отилиб чиқди. Қовуқ устидаги шиш ҳам йўқолди. Ота-она ўғлининг йиғисини эшитиб енгил тортишди.

Бемор бола бир ҳафта даволанди. Унда гипоспадиянинг бошча шакли борлиги, уретранинг ташқи тешиги торайганидан (меатостеноз) уретра, қовуқ ва сийдик найлари кенгайиб, буйракда сийдик димланишидан ўткир яллиғланиш содир бўлган. Оқибатда боланинг иситмаси ҳаддан ташқари кўтарилиб кетган ва ҳушини йўқотган.

Биз шу ерда барча болаларга хос бўлган бир одатни алоҳида таъкидлашни лозим топдик. Болалар катта ёшдаги одамлардан фарқли ўлароқ, ўз дардини яширадилар. Атрофдагиларга билдиргиси келмайди. Агар шикоят жинсий аъзоларга тегишли бўлса, боланинг ўз сирини яшириши яна ҳам ортади. Оқибатда улар қийналиб, азоб тортишиб, то дардини яшира олмай қолгунларича шундай юраверадилар.

Гипоспадиянинг бошча шаклида ҳам, бошқа турларида ҳам оғриқ бўлмайди, биронта безовта қиладиган белгилар сезилмайди. Шунинг учун бу туғма нуқсонни ўз вақтида аниқлаш бирмунча қийин, лекин, шунга қарамасдан, озгина ҳушёр бўлинса, уни ўз вақтида аниқлаш ва болани ёшлигидаёқ даволаш мумкин.

Баъзи ҳолларда уретранинг ташқи тешиги худди бордек, ўз жойида жойлашгандек кўринади. Бу алдамчи ўхшашлик. Агар у озгина кериб кўрилса, таги бекик эканлигини пайқаш мумкин. Асосий тешик эса олат бошининг айни тагида жойлашган бўлиб, сийдик қийинчилик билан оқиб чиқади.

Сийдик чиқариш канали тешигидаги бундай туғма нуқсон туфайли юзага келадиган нохуш ҳодисалар ҳалигача тез-тез учраётганлигини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

* * *

Касалхонага эндигина олти ёшга кирган Раҳматжон исмли болани олиб келишди. У дармони йўқлигидан аранг қимирлар, оёқларини судраб босар, ўн-ўн беш қаддам ташлаганидан кейин ҳансираб қолар ва дам олишга мажбур бўларди. Рангида ранг қолмаган, лаблари кўкариб, базўр нафас олар, кўзлари киртайган. Ингичка бўйни, озгин гавдасига нисбатан катта бошини зўрға тутиб турарди.

Унинг отаси инженер, ойиси эса тарбиячи бўлиб ишларди. Айтишларича, ўғли уч ёшгача ҳеч қандай дардга чалинмасдан, эркин ўсиб-улғайган. Онаси уч ёшдан кейин унинг қийналиб сияётганига эътибор қилади ва врачга олиб боради. Болани кўрган врач унда фимоз (жинсий аъзо кертмаги тешигининг торайиши) бор, операция қилиш керак дейди. Операция ҳам қилинади, яъни кертмак варағи кесиб, олиб ташланади (суннат қилинади). Орадан уч ой ўтгач бола иссиғи чиқиб, қорни оғриётганидан шикоят қилади. Яна касалхонага ётқизишади. Шифокорлар уни буйрағи шамоллаган (пиелонефрит) деган ташхис билан даволашади. Аммо икки ойдан кейин болада яна ўша оғриқ бошланади, иситмаси кўтарилади. «Докторларга кўрсатайлик, даволатайлик», – деган келиннинг гапига норози бўлган онасининг: «Ундан кўра касалхонанинг ўзига кўрпа-тўшак қилиб ёта қолинглар...» – дея тўнғиллашидан кейин ўғил ҳеч нарса дея олмайди. Раҳматжонни уй шароитида ўз билганларича дори-дармонлар билан даволаган бўлишади. Аммо бу дорилар ҳеч қандай наф қилмайди. Шундан кейингина болани яна шифохонага олиб келишга мажбур бўлишади.

Аммо бу пайтга келиб Раҳматжоннинг дадаси автоҳалокат туфайли шифохонага тушиб, узоқ вақт ётиб қолади. На-

кейин амалга ошириш лозимлигини эшитганида отадаги қувонч ўрнини ғам эгаллади. Врачнинг «Буни даволаш унчалик қийин эмас, пластик операция қилинади, насиб этса, дард кўрмагандай бўлиб шифо топади» деган сўзлари ҳам ота кўнглини унчалик хурсанд қила олмади.

Мана улар қабулхонада, ота ҳаяжонда, онада эса кучли тортинчоқлик ва андиша. Улар иккаласи ҳам «Боланинг нуқсонли бўлиб туғилишига менинг айбим йўқмикан?!» деган хаёлни ўзларидан соқит қила олмаётганликлари шундоққина юз-кўзларидан аниқ билиниб турарди.

Ўғилчада гипоспадиянинг тана шакли бор эди. Ота ва она тинчлантирилди. Бола икки ёшида операция қилиниб, уретра тешиги олат бошига чиқариб қўйилди.

* * *

Гипоспадиянинг бу турида уретранинг ташқи тешиги олатнинг тана қисмида жойлашади. Олат танасининг уретра ташқи тешиги жойлашган қисмидан то олат бошигача уретра канали бўлмайди. Унинг ўрнини хорда тортмоғи эгаллайди. Бола улғайгани сари олат танаси ўсади, узаяди, аммо хорда тортмоғи узаймайди. Бола туғилган пайти қандай узунликка эга бўлса, худди шундоқлигича қолаверади. Чунки хорда тортмоғи бириктирувчи тўқимадан иборат. У узаймайди. Натижада олатнинг одатдаги шакли бузилади, яъни у қон билан тўлган пайтда (бу ҳолат эрекция деб аталади) олат тикка бўлмай, балки худди вергулга ёки қармоққа ўхшаб эгилади. Оқибатда сийдик оқими тўғри бўлмай, пастга қараб отилади ва сачраб чиқади. Бола одатдаги болаларга ўхшаб меъёрий равишда сия олмайди. Бу, албатта, боланинг руҳий азият чекишига сабаб бўлади. Энг хатарли томони шундаки, бола балоғат ёшига етганида эрекция пайтида олат тўғри ва таранг турмасдан ёрғоқ томонга

эгилади. Пировардида йигитда лаёқат бўлгани ҳолда, жинсий алоқага кириша олмайди. Алоқа бўлганда ҳам бу ҳол бузилган шаклда бўлиб, қизлик пардаси бутунлиги бузилмасдан қолаверади. Бу эса бепарзандликка олиб келади. Аниқроғи, буни сунъий бепарзандлик деб атаса бўлади.

* * *

Ғуломжон уч ёшга кирибдики, ҳалиям калта иштонини ҳўл қилиб қўярди. Ойисининг: «Қаттагина бола бўлиб қолдинг, айтиб сийгин», – деганлари ҳам кор қилмади. У гўё кулоқсиздай эди. Аввалига она бунга эътибор бермади; кейинчалик ўғлига дўқ-пўписа қиладиган бўлди. Ҳатто бир куни она аччиқ устида яхшигина шапалоқ ҳам урди. Аммо Ғуломжоннинг бу одати қолмади, балки кучайди. У энди серзарда ва тез-тез хархаша қиладиган одат чиқарди. Бир куни отаси унинг жуда «ғалати» сийишини кўриб қолди, хавотирланиб шифокорларга кўрсатди. Шунда врач Ғуломжонда гипоспадиянинг ёрғоқ шакли борлигини айтди.

* * *

Гипоспадиянинг бу турида уретра ташқи тешиги олат танасининг янада пастроғида, яъни ёрғоқ соҳасида жойлашади. Бу ҳолда уретра ташқи тешиги жойлашган қисмидан то олат боши учигача сийдик чиқариш канали мутлақо бўлмасдан, унинг ўрнини калта ва қисқа хорда тортмоғи эгаллайди. Олатнинг қийшиқлиги ҳаддан ташқари ривожланган бўлиб, ёрғоқ томонлари орасида «кўмилиб» ётади. Олат боши билан ёрғоқ ораси жуда қисқа бўлиб, олат қорин девори томонга кўтарила олмайди. Эрекция пайтида эса олат боши ҳатто боланинг тиззаси тарафга йўналиб, сийиш вақти роса бузилган ҳолатда бўлади. Олатнинг қорин

девори томонга қараб тикка бўлишига хорда тортмоғининг қисқалиги имкон бермайди. Гипоспадиянинг ёрғоқ шаклида болалар фақат ўтириб сийишга мажбур бўладилар. Гипоспадиянинг ёрғоқ шакли операция қилиниб, бу норасолик бартараф этилмаса, жинсий алоқа қилишнинг мутлақо иложи бўлмайди.

* * *

Жамшид оилада ёлғиз фарзанд бўлганидан ҳеч нарсага муҳтож бўлмай ўсар эди. Биринчи синфга борганининг дастлабки кунларидан фақат аълога ўқий бошлади. Бир куни у эрталабки нонушта тайёрлаётган онасига:

– Ойижон, бугун мактабга бормасам майлими? Майли дея қолинг, жон ойижон. Бугун борма қўя қолай, – деди.

– Ие, ўғлим! Кеча дарсларингни тайёрладинг-ку! Шеърни ҳам шариллатиб айтиб бера оласан. Бугун ҳам бир эмас, иккита беш оласан, ўғлим!

– Ойижон! Бугун мактабга боргим келмаяпти...

– Мактабга бормасанг бўлмайди, ўғлим. Ёмон бўлади. Учувчи ҳам, олим ҳам, шоир ҳам бўла олмайсан, саводсиз бўлиб қоласан.

– Майли, ойижон! Лекин бормаيمان.

У шундай деб йиғлаб юборди. Ойиси ҳайрон. Ахир унинг бунақа одати йўқ эди-ку!

– Ўғлим, сенга нима бўлди? Нега йиғлайсан ёки бирон жойинг оғрияптими?

– Йўқ! Мактабга бормаيمان...

Жамшид янада баттарроқ йиғлай бошлади.

– Майли, ўғлим, шунчалик бўлса, борма қўя қол. Чарчагандирсан. Дамингни ол.

Онанинг кўнгли юмшади. Жамшид бу сўзни эшитиб жуда хурсанд бўлиб кетди. У ўша куни нуқул уйда ўтир-

ди, ҳар хил ўйинлар билан машғул бўлди. Отаси ҳайрон: «Унинг бирон ери оғримаса, иссиғи жойида бўлса... Эрталабдан бери ўзи билан ўзи овора, ўзи билан ўзи гаплашиб ўйнайди... Нима бўлди экан? Ёки мактабда биров хафа қилдимикан?!»

Онанинг кўнгли безовта бўлиб, мактабга борди. Ўқитувчилари билан учрашди. Ўқитувчиларнинг ундан хурсанд эканлигини, одоби ҳам, дарсларни ўзлаштириши ҳам яхши эканлигини билиб, кўнгли тинчиди.

Жамшид эртасига ҳам худди шундай хархаша қилди. Ойиси бу сафар қаттиқ урушиб берди. У мактабга кетди. Аммо йиғлаб қайтиб келди. Отаси у билан гаплашди:

– Ўғлим, сени мактабда ким хафа қиляпти? Нега мактабга бормаيمان дейсан?..

– Ҳеч ким, – деди-ю, йиғлаб юборди.

Отаси у билан гаплашиш бефойда эканлигини сезди-да, ундан бошқа гап сўрамади. Эрталаб устозининг олдида ўғлини етаклаб кириб борди. Устози Жамшиднинг бошини силади:

– Жамшидбек, сен аълога ўқийсан-ку. Сени ким хафа қилди-а? Ўртоқларингдан қайси бири-а?

Жамшид жим. Уни кўзида ёш айлана бошлади.

– Ие, Жамшидбек! Йиғлама! Сени Дилшод хафа қилаётibdими-а? Авазми? Санжарми? Қани, менга айтгин-чи? Ҳозир улар билан гаплашамиз.

Жамшид ҳеч нарса демасдан яна йиғлаб юборди.

Устози: «Бунинг сабабини албатта биламан, сиз хавотир олманг. Ҳал қиламиз», – деб ваъда берди. Ота ўғлини ташлаб ўз ишига кетди. Аммо кўнглининг бир четида нотинчлик бор эди.

Алишер Муродович ўқувчилари билан бирма-бир гаплашди. Фақат Сатторгина тайинли бир гап айтди:

– Аваз уни мазах қилди сийдиги сачрайди деб. Яна оёғингни кериб сиясан деб кулди.

Устоз воқеанинг тагига етиши учун синчиклаб суриштирди. Асосий сабаб маълум бўлди, болалар «ким сийдигини узоққа чоптирар»га ўйнашибди. Бола ҳали бола-да! Жамшиднинг сийдик оқими ҳар томонга сачраб, кийимларини ҳўл қилган. Буни кўрган ўртоқлари уни роса майна қилишибди. Бор гап шу.

Бу воқеани Алишер Муродович Жамшиднинг отасига айтиб берди. Боладаги касалликни ўз вақтида аниқлаб олишга шу воқеа сабаб бўлди. Шифокорлар кўриб, унда уретранинг ташқи тешиги ёрғоқда жойлашганлигини аниқлашди.

* * *

Холматжон ишчан бригадир. Ҳар йили пахта топшириш режасини ошириб бажаради. Гулдай хотини, ҳовли-жойи, машинаси бор. Ўзига етарлича тўқ оила, ота-онаси ҳам унинг барча ишларига бош-қош. Уларни фақат бир нарса ташвишга солмоқда: мана, саккиз йилдирки фарзандлари йўқ. Ота-онаси ҳам неvara кўриш иштиёқида ўзларини чўғдан олиб чўққа уришади. Нима қилиш керак? Улар ҳам, Холматжон ҳам ўйининг тагига ета олмасди. Хотинининг ҳам хурсандчилик кўчасини тарк этиб, ғам дарёси сувидан ича бошлаганига анча бўлди.

Бир-икки ўтиришда фаҳм-фаросатсизроқ «жўра»ларнинг қалтис ҳазилларини эшитган Холматжон ўзини қарга қўйишни билмай қолди. Бора-бора уйдан ташқарига чиқмай ҳам қўйди. Бир-икки табибларга боришди, фойдаси бўлмади. Ниҳоят, Холматжон ота-онасининг қистови билан шифокорларга учрашди. Ана шундан кейингина узоқ йиллар давомида уни қийнаб келган дард маълум бўлди: Холматжонда гипоспадиянинг ёрғоқ шакли экан.

* * *

Гипоспадиянинг бу турида фарзанд кўрмасликка сабаб нима? Ўқирманга маълум бўлдики, гипоспадиянинг бу хилида уретранинг ташқи тешиги ёрғоқда жойлашади. Ёрғоқнинг худди шу жойидан то олат бошигача ҳеч қандай канал, яъни уретра бўлмайди. Унинг ўрнида хорда тортмоқлари бор, холос. Демак, сперматозоидлар (эркак уруғи) аёл қинига тушмайди. Фарзанд кўрмасликка худди шу сабаб. Холматжон операция қилинди. Жарроҳлик муолажаси муваффақиятли ўтди, ҳеч қандай асорат кузатилмади. Кейинчалик иккита ўғил кўрди.

Кўпинча гипоспадиянинг ёрғоқ тўрида олат ёрғоққа худди ёпишгандек кўринишда бўлади. Негаки хорда тортмоғи жуда ҳам калта бўлиб, олатни ёрғоқ тарафга тортиб туради. Ҳатто эрекция пайтида ҳам олат ёрғоққа ёпишганича қолаверади.

* * *

Зокиржон ўзини бахтиёр сезарди, чунки у севган қизига уйланыпти. Тўй ҳам бўлди. Аммо... уларнинг бахтли турмуши бир ҳафтага чўзилди, холос. Кейинчалик бора-бора кичкина жанжаллар тобора авжига чиқарди. Бунда кўпинча келин ғолиб чиқарди. Орадан кўп ўтмай келин ўз рўзгорини ташлаб ота-онасиникига кетди. Қайнона ва қайнотаси уни қанчалик ҳурмат қилишган эди-я! Ҳатто қайнонанинг уй остонасига кунданланг туриб олиб ялинишлари ҳам келинга кор қилмади, кўнглини заррача юмшатмади. Зокиржон эса бошини қуйи солганича мунғайиб қолаверди. «Ўғлимизнинг аҳволи не бўларкан? У ўз ўртоқлари орасида масхара бўлмасмикан, қишлоқдаги бинойидек обрўйимиз-чи?! Нега бундай бўлди?» Ота-онанинг фикри-зикри шун-

дан нарига ўтмади. Зокиржон эса қишлоқни тарк этди. Янги ўзлаштирилган ерда ишлашга кетяпман дея овоза тарқатдию кетди. Оила бузилди. Бу оила тўғрисида ҳар хил мишмишлар тарқалди.

Зокиржоннинг укаси тиббиёт олийгоҳида ўқирди. У ёзги таътил пайтида акаси билан обдан гаплашди ва уларнинг ажралиш сабабларини тушунди. Зокиржонда гипоспадиянинг ёрғоқ шакли бор экан. У операция муолажасини бошидан ўтказди. Фақат икки марта. Оила эса қайтадан тикланди.

Зокиржон чеккан азоблар, келиннинг аччиқ кинояларига улар ўртасида меъёрий жинсий алоқанинг бўлмагани сабаб эди.

* * *

... Клиникамизга Фотима ва Зухра исмли эгизакларни олиб келишди. Сабаб улар жинсий аъзоларининг ғайритабиий бўлгани экан. Она болаларини чўмилтираётган пайтида буни билиб қолган ва ташвишга тушган.

Ҳар томонлама текшириш асосида эгизакларнинг қиз эмас, балки ўғил болалар эканлиги маълум бўлди. Наҳотки, нега?!

Ҳа, ажабланманг, бу бўлган воқеа! Сабаби – иккала эгизакда ҳам гипоспадиянинг оралиқ тури бор эди.

Бу туғма нуқсонда жинсий олат тенгқур болаларниқига нисбатан кичик бўлиш билан бирга ёрғоққа шунчалик даражада ёпишиб турадики, натижада ёрғоқ ҳам икки тарафга бўлингандай кўринади. Олатнинг қармоққа ўхшаб эгилган ҳолати эса жуда ҳам ривожланган бўлиб, унинг боши ёрғоқ терисини бўрттириб турганидан, ёрғоқ терилари худди катта жинсий лабларга ўхшаб кўринади. Уретранинг ташқи тешиги ҳам оралиқда жойлашади. Мана шу

сабабдан ҳам ўғил боланинг жинсий аъзолари худди қизларники каби бўлади. Мана шу сабабдан ўғил бола худди қиз болаларга ўхшаб сияди.

Гипоспадиянинг оралиқ тури билан туғилган болаларни туғруқхоналарда юзаки қараш оқибатида қиз бола туғилибди деб ўйлашади ва шунга мувофиқ қизларнинг исми қўйилади.

Китобхонни, албатта, Фотима ва Зухраларнинг кейинги тақдири қизиқтирса керак. Биринчи кундан бошлабоқ уларнинг исми Ҳасан ва Ҳусан деб ўзгартирилди. Пластик операция қилинди. Ташқи жинсий аъзоларининг ҳолати, уретра канали ва тешиги меъёридек тикланди.

Демак, гипоспадиянинг оралиқ турида болага туғилган пайтидаёқ жиддий эътибор берилмаса, катта хато рўй бериши тайин. Одатда, боланинг жинсини туғруқхонадаги шифокорлар аниқлайдилар. Улар бу масъулликни ҳис қилишлари шарт ва зарур. Афсуски, туғруқхоналарда шу кунларгача бу масъулликни тўлиқ ҳис этувчи ва жавобгарликни сезувчилар қаторида ўз бурчини унутиб қўйганлар ҳам топилади. Шунинг учун ҳам туғруқхоналарда жинси нотўғри аниқланган болалар тез-тез учрамоқда. Улар чақалоқлар жинсий аъзоларида тегишли норасоликлар бўлиши, уларни эрта ташхислаш муҳим эканлигини унутиб қўйганларида бунинг оқибатида оилаларда қандай кўнгилсиз ҳоллар рўй беришини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Зеро, ота-оналар, одатда, шифокорга ишонадилар ва жинси нотўғри аниқланган болани одатдагидай тарбиялайверадилар. Бундай тарбия боланинг жинсига мувофиқ бўлиши табиий. Йиллар эса ўтаверади. Бола ҳам ҳеч нарсадан безовта бўлмай ўсаверади.

Тўғрисиани тан олиш керак, одатда, ота-оналар ўз фарзандлари жинсий аъзолари тузилишига эътибор

қилмайдилар. Акс ҳолда, юқоридагига ўхшаш нохуш ходисалар учрамаган бўларди. Фарзандларининг ёрқин келажagini ўйлаган ота-оналар гуноҳсиз жажжи чақалоқда бўлган ва бўлаётган ўзгаришларга жиддий эътибор беришлари, вақти-вақти билан мунтазам равишда уни болалар шифокорига (педиатр) кўрсатиб туришлари шарт.

* * *

Хирургия бўлимига ёш она қизчасини олиб келди. Иккинчи фарзанд экан. Она қаттиқ ҳаяжонда. Кўнгли нотинч. Қизчасининг жинсий аъзоси бошқачароқ тузилганига эътибор бериб шифокор қабулига олиб келган. Гўдак текширилганида эса унинг ўғил бола эканлиги маълум бўлди. Онага: «Болангиз қиз эмас, ўғил экан. Гувоҳномасини тезда ўзгартиринг. Исмини ҳам бошқа қўярсизлар, насиб этса, унинг бешта ўғли, бешта қиз фарзандлари бўлади», – деб айтилганида она пиқиллаб йиғлади. Тутилиб-тутилиб, кўз ёшларини арта-арта сўзлай кетди: «Мана, уч ойдирки эрим яна қиз туғдингми, ичинг тўла қиз экан-да деб қийнагани-қийнаган. Роса эзилиб кетдим. Эй Худо, куним ёруғ бўлди».

Она хурсандлигидан йиғлаётган эди, чунки катта хатонинг олди ўз вақтида олинган, бунинг устига, аёл эрининг пичинг-дашномларидан қутулган эди. Бола операция қилинди. Исми Бахтиёр деб ўзгартирилди.

Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди-да. Бунга фақат афсус дейиш керак, холос...

* * *

... Шифокорнинг ҳузурига норғул йигит ўғилчаси билан кириб келди.

– Ассалому алайкум, доктор. Сизнинг ҳузурингизга бир илтимос билан келдим. Шу, шу, ўғлимни кўриб, ўз фикрингизни айтсангиз...

– Бемалол, хўш, кичкинача нимадан шикоят қиляпти?

Аслида, шикоят йўқ. Булбулчасини кўрсангиз. Соққалари борми ёки йўқми?..

– Қани, йигитча, мана бу ерга ётинг-чи...

Шифокор кушеткада чалқарамон бўлиб ётган болани синчиклаб текширди. Аввал юрагини, ўпкасини эшитиб кўрди. Қорнини пайпаслади. Сўнгра булбулча ва соққаларини обдан кўздан кечирди.

– Ўғлингизнинг тиббий жиҳатдан ҳеч қандай камчилиги йўқ, соппа-соғ.

– Раҳмат, докторжон, раҳмат. Сиз... сиз мени танимадингиз-а?

– Йўқ, танимадим. Кимгадир ўхшатдим-у, лекин аниқ эслай олмадим.

– Мен... мен аввалги Шоҳистаман-ку, ҳозирги Шокир...

– Ие, Шокиржон, бу сенмисан, танимайдиган норғул бақувват, барваста йигит бўлиб кетибсан-ку. Нега мени тўйингга таклиф қилмадинг, албатта борардим.

– Отам билан сизни қанча қидирдик. Ўша пайти хориж сафарига кетган экансиз. Ўзимизга ҳам ноқулай бўлди, ака. Аммо, мана, фарзандли бўлдим. Сизга чин дилдан катта раҳмат!

Шифокор Шокиржон билан гаплашяпти-ю, лекин бир неча йиллар олдин бўлиб ўтган воқеалар кўз олдидан бир-ма-бир худди кино лентасидек ўта бошлади...

* * *

... Шифокор ҳузурига 20 ёшга кирган қизни олиб киришди. Сочлари тақимига тушган, европача кийинган

қизга кўзи тушди ва кўриниши ғалати-ю, намуноча юзида кўполлик, ҳеч ҳам майинлик йўғ-а деб ўйлади.

Сўрашишлардан кейин қизнинг отаси гап бошлади:

– Докторжон, сизнинг ҳузурингизга қизим масаласида келган эдик. Юриш-туриши, одоби ва муомаласи эмас, унинг ташқи кўриниши ўзгариб бораётгани бизни хавотирга солмоқда. Юз тузилиши, елкаларига қаранг. Елкалари кенг, товуши дағал, ҳатто энди мўйлов ҳам чиқа бошлади. Ҳайронман. Тушунмай келдим. Шоҳиста қизимизнинг ўзи ҳам ҳайрон. Қизим, сен бир минутга чиқиб тургин...

Бир оздан кейин ота чуқур нафас олди-да, шошмасдан яна гап бошлади:

– Онасидан секин сўраб кўрдим. Ҳали балоғат ёшига етгандаги аломати мутлақо бўлмабди. Хавотирландим. Ҳамма умид сиздан.

– Қизингизни мен билан 5 дақиқа холи қолдирсангиз, яхшилаб гаплашиб кўрай-чи...

Шифокорнинг гумонлари тўғри чиқди. У, аслида, қиз бола эмас, балки ўғил бола экан. Туғруқхонада жинси нотўғри аниқланган. Қиз бола йўналишида тарбияланган. Бироқ энди унинг ички секреция гормонлари миқдори кўпайиб, қиз бола эмаслигини аста-секинлик билан ошкор қилмоқда эди.

Шоҳиста уч марта, икки ой оралатиб-оралатиб ўтказилган жарроҳлик муолажасидан кейин Шокирга айланди. Ана энди ўғил фарзанди бор. Ўғлимда ҳам бирон-бир камчилик бўлмасин тагин, балки, мендан ўтган бўлиши мумкин дея хавотирланиб шифокор ҳузурига келган экан.

* * *

Шу жойда мавзудан бир оз четлашсак, китобхон бизни маъзур тутар деб ўйлаймиз.

Фарзанднинг ўғил ёки қиз бўлиши эркакка боғлиқлиги ҳозирги пайтда фан томонидан аниқ ва равшан ўз тасдиғини топган. Маълумки, одам ҳужайрасининг ядро қисмида хроматин деб аталган модда бўлади. Ҳужайра бўлиниб кўпайиши олдидан мана шу хроматин алоҳида таначалар ҳосил қилади. Хромосомалар инсонда 23 жуфт бўлади. Уларнинг охириги бир жуфти эркакларда бошқача, аёлларда ўзгача бўлиб, улар сони меъёрий ҳолатда ҳеч ҳам ўзгармайди. Эркакларда бу жуфт иккита ҳар хил хромосомадан иборат. Улардан бир X, иккинчиси эса Y хромосомалардир. Аёлларда эса Y хромосома йўқ. Иккаласи ҳам X хромосомалардир. Уруғланиш пайтида сперматозоидлар билан тухумдон ҳужайраси учрашади. Сперматозоидлардан битта ёки иккитаси (бу ҳолда эгизак туғилади) танланиб, тухум ичига киради. Уруғланиш натижасида хромосомалар сони 46 тага етади. Агар сперматозоидда X хромосома бўлса, бўлажак фарзанд қиз бўлади. Мабодо Y хромосомали сперматозоид тухум ичига кирган бўлса, ўғил бола дунёга келади. Демак, XX қиз, XY ўғил бола дегани. Бу қонун. Хромосоманинг Y тури фақат эркакларга хос бўлгани учун фарзанднинг қайси жинсда туғилиши фақат уларга боғлиқ. Аёл тухумининг X хромосомали ёхуд Y хромосомали сперматозоидни танлаши аёл кишининг хоҳиш-иродасига мутлақо боғлиқ эмас.

Модомики шундай экан, бўлғуси фарзандини тўққиз ой тўққиз кун ўз қалбининг энг турида авайлаб кўтарган она қиз туғса, эрининг аччиқ гапларини эшитиш унга қанчалик оғир ва залворли зарба эканлигини тушуниш қийин бўлмас. Онани севинтириш, табриклаш, кўнглини кўтариб, унга хурсандчилик бахш этиш ўрнига ўринсиз таъналар, маломат тошларини отадиган эрни жоҳил, нодон ва билимсиз одам дейиш ҳам камлик қилади. Аслини олганда, қиз бола дунёга келса, бунга эр сабаб бўлишини билган аёлнинг ал-

лақандай бир тушуниб бўлмайдиган таажжуб билан қараб қўйиши эркак учун етарли. Йўқ, оналар бундай қилишмайди, чунки улар учун қиз ҳам, ўғил ҳам бебаҳо гавҳар.

* * *

Энди асосий мавзуга қайтсак. Гипоспадиянинг оралиқ тури аксарият ҳолларда жуда кеч аниқланади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар хил асоратлар содир бўлишига олиб келади.

Бизнинг клиникамизга 7 яшар гўдакни олиб келишди. Ота-она қизчаларидаги баъзи ўғил болаларга хос характерни, ғалати қилиқларни анчадан бери кузатиб келишган, бироқ бу шунчаки болаларга хос хусусият дея аввал парво қилишмаган. Масалан, у ҳечам қўғирчоқ ўйнамас, ўта шўх, акалари билан кураш тушар, уларнинг кийимларини кийиб безор қиларкан. Ота-она қизидаги бу қилиқларни тўрт ўғилнинг орасида ўганидан деб ўйлаб олдинига эътибор беришмаган. Кейинги пайтларда эса унинг овози дағаллашиб, ҳаракатларида қиз болаларга хос хусусиятлар бутунлай йўқолган. Дугоналари билан ўйнамай, нуқул ўғил болалар билан турткилашар, копток ўйнар экан. Бундан хавотирланган она шифокорларга мурожаат қилишни турмуш ўртоғига таклиф қилган. Аниқ ва мукамал текширишларимиздан кейин ота-онага фарзандларининг ўғил бола эканлигини айтганимизда улар жуда ҳайрон бўлишди. Ҳаётда шундай ҳодисалар учрашини айтиб, яна бир-иккита шундай операция қилинган болаларни кўрсатганимиздан кейингина улар операцияга розилик беришди. Бола операция қилинди, исми ҳам ўзгартирилди.

* * *

... Муҳаббат исмли қиз тиббиёт олийгоҳининг 5-босқич талабаси. Амалиётни ўташ пайтида бир гуруҳ талабалар

бемор болалар ва уларнинг касаллик варақалари билан танишганларида уларнинг диққатини бир бемор қиз ўзига жалб қилди. У гипоспадия норасолиги билан туғилган ва унда операциянинг охири босқичи бажарилган эди. Муҳаббатхон шу беморнинг касаллик варақаси билан обдан танишиб чиқди. У ерда баён этилган қизнинг ҳаракатлари, қилиқлари унинг синглисида ҳам бор эди.

Муҳаббатнинг синглиси 8 ёшга кирган, нуқул ўғил болалар билан ўйнайди. Акаси ёки укасининг шимини кийиб қочиб қолади. Йиллар ўтаверди. Унинг дўстлари ҳам ўғил болалар. Мактабда ўғил болаларга хос ҳаракатлари билан устозларини ҳайрон қолдирарди. Ота-онаси ҳам, устозлари ҳам: «Сен, аслида, ўғил бола бўлиб туғилишинг керак экан», – деб қўйишарди. Унинг безорилиги, шўхликлари онасининг ҳам жонига теккан эди. Бу воқеаларнинг ҳаммасини кўз олдидан ўтказган Муҳаббатхон эртасигаёқ уйига кетиб, синглиси билан қайтиб келди. Атлас кўйлак кийиб олган 8 ёшлар атрофидаги қизнинг сочи товонига тушар, бўй-басти келишган, ҳаракатчан ва эпчил, аммо сабр-тоқати кам эканлиги шундоққина кўзларидан билиниб турарди.

Муҳаббатхоннинг тахмини рост чиқди – «синглиси» ўғил бола эди. Унга: «Сен ўғил боласан! Исминг бугундан бошлаб Жамолиддин бўлсин», – дейишганида қанчалик хурсанд бўлганини кўрсангиз эди. Унинг сочларини ўғил болаларникидек қилиб калталатишди, кийимлари ўзгартирилди. Операциянинг барча босқичлари муваффақиятли тугалланди. Туғруқхонада йўл қўйилган хато кеч бўлса-да тузатилди. Бола ўз жинсига қайтарилди.

* * *

Лекин ҳамшиша ҳам гипоспадиянинг оралиқ турида қиз деб тарбияланаётган болаларнинг характери айнан ўғил

болаларникига ўхшайди дейиш катта хато бўлади, албатта. Чунки баъзида болалар ўзларини қиз бола деб онгига чуқур сингдириб олади. Оқибатда уларда қизларга хос табиат шакллана боради. Шу боис бундай болалар операция қилиниб, ўз жинси сафига қайтарилгач жуда кўп муаммолар пайдо бўлади. Бунда нафақат боланинг нерв тизими катта зарбага учрайди, балки ота-оналари ҳам руҳан қийналишади, азоб чекишади. Ҳатто ҳар хил бўлмағур гап-сўзлар ва ғийбатлардан қочишиб, оила бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Ўз ҳаётларида рўй берган бу нохуш ҳодиса бутунлай унутилиши учун мутлақо бегоналар орасида яшашни афзал кўришади. Албатта, бундай пайтларда ота-оналарга, қариндош-туғишганларга қийин бўлади.

Хўш, гипоспадияни ўз вақтида аниқлаш учун нималар қилиш, нималарга эътибор бериш ҳамда қандай чоралар кўриш керак? Бунинг учун, биринчи навбатда, туғруқхонанинг масъул шифокорлари бу норасолик тўғрисида етарли тушунчага эга бўлишлари шарт. Иккинчидан, бола туғилган заҳотиёқ ҳар томонлама чуқур текширилиши шарт. Минг афсуски, кўп шифокорлар туғилган боланинг юрагини ва ўпкасини эшитиб, нафас олишига эътибор беришади, холос. Улар ўзларининг бундай совуққонликлари келгусида инсонлар бошига қандай ғам-ташвишлар келтиришини, ҳатто айрим вақтларда фожиаларга сабаб бўлишини унутмасликлари керак. Шифокорлик касби қасамёди бундай хатоларни асло кечирмайди.

Чақалоқдаги бу туғма дард туғруқхонада шифокорнинг айби билан аниқланмади ҳам дейлик, аммо фарзанднинг ота-онаси-чи?! Наҳотки, улар, айниқса, она чақалоғини йўрғаклаётганида, ювинтираётганида унинг жинсий аъзоларига эътибор бермаса! Майли, тўнғичини туққан оналар

бунга эътибор бермади ҳам дейлик. Лекин қайнонаси-чи?! Кўп фарзандли ота-оналари-чи?!

Бола ўсиб-улғаяр экан, ўзидаги туғма нуқсонни англамаслиги мумкин. Кўпинча шундай бўлади ҳам. Сизган ва билган тақдирда ҳам, ёш болалар тортинчоқ, уятчан бўлишади, оқибатда дард сирлигича қолаверади. Мактаб ёшидаги бола эса ўзидаги бу камчиликни билган тақдирда ҳам уни ўз ўртоқларидан яширади, кўпинча бундай бола ўзини тенгқурларидан олиб қочади. Чунки норасолик уларнинг руҳиятига яхшигина салбий таъсир кўрсатади.

Гипоспадия норасолигида кўпинча болани ҳеч қандай оғриқ ёки нохуш аломатлар безовта қилмайди. Натижада ота-она ҳам, боланинг ўзи ҳам дардига нисбатан парвойи палак, норасолик эса ривожланиб бораверади. Балоғат ёшидаги ўсмирларда уят ва ғурур етилган. Энди улар ким билан гаплашишни, дардлашишни билишмайди, «ўз ёғларига ўзлари қоврилиб» юраверадилар. Вояга етиб, ҳатто никоҳдан ҳам ўтиб олишади. Оқибатда қандай кўнгилсизликлар, ҳатто фожиалар содир бўлишини юқоридаги мисолларда кўрдик.

Шунинг учун ҳам бундай беморларни эрта аниқлаб, вақтида операция қилиш уларнинг келажакда бахтли ҳаёт кечиришларида жуда муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак.

Аҳолининг тиббий маданияти анча ўсганига қарамасдан, ҳатто ҳозирги пайтда ҳам гипоспадиянинг оғир шаклларига дучор бўлган йигитлар учраётгани, уларнинг сони камаймаётгани ташвишга соларли ҳолдир. Тўй бўлишидан анча олдин аввал кўриқдан ўтиш қонун билан белгилаб қўйилганига қарамасдан, бу ҳолнинг давом этаётгани эса жуда ажабланарли. Яъни бундан шундай хулоса келиб чиқади: тиббий кўриқдан ўтказиш учун масъул

қилиб тайинланган шифокорлар ўзларининг вазифасига совуққонлик билан ёндашмоқдалар. Аслида, бу норасолик анча аввал, профилактика кўриклари пайтида аниқланиши керак эди. Демак, хулоса қилиш мумкинки, профилактика тарзида ўтказилиши керак бўлган тиббий текширишлар ҳам ҳали ўзининг меъёрий даражасига етмаган, боғча ва мактабларга бириктирилган шифокорларнинг ҳали маърифий ва тиббий жиҳатдан зуваласи пишиб етилмаган.

Биз юқорида гипоспадия нуқсони, унинг инсон тақдирига қанчалик қуюқ соя солиши, касалликни аниқлаш ва қисман операция қилиб даволаш ҳақида сўз юритдик. Энди унинг келиб чиқиши, яъни ушбу дардга сабаб бўлувчи омиллар устида тўхталиб ўтамиз. Гипоспадиянинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш эса, худди бошқа касалликларда бўлганидек, унинг камайишига, содир бўлишининг олдини олишга ёрдам беради.

Айтиб ўтганимиздек, аёл ҳомиладор бўлган дастлабки кунларданок унинг организмида жуда мураккаб сифат ва миқдор ўзгаришлари вужудга келади. Айниқса, ички секреция безлари ишида ўзига хос жараёнлар содир бўлади. Бу безлар ўта фаол моддаларни қонга чиқариб, бошқа ички аъзоларнинг иш фаолиятига таъсир ўтказади. Агарда ҳомила ўз меъёрида кечаётган бўлса, бу фаол моддаларнинг салбий таъсири ҳеч қачон рўй бермайди. Мабодо ташқи ёки ички салбий сабаблар оқибатида меъёрда қайсидир даражада бузилишлар рўй берса, ўта фаол моддаларнинг таъсир кучи ҳам ўзгача бўлади. Бу ўзгачалик бўлажак онанинг руҳий кайфиятига, асабига, қон томир тизимига таъсир қилиб, унинг характери ўзгаради, кайфият ёмонлашади, нозиклашади, ҳар хил энгил-елпи, ҳазил-хузул гапларни ҳам жиддий қабул қила бошлайди. Бу эса ривож-

ланаётган ҳомилага ўз таъсирини ўтказади. Айниқса, ҳомила ривожланишининг учинчи ҳафтасида унда жинсий аъзолар шакллана бошлайди ва 12 – 13 ҳафталик даврида тўлиқ шаклланиб бўлади.

Жинсий аъзоларнинг шаклланишига ҳомила ички секреция безларининг эмас (улар ҳали тўлиқ иш вазифасини бажаришдан анча йироқ), балки бўлажак она ички секреция безларининг (буйракусти безлари, гипофиз ва эпифиз, тухумдонлар) қандай ва қай даражада ишлаши қатта таъсир кўрсатади. Чунончи, шу давр ичида ҳомиладор аёл асабининг зўриқиши (ҳаяжонланиш, жанжаллашиш, қаттиқ хафа бўлиш, қўрқиш, алам, ғам-ғусса, изтиробдан йиғлаш ва ҳоказолар) оқибатида ички секреция безлари зўриқадди, яъни стресс ҳолати рўй беради. Натижа эса маълум: аёлларнинг жинсий гормони бўлмиш эстрогенлар қонга ортиқ миқдорда чиқарилади. Буни меъёрий ҳолат ва но-меъёрий ҳолат ўртасидаги муваққат вазият деб тушуниш керак. Агар стресс ҳолати узоқ давом этадиган бўлса, нерв тизимининг ҳаддан ташқари руҳий зўриқишидан хасталик вужудга келади.

Тасаввур қилинг, ҳомиладорликнинг 3 – 12 ҳафтасида стресс ҳолати содир бўлди дейлик. Юқорида айтиб ўтганимиздек, жинсий гормон – эстрогенларнинг миқдори қонда бир неча баробар ошади. Она қонидаги бу гормонларнинг бир қанча миқдори она организми билан ҳомила ўртасидаги қалқон-плацентанинг ҳимоя кучларини ёнгиб, ҳомила организмига ўтади. Ана энди шу гормонлар ҳомила жинсий аъзоларининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади. Масалан, агар ҳомила қиз бўлса, унинг туғилган пайтидаёқ кўкрак безлари анча катталашган бўлади. Бундай сут бези учидаги тешикчаларидан ҳатто ўғиз сути ҳам ажралиши эҳтимолдан холи эмас. Қизалокдаги сут безларининг бундай

катталашуви унинг 17 – 18 кунлигида тўлиқ барҳам топади. Чунки онадан ўтган жинсий гормонлар худди шу кунлари қизалоқ организмдан буйрак орқали тўлиқ чиқиб улгуради. Агар ҳомила ўғил бўлса-чи? Стресс туфайли қонда ниҳоятда кўпайган эстрогенлар ўғил бола жинсий аъзоларининг ривожига тескари таъсир кўрсатади. Оқибатда бола гипоспадия нуқсони билан туғилади. Стресс ҳолати қанчалик кўп ва узоқ, шунингдек, кучли миқдор билан таъсир этса, эстрогенларнинг қондаги улуши ҳам шунчалик кўп бўлиб, гипоспадия туғма нуқсони ҳам шунга яраша оғир шаклли бўлаверади. Демак, шу даврда онанинг ҳаяжонланиши, изтироб чекиши, ғам-ташвиш тортиши қанчалик тез-тез ва кучли бўлса, гипоспадиянинг шакли ҳам оғир бўлади. Масалан, стресс ҳолати енгил ва қисқа бўлса, гипоспадиянинг бошча ёки тана шакли, кучли ва давомли бўлган бўлса, ёрғоқ ёки оралиқ шакли вужудга келиши мумкин.

* * *

Гулноранинг турмуши яхши бўлмади. У билан қайнонаси ўртасида тез-тез жанжал чиқиб турар, у бундан қаттиқ хафа бўларди. Ҳомиладор бўлганида ҳам бу жанжал ва ўзаро дилозорликлар давом этаверди. Шу сабабданми ёки эрининг бир марта қаттиқ ҳақорат қилгани бўлди, ҳар қалай, биринчи боласи муддатидан олдин туғилдию нобуд бўлди. Бунга у кўп куйинди. Аммо қайғуришнинг фойдаси йўқлигини ҳис этиб, иш билан ўзини овута бошлади. Орадан икки йил ўтди. У энди қиз кўрди. Унга Баҳора деб исм қўйишди. Баҳора иккига тўлди. Гулнора ўзида йўқ хурсанд. Орадан бир йил ўтиб унинг кўнгли яна аччиқ таомларни тусай бошлади. Кунларнинг бирида ер қаттиқ силкинди. Баҳора бехосдан қаттиқ чинқириб юборди. Шунда Гулнора қаттиқ қўрқиб кетди. Бир оздан кейин қорнининг пасти тортиб-тортиб

ва ўқтин-ўқтин санчиб оғрий бошлади. Аста-секин оғрик зўрайди. Зудлик билан тез ёрдам машинасида аввал жароҳлик, кейин гинекология бўлимига олиб боришди ва шу ерга ётқизишди. Гулноранинг айтишига қараганда, тегишли муолажалардан кейин санчиқ бутунлай йўқолган. Аммо бу вақтда у доимий ҳадик билан яшади. Унинг эси-дарди «ҳомиламга ҳеч нарса бўлмадимикан?» деган хавотирда эди. Вақти-соати етганда Гулнора яна қиз кўрди. Аммо бир куни қизчасини ювинтираётганида унинг ташқи жинсий аъзолари бошқачароқ эканини сезиб қолди. Ташвишга тушди. Ташқи томондан қараганда беш ойлик чақалоқ жинсий аъзоларининг тузилиши унинг қиз бола эканлигига шакшубҳа туғдирмас эди. Фақат жинсий лаблари икки томонга кериб кўрилсагина тамоман ўзгача кўринишни пайқаш мумкин. Чунки бундай ҳолатда жинсий олат жуда кичкина бўлиб, ёрғоқ териси ичига «кўмилиб» қолади, сийдик канали (уретра) ташқи тешиги эса оралиқда жойлашади. Ёрғоқ териси икки тарафга ажралгани учун худди катта жинсий лабларга ўхшаб кўринади. Шу сабабдан ҳам Гулноранинг асли ўғил боласини қизалоқ деб ўйлашган. Гипоспадиянинг оралиқ шаклида бу каби хатолар амалиётда ҳозирги пайтда ҳам кўп кузатилмоқда. Бу норасолик шакли тўғрисида кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Ҳомиладорликнинг биринчи кунидан бошлаб бўлажак она ва ота, бутун оила аъзолари боланинг соғлом ва дуркун, ҳеч қандай норасолик ва камчиликларсиз туғилиши тўғрисида қайғуришлари шарт. Фарзанднинг соғлом бўлиши – ота-онанинг бахти. Шунингдек, бу тўғрида қайнота ва қайнона ҳам ўз масъулиятларини ҳис этишлари керак. Аёл бошқоронғи бўлган дастлабки пайтдан бошлаб жуда тинч, хотиржам бўлиши, асабийлашмаслиги, оғир юмушларни бажармаслиги лозим. Бу ҳолнинг шундай бўлиши

айни зарурат эканлигини оиланинг барча аъзолари бирдек тушунишлари зарур.

Ҳомиладор аёл нафақат оилада, балки иш жойида ҳам ўзини эҳтиёт қилиши, бўлар-бўлмаста асабини бузмаслиги лозим. Бунинг учун жамоада яхши муҳит бўлишини таъминлашга эришмоқ керак. Зеро, ҳомиладор аёл организмида мураккаб моддалар алмашинув жараёни жадал кечади. Шу туфайли унинг асаб тизимида бирмунча ўзгаришлар пайдо бўлади. Улар салга аччиқланадиган, шовқинни ёқтирмайдиган, жаҳддор, тез чарчайдиган бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёлларнинг иш шароитларини яхшилаш ва овқатланиш режимини тўғри ташкил қилиш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳомиладор аёлларнинг аксариятида таъм ва ҳид билиш аъзоларида мураккаб ўзгаришлар юзага келади. Улар баъзи бир ҳид ва овқатларни ёқтирмайдилар ва, аксинча, қайсидир мева-чеваларни ёки овқатни кўнгиллари тусаб қолади. Бу эса уларнинг инжиқликларидан эмас, балки организмнинг талабидир. Яна ҳам тўғрироқ айтадиган бўлсак, бу талаб ҳомилага тегишли. Чунки ҳомила организмида қайсидир бир моддага, элементга ёхуд витаминга танқислик пайдо бўлса, у бу ҳолни онага билдиради. Шу сабабли ҳомиладор аёл нимани егиси келса ёки кўнгли тусаса, тезда муҳайё қилиш лозим. Бу, айти пайтда, стресснинг ҳам олдини олади.

* * *

Хадичахон севиб-севилиб турмуш қурди, аммо бахтли бўла олмади. Чунки у турмушнинг дастлабки кунлариданок ҳаётнинг аччиқ синовларига учрай бошлади: икки фарзанди бир ёшга етмасдан нобуд бўлди. Учинчиси қиз туғилди, отини Юлдузхон қўйишди. Юлдузхон тўрт ёшга кирганида Хадичахон ўғил кўрди, лекин у ҳам тезда нобуд бўлди. Унинг

юксак орзу-умидлари чилпарчин бўлди. Бунинг устига, эрининг пичинглари, аччиқ-аччиқ тагдор гиналари унинг жон-жонидан ўтиб кетарди. У шифокорларга учрашди. Мақсади яна фарзанд кўриш ва уни асраб қолиш эди. Олган муолажалари зое кетмади, ҳомиладор бўлди. Оилада эса ҳамон жанжал, келишмовчиликлар давом этарди. Эри уни доим камситар, ҳеч сабабсиз бақир-чақир қилар, хотинининг яхши муомаласидан ҳам қийиқ ахтарарди. Аёл бечора барига чидади. Билдирмай кўз ёши қилар, эзилиб, сиқиларди. Кўнгли тусаган овқатларни ейиш нари турсин, бу тўғрида ҳатто гапира олмасди ҳам. Қанча изтироблар, дилзорликлар кўрмади дейсиз. Кўзи ёрийдиган бўлди. Қиз кўрди – кўнгли анча ёришди. Умид билан унга Орзигул деб исм қўйди. Орадан икки ой ўтди. Она қизалоғини текширишга олиб чиққанида шифокор уни обдан кўздан кечиргач қизалоқнинг жинсий аъзолари нотўғри шакллангани, аммо ҳозир унинг қайси жинсга мойил эканлигини аниқлаб бўлмаслигини, шунинг учун ҳар ойда келиб кўрсатиб туришлари кераклигини айтди. Онанинг дили яна вайрон бўлди. Дардини ичига ютди. Оилада жанжал яна кучайган. Эри: «Менга ўғил керак, қиз бола фарзандлик қилармиди, у бировники», – деб ҳақорат қилишда давом этарди. Охири бо-риб пичоқ суякка қадалганида Хадичахон чидай олмади ва ажралишга мажбур бўлди.

Орадан тўрт йил ўтди. Бир куни Орзуғулнинг қорни оғриб қолди. Она уни дарҳол шифокорга кўрсатди. Уни ҳар томонлама текшириб кўрган шифокор Орзигулда ўткир аппендицит (чувалчангсимон ўсимтанинг яллиғланиши) хуружи борлигини аниқлади. Операция асоратсиз бўлди-ю, лекин учинчи куни Орзигулнинг пешоби тутилиб қолди. Шифокор беморнинг қовуғини найча ёрдамида пешобдан бўшатди-да, Хадичахонни ўз кабинетига чақирди. Хато ўтибди. Бу хатони

тезда тузатиш керак. Фарзандингиз қиз эмас, балки ўғил бола. Болангиз тагин бахтсиз бўлиб юрмасин деди. Шифокор операциянинг оғир эмаслигини, охири хайрли бўлишини онага ётиғи билан тушунтирди. Онанинг кўнглида катта умид учқунлари пайдо бўлди, Тошкентга қараб йўл олди. Орзугул операция қилинди. Бахтиёр деб исм қўйишди. Орадан беш йил ўтди. Бахтиёр соғ-саломат ўсди. Мактабга қатнай бошлади. Эри эса бир кун ўзи кечирим сўраб Хадичахонинг олдига бош эгиб келди. Хадичахон уни кечирармикан?

* * *

Ҳаёт мураккаб. У фақат қувончдан иборат эмас. Ўзига хос ташвишларни баҳам кўриб, биргаликда ҳал қилишса, оилада қувонч қулгулари жилваланади. Эр ва хотин, хотин ва эр буюк жуфтлик, шу жуфтлик туфайли инсоният ер юзида яшайди ва яшайпти. Мана шу жуфтлик орасида бир-бирига меҳрибонлик, меҳр-муҳаббат, юксак ишонч, энг асосийси, чин дўстликнинг олий ришталари олтин занжир каби жипс боғланиб туриши шарт.

*Ҳаёт гам-ташвишлари азалдан мавжуд,
Қутулмоқ илинжида титрайди юрак.
Томирда қон қотсаю музласа вужуд,
Қутулмоқ учун, айтнинг, не қилмоқ керак?
Ёлғизлик юрагини кемирса баттар,
Оҳ деган оловдан куйса димоғи,
Кўнглига қуюн каби ёғилса хатар,
Тайин-ку юракнинг ҳам қон ёрилмоғи.
Истагим: шу инсоннинг дардли онлари,
Севинч балқиса гамга чўмган юзидан,
Кўпирса юракнинг ҳам ёниқ қонлари
Дўстнинг айтган бир оғиз малҳам сўзидан!*

Ҳомиладор аёлнинг кўзи ёриганида ёнида туриши керак бўлган энг яқин, азиз ва меҳрибон дўсти эри бўлади! Аёлнинг бир умрлик турмуш ўртоғи-ку, ахир. Кўнглининг бир чети кемтик бўлиб турган аёлга энг яхши малҳам сўзларни энг яқин қадрдон дўсти бўлган эри айтмаса, яна ким айтиши мумкин?!

* * *

Шифокор қабулхонасида икки яшар боласи билан эр-хотин ўтиришибди. Аёл зарда билан ва жаҳл аралаш боласининг кийимини еча бошлади. Унга ёрдам бермоқчи бўлган эрининг қўлини силтаб ташлади. Эри индамай қўя қолди. Унинг руҳияти синиқ, ўзини худди айбдордек сезарди. Аёл эса ўғлининг кийимларини ечиб, дағаллик билан: «Мана, кўринглар», – деб бидирлади. У бу қилиғи билан ўзининг кимдандир устунлигини очикдан-очик намоиш қиларди. Ўзаро суҳбатдан кейин қуйидагилар маълум бўлди.

Маҳкамжон заводнинг катта муҳандиси. Нодирахон эса олийгоҳда дарс беради. Уларнинг ойдеккина қизчалари бор. Беш ёшда. Улар шу ёшгача тинч-тоғув яшашди. Қўшниларнинг бу оилага ҳаваси келарди. Аммо кўнлардан бирида уларнинг орасидан ола мушук ўтиб қолди. Бу Нодирахон бўйида бўлиб қолганини билган кунидан бошланди:

– Нодирахон! Ростми, қандай яхши! Фарзанди кўпларга ҳавас қилардим. Орзумизга етибмиз-да, Нодирахон!

– Маҳкам ака, илмий ишимга халақит беради-ку, тажрибамни энди тугатдим...

– Ҳайронсан, қаёққа қарасанг, фарзандим кам бўлсин деганлар кўпайиб қоляпти. Турмуш қонунини ҳам унутиб юборишяпти! Мен сизнинг илмий ипингизни пишириб ей-

манми, ахир, фарзандсиз одам қандай қилиб бахтли бўлиши мумкин? Илмий ишингизнинг ўнтаси битта фарзанднинг ўрнини боса олмайди-ку! Менга фарзанд керак.

– Маҳкам ака, биттасининг ташвишини кўп тортганман, етар! Яна чақалоқнинг йўргагига ўралишиб қолишим керакми, истамайман.

– Нега ундай дейсиз, Нодирахон? Фарзанд қувончини сизнинг айтганларингизга тенглаштириб бўларканми? Хуллас калом, менга фарзанд керак. Агар зарурат туғилса, йўрғакларини ўзим тозалайман.

Шундай деб Маҳкам эшикни қарсиллатиб ёпдию чиқиб кетди. Унинг биринчи марта шундай қаттиқ жаҳли чиқиши эди. Ўша кунни биринчи марта уйига бироз ширакайф бўлиб келди. Улар ўртасида яна икки марта жанжал бўлди. Нодирахон бир неча бор йиғлаб ҳам олди. Маҳкам эса ўзи айтганида қаттиқ туриб олди. Нодирахонга ҳомилани аборт қилишга рухсат бермади. Орадан беш ой ўтди. Нодирахон ҳам тақдирга тан берди. Сарвар туғилди. Аммо унда гипоспадиянинг ёрғоқ шакли бор эди. Бунга Нодирахон эрини айбдор деб билди. Ҳар хил «жон чиқарар» гаплар билан Маҳкам акага кун бермас, пичинг гаплар билан узиб-узиб оларди. Шунинг учун ҳам Нодирахон Сарварни жаҳл ва зарда билан ечинтирган, Маҳкам бўлса қабулхонанинг бурчагида мунғайиб ўзини айбдор сезиб турган экан. Сарварнинг нуқсонли бўлиб туғилишида ким айбдор? Бу саволга жавоб топиш анча таржибаси ошиб қолган ўқирманларимизнинг ўзларига ҳавола!

* * *

Гипоспадияни ўз вақтида пайқамаслик ва даво чора-тадбирларини кўрмаслик ҳар хил нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлиги бутун кундек равшан. Ҳаётнинг ўзи буни исботламоқда.

Бу нуқсонни аниқлаш эса унчалик қийин эмас, аслида. Жинсий аъзоларнинг тузилиши ва уретра ташқи тешигининг қаерда жойлашганига сал диққат билан қаралса ҳамда боланинг қандай пешоб чиқаришига, унинг оқимига эътибор берилса бас. Пешоб бола булбулчасининг бошидан эмас, балки танаси қисмидан ёки ёрғоқ томондан ёхуд ораликдан отилиб чиқади. Олат, одатда, вергулга ўхшаб эгилган бўлади. Олатни қорин тарафга тортиб ростлашга уринилса, унинг уретра канали бор бўлиши лозим бўлган юзасидаги хорда тортмоғи бунга имкон бермайди. Бу туғма нуқсон боланинг 1 ёки 2 ёшлик даврида операция қилинса, ҳали эс-хуши, онги шаклланмаган бола ўзининг бу норасолик билан жарроҳлик қилинганини билмайди. Бу эса унинг руҳий жиҳатдан тушкунликка тушмаслигини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда болалар хирургиясининг ютуқлари ҳисобига гипоспадия норасолигининг ҳар қандай шаклини 8 ойлик давридан бошлаб операция қилиш ва шу бир марталик жарроҳлик муолажасидан кейин тўлиқ бартараф этиш имкони бор.

Баъзи одамлар ёш болага операция оғирлик қилмайдими дея савол беришади. Замоनावий тиббиёт оғриқсизлантириш борасида жуда катта муваффақиятларга эришгани ва оғриқсизлантириш усуллари умуман зарарсиз бўлгани туфайли операцияларнинг 95 фоизи жуда муваффақиятли бўлмоқда. Оғриқсизлантиришда эса 100 фоиз натижа. Фақат операциядан кейин уретра – тери оқмаси пайдо бўладиган ҳолатлар мавжуд. Бироқ бу асоратни орадан 2 ой ўтганидан кейин тўлиқ бартараф этса бўлади. Операцияни бажариш вақти эса 10 – 15 дақиқага чўзилади, холос.

Энди тасаввур қилинг, бу муаммо вақтида аниқланиб, ана шундай осонликча бартараф этилмаса ва боланинг ёши каттарганидан кейин унга уринилса нима бўлади?..

... Рўзимурод тўсатдан уйғониб кетди. Операция қилинган жойи оғрий бошлаганини сездию юраги шув этди. Қўли билан ўша жойни пайпаслади. Аммо ҳеч нарсани сезмади. Кўнглида аллақандай ваҳима пайдо бўлиб, беихтиёр кўзлари намланди. Наҳотки, еттинчи операциядан кейин ҳам тузалмаса?! Наҳотки, яна чоклари ситилиб кетган бўлса? Қачон тамом бўлади бу азоблар? Ахир бу даргоҳга шу сафар ўзгача бир умид билан қадам қўймаганмиди? Докторлар ҳам умидсизликка тушмагин, шу сафар ҳаммаси яхши бўлади демаганмиди? Наҳотки, яна ҳамма орзу-умидлари чиппакка чиқса?

У ҳозир 9-синфда ўқияпти. Аммо ёлчитиб ўқигани ҳам йўқ. Кўнглига ўқиш сиғармиди? 6-синфдан бери боши операциядан чиқмайди. Ҳар йили, 6-синфда ҳам, 7-синфдалигида ҳам операция бўлди. Биргина 7-синфдалигида 2 марта операция қилишди. Ўшанда: «Агар ҳаммаси асоратсиз бўлса, бу гал охиргиси бўлади», – дейишган эди докторлар. Бироқ ундай бўлмади. Начора, ҳар қанча азоб бўлмасин чидашга тўғри келади, аммо натижа самарасиз эди.

Мана, 7-операциянинг ҳам 4-куни ўтяпти. Қачон турган-а бу азоблар?! Операция қилдирмайин деса, биринчидан, ихтиёри ўзида эмас, иккинчидан, тўғри оқим билан пешоб қила олмай қийналади. «Операция қилдирмасак бўлмайди-да, ўғлим. Балки, бу охиргиси бўлар. Бошқа жойда аввал уч марта операция қилдириб хатога йўл қўйибмиз-да, ўғлим. Бошида шу ерга келсак бўларкан. Безор бўлдинг, қийналдинг, аммо илож қанча?.. Яшашинг керак-ку! Сабр-тоқат қил, болам». Отасининг бу сўзларига Рўзимурод ҳеч бир эътироз билдира олмасди.

Операция қилинган жойи яна симиллаб оғриди. Бир оздан кейин яна кучайди. Оғриқ азобига чидай олмасдан

лабларини тишлади. Оғрияпти деб ҳамширага ёки докторларга айтса-ку, оғриқ қолдирадиган дорилардан беришади. Аммо у лом-мим демайди. Айтишга ғурури йўл қўймайди. Ҳали-ҳали аниқ эсида, учинчи марта операция бўлганида амалнинг иккинчи куни кесилган жойи қаттиқ оғриди. Ўша куни, аксига олиб, тушлик ҳам қилмаган эди. Қорин очлигига оғриқ ҳам қўшилди. Ҳам аламидан, ҳам оғриқ азобидан йиғлади. Уни бу аҳволда кўрган доктор унинг томирини ушлаб, бир оз тутиб тургач: «Кап-катта бола экансан-ку, эркалик ҳам эви билан-да! Иродали бўлиш керак, жигар», – деди. Ўшандан бери бирон ери оғриси ҳам ўша докторнинг рапидадай юзи, бир-бирига яқин жойлашган укки кўзлари, сал олдга туртиб чиққан ияги кўз олдида гавдаланади-да, оғриқ азобига чидаб ётаверади.

Оғриқ баттар хуруж қилди. Тишини тишига босиб чидади. Толиқди, чарчади. Оғриқ сал босилгандай бўлди. Кўзлари уйкуга кетди. Рўзимурод қанча вақт ухлаганини билмайди, аммо кўнгли бир нимани сезди, шекилли, чўчиб уйғонди. Юраги шув этиб кетди. Чунки ҳар галгидек олати таранглашган, операция қилинган жойи эса сим-сим оғритаётганди.

Докторлар унга ҳар хил хаёлларга бормаслик, ўйламаслик учун кўпроқ китоб ўқиши, қизиқ-қизиқ нарсалар билан чалғиши кераклигини бир неча бор таъкидлаган. Муҳими, олати таранглашмаслиги шарт. Рўзимурод шундай ҳам қилди. Неча-неча китобларни ўқиб чиқди. Китобни ўқийверганидан толиқиб ухлаб қолган кунлари ҳам кўп. Гоҳида азонгача китоб ўқирди. Бироқ нима қилсин, айна тонг пайтида яна шу аҳвол – олати таранглашади. Докторлар сенга дори қилмас экан-да, Рўзимурод, қайси дорини кўлласак ҳам шу аҳвол-а, ё тавба дейишдан нарига ўтишмасди.

Мана бугун яна шу аҳвол такрорланиб турибди. Бу ҳол оғриқдан минг баттар ёмон. Рўзимурод бунга қарши ҳеч

нарса қила олмаслигидан, иложини топа олмаганидан, ўзининг кучсизлигидан инграб юборди. Бундан кўра оғриқ минг марта кучлироқ бўлгани маъқул эди-я!

Рўзимуроднинг кўзларидан ёш чиқиб, чаккаларидан оқиб ёстиқ устига тушди. У қаттиқ кўрққан ҳодиса рўй берди. Сим-сим оғриқ йўқ бўлди-ю, операция қилинган жойнинг четлари бир-биридан ажралиб, икки тарафга йирилиб кетди. Жароҳатнинг паст тарафига суюқлик оққани ҳам аниқ сезилди. Рўзимурод хўнграб йиғлаб юборди. У аччиғидан, аламидан, изтиробчи чексизлигидан қовуғига қўйилган резина найчани қўли билан шарт суғурди-да, палатанинг очиқ деразасидан ташқарига улоқтирди. Ўрнидан даст турди. Шу вақт боши айланди, кўз олди қоронғилашиб пол устига гурсиллаб йиқилди...

... Қанча вақт ётганини билмайди. Бир вақт кўзини очса, каравотда ётибди. Ёнида катта шифокор Юнус ака. Рўзимурод яна пиқиллаб йиғлашни бошлади. Юнус ака эса жим. Балки, унинг тўйиб-тўйиб йиғлаб аламидан чиқишини кутаётгандир. Қани энди йиғи билан алам кетсаю операция қилинган жой битиб қўя қолса. Энди Рўзимуродга барибир. Чунки операция жароҳатининг чоклари сўтилиб кетди. Қўй, хафа бўлма, Рўзимурод, янаги сафар албатта битади дейишганига Рўзимурод ёш боламидики, овуниб қўя қолса... У бунга ўхшаш гапларни илгарилари ҳам бир неча бор эшитган. Юнус ака далда берувчи гапларни айттаверсин, лекин бу билан унинг ғами, алами камайармиди? Докторларга ҳам ҳайронсан, кичкина бир тешикча-ю, шуни ёпишни эплай олишмаса-я. Бу қанақа бўлди, ахир? Азоб бериш ҳам шунчалик бўладими?..

Шу пайт Рўзимурод Юнус аканинг босиқ овозини эшитди: «Катта йигитсан, Рўзимурод, ҳамма нарсани тушунасан. Ўксинма. Эндиги сафар профессорнинг ўзига

айтамин. Воқеани тушунтирамин. Профессор йўқ демайди. Ўзи операция қилади. Мана мени айтди дерсан, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳеч дард кўрмагандай бўласан. Албатта, шифо топасан. Уйланиш тўйингга ҳам борамиз. Тўйингга таклиф қилсанг керак-а, Рўзимурод?». Рўзимуроднинг юраги тез-тез ура бошлади. Унинг бундан кўнгли таскин топгандай бўлди. Юнус ака айтдимиз, тамом, ҳаммаси яхши бўлади. Профессорнинг ўз операция қилади-ю, яхши бўлмайдимиз?!

Рўзимурод профессорни шифохона йўлагига бир неча бор кўрган. Сочлари оқарган, қошлари киров қоплагандек оппоқ, алпқомат, юзидан болаларни ўзига жалб қилувчи илиқ бир нур ёғилиб турарди. Истараси иссиқ ва ёқимли. У киши йўлак бўйлаб операция хонаси томон ўтар экан, йўл беришган ҳамшираларга, болаларга жилмайиб қарар, эркаловчи, мулойим нигоҳи киши қалбига ором берарди.

Рўзимурод бу ҳолатни ўзида неча бор сезган. Шу сабабданми, профессорни кўрган заҳоти унинг қалбига умид учқуни пайдо бўларди-да, ўзини енгил сезарди. Мана, ҳозир ҳам профессорнинг таваллуд кунига бағишлаб ёзилган шеърнинг сатрлари хаёлига қуйилиб келди, у пичирлаб такоррлай бошлади:

*Ер бағрида умид билан куртак ёзган гул
Богбоннинг пешона теридан олади ранг,
Нафис гул чиройига маҳлиё булбул
Тилидан таралар ҳаётбахш оҳанг!*

*Умид-ла экилган ниҳол томири
Номланар богбоннинг манглай теридан,
Бехосдан бир шохин синдирса шамол,
Қаддин тикламоққа богбон шай шу дам.*

*Нимжон ниҳол эдик, сизга талпиндик,
Ўғитингиз қанотида бўлдик жамулжам,
Устоз дедик сиздан ибрат олгали,
Сеҳргар қўлингиздан ушладик маҳкам!*

Бу сатрларни ёдга олиб, унинг юраги ҳаприқиб кетди-ю, бироздан кейин қалбини яна ғашлик эгаллади. Энди отасига нима дейди?... Нима дейишидан қатъи назар, барибир, айтиши керак-ку. Лекин унинг бунақа гаплардан юраги безиллаб қолган. Ўтган сафар ҳам яна сўтилиб кетди деганида ташвишим тугамабди-да, болам, деб кўзларидан ёш чиқиб кетганди отасининг.

Рўзимурод ўз дарди учун отасининг қийналишини ҳеч истамасди. Отасининг кўз ёшларини эсласа, юрак-бағри эзилиб кетарди.

Рўзимуроднинг кўзи отасига тушдию юраги алланечук бўлиб кетди. Отасига яқинлашгани сари кўнгли юмшаб, бузилаётганини сизди. Сизди-да, йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб отасининг олдига келди. Отаси жим эди. Аммо хавотир билан ўғлининг нима дейишини кутиб тургани аниқ. Балки, бирон нарсани сўрашдан ҳайиқиб ёки қўрқиб тургандир. Балки, «ота, яна бўлмади» деган сўзни эшитиб юраги ёмон бўлиб қолишидан ҳадиксираётгандир.

Рўзимурод бошини кўтарди. «Нима бўлди, ўғлим?» – дея мўлтираб қараб турган отанинг кўзларини кўрдию яна бошини эгди. Кўзларидан икки томчи ёш думалаб ерга тушди. Буни ўзи ҳам билмай, сезмай қолди. Отасининг «яна сўкилиб кетдимми-а?» деган сўзларига жавобан эгилган бошини қимирлата олди, холос.

Отанинг кўзлари қисилди, бурун катаклари керилиб, қошлари чимирилди, лаблари кемтилди. Бу қандай гап

дедию тез-тез қадам босиб, ордinatorлар хонаси эшигини зарб билан очди.

Оғир аҳволдаги болани эндигина операция қилиб чиққан Муроджон эшикнинг шаҳд билан очилганидан кўнгли хавотирга тушди: «Яна нима бало бўлди? Наҳотки, касалнинг аҳволи бирданига оғирлашиб қолди? Нима бўлди экан?!» – деб ўйлади-да, кескин бошини кўтарди. Унинг олдида Рўзимуроднинг отаси важоҳат билан турарди.

– Келинг, Ҳасан ака, тинчликми?

– Мени Мурод муродимга етказар деб ўйласам, аксинча, уни барбод қилдинг-ку! Ахир доктор ҳам шундай тошбағир бўладими-а? Ундан кўра асл мақсадингни айта қолмайсанми, етти марта операция қилдинг-а!..

– Ҳасан ака, тушунтириброқ гапиринг...

– Нимасини тушунтираман сенга, нимасини, яна сўтилиб кетганиними ёки сенга ишонганиними, Мурод? Ўзинг ҳам ишонтиргандинг. Аммо бўлмади-ку. Нима қиласан ўзингни ҳам қийнаб, бизни ҳам азобга қўйиб? Кўнглиндаги ниятингни очиқ-ойдин айтаверсанг бўлмайди-ми-а, ахир? Қанча десанг ҳам топаман. Менга пул қаҳат эмас, ўғлим учун топаман! Қанча бўлса ҳам, билдингми?..

– Ҳасан ака, нима деяётганингизни билиясизми?!

– Билияпман, жигар, билияпман! Бир бўлмаса, икки бўлмаса, олти бўлмаса, еттинчиси ҳам сўтилиб кетган бўлса! Хўш, қани, айт-чи, менинг ўрнимда сен бўлсанг нима қилган бўлардинг?!

– Ҳасан ака, ўзингизни босинг. Аста гапиринг. Бақирма-сангиз ҳам эшитяпман. Қулоғим кар эмас.

– Нега бақирмайин, ахир? Бу ёғи расво бўлаётган бўлса!

– Ўтиринг, Ҳасан ака, бир пиёла чой ичинг-чи. Ётиғи билан тушунтиринг.

– Э-э... Куйиб кетяпман, ёниб кетяпман. Тушуныпсанми?! Портляпман, нима қилиш керак, ахир?!

– Ҳасан ака, айтинг-чи, Рўзимурод неча ёшга кирди?

– Ёшини сўраб нима қиласан?..

– Ҳа, энди-да...

– Ўн олтига.

– Ҳасан ака, тўғриси айтинг, сиз ўн олтига кирган пайтингизда тушингизда қизларни кўрармидингиз?

– Мен нимани гапиряпман-у, сен нималар деяпсан?

– Мен сиздан тўғриликча сўраяпман, Ҳасан ака. Сиз саволга тўғри жавоб беринг. Пиёлангизни беринг. Яна бир пиёла чой ичинг. Жойлашиб ўтиринг. Ҳасан ака, хўш, қизлар тушингизга кирармиди?

– Э-э...

– Энди ўзингиз айтинг, Рўзимуроднинг тушига ҳам қизлар кирса керак?

– Нима қилибди кирса?..

– Ҳасан ака, нима қилибди эмас, ҳамма бало мана шунда.

– Нега энди шунда бўларкан?

– Ҳасан ака, ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз, яна келиб бизга дўқ қиласиз. Ахир операцияни ҳеч бўлмаганда 5 – 6 йил аввал бошлаганимизда эди, бу гаплар бўлмасди. Ўзингиз розилик бермагансиз. Ҳали болам ёш, биттау битта арзандам дея бизларнинг гапимизга қулоқ ҳам солмадингиз. Устига-устак, Рўзимурод бошқа шифохонада уч марта операция бўлган. Бизга келганида олатнинг барча юзаси қаттиқ, тоғайсимон чандиқ билан қопланган эди. Мана шу чандиқлардан халос этиб юмшоқ, мулойим тери билан қоплаш учун уч марта операция қилинди. Сийдик чиқариш каналини ясадик. Афсуски, оқма пайдо бўляпти икки мартадан бери. Бизнинг беморга жонимиз ачимайди

деб ўйлайсизми? Билсангиз, операциянинг натижаси сиздан кўра бизга муҳимроқ. Ахир операция натижаси яхши бўлса, бу бизнинг ютуғимиз, обрўйимиз эмасми? Ҳар бир операция учун юрагимизнинг бир парчасини берсаг-у, яна ҳалигидек гапларни эшитсак. Мен операция пайтидаги ва ундан кейинги қувонч ва изтиробларимни, бахтиёр ҳис-туйғуларимни ҳеч қанақа пулга алишмайман...

– ... Доктор, жаҳл чиқса, ақл кетар деган гап бор. Жаҳл устида айтиб юборибман. Менга ҳам осон тутманг, ахир! Борми бу операцияларнинг охири? Сабаби нима бу кўргиликларнинг?

– Ҳасан ака, келинг, бафуржа гаплашайлик. Бу гапларни илгари ҳам айтгандим. Энди батафсил айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Қани, пиёлани беринг. Яна бир пиёла чой ичинг, қулоқ солинг. Балоғат ёшига етган пайтда жинсий олат тез-тез қон билан тўлиб таранглашади, яъни эрекция бўлади. Эрекция пайтида тери, териости қаватлари, умуман, чокка олинган барча тўқима тортилади, таранглашади. Бу ҳолда, табиийки, чокларнинг ипи тери ва териости тўқималарининг четларини қирқади, йиртади. Яна бир муҳим томони шундаки, терининг тўғри келтирилиб чокланган четлари бир-бирига нисбатан сурилади. Эрекция тамом бўлгач, аввал тўғри келган терининг четлари энди бошқача жойлашади. Эрекция эса қайта-қайта бўлаверади, нозик битишмалар ҳар сафар узилаверади. Натижада операция туфайли қайтадан ҳосил қилинган канал битмай қолаверади. Баъзи организмга эрекцияни пасайтирувчи дорилар ҳам таъсир қилмайди. Айниқса, балоғат ёшида. Оқибатда операция самарасиз бўлади. Хуллас, бола қанча ёш операция қилинса, натижаси ҳам шунчалик яхши бўлади. Бунинг сабабини энди тушунган бўлсангиз керак?..

ТОШДАН ҚАТТИҚ, ГУЛДАН НОЗИК

*Тигдан тузалган болаларнинг табассуви
жарроҳнинг юрагига кувват бўлади.*

Кеч куз шамоли сарғайган барглари новдалардан юлиб узоқ-узоқларга олиб кетарди. Кенг асфальт йўлнинг икки чети хазон билан қопланган. Вокзал томондан тез келаётган машина бирдан тўхтади. Шофёр ёнида мудраб келаётган оқ халатли барваста шифокор йигит олд тарафга қалқиб кетди. Яна нима гап дегандай шофёрга қаради. Шофёр ҳеч нарса демасдан йўл четига ишора қилди. Кимсасиз йўлакда дўшайиб турган оқ буюм ётарди.

– Нима экан у? Ҳайда, вақт тизиз, оғир касаллар бор!

– Қимирляпти...

– Нима?.. Ким?..

– Оқ нарса.

Шифокор йигит бир нарсани сезгандек енгилгина сакраб пастга тушди. Югуриб буюмнинг олдига борди. Не кўз билан кўрсинки, бу оқ йўрғак, ичида эса чақалоқ ётарди. Тирик чақалоқ! Унинг фақат чап юзи очиқ, ўнг юзини эса худди шамолдан атай ҳимоя қилаётгандай сарғайган барглари ёпиб турарди. Чақалоқ йиғлай бошлади. Кўп йиғлаганидан бўлса керак, ҳатто овози биғиллаб қолганди.

Йигит чақалоқни авайлаб қўлига олди. Мурғак гўдак тамшаниб кўзини очди. Унинг очиққанлигини тушунган йигит вақтни бой бермаслик учун дарҳол машинага олиб чиқди.

– Олиб кетамизми буни? – ҳайрон бўлиб сўради ҳайдовчи.

– Ҳа.

– Ойиси-чи?

– Келмайди, ташлаб кетган...

Машина жойидан кўзгалди. Йигит куйина бошлади:

– Қандай қилиб кўзи қийдийкин-а?! Ўз боласини-я! Бағритош экан!..

Чақалоқ кўп йиғлаганидан терлаб, ҳўл бўлиб кетганди. Йигит чақалоқ ўралган чойшабнинг у ер-бу ерини тўғрилай бошлади.

– Ие, бу нима?! Қон-ку. Нимадан?!

– Машинани тўхтат!

– Ҳозир, ҳозир...

Машина четга бурилиб тўхтади. Шифокор мурғак гавда ўралган чойшабнинг таҳини очиб чақалоқни бўшатди. Унинг қовуқусти соҳасида бир парча қип-қизил гўштга ўхшаган ўсмасимон ҳосила бўртиб турарди. Унинг юзаси қонаб турар, ўсманинг тепасидаги кичиккина ўсмачада тиниқ суюқлик бор эди.

– Қовуқ экстротрофияси-ку! Ҳа, энди маълум бўлди. Мана шу дарди туфайли ташлаб кетган экан-да. Шўрлик тирик етим! Ёрдам бер! Стерилланган докани олиб бер! Риванолни узат!

Шифокор қип-қизил ўсмани намланган дока билан авайлабгина артди. Четларига йод эритмасини сурди. Риванол билан ювди. Дока билан ёпиб қўйди. Чақалоқни яна авайлаб оқ чойшабга ўради.

– Ҳайда, кетдик!

Машина жойидан кескин кўзгалди ва тезликни оширди.

– Йўқ, мен сени шундайликча қолдирмайман, тузатаман! Ўқитиб одам қиламан! Шундай йигит бўлгинки, онанг ҳам ҳавас қилсин!.. Операция қилиш керак. Оғир, анча мураккаб операция. Бола кўтара олармикан?! Маҳоратим етармикан? Барибир, уддасидан чиқишим керак! Мана шу шўрлик боланинг бахтли келажаги учун ҳам!

Катта йўлнинг ёнгинасида жойлашган шифохонанинг дарвозаси очилди. Машина қабул бўлими эшиги олдига келиб тўхтади. Шифокор қўлидаги чақалоқ билан қабулхонага кирди:

– Ойдиной! Болани олинг! Экстрофия норасолиги билан туғилган. Эҳтиёт бўлинг, яхшилаб ювинтиринглар! Иссиқ палатага ётқизинглар. Кейин менга хабар қилинглар.

– Кимнинг чақалоғи, ойиси қани?

– Кейин айтаман. Касаллик варақасига «оқ чойшабдаги бола» деб ёзиб қўйинглар.

Шифокор ўз кабинетига кирди-да, қўлларини ювди. Стулга ўтирди. Чойнақдан пиёлага чой қўйди. «Чой ҳам совубди. Ҳозир оғир касални олиб келишади. Операция қилиш керак! Аппендицитмикан? Қорнининг ҳамма юзаси оғрияпти. Чувалчангсимон ўсимтанинг яллиғланишига унчалик ўхшамаяпти. Балким, ўсимта ёрилиб кетдимикан-а? Ҳайронман, боланинг қорни оғриганидан кейин тезроқ шифокорларга мурожаат қилишса бўлмасмикан-а?! Табибга кўрсатишга бало борми? Энди аниқ ташхис қўйиш анча қийин. Вақт анча ўтган-да! Икки кундан бери қорни оғрияпти экан. Ё тавба. Операция қилиш керак!»

У кабинетининг эшигини очди-да, бир оз толиққан овозда деди:

– Нинани айтиб юборинглар.

– Ҳозир...

Шифокор яна ўз жойига келиб ўтирди.

– Ишқилиб, операция яхши чиқсин-да, олдин операцияга тайёрлаш керак. Йўқ, вақтни ўтказмаслик керак. Операция пайтида дорилар қуямиз. Ҳа, шундай қиламиз!

Эшик очилиб ҳамшира кўринди.

– Ҳа, Карим Ҳожиевич! Чақирган экансиз.

– Ҳозир оғир касални олиб келишади. Операция қиламиз, тайёрланиш керак.

– Хўп.

Эшик ёпилди.

Шифокор оқ қалпоғини энди бошқаси билан алмаштираётган ҳам эдики, яна эшик очилди.

– Чақалоқни ўн биринчи палатага ётқиздик.

– Яхши, ҳозир бораман.

Эшик ёпилди. Шифокор стол устидаги фонендоскопни олиб халатнинг чўнтагига солди-да, кабинетдан чиқди. 11-палатага йўл олди.

Чақалоқ ҳамшира қўлидаги кичкина шишачадан ютоқиб сут ичарди. Шифокор унинг ҳаракатларини бир оз кузатиб турди. «Боланинг қорни ҳам жуда оч экан-а? Ташлаб кетишдан олдин яхшилаб эмизмаган. Ҳа, боланинг охи урсин сендай онани!» У фонендоскопни олиб чақалоқнинг юрагини эшитди, нафас олишини тинглади. Кўкрак қафасини бармоқлари билан дукиллади. «Озгина шамоллабди. Аввал ўпкасининг яллиғланишини тузатиш керак. Кейин операцияга тайёрлаймиз». Шифокор шу ўйлар билан операция хонаси томон йўл олди.

Орадан икки ой ўтди. Шифокорнинг фикри-ўйи чақалоқда. «Ўпкасининг шамоллагани батамом тузалди. Энди операция қилиш мумкин. Аммо қандай қилиб? Қайси усул билан? Илмий адабиётларда ҳам тайинли бир гап йўқ. Илгари ўзим бунақа операция бажармаган бўлсам. Устозларим ҳам шу турдаги операцияни бажармаган экан. Бола эса келажакда фойдаси тегадиган, оила қуришга яроқли инсон бўлиши керак. Нима қилсам экан? Ёки ҳали тажриба орттирсаммикан-а?»

Карим Ҳожиевич ўз ўй-хаёлларининг тагига ета олмай қийналарди. Ўйламай деса ҳам беихтиёр яна ўйлар босиб

келаверарди. «Қачонгача уни операция қилмасдан юраве-
раман? Вақт ўтяпти-ку! Инфекция буйракка кўтарилиб,
уни яллиғлантурса, боланинг ахволи баттар оғирлашади.
Кейин операциянинг натижаси ҳам яхши бўлмаслиги мум-
кин. Йўқ, кечиктириб бўлмайди. Ҳал қилиш керак. Лекин
таваккал ҳам кетмайди...»

... Беғубор осмон. Эндигина тоғ ортидан кўтарилаёт-
ган қуёш ўзининг заррин нурларини она заминга соча
бошлади. Дарахтларнинг қуюқ шохлари орасидан ўтаёт-
ган нурлар профессорнинг ширин хаёлини бузиб юбор-
ди. «Қаранг-а, табиат қандай гўзал. Қуёш... Дарахтлар...
Эрталабки соф ҳаво. Ҳаммаси яхши. Мана шу воқеага
ҳам 40 йилдан кўпроқ вақт бўлибди-я! Ўшанда операция
жуда яхши ўтди. Уч ёшгача шифохонада тарбияладик.
Кейин ўқитдик. Ўқишни битирди. Уйланди. Иккита ўғли
бор. Одам бўлди. «Оқ чойшабдаги бола» келмасдан қоли-
ши мумкин эмас!»

Профессор ўрнидан турди-да, устозларининг портрет-
ларига тикилди.

«Бир вақтлар шогирд эдим. Йиллар шув этиб ўтиб ке-
тибди-я. Энди ўз шогирдларим бор. Вақтнинг ўтишини
қаранг. Қани иложи бўлсаю вақтни тўхтатиб турсанг, дил-
даги барча орзуларни тўлиқ амалга оширсанг. Аммо вақт
тутқич бермайди. Лекин, лекин орзулар ҳам адо бўлмас
экан».

Кабинет эшиги очилдию профессорнинг хаёли бў-
линди.

– Дадажон, дада...

– Саша, ўғлим...

Бир кучоқ гул кўтариб олган барваста йигит кела солиб
профессорни кучоқлаб олди. Унинг меҳр тўла кўзларида
севинч ёшлари айланарди.

– Туғилган кунингиз билан табриклайман, дадажон!

У узоқ вақт бошини профессорнинг бағрига қўйиб
турди. У гўё профессорнинг юраги билан гаплашарди.
Кейин профессорнинг юзларидан фарзандларга хос меҳр
билан ўпди. Ота-боланинг меҳр-ла бир-бирлари билан қу-
чоқлашиб туришини кўхликкина жувон билан икки ўғил
тўлқинланиб кузатиб туришарди. Уларнинг қўлларида ҳам
чиройли гуллар. Профессорнинг кўзи уларга тушиб, кўз-
ларини бир қисиб қўйди-да, барваста йигитни бағридан
бўшатаётди секингина: «Бахтинг яна ҳам очилсин, чой-
шабдаги бола», – деб қўйди.

Хаётнинг қизиғи ҳам шу бўлса керак. Бахт деб шунга
айтсалар керак.

* * *

Атроф ям-яшил. Баҳор борлиққа бу тун гўзаллигини
ёйган. Кўкату гиёҳларнинг муаттар ҳиди ҳар томонга та-
ралиб, кишини маст қилар, эндигина очилган лолақизғал-
доқлар ўз нафислигини кўз-кўз қилишарди.

Икки дўст – Исмагжон билан Равшан эрта баҳорда
яйловга чиқиб мириқиб ҳордиқ чиқармоқчи бўлишди.
Исмагжон қишлоқда ўсиб-улғайди. Мактабни битириб
олийгоҳга кирди. Равшан билан дўстлашиб қолишди. Рав-
шан, асли, шаҳарлик эмасми, яйлов унга жуда ёқиб қолди.

Атрофни маҳлиё бўлиб кузатаётган Равшанга чўпон
бобо сўз қотди:

– Ширбоз кўзининг гўшти илк баҳорда минг бир дардга
даво-да, ўғлим.

– Нега баҳорда, отажон?

Равшаннинг биринчи саволи шу бўлди.

– Кўкатларга қаранг, ўғлим. Ҳидининг ёқимлилигини
айтмайсизми, булар орасида қанчадан-қанча дориворлари

бор. Уларни қўзилар ейди-да, ўғлим. Ҳа, ҳозир уларнинг гўшти дори бўлади. Сиз томоша қилиб турунг. Мен сурувнинг олдини бир қайтариб келай.

Шу пайт Исмаатжон келди. У отнинг олдига манглайи қашқа қўзини ўнгариб олган эди. У қўзини туширгач отнинг жиловидан ушлаганча Равшаннинг олдига келди.

– Ҳавосини қара, Равшан. Тўйиб-тўйиб нафас оласан-да.

– Баҳор-да, баҳор...

Равшан шундай деб тўшалиб ётган майсаларни қўллари билан силади.

– Сурувларни қара, жониворлар яйрашяпти-я!

– Исмаат, чўпон ота шунча қўйни бир ўзи боқадими?! Қандай удалайди? Қийналиб қолмайдими?

– Қийналмайди. 50 йилдан бери чўпонлик қилади.

– Ўҳ-ҳў, умри чўпонликда ўтибди-да. Кўнгли очик, қалби тоза одам экан.

– Ҳа, жуда яхши одам. Одамнинг ҳам аълоси, аммо оиласиям, бола-чақаси ҳам йўқ. Бир ўзи.

– Ие, нега? Туппа тузук одам-ку.

– Шундай, аммо нима учун уйланмаганлигини ҳеч кимга айтган эмас.

– Сен сўраб кўрдингми?

– Бир марта сўраганман. Болам, бизники оғир савдо. Нима қиласан ярамни тирнаб деганидан кейин яна сўрашга истиҳола қилдим.

– Сўраб кўрайми, Исмаат? Ҳар ҳолда, бизлар бўлғуси ме-диклармиз.

– Сўраб кўр, айтиб қолса ажаб эмас. Мен ўткир пичоқни олиб келай...

– ... Мен, асли, бу ерлик эмасман, болам, – деб гап бошлади чўпон. – Бошқа ерлардан келиб қолганман. Отам

ҳам, акам ҳам бор эди. Укаларим ҳам бор. Кўришиб тура-миз. Эсимни танибманки, хўрлигим келади. Одам бўлиб туғилганимга минг-минг пушаймон бўлган кунларим жуда кўп бўлган. Нега дейсанми, болам? Ҳозир, ҳозир ҳаммасини айтаман. Аниқ эсимда, менга укаларимдан бошқа ерга жой солиб беришарди, овқатни ҳам алоҳида, уларга қўшилмасдан ердим. Кўчага чиқиб ўртоқларим билан ўйнай олмасдим. Бориб қўшилсам: «Тур-эй, сассик! Шиптир ҳиди келяпти сендан. Бор, бошқа жойда ўйна, бизларга қўшилма», – деб ҳайдаб юборишарди. Ҳа, ҳар доим иштоним ҳўл эди. Эргалаб турсам, кўрпаларим ҳам сийдик, кийим-бошларим ҳам сийдик. Бир-икки марта отам табибларга кўрсатди. Билмаймиз, бундай дардни биринчи марта кўришимиз дейишибди. Отам ҳам, онам ҳам менинг иснодимга қолишди. Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган дардга йўлиққаннинг ота-онаси-да... дейишаркан. Чидолмадим. «Ҳайт», – деб қишлоғимдан бош олиб кетдим. Қаёққаям сиғардим? Икки-уч марта қишлоғимга қайтиб ҳам бордим. Одам тошдан қаттиқ, гулдек но-зик деб бекорга айтмас эканлар. Хўрликка, мазах қилиб устимдан кулишларига ҳам чидадим. Ким яхши гапир-са, ўшаларникига бориб юрдим. Бировнинг раҳми келади, биров икки-уч кундан кейин уйдан ҳайдайди. Роса жонимдан ўтган, жонимга теккан маҳаллар кўп бўлди. Аммо кимнинг ҳам раҳми келарди? Танаси бошқа дард билмас деганлар. Жон ширин экан. Яшайвердим. То бир одам пешобимни қандай қилиб резина халтага йиғиш-ни кўрсатиб бермагунича мендан шиптир ҳиди ариган эмас. Шундан кейин одамлар қаторида ўтирадиган бўлдим. Тақдир экан, мана, шу ерга келиб жамоанинг суру-вини боқаётганимга ҳам 50 йилга яқинлашиб қолди. Ҳа, айтмоқчи, мени одам қаторига қўшган киши ўтган йили

казо қилди. Роса йиғладим. Шунақа гаплар, ўғлим. Жамоада ишлаб фойдам тегаётганидан хурсандман. Мен ҳам одамларга керак эканман. Ёмон ишламаяпман, шекилли, раиснинг ўзи бир неча бор мукофотлар берди.

– Врачларга касалингизни кўрсатмадингизми?

– Кўрсатдим урушдан кейин. Бирлари операция қилиш керак дейди, баъзилари вақт ўтган дейишди.

– Касалингизнинг номини нима дейишди?

– Эсимда йўқ. Бу касалингиз туғма, сийдик тўпланадиган жой ташқарига чиқиб қолган дейишди. Менинг дардим шундай, болам. Мен қийналдим, азоб чекдим. Бундай дард ва азобларни ҳеч кимга раво кўрмайман. Бошқа бировларда ҳам бўлса, давосини топинглар деб сизларга дардимни ёрдинг-да, болам. Ҳа, майли. Мана Исмаатжон ҳам келиб қолди. Қани, мен қозонни ўчоққа қўяй...

Равшанни чўпон бобонинг гаплари ўйлантириб қўйди. Унда чўпон бобони шу дарддан қутқозиш истаги пайдо бўлган эди. «Қандай улуғ иш бўларди-я. Аммо истакнинг ўзи кам-да... Яхши ўқиш керак, кўп нарсани ўрганиш лозим». У шуларни ўйлаб манглайи қашқа қўзининг олдида борди-да, чилвир билан боғланган оёғини бўшатди. Исмаат: «Ие, Равшан, нима қилипсан?» – дейишга улгурди, холос. Равшан аллақачон сурув томон чошиб кетаётган қўзининг ортидан қараб турарди...

* * *

Икки хил ҳолат! «Чойшабдаги бола» билан чўпон бодаги дард бир хил эди. Бироқ тақдирлар ҳар хил. Бири бахтиёр, иккинчиси бир умр шу дард билан, азобда умр кечирган. Чунки 35 – 40 йил олдин сийдик пуфаги – қовуқ экстрозияси билан туғилган болаларни операция қилиб тузатиш анча муаммо эди.

Қовуқ экстрозияси туғма нуқсон бўлиб, бунда қовуқнинг олд девори бўлмади, орқа девори ташқарига бўртиб чиқади. Қорин бўшлигининг ички босими юқори бўлгани учун шу ҳол юзага келади. Натижада энди туғилган чақалоқнинг қовуқусти соҳасида қип-қизил ўсмасимон ҳосила аниқланади. Икки ёнининг сал пастида жойлашган иккита кичкина, игнанинг кўзидек тешикчадан (сийдик йўлининг тешикчалари) эса ҳар доим сийдик ажралади. Демак, буйраклардан ажралаётган сийдик тўпланадиган жойнинг йўқлигидан сийдик ташқарига чиқади. Бундай болаларни парваришлаш жуда қийин. Сийдикдан таъсирланган қовуқ атрофи териси қизариб шишади. Бу ҳол она учун ҳам, бола учун ҳам азоб. Пешоб ҳиди анқиб турган боланинг ўртоғи бўлмаса, очилиб, ёзилиб ўйнай олмаса!

Ҳозирги пайтда бу оғир норасоликни тамоман бартараф қилиб, бундай беморларни мутлақо соғлом болалар сафига қайтаришга барча имкон мавжуд. Бунинг учун қовуқ экстрозияси билан туғилган болаларни кичик чилласи чиқмаёқ операция қилмоқ зарур. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, бундай нуқсонли болаларни тўлиқ, ҳеч камчиликларсиз тузатиш учун бир эмас, балки бир неча марта жарроҳлик муолажасини бажаришга тўғри келади. Чунки бу норасоликнинг ҳам енгил, ўрта, оғир шакллари мавжуд. Буни эса фақат шу соҳада етарли тажрибаси бор шифокор аниқлайди.

Агар қовуқ экстрозияси бу даврда қандайдир бир сабаблар билан операция қилинмаса, унинг шиллик қавагида бириктирувчи тўқима ривожланиб, қовуқ девори ўзининг мулойим эластиклигини йўқотади. Сийдик йўлининг тешиклари ҳар доим очик бўлганидан инфекция юқорига кўтарилиб, буйракларни яллиғлантиради, оқи-

батда операциянинг натижаси кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин.

Юқорида ёзилганлардан маълум бўлдики, қовуқ экстрозияси билан туғилган болаларни 20 кун ичида операция қилиш шарт. Шу 20 кун ичида ҳам қовуқ шиллиқ қаватига инфекция тушиб ривожланмаслигининг чора-тадбирларини кўрмоқ зарур. Бу вазифа туғруқхона ва маҳалла шифокорлари ҳамда ота-оналарнинг асосий вазифасидир. Ана шу масъуллиқни сезиб ҳаракат қилиш боланинг келажагини белгилайди. Бу туғма нуқсон фақат жарроҳлик муолажаси билангина тўлиқ бартараф этилишини ҳам унутмаслик лозим. Шу ҳолатни ҳам алоҳида қайд этмоқ керакки, қовуқ экстрозияси нуқсони эпипандия деб аталадиган норасолик билан доимо бирга учрайди. Ушбу норасолик тўғрисида сал кейинроқ батафсил тўхталамиз.

ФАРЗАНДНИНГ КЎНГЛИДА БЎЛМАСИН АРМОН

*Магар келганда ҳам қиёмат қойим
Ёр бўлсин йигитга нияти доим.*

Абдулла ОРИПОВ

Фарзандларимиз бизнинг келажагимиздир. Улар онгининг шаклланиши, меҳнатга муносабати ёшлиқдан бошланади. Болаларнинг илм олиши, воқеа ва ҳодисаларни тўғри англаб етиши ҳамда тафаккури берилган таълим-тарбияга боғлиқ. Биз катталарнинг вазифамиз уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ўргатиш, ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан (агар пайдо бўлиб қолса) етаклаб катта йўлга олиб чиқишдан иборат. Токи фарзандларимиз тўғрисида бошқалар меҳр ва ҳавас билан гапирадиган бўлсинлар!

Ҳозирги тезкор замонда вақтнинг қадрига етиш катта аҳамиятга эга. Демак, ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажаги катталарнинг бу масъулиятни қандай сезишлари билан узвий боғлиқдир. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғ-саломат бўлиб, Ватани учун баракали меҳнат қилиши энг катта, бебаҳо бойлиқдир...

... Айтишларича, қадим замонда бир мамлакат бўлган экан, оғборлари ғалла билан тўла, одамлари шод-хуррам, бой-бадавлат яшашар экан. Қария ёш ҳаммаси доно ва аҳил экан.

Шу мамлакатга бир куни узоқ юртдан савдогарлар келибди. Улар ўзлари билан ҳар хил ноёб нарсалар, безаклар ва тақинчоқлар олиб келишибди. Мамлакат одамлари бой ва бадавлат яшаётган бўлсалар-да, савдогарлар олиб келган

турли-туман молларга хавас қилишибди. Бу молларнинг дабдабаси ва доврўғи мамлакат подшосининг ҳам қулоғига етибди. Доно подшо савдогарларни ўз хузурига таклиф этибди. Улар олиб келган молларини подшога ҳам намойиш этибдилар. Подшо ҳам, вазирлар ҳам, фуқаролар ҳам уларнинг чиройига маҳлиё бўлиб, уларни ясаган, безаган усталарнинг маҳоратига офаринлар айтишибди. Подшо: «Бизга кўрсатмаган яна қандай молларинг бор?» – деб сўрабди. Улар: «Ҳазрати олийлари, фақат сизнинг ўзингизга атаб олиб келганларимиз қолди», – дейишибдию нафис ва нозик чиннидан ясалган ҳар хил нодир буюмларни кўрсатишибди. Булар подшога ҳам, аъёнларга ҳам жуда ёқибди. Савдогарлардан бирининг мақтангиси келиб:

– Сизларда мана шу чиннилардан ҳам нозик нарса борми? – деб атрофга мағрур қарабди.

– Бор, бор! – дейишибди подшо ҳам, вазирлар ҳам, уламолар ҳам бирин-кетин.

– Қани, нима у?

Подшо бу мақтанчоқ савдогарларга ўз мамлакати одамларининг донолигини кўрсатиб қўйгиси келиб:

– Сиз жуда антиқа савол бердингиз. Аминманки, бу саволингизга шу ерда ўтирган вазиру уламо, фуқароларим аниқ ва пухта жавоб берадилар. Улардан хоҳлаган бирини танланг-да, жавобни эшитинг, – дебди.

Савол берган савдогарлар калондимоғлик билан ғоз юриш қилиб, одамларга бир-бир боқиб, саволни кимга беришни мўлжаллай бошлашибди. «Бу ерда бизнинг чиннидан ҳам нозик нарса нима қилсин?! Нимани ҳам кўрсатарди булар?» – деб ўйлаган савдогар энг орқада, кўзга ташланмайдиган ерда юпунгина кийиниб, ийманибгина ўтирган кишига кўзи тушибди-да, уни танлабди. Қўлини бигиз қилиб: «Қани, сиз айтинг», – дебди.

У оддийгина бўз тўқиб кун кечирадиган, аммо 12 бола билан ўзини энг пири бадавлат деб ҳисоблайдиган одам экан. Саволни эшитган бўзчи шошилмай ўрнидан турибди, аввал доно подшога, вазир-уламоларга, кейин савдогарларга таъзим қилибди-да, жавоб берибди:

– Боланинг кўнглидан ҳам нозик ва нафис нарса бор эканми дунёда?

Савдогарлар бу жавобни эшитиб унинг донолигига қўйил қолишибди-да, подшонинг рухсати билан чинниларни унга совға қилишибди.

Балки, бу афсонадир, лекин айнан юртимизда бўлиб ўтганга ўхшайди, нима бўлган тақдирда ҳам унинг замирида бир дунё ҳақиқат бор.

* * *

Шифокор хирургия бўлими хоналарини кўздан кечириб, саранжом-сарипталиқни қайтадан текшираётди Собиржон ётган хонага кирганида унинг жароҳатини ҳам кўрди. Жароҳат битиб қолганига ишонч ҳосил қилгач беморга кулиб қараб, ишларинг «беш» дегандай қўл ишорасини қилди.

– Ростданми, алдаётганингиз йўқми?!

– Ие, сен ёш боламидинг? Нега сени алдарканман? Тез кунда тамоман соғайиб уйингга кетасан.

Бола ҳеч нарса демасдан шифокорга суянди-да, ўксиб-ўксиб, елкалари титраб-титраб йиғлаб юборди. Бирпасда кўз ёшларидан юзи, қўллари ҳўл бўлди. Шифокор бунақа мўл бўлиб чиқаётган кўз ёшларини илгари ҳеч кўрмаганди. Зеро, бу қувонч ва севинч ёшлари. Болакай бир неча йиллар давомида йиғилиб қолган аламини, ғам ва дардларини шу кўз ёшлари билан қалбидан чиқариб юбормоқда эди. У отасига ҳам, онасига ҳам ҳеч қачон

бунчалик суяниб йиғлаган эмас. У «тузалдинг» деган бир оғиз ширин сўзни умрида биринчи марта нотаниш одамдан – шифокордан эшитиб турарди.

Ўйланиб қоласан киши, наҳотки, 10 ёшли бола шу қисқа ҳаёти давомида шунчалик оғир дард ва ғамни бошидан ўтказган бўлса?!

... Собиржон эсини танибдики ҳеч кимга қўшилмасди. Тўғриси, қўшила олмасди. Тўғри, авваллари ўртоқлари билан ҳар хил ўйинлар ўйнашарди. Лекин кейинчалик улар: «Сен сийғоқсан, ҳар доим сийиб юрасан. Сен билан ўртоқ бўлмаймиз», – деб уни ўз давраларига қўшмай қўйишган. Биринчи марта мактабга боргани ҳали-ҳали эсида. Бир кун ўтди. Икки кун ўтди. Учинчи куни партада бирга ўтирган бола бошқа партага ўтиб кетди. У ёлғиз ўтирарди. Муаллим кириб келди: «Ўҳ-ҳў, ҳаво бузилибди-ку, қани, деразани очиб юборинглар!»

Иккинчи куни ҳам шу аҳвол такрорланди. Шивир-шивир бошланди. Муаллим тоқат қила олмади, шекилли, болаларга дашном берди:

– Уйда яхшилаб ювиниб, тоза кийимларингни кийиб келсанглар бўлмайдами, а?! Энди ёш бола эмассизлар. Биринчи синф ўқувчиларисизлар-ку, ахир!

Сарвар ўрнидан турди:

– Муаллим, бу сассиқ ҳид Собирдан келяпти. У сассиқ.

Собиржон йиғлаб юборди. Синфдан югуриб чиқиб кетди. У мактабга бошқа келмади. Ойиси ҳам уни доим қарғани-қарған:

– Сенинг шиптирингни қачонгача юваман, бу кунингдан ҳар нарса бўлганинг дуруст эди. Жонгайм тегдинг. Тузалмайсанам, ўлмайсанам...

– Ҳе, соғлом туғилсанг ўлармидинг? Туғилмасдан кетгур, учта аканг соппа-соғ, иккита уканг касалмас. Сен ҳам

шундай туғилсанг ўлармидинг? Больницагайм олмайди буни. Бошимга битган бало бўлдинг-ку!

Буниси энди отанинг нуқул норози бўлиб гапирадиган гапларидан бир шингили, холос. Укаси ҳам тушуниб-тушунамай бидирлайди:

– Собир олапаримиз билан бирга ётади, кўрпасиям бирга.

Шифокорлар эса: «Бу дардни бизлар даволай олмаймиз, уни каттароқ жойга олиб бориш керак. Аммо операцияни 8 ёшдан кейин қилишади. У ҳали ёш, олиб борганингиз билан барибир ётқизишмайди, овора бўласиз. Уйда юраверсин», – дейишган.

Собиржон чидай олмади. Акасиникига қочиб кетди. Аммо ота-онанинг бағрига сиғмаган бола акасининг уйига сиғармиди? Келинойиси: «Сийғоқ уканг кетсин!» – деди. У ерда ҳам тура олмади.

Умуман, Собир тўққиз ёшигача болалик бахтидан бебахра бўлди. Ҳеч кимдан ширин сўз, илиқ гап эшитмади. Унинг мурғак қалби шу тариқа қаттиқ яраланган эди.

Текширишлардан кейин унда эписпадия нуқсонининг тотал ёки тўлиқ шакли борлиги маълум бўлди. У бир неча марта операция қилинди. Ҳозир у мактабда аъло баҳоларга ўқияпти. Ҳеч ким уни сийғоқ демайди.

* * *

Эписпадия уретранинг юқори ёки олд девори бўлмаслиги билан изоҳланади. Уретра, яъни сийдик чиқариш каналининг ўзи ҳам олатнинг дорсал, яъни ташқи (тепа) қисмида бўлиб, йирилиб ётади.

Ушбу касалликнинг бош шакли, тана шакли ҳамда тотал шакли фарқланади. Тотал турида сийдик чиқариш каналининг йирилиши қовуқ бўйнидан қовуқ деворига

ўтади. Шу сабабли қовуқ бўйнидаги сийдикни ушлаб турувчи айлана мускуллар ўз вазифасини рисоладагидек бажара олмайди. Оқибатда бу каби норасоликка учраган беморлар сийдигини тутиб туролмайдилар. Уларда сийдик доимо томчилаб ёки қовуқдан ташқарига сизиб чиқиб туради. Уретра атрофларида бириктирувчи тўқима ҳаддан ташқари кўп бўлгани туфайли олат одатдагидай осилиб турмай (одамнинг тик ҳолати кўзда тутилмоқда) қориннинг олд девори томонга тортилиб, қийшайган ҳолда бўлади. Эрекция пайтида ҳам шу тарафга қийшайган, қайрилган ҳолда бўлади. Бу ҳолат йиллар ўтгани сари кучая боради. Вояга етиб уйланганлар жимога яроқсиз бўлганларича қолаверади.

Эписпадиянинг тана шаклида сийдик чиқариш каналининг юқори девори олатнинг тана қисмида бўлмайди. Сийдик чиқариш каналининг ташқи тешиги (уретра тешиги) олат танасининг юқори қисмида жойлашади. Олатнинг ўзи эса тортувчи-бириктирувчи тўқима борлигидан қорин олд девори тарафга эгилган бўлади. Натижада бола пешобини чиқараётганида сийдиги ҳар тарафга сачраб кийимларини ҳўл қилади. Бола пешобини тўғри қилиб чиқариши учун олатини пастга қаратиб тортиб туришга мажбур бўлади. Агар вақтида операция қилинмаса, олатнинг эгилган ҳолати турғун бўлиб, жинсий алоқа (жимо) қилиш ҳаддан ташқари қийинлашади. Табиийки, бу ҳолда оила бузилади. Жимога лаёқати бўлган тақдирда ҳам фарзанд бўлмаслиги мумкин. Чунки уруғ дилоқ ичига тушмайди.

Мазкур норасолик асосан жарроҳлик йўли билан даволанади. Операцияни бир ёшлик давридан бошлаган маъқул. Боланинг ёши, даволаниш даражаси ва олатнинг ҳолатига қараб операция бир ёки икки босқичда олиб бо-

рилади. Умуман олганда, эписпадия норасолигидан бола-ни тамоман қутултирмоқ учун операция ҳали унинг онги тулиқ шаклланмаган даврларда бажарилса, болада руҳий эзилиш содир бўлмайди.

АРМОН ВА ИЗТИРОБЛАР

*Ҳаёт – оқар дарё, осойиш билмас,
Ҳаёт эҳтиросга ташна майдондир.*
Муҳаммад АЛИ

Хона жимжит. Унда икки одам – шифокор ва бемордан бошқа ҳеч ким йўқ. Шифокор ҳозиргина бу ёш йигитнинг дардини эшитди. У пахта заводида инженер бўлиб ишларди. Бутун у ҳеч кимга очмаган дардини биринчи марта шифокорга айтди.

Шифокор ҳам қаттиқ хаёлга чўмган: «Нима қилсам экан? Жуда андишали, юмшоққўнгил, таъсирчан, кўп иштиқола қиладиган йигит экан. Агар бирданига сизда фалон дард бор экан десам, қаттиқ изтиробга тушиши аниқ. Ўзини ўзи қийнаши турган гап. Ўсма ҳам анча каттарган, дарди оғир. 28 ёш – йигитлик даврининг энг гуллаган пайтида оғир дардга мубтало бўлибди-я! Эҳ, аттанг! Қанийди, мен ўйлаган ташхис нотўғри бўлиб чиқса. Минг марта янглишган бўлсам ҳам майли эди! Қийинчилик билан ўсан, ота-онадан ёлғиз фарзанд. Энди нима қилдим? Бир қарорга келиш керак-ку!»

Йигитнинг фикрлари ҳам чувалашиб кетган: «Эртароқ келганимда бўларкан-а! То жонимдан ўтгунича юравердим-да ўзим ҳам. Сени шундай қилишга ким мажбур қилаётган эди-я, хомкалла? Бундан беш-олти ой ёки бир йил олдин келганимда бўлмасмиди? Талабалик пайтимдаям

мумкин эди. Ўзим ношудман, ўзим! Бугун дедим, эртага дедим, хуллас, кейинга чўзавердим. Ота-онамни ҳам ўйлардим-да ташвишланишларига сабаб бўлмай тагин деб. Ҳа, майли, энди барибир операция бўлсам керак. Тузалиб кетсам бўлди-да. Докторнинг ўйланиб турганидан операция нозикроқ, балки анча мураккаб бўладиганга ўхшайди. Балки, мени операциядан қўрқади деб ўйлаётган бўлса керак...»

Шифокор: «Барибир, ётиги билан тушунтириб айтмасам бўлмайди. Олдин рентгенотерапия билан даволаш, ўсма кичрайиб, атрофи чегараланганидан кейин операция қилиш керак. Зора, бутунлай тузалиб кетса! Ишонч бормикан? Метастаз бериб улгурдимикан-а? Агар ўсманинг хужайралари бошқа ички аъзоларига тарқалиб улгурган (метастаз деб шунга айтилади) бўлса, унда жуда қийин...»

Бемор: «Нима бўпти, операция бўлса операция-да! Бу ердаги хирургларнинг қўли гул дейишади. Шундай моҳир хирурглар операция қилишадияу натижаси ёмон бўларканми?! Ахир жонимдан ўтиб кетди-ку. Охирги пайтларда тез-тез чарчайдиган бўлиб қолдим. Иш билан андармон бўлиб, вақтни ҳам қизгандим-да! Ҳозир сал тезроқ юрсам хансирайман. Қирғизистонлик табиб қоним камайганлигини айтди. Аммо яхши овқат есам, турмушимда камчилик бўлмаса, қандай қилиб менда қон камайиб кетади? Ҳайронман. Табиб берган гўрт шиша суюқлиги ҳам наф бермади...»

Шифокор: «Ранглари ҳам синиққан, ёноқлари ҳам туртиброқ чиқиб қолибди. Метастаз берган. Озганман деди-ку, демак, метастаз берганига анча вақт бўлган. Семинома дегани жуда ёмон дард-да. Бошқа ички аъзоларга дарровгина ўзининг ёмон сифатли ўсмаларини ўтказиб қўя қолади. Вақтни ўтказмасдан даволатиш керак эди-да!»

Шу вақт шифокорнинг хаёлидан бундан уч ой олдин бўлган воқеа ўтди. Анча обрў-эътиборли бир ёзувчи ўғлини кўрсатгани олиб келибди. Унинг ўнг томонидаги уруғдони (мойги) анча каттарган ва қаттиқлашганди. Семинома! Ёмон сифатли ўсма!

– Ака, ўғлингизни тезда операция қилиш, кейин эса анча муддат дорилар билан даволаш керак.

– Шунчалик тезми?

– Ҳа, операция қанча тез амалга оширилса, шунчалик яхши. Кечиктириш керак эмас.

– Ўғлим эндигина тадбиркорлик ишларини бошлаган эди. Тез кунлар ичида Урганчга бориб келиши керак. Шундан кейин шифохонага ётқизамиз-да. Шундай қилсак қалай бўларкан?

– Бормай тургани маъқул, операция қилиш керак!

– Ваҳима қиласиз-да, доктор. Беговта қилмаётган бўлса, оғриқдан азоб чекаётгани йўқ. Мойги сал каттарган, холос.

– Ака, мен ўз фикримни айтдим. Урганчдаги ишларни кейинга қолдирса бўлар, бироқ соғлиқ масаласи муҳим-ку, ахир!

– Энди... Бормаса бўлмайдиган эди-да. Майли, ўйлаб кўрамиз.

Хуллас, ўғил Урганчга бориб, у ерда икки ҳафта қолиб кетди. Тошкентга келганидан кейин ҳафта ўтгач шифохонага ётқизилди. Операция қилинди. Бироқ анча кеч бўлганди – семинома унинг жигарига ўз хужайраларини ўтказиб улгурган экан. Даволанди. Аммо иложи бўлмади...

... Ниҳоят, шифокор қўлидаги қалам билан алланималарни ёзди-да, мулоимлик билан деди:

– Қодиржон ука, сизнинг бу касалингиз оғир эмас. Лекин тезликда операция қилиш керак.

– Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим.

– Ўзингиз биласиз, операция, ҳар қалай, операция-да. Тиг билан кесиш керак. Сизни безовта қилаётган дардни баргараф қилишнинг ягона йўли шу. Бунда анча қон томирлари кесилади. Шу боис операция енгил ўтиши учун шишиб турган ҳосила олдин кичрайтирилса жуда ажойиб бўлади. Шу мақсадда сизни Онкология илмий текшириш институтига ўтказсак. У ерда нурлантирадиган аппаратлар бор. Уларнинг нури шишни анча кичрайтиради. Бизда бу аппаратлар йўқ. Нима дейсиз?

– Майли, сиз нима десангиз шу-да, доктор, ўзи касалим оғир эмасми?

– Йўқ, ҳеч ҳам...

Шифокор кўнглидаги борини айта олмай, атайин овозини дадиллатиб жавоб берди.

Қодиржон Онкология илмий текшириш институтига жойлаштирилди. Унинг ўнг чов қисмида каттакон ўсма бўлиб, қорин олд деворини ҳам ичкаридан туртиб, дўппайиб турарди. Бу бўртма бармоқ билан босилганида оғриқ пайдо бўларди. Шунингдек, ёрғоқнинг ўнг тарафида мойк-уруғдон йўқлиги ҳам аён бўлди. Унинг касали семинома эканлиги аниқ эди. Ўсма нурлантирилди, беморнинг ўзига ҳар хил дори-дармонлар берилди. Орадан бир ой ўтгач операция бажарилди. Ўсма олиб ташланди. Орадан бир йил ўтди. Қодиржон чўпдай озиб кетган. Уни қутқариб қолишнинг ҳеч иложи бўлмади. Чунки семинома ўпкага метастаз бериб улгурган эди.

Олий маълумотли, яхши мутахассис ҳаётининг гуллаб турган пайтида оламдан кўз юмди.

* * *

Қани энди ҳақиқат нуқтаи назаридан айтайлик-чи, шу дарднинг олдини олиш мумкинмиди?..

Келинг, бу саволга жавобимиз асосли бўлиши учун бу дард тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиб олайлик. Хўш, семинома нима ўзи?

Биламизки, эркак организмида бир жуфт уруғдон (мойк) бўлиб, улар ёрғоқда жойлашади. Бу уруғдонлар ҳомила 4 ойлик бўлганида қорин бўшлиғида, қорин пардасининг орқа тарафида, нақ буйрақларнинг тагида жойлашади. 6 ойликдан эса аста-секин пастга туша бошлайди. Шу боис туғилган чақалоқларнинг 10 – 15 фоизида уруғдон ёрғоққа тушиб улгурмайди. Аммо уларнинг ҳам аксариятида туғилганнинг биринчи ҳафтасидаёқ уруғдон ёрғоққа тушади. Фақат 2 фоиз атрофидаги болаларда бир ёшгача, 1 фоиз болаларда эса 2 ёшга кирганида ҳам тухумдоннинг ёрғоққа тушмаслиги ҳолати учрайди. Агар бола 1,5 ёшга кирганида уруғдон ёрғоқ ичида эмин-эркин осилиб турмаса, бу меъёрга хос бўлмаган ҳолат ҳисобланади ва крипторхизм дейилади. Демак, крипторхизм туғма нуқсон бўлиб, болаларда анчагина учраб туради.

Уруғдон ёрғоққа тушмаса тушмабди-да, нима бўлибди, ахир у бор-ку деган савол ҳам туғилиши мумкин. Аммо бу савол одам физиологиясидан беҳабарликдан келиб чиқади. Зеро, аслида, юқоридаги ҳолат ўсаётган бола организмига албатта салбий таъсир қилади. Бу таъсир шу даражадаки, ҳатто у келажакда бахтсиз бўлиб қолиши мумкин.

Уруғдоннинг (мойк) асосий вазифаларидан бири сперматозоид ишлаб беришидир. Унинг бу вазифани бекаму кўст бажариши учун уруғдон тўқимасидаги ҳарорат 35,5 ёки 36,0 градус бўлиши шарт. Кам ҳам эмас, юқори ҳам эмас. Бундай шароит фақат ёрғоқда бўлади. Агар ташқи муҳитда ҳарорат 38,0 – 41,0 градус ёки ундан юқорироқ бўлса, ёрғоқ ва мойкни кўтарадиган мускуллар бўшашиб, қон томирлар кенгаяди ва уруғдон танадан узоқлашади.

Оқибатда моякнинг атрофини ўраб турган тўқималардан ташқи муҳитга иссиқлик берилиши кучаяди. Атроф-муҳит совуқ бўлган вазиятларда эса моякни кўтарувчи мушак ҳам, ёрғоқ териси ҳам қисқаради ва мояк танага яқинлашади. Жуда ҳам совуқ муҳитда у чов каналининг ташқи тешигигача бориб қолади. Бу ҳолда у қалин ёғ қувватининг остида жойлашади ва тепадан кўшимча иссиқлик олади. Мана шу хусусиятларнинг мавжудлиги туфайли мояклар мўътадил иссиқликда сақланади.

Ёрғоқ етти қават тўқималардан ташкил топган «чопон». У моякни ўраб олиб, уни нафақат иссиқ-совуқдан, балки ҳар хил шикастланишлардан ҳам ҳимоя қилади. Хуллас, ёрғоқ мояк учун, унинг яшаши ва ишлаши учун идеал кўрғон қилиб яратилган.

Мояк ёрғоққа тушмай қолган ҳолларда у чов каналининг ичида ёки қорин бўшлиғида (қорин пардасининг орқасида) жойлашади. Одатда, чов каналида ҳам, қорин бўшлиғида ҳам мояк учун керакли ҳарорат бўлмайди. Балки у ерда иссиқлик меъёрдан 2,0 дан 6,5 градусгача юқори. Бундай ҳарорат эса мояк учун мутлақо зарар. Иккинчидан, мояк ҳужайралари у ерда эмин-эркин нафас ололмайди, чунки уни ҳар тарафдан тўқима ва ички аъзолар сиқиб қўяди. Мана шу иккала ҳолатнинг салбий таъсирида моякнинг наздик ҳужайраларида меъёрга хос бўлмаган дистрофик ўзгаришлар (тўқима ва аъзоларда модда алмашинувининг бузилиши) вужудга келади. Бу эса аста-секинлик билан энг даҳшатли, хавфли ўсма – семинома ҳужайраларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Тўғри, айрим сабабларга кўра ўз меъёрида ёрғоққа тушган моякда ҳам семинома учраши мумкин. Аммо у атиги 9 – 12 фоизни ташкил қилади, холос. Крипторизмда эса семинома ҳужайраларининг пайдо бўлиши унинг меъёрда

жойлашганига нисбатан 68 марта кўп учрайди. Семиноманинг пайдо бўлиш жараёни жуда секинлик билан кечгани учун бемор унинг белгиларини узоқ вақт сезмайди. Чунки, одатда, болани безовта қиладиган оғриқ ёки бошқа белгилар мутлақо бўлмайди. Семиноманинг дастлабки белгиси – бу мояк тизимчаси қон томирларининг чувалчангсимон шаклда эгри-бугри бўлиб кенгайиши ҳамда мояк ўлчамларининг катталашувидир. Ҳатто мояк ёрғоқда жойлашган тақдирда ҳам бу белгиларга бемор, айниқса, болалар эътибор қилмаслиги, ҳатто унинг ўлчамлари каттарганини сезмаслиги ҳам мумкин. Агар мояк ёрғоққа тушмаган бўлса, у ҳолда ўсма қорин деворини олдинга туртади ва худди шишгандай ҳолат кузатилади. Мана шундан кейингина бемор безовта бўлиб, шифокорга мурожаат қилади. Аммо бунда жуда қимматли вақт бой берилган бўлади. Чунки семинома ривожланишининг дастлабки давридаёқ ўз ҳужайраларини бошқа ички аъзоларга ўтказишга улгуради (метастаз деб шу ҳолга айтилади). Одатда, метастазлар лимфа тугунлари, ўпка, плевра ва бошқа ички аъзоларга тарқалади.

Мояк чов каналида жойлашганида семинома пайдо бўлган бўлса, икки ҳолат кузатилиши мумкин:

1. Катталашган мояк чов каналининг деворларини туртиб, дўппайиб чиқади. Шу боис бемор шифокорга эрта мурожаат қилиши мумкин.

2. Мояк катталаша боргани сари қорин бўшлиғи тарафга сурилади. Бундай ҳолатда дардни ўз вақтида билинмайди ва унинг кеч аниқланишига сабаб бўлади.

Юқорида баён этилганлардан аниқки, семиномадан қутулишнинг бирдан-бир йўли крипторхизм нуқсонини эрта аниқлаб, ўз вақтида операция қилишдир. Бу муаммо бола 1 ёшга етгунига қадар ҳал этилиши шарт.

... Отабек ўнг томондаги мойги бир оз катталашганига анча эрта сезганди. Аммо у оғримасди. Шунинг учун ҳам хотиржам юраверди. Ниҳоят, у 14 ёшга тўлганида операция қилишди. Шифокорлар ўнг томонлама крипторхизм дейишди. Операциядан кейин 10 йил ўтди. Шу вақт ичида у бирон марта бирон-бир дарддан безовта бўлган эмас. Ҳар эҳтимолга қарши шифокорга кўриниш учун поликлиникага йўл олди. Шифокорларга учрашди. Уни зудлик билан шифохонанинг хирургия бўлимига ётқизишди ва ўнг мойги олиб ташланди. Ўнг мойк тўқимаси гистологик (махсус бўяш билан микроскопда кўриш) усулида текширилганида ўнг мойкда ҳали метастаз беришга улгурмаган семинома ривожланаётгани аниқланганди...

Отабек 14 ёшида операция қилиниб даво олган эди-ку, унда ўсма қаердан пайдо бўлибди деган савол туғилади. Гап шундаки, операция йўли билан ёрғоққа олиб тушилган мойкда ҳам ўсма пайдо бўлиши мумкин. Чунки мойк 14 йил давомида ўз жойида «яшамаган», бунинг устига, операция пайтига келиб мойкда семинома ҳужайралари бўлган. Шу боис бу жараён мойк ёрғоққа туширилганидан кейин ҳам давом этаверган. Демак, ҳамма гап крипторхизмни ўз вақтида операция қилишда, токи унинг ҳужайраларида меъёрга хос бўлмаган ўзгаришлар ҳосил бўлиб улгурмасин.

Бола икки ёшга етгунига қадар мойклари ёрғоққа тушмайдиган бўлса, унда, айниқса, нозик эпителий ҳужайраларида анча жиддий патологик ўзгаришлар пайдо бўлади. Бунинг ҳисобига эса келажакда фарзандли бўлиши хавф остида қолади. Демак, крипторхизм билан туғилган болада мойкни ёрғоққа тушириш муолажаси 1 ёки 1,5 ёшга етмасданок бажарилиши лозим. Буни асло унутмаслик керак!

Крипторхизмни аниқлаш эса қийин эмас. У бир ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Яъни ушлаб кўрилганида ёрғоқнинг бир ёки икки тарафида мойк аниқланмайди. Ўнг томонлама крипторхизм 50 – 51 фоиз, чап томонламаси 35 – 36 фоиз, икки томонламаси эса 13 – 14 фоиз учрайди. Бир томонлама крипторхизмда ёрғоқнинг ўнг ёки чап томонидаги мойк ўз жойига тушмагани аниқланади. Ёрғоқнинг ўша томони ривожланмай, худди чов соҳасига, оралиқ соҳасига ёпишгандай кўринишга эга бўлади. Агар икки тарафда ҳам мойк тушмаган бўлса, ёрғоқ ҳам жуда кичкина бўлади.

Кузатувлардан маълум бўлишича, икки томонлама крипторхизм ўз вақтида операция қилинмаса, 93 – 95 фоиз ҳолатларда уруғ суюқлигида сперматозоидлар мутлақо бўлмайди. Бу эса ҳар 100 крипторхизмга дучор бўлган одамнинг 95 таси бефарзанд бўлади дегани! Бундай крипторхизмда қорин бўшлиғида ёки чов каналида жойлашган иккала мойк ҳам атрофияга учрайди, яъни улар анча барвақт кичрайиб қолади. Чунки қорин бўшлиғи аъзолари ёки чов каналининг деворлари мойкни эзиб, босиб қўяди, унинг нозик ҳужайраларига эркин нафас олиш имконини бермай қўяди. Атрофияга учраган мойкларда сперматозоидларнинг ишлаб чиқилиши кескин бузилгани сабаб сони жуда камаяди ва борлари ҳам ҳаракат қилиш қобилиятини йўқотади. Бу эса фарзандсизликка олиб келади.

Бир томонлама крипторхизмда уруғ суюқлигида 45 фоиз ҳолатда сперматозоидлар бўлмаслиги кузатилади. Бу факт саволни юзага келтиради – иккинчи мойк бор-ку, нега уруғ суюқлигида сперматозоидлар бўлмайди?.. Ҳа, жуда қизиқ! Наҳотки, иккинчи мойк ҳам ўз вазифасини бажара олмай қолса?! Ахир у меъёрий ҳолатда ёрғоқда жойлашган-ку!

Шу ўринда бошқа бир қизиқ факт бор, одам фақат бир мойк билан ҳам туғилиши мумкин. Бунга монорхизм дейилади. Бироқ монорхизм билан туғилган бола умр бўйи ҳеч қандай изтироб чекмасдан роҳат-фароғатда яшаши, кўп-лаб фарзанд кўриши мумкин. Табиатнинг ўзи бу муаммони оқилона ҳал этган...

Организм ташқи муҳитга мослашиш жараёнида турли-туман салбий таъсирларга қарши курашишнинг бир қанча йўллари ўзида мужассам қилган. Чунки организм умр бўйи ташқи салбий таъсир ва таассуротларга қарши курашиб яшайди. Масалан, ҳар хил микробларга қарши курашиш хусусиятини олиб кўрайлик. Бунда бошқа ҳимоя воситалари билан биргаликда антитело катта роль ўйнайди. Масалан, организмга озми-кўпми микроблар тушиб қолди дейлик. Бу микроблар ўзларидан заҳарли моддалар ажратиб чиқара бошлайди. Бу моддалар қонга ўтади ва антигенга айланади. Улар организмга зарар келтирувчи моддалар бўлиб, салбий таъсирдан организмда меъёрга хос бўлмаган ўзгаришлар бошланади. Бу эса, албатта, касалликка олиб келади. Шу боис организм антигенларни зарарсиз ҳолатга келтириш учун ўзининг қарши курашиш имкониятларини ишга солади. Қарши курашувчиларнинг энг олдинги сафида эса антителолар бўлади. Шуниси қизиқки, организмда неча хил антиген пайдо бўлса, уларга қарши шунча хил антитело ишлаб чиқилади. Демак, бу антителолар фақат шу микроблар ишлаб чиқарган антигенларгагина қарши қаратилган. Шундай қилиб, антитело организмнинг микробларга, ҳар хил манфий ва салбий таъсир кўрсатувчиларга қарши курашувидаги кучли қурол ҳисобланади.

Энди юқоридаги саволнинг жавобига қайтамиз. Агар мойк қорин бўшлиғи ёки чов каналида жойлашган бўлса,

бунда мойкнинг нозик эпителий ҳужайраларида меъёрий қон айланиши бузилади. Натижада оксидланиб улгурмаган нордон муҳитли ҳар хил ҳосилалардан бирмунча ёт моддалар пайдо бўлиб, албатта, қонга сўрилади. Бу моддалар энди антигенлик хусусиятига эга. Ана энди организмда мана шу антигенларни зарарсизлантириш учун антитело ишлаб чиқарила бошлайди. Унинг миқдори эса кунма-кун, ойма-ой ошаверади. Пировардида унинг қондаги миқдори шу даражага бориб етадики, ҳалиги антителолар антигенларни ишлаб чиқараётган ҳужайраларга ҳам ўзининг ҳалокатли таъсирини ўтказа бошлайди. Бу фавқулодда ҳолат эпителий ҳужайраларининг сперматозоидлар ишлаб чиқариш қобилиятини бузади, ҳатто бутунлай йўқотиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу антителолар қонда мавжуд бўлгани учун меъёрий равишда ривожланаётган, ёрғоққа эмин-эркин тушиб, бемалол нафас олаётган мойк ҳужайраларига ҳам қон орқали ўтиб, ўзининг ҳалокатли таъсирини ўтказа бошлайди. Энди бу мойкда ҳам, худди ёрғоққа тушмай қолган мойкдагидай патологик, яъни меъёрга хос бўлмаган ўзгаришлар содир бўлади. Мана энди тушунгандирсиз бир томонлама крипторхизмда 45 фоиз ҳолларда сперматозоидларнинг бўлмаслигига сабаби нимада эканлигини.

Организмда бу антителоларнинг миқдори қанча кўп бўлса, унинг зарарли таъсири ҳам шунча юқори бўлади. Мана шу фактдан крипторхизмга зарарли таъсир қилувчи антителоларнинг миқдори бўлмаган ёки энг кам бўлган пайтда операция қилиш кераклиги ойдинлашади. Бу пайт эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, боланинг 1 ёки 1,5 ёшлик давридир. Шу ёшдан кейин борган сари фарзандсизликка дучор бўлиш хавфи орта боради. Кўпайиб бораётган антитело иккинчи мойкка ҳам ўз зарарли таъсирини ўтказа бошлайди.

* * *

Қодиржон йиғларди! Нега йиғламасин? Ўттизга кирган, куч-қувватга тўлган пайтида бахтсизликка дуч келиб турибди. Нима қилишни, кимга учрашишни билмайди...

«Катта шаҳарларга бор, шифокорларга учраш, ўзингни кўрсат дейишганди. Афсус, улар ҳам дардимни енгиллаштира олишмади. Эй ҳаёт! Озгина мехрингни ҳам менга раво кўрмадингми? Шифо берсанг-чи, ахир, шу умидлар билан яшаётганмидим? Мен ҳам қувониб-қувониб юрсам, фарзанд кўрсам, уни тарбиялаб вояга етказсам, оталик бахтининг севинчини тотсам дегандим! Бугун орзуларим барбод бўлди. Бу қандай кўргилик?! Бундан ортиқ азоб борми йигит кишига? Олти йилдан бери чекаётган дарду азобим сабаби бугун аён бўлди. Наҳотки, энди дунёдан фарзандсиз ўтаман?! Наҳотки, мен ёққан чироқни энди ҳеч ким ёқмаса? Отадан ёлғиз эдим, ёлғиз ўтаманми?!»

Қодиржон йиғлар, ёшлигини эсларди... Қодиржоннинг эсида, ўртоқлари билан чопқиллашиб ўйнашар, кураш тушишарди. «Катта бўлганимда албатта агроном бўламан», – деб орзу қиларди. Ёз ойларида болалар катта анҳорда чўмилишар, офтобда тобланишиб, ўйнаб-қулишарди. Шундай чўмилишларнинг бирида ўртоқларидан бири Қодиржон «якмоёк экан» деб қолди. У маҳаллари Қодиржон «якмоёк» нима эканлигини қаёқдан билсин? «Ҳа, сенда йўқми якмоёк?» – деганича ўз ўйини билан андармон бўлиб кетаверди. Кейинчалик диққат билан қараса, ҳақиқатдан ҳам шундай. Отасига айтди. Отаси шифокорларга учрашди. Қодиржоннинг ёдида, бир шифокор: «Юраверсин, 16 ёшга етганида ўзи тушиб кетар», – деганди. Иккинчиси эса: «Гормондан укол олиш керак», – деб айтди. Отасининг: «Садағанг кетайлар, биттагина ўғлим, катта бўлганида нуқсонли бўлиб қолмасин», – деганини аниқ эслайди. Унга ҳафтада бир

мартадан ўн марта укол қилишганди ўшанда. Бошқа ҳеч нарса қилишмадиям, ҳеч нарса дейишмадиям. У юраверди. 22 ёшида Ҳафизахонга уйлантиришди. У кўхликкина қиз эди. Турмушлари яхши. Аммо... мана, саккиз йилдирки фарзандлари йўқ. Авваллари унчалик эътибор қилишмади. Фарзандли бўлиш иштиёқида югуриб елиб юрганларига ҳам икки йил бўлди. Ҳар хил уколлар олишди. Бугун эса шифокор унга аниғини айтди: «Чап томондаги мояк бор бўлгани билан сперматозоид чиқармаяпти. Ўнг тарафдагиси нўхатдай, атрофияга учраган. Унинг ишлашидан умид йўқ. Шу вақтгача дориларнинг нафи бўлмабди-да...»

Қодиржон йиғларди... У ўзининг бедаво дардга мубтало бўлганидан йиғларди. «Ҳафизамга нима дейман?! Ҳафизахон иккаламиз қандай бахтли эдик. Иккаламиздан ҳам бахтлироқ ким бор эди?! Энди-чи, мен-ку ўз айбим билан фарзандга зорман, сен ҳам зорсан-ку, Ҳафиза! Менинг айбим туфайли сен «бепушт аёл» деган номни ортирасанми? Сен шунга чидай оласанми? Йўқ, мен бунга чидай олмаيمان. Бироқ... Аммо... Кейин нима бўлади?...»

* * *

Моякнинг ҳар бири 200 ва ундан ортиқ паренхима бўлақчаларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар биридан 2 ёки 3 тадан нафис каналчалар чиқади. Ўз навбатида, улар бирлашиб уруғ йўллари ташкил этади. Бу нафис каналчаларнинг айланма қисмида сертолли деб аталган хужайралар бўлиб, улар сперматоцитлар ишлаб чиқаришда қатнашади. Сперматоцитлар етилиб, сперматозоидларга айланади. Ҳар бир сертолли хужайрасининг ичида 8 – 12 тагача сперматозоидлар бўлади. Одатда, сперматозоидлар кишида 16 ёшлар атрофида етила бошлайди. Жинсий яқинлик пайтида етилган сперматозоидлар аёлнинг қини орқали уруғ найчалари-

га тушади ва тухумни уруғлантиради. Унинг шу хусусияти туфайли одамзод насли давом этади.

Крипторхизмда сертолли хужайралари иссиқлик ва босимнинг номувофиқлигидан, айниқса, антитело таъсиридан атрофияга учрайди, яъни жуда кичиклашиб, ўз вази-фасини бажаришга ожиз бўлиб қолади.

Моякларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири эрлик жинсий гормонлари – андрогенлар ишлаб беришидир. Бу гормонлар моякнинг оралиқ хужайраларида (Лейдиг хужайралари деб аталади) ишланади, яъни синтезланади. Андрогенлар жинсий белгиларнинг ривожини таъминлайди. Бу белгиларга овознинг дағаллашуви, мушакларнинг ўсиши, ёғ тўқималарининг организмда тақсимланиши ҳамда соқол-мўйловларнинг пайдо бўлиши кабилар киради. Ёрғоқнинг катталашуви, уруғ пуфаклари, простата безининг ривожланиши ва олатнинг ўсиши ҳам андрогенлар таъсири туфайлидир. Андрогенлар миқдори уч ёшдан кейин аста-секин кўпая боради. 20 – 25 ёшдаги организмда эса унинг миқдори энг юқори даражада бўлади.

Олиб борилган жуда кўп текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, крипторхизмда Лейдиг хужайралари бола беш ёшга кирганидан бошлаб патологик (носоғлом) ўзгаришларга учрай бошлайди. Крипторхизм формалари (моякнинг қорин бўшлиғида ёки чов каналида жойлашгани, боланинг умумий гормонал ривожлангани ва бошқалар) туфайли андрогенлар ишлаб чиқилишининг кескин камайиши ўн, йигирма ёки ўттиз ёшдан кейин рўй беради. Аксарият ҳолларда андрогенлар миқдори балоғат ёшига етгунича кескин камайиб улгуради. Оқибатда киши балоғатга етиб, куч-қувватга тўлган даврида ҳам фарзанд кўриш қобилиятига эга бўлмайди.

* * *

Мансур тўй-томоша қилиб уйланди. Мана, бир ҳафта ўтибди ҳамки, келин билан тузук гаплаша олмайди, ботиниб бир нарса дея олмайди ҳам. Кундузлари вақтини бир амаллаб ўртоқлари билан ўтказса-да, кеч киришини орзиқиб эмас, балки қўрқув, ҳайиқув, хавотир ва ийманиш билан кутади. «Яна шундай бўлса-я...» – деб кўнглига қаттиқ ғулғула тушади. Кеч кириб ўрнига ётиши билан ўзини ҳар қанча зўрламасин, қора терга ботиб кетар, аммо эрекция (жинсий аъзонинг таранглашуви) бўшгина ва қисқагина давом этарди. Келин эса бокиралигича қолаверарди. Кейин эса... У келинпошшани эркалар, шу билан ўзининг «айби»ни ёпмоқчи бўларди. Орадан бир ҳафта ўтди. Аммо аҳвол ўзгармади. Тўйгача анча толиқдим, шекилли, деб бир ҳафтага қўшни тумандаги ўртоғиникига кетди. У ерда истаганича ҳордиқ чиқарди, ғам-ташвишларини унутишга ҳаракат қилди. Ҳар қалай, кўнгли кўтарилиб, қалбида тушуниб бўлмас севинч билан, ўзига ишонч пайдо қилиб уйига қайтди. Мансуржон анча хотиржам эди. Бироқ умид қилинган шу кеча ҳам кўнгилдагидек бўлмади...

Икки-уч кун ўзини қўйгани жой топа олмай юрган Мансуржон охири шифокорга учрашишга қарор қилди. Текширувда унда ўнг томонлама крипторхизм борлиги маълум бўлди. Қондаги андрогенлар миқдори эса ниҳоят даражада паст эди. Ҳа, туғма нуқсон ўз ишини кўрсатган эди. Агар уни ёшлигида шифокорга олиб бориб, ўз вақтида даволатишганида эди, бундай кўнгилсизликлар бўлмасди.

* * *

Мояклар сперматозоидлар ишлаб бериш, қонга андрогенларни синтез қилиб чиқариб туришдан ташқари бошқа жинсий аъзоларга, жумладан, ички секреция безларига

ҳам тўғридан-тўғри (гормонлар орқали) ёки рефлектор (билвосита) таъсир кўрсатади. Бу организм учун муҳим аҳамиятга эга.

Фаол жинсий яқинлашиш пайтида насл (простата) безидан кўп миқдорда секрет (суюқлик) ажралади. Натижада насл безининг қонга чиқарадиган фаол моддаси миқдори камаяди, чунки секрет уруғ йўлларига чиқяпти. Бу эса мойкнинг одатдаги ишини кучайтиради ҳамда жинсий майл ошади. Агар насл безининг секретини қонга кўп миқдорда сўрила бошласа, мойкнинг иш фаолияти анча сусаяди. Бироқ мойк ҳам, ўз навбатида, насл безига тўғридан-тўғри ўз таъсирини ўтказиши, яъни унинг иш фаолияти пасайиши насл безини атрофияга учратади. Шунда без бужмайиб, кичрайиб қолади.

Крипторхизмда мойк гормонлари андроген билан тестостеронни (эркаклик майлини оширувчи гормон) кам ишлаб чиқараётгани сабабли насл безининг кўзгалувчанлиги охиб кетади. Натижада унинг секретини қонга кўп миқдорда сўрила бошлайди. Аммо бунга мойк етарли даражада жавоб бериш қобилиятига эга эмас. Бу эса насл безининг секретор функцияси издан чиқишига сабаб бўлади. Ана энди андрогенларнинг ҳам, насл бези секретининг ҳам миқдори камаяди. Оқибатда мойкнинг иш фаолияти яна баттарроқ издан чиқади. Мана шуларнинг бари жинсий майлнинг, интилишнинг пасайишига олиб келади. Шу билан бирга, эрекция ҳам суст ва қисқа бўлиб, жинсий яқинлашиш амалга ошмай қолаверади. Жинсий заифлик, яъни импотенция келиб чиқади.

Мояк гипофиз, буйрақусти, қалқонсимон безлари иш фаолияти (функцияси) билан ҳам узвий алоқада бўлади. Масалан, гипофиз безини олайлик. Бу эндокрин безининг пастки ва олдинги қисмида жойлашган бўлиб, унинг

олд бўлакчаси икки хил гормонни қонга ажратади: 1. Гонадотропин – фолликулаларни рағбатлантирувчи гормон. 2. Гонадотропин – лютеинловчи гормон. Иккинчи гормон андроген гормонларни ишлаб берувчи Лейдиг хужайраларига таъсир этиб, унинг ишлаб чиқариш қобилиятини идора ва назорат қилади, тестостерон гормонини синтез қилишда қатнашади. Гонадотропинни жинсий функциянинг мотори ҳам дейишади, чунки у мойкнинг меъерий ривожланишига ҳам, функциясига ҳам катта таъсир кўрсатади. Крипторхизмда эса ана шу гормон ўз таъсирини кўрсатса ҳам, мойклар ривожлана олмайди, чунки улар ёрғоқда жойлашмагани учун қисилган, эзилган, қон айланиши бузилган ҳолатда бўлади.

Сперматозоидларнинг меъерий ишлаб чиқарилиши фолликулаларни рағбатлантирувчи гормоннинг таъсирига боғлиқ. Аммо гормоннинг таъсири меъерий равишда рўй бериши учун мойкда Сертолли ва Лейдиг хужайралари меъерий ривожланган, шу гормон таъсирига мувофиқ ва аниқ жавоб бера оладиган бўлиши шарт. Аммо крипторхизмда ана шу жавоб йўқ ёки жуда пасайган бўлади. Чунки бу хужайралар атрофияга учраган.

Масаланинг нозик жиҳати шундаки, мойк ҳам, ўз навбатида, гипофизга таъсир кўрсатади. Мояк гормонларининг қонда кам бўлиши гипофизни иш жадаллигини оширишга мажбур қилади. Унинг фаоллиги ошганида эса у ишлаб чиқарадиган гормонларининг қондаги миқдори ҳам ошади. Аммо крипторхизм туфайли мойк бунга етарли равишда жавоб бера олмайди.

Жинсий алоқа қила олмаганда ёки чала бўлганида киши ҳаяжонланади, изтироб чекади, ўз кучига қобилиятига ишонмайдиган бўлиб қолади, оқибатда стресс пайдо бўлади. Стрессда эса буйрақусти бези пўстлоқ қисмининг гормонла-

ри қонга кўп миқдорда ажрала бошлайди. Бу, ўз навбатида, гипофиз безининг гонадотропин гормони ишлаб чиқариш функцияси бузилишига сабаб бўлади, бу ҳам мояк атрофиясининг кучайишига олиб келади. Албатта, биз жараён ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишингиз учун, тушуниб олишингиз осон бўлиши учун соддароқ баён қилдик. Аслида, бу жараёнлар жуда мураккаб ва хилма-хилдир. Бу мураккаб жараёнларнинг ҳаммаси миянинг пўстлоқ ва пўстлоқости маркаслари томонидан идора қилинади.

Эшитиш, кўриш, тасаввур қилиш ва бошқа сезгилар туфайли шартсиз рефлекс натижасида миянинг пўстлоқ қисмида жойлашган жинсий марказ кўзғалади. Бу ерда пайдо бўлган импульслар пўстлоқости ва орқа мияда жойлашган маркаслар орқали жинсий аъзоларга берилади. Бундай таъсирдан жинсий олат ғовак тўқимасига қон кўп оқиб келади, қайтиб кетиш йўллари эса бекилади. Натижада олат таранглашади (эрекция). Эрекция фақат мия пўстлоғидан берилган импульслар туфайли эмас, балки жинсий гормонлар таъсирида ҳам пайдо бўлади.

Жинсий акт пайтида эрекция марказининг суммар қитиқланишидан пайдо бўлган импульслар бирмунча қийинроқ кўзғаладиган эакуляция марказига берилади. Бу эса уруғ пуфакчалари, насл безида жойлашган силлиқ мускул толаларининг қисқаришига сабаб бўлади. Оқибатда уларнинг секретари уруғ дўмбоқчасидан сийдик чиқариш канали – уретра орқа қисмига куч билан отилиб чиқади. Шундан сал ўтиб олатнинг булбар мускуллари ҳам қисқаради ва шаҳват – уруғ ҳам уретрадан отилиб чиқади. Бунга эакуляция дейилади. Эакуляция кучли роҳатланиш – оргазм билан бирга рўй беради.

Қисқа қилиб шуни айтиш мумкинки, жинсий марказининг кўзғалиши, эрекция, эакуляция ва оргазм жараён-

ларининг пайдо бўлиши ҳамда рўй беришида мия пўстлоқ қисмидаги марказ ҳал қилувчи кучга эга. Унинг бу функцияси эса ички секреция безлари фаолияти билан чамбарчас боғланган. Бу соҳада энг биринчи ўринда мояклар туради.

Крипторхизмда худди мана шу бўғин – моякнинг вази-фаси *пасаяди ёки мутлақо* бўлмайди. Натижада жараёнлар босқичидаги узвий боғлиқлик йўқолади. *Бундан эса эрекция* сусаяверади. Эакуляция тез рўй беради. Одатда, тез ва қисқа эакуляцияда оргазм ҳам кучсиз ёки бутунлай бўлмайди. Албатта, бундай ҳоллардан эр ҳам, хотин ҳам қониқмайди. Энг ёмони, эркақда кундан-кунга жинсий майл сусайиб бораверади.

Арзимас бўлиб кўринган крипторхизм ўтказиб юборилганида унинг нуқсони ҳаётдан норози бўлиш, ғам-ташвиш хисларини пайдо қилади. Фарзандсизлик доғи кишининг қаддини букади, эрта қаритади. Шодлик ва қувонч тобора бегоналашаверади. Руҳан эзиладилар. Бундай изтиробга мутлақо йўлиқмаслик учун крипторхизмни ўз вақтида даволаш асосий омил ҳисобланади.

Ана энди асосий мавзунинг туб моҳиятига эътиборни қаратайлик. Яъни крипторхизмга сабаб бўладиган омилларни излаб кўрайлик. У қандай пайдо бўлади?

Ҳомиланинг 2 – 3 ҳафталик даври, эмбрионнинг ўлчами 5 мм га етган пайтда моякнинг илк хужайралари пайдо бўлади. 5 – 6 ҳафталик бўлганида эса мояк тўлиқ шаклланиб улгуради. У ҳатто ҳомила 6 ойлик бўлгунча қорин пардасининг орқа тарафида, нақ буйрақларнинг тагида жойлашиб олади. Мояклар турган жойдан қорин парда бўртиб чиқади-да, қинли ўсимта шаклига айланади ва ёрғоққа томон сурилиб, моякнинг тушмоғи учун тайёр йўл ҳосил қилади. Бу йўл ёрғоқ тубигача боради ва мояк шу

йўлдан ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан тушади. Крипторхизмда худди мана шу жараён бузилади.

Ҳомиладор аёл организмида сурункали яллиғланиш ўчоқлари бўлса ва шу даврда у кўп изтироб чекса, ташвишга тушса, ғам-аламлар тўлқинида қолса, бундай стреслар натижасида аёл организми заифлашади. Оқибатда ҳомиланинг қайсидир бир жойида озми-кўпми яллиғланиш жараёни бошланиши мумкин.

Бунда, албатта, ҳомиланинг ўша жойида чандиқ ҳосил бўлиш жараёни кузатилади. Агар бу жараён ёнбош ва чов соҳаларида рўй берган бўлса, қорин пардасининг қин ўсимтаси ўзига йўл ҳосил қила олмайди. Энди мойкнинг ёрғоққа ўтиши учун тайёр йўл йўқ. Чунки у ер чандиқланган.

Бундан ташқари, мойкнинг ёрғоққа тушишини таъминлайдиган гормонлар таъсирининг бузилишини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Бу омил ҳам онанинг ҳомиладорлик пайтидаги соғлиғи ва кайфияти билан узвий равишда боғланган. Мана шу сабабларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, крипторхизм пайдо бўлмаслиги учун ҳомиладор аёл ўз соғлиғини асраб-авайлаши, ҳар хил бўлмағур стреслардан ўзини ҳимоя қилиши, вақтида овқатланиши ва гигиена қоидаларига тўғри риоя қилиши шарт. Айниқса, сурункали яллиғланиш ўчоқларини тугатиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ҳам крипторхизмни нотўғри даволаш ҳоллари учраб турганлигини эътиборга олиб, унинг ҳозирги замон тиббиётида қабул қилинган муолажа усули бора-сида ҳам тўхталишга тўғри келади.

Крипторхизм механик сабаб билан (чов соҳасида чандиқлар бўлганида) пайдо бўлганида гормонлар воситасида даволаш ҳеч қандай ёрдам бермайди. Шунинг учун бир

томонлама крипторхизмни бола 1 – 1,5 ёшга кирганида кечиктирмасдан операция қилиш шарт. Чунки, аввало, ўсаётган ёш организмга гормонлар киритишни зарарсиз деб бўлмайди. Чунончи, бу ҳолда организмнинг тўғри гормонли мувозанати бузилади. Иккинчидан, гормонлар мойкнинг ўз жойига тушишига ёрдам бермайди, чунки чандиқларни эритиб йўл ҳосил қила олмайди.

Икки томонлама крипторхизмда ҳам гормонларни фақат икки ой давомида ва фақат тавсия этилган дозалардагина қўллаш мумкин. Агар шу давр ичида мойклар ёрғоқ ичига тушмаса ёки мойкларнинг жойлашувида ҳеч қандай ижобий ўзгариш сезилмаса, у вақтда тезда операция қилингани маъқул. Мойк қанчалик тез ўз жойига туширилса, бошланиши мумкин бўлган патологик жараёнларнинг олди шунчалик тез олинган бўлади. Бу эса фарзандларимизнинг келажақда бахтли бўлиши гаровидир.

Крипторхизм билан туғилган бола доимо шифокор кузатуви остида бўлиши керак. Баъзида мойкнинг ёрғоққа тушиш жараёнида унинг уруғ тизимчаси ўқлари билан нотўғри келиб қолиши каби ҳар хил нохуш асоратлар ҳам кузатилиши мумкин.

* * *

Адҳамжон тўрт ёшга кирди. У соғлом, бақувват бола эди. Ўртоқлари билан кураш тушганида ҳаммасини йиқитарди. Анча-мунча шеърларни ҳам ёд олган. Бугун у ўрнидан барвақт турди. Керишди. Сакраб-сакраб ўйнади. Бу унинг эрталабки машқи. Кейин юз-қўлини ювди. Нонушта қилди. Сўнг ўртоқлари билан ўйнагани кетди. Аммо... орадан ярим соатлар ўтмасдан уйга йиғлаб кириб келди. Бувисига қорни оғриётганини айтди. Буви бечора нима қилишини билмай қолди. Адҳамжоннинг ота-онаси ишга кет-

ган эди. Невара эса чинқириб йиғлар, ора-сира ўнг оёғини кўтариб-кўтариб олиб, яна батгарроқ додларди. Буви «тез ёрдам» чақирди. Адҳамжонни текшириб кўрган шифокор унинг ўнг чов соҳаси дўппайиб қолганига эътибор берди. Уни қўли билан сал босган эди, Адҳамжон баттар йиғлади. Ёрғоқнинг ўнг томонида мояк йўқ эди...

Адҳамжон зудлик билан шифохонага жойлаштирилиб, операция қилинди. Ёрғоққа тушмай қолган мояк чов каналда тикилиб, ўз уруғ тизимчаси билан биргаликда буралиб қолган экан. Операция яхши ўтди. Тушмай қолган мояк жойига туширилди. Орадан 8 кун ўтгандан кейин Адҳамжон соғайиб уйига қайтди.

Крипторхизмда моякнинг ўз ўқи атрофида айланиб қолиб, болага азоб бериши нисбатан кўп учрайди. Моякнинг чов каналда сикилиб ўз ўқи атрофида айланиб қолишига жисмоний зўриқиш, қорин ички босимининг ошиб кетиши сабаб бўлади. Мояк ўз ўқи атрофида айланиб қолганида қон томирлари ва нерв толалари қисилиб қолади, натижада мояк тўқимасида меъёрий қон айланиши бузилади. Қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Агар бу ҳолат узоқ давом этса, мояк тўқимаси ҳужайралари некрозга учрайди, яъни чириш жараёни бошланади. Бундай пайтда дарров операция қилинмаса, мояк бутунлай чириб, яроқсиз ҳолга келади ва уни олиб ташлашдан бошқа илож қолмайди.

* * *

Раҳматжон чинқириб йиғлар, уни ҳеч нарса билан овутиб бўлмасди. Ойиси атрофида гирдиқапалак. Ҳали у ўйинчоғини, ҳали бу ўйинчоғини олиб беради. Қани энди уни юпатиб бўлса. Она бечора ҳайрон. «Илгари у ҳеч бундай йиғламаган эди-ку! Уч ёшга кирибдики, бирон марта хархаша қилмаган. Унга нима бўлди экан?» Раҳматжон-

нинг йиғиси баттар кучайди. Энди онанинг ўзи ҳам унга қўшилиб йиғлай бошлади. Охири чидай олмай қўшни қишлоқдаги ном чиқарган Тожи табибнинг олдига шопилди. Табиб Раҳматжонни яхшилаб кўрди: кўкрагини пайпаслади, бармоқларини тортди, алланималарни пиширлаб «куф-суф» қилди. Кейин қоғозга ўралган тарикдек қорамтир дорини олди-да, дуо солинган сув билан ичирди, «шифо берсин» дея қўлини юзига тортди.

Шундан кейин ярим соатлар ўтиб Раҳматжон тинчиди. Она табибдан жуда миннатдор бўлди! «Тожи табибни машхур деганларича бор экан. Бирпасда тузатди-я!»

Онанинг қувончи чексиз эди. У ишдан келган эрига ҳам табибни роса мақтади. Аммо унга «қўл ҳақи» бергани ҳақида «» демади. «Мана, кўринг, дадаси, 5 соат давомида тинмай йиғлаган бола бирпасда йиғламай қўйди-я! Унинг пишиллаб ухлашини қаранг! Ўзиям йиғлайвериб роса чарчаган-да, ахир!» Орадан 2 соат ўтди. Раҳматжон уйғониб, яна йиғлай бошлади. У типирчилар, қорнини пайпасларди. Бир марта қусди ҳам. Тана ҳарорати кўтарила бошлади.

Ота Раҳматжоннинг йиғисига тоқат қила олмади. Кўшнисининг машинасида шифохонага олиб кетди.

Мана, Раҳматжон жарроҳлик қабулхонасида. Онасига ёпишиб олиб йиғлаётган боланинг фарёди юракларни эзарди. Шифокор уни ҳар томонлама текширди. «Қорни юмшоқ, чувалчангсимон ўсимтанинг яллиғлаиши – аппендицит ҳам йўқ. Фақат қовуқ соҳасининг чап тарафи оғрияпти. У нимадан безовта бўлаётган экан-а?! Сикилиб қолган чурра ҳам йўқ, ие, тўхта, унинг чап тараф ёрғоғида мояк йўқ-ку! Чап чов каналининг ташқи тешиги ҳам жуда кичкина. Ҳа, мояк тушмай қолган. Крипторхизм! Ташхис аниқ, тушмай қолган мояк ўз ўқи атрофида буралиб қолган. Операция қилиш керак, зудлик билан!»

– Ўғилчани тезда операция қилиш керак!

– Нега, доктор, унинг касали нима экан? Аппендицит-ми?!

– Чап тарафдаги мойк ўз ўрнига тушмаган. У ҳозир ўз ўқи атрофида буралган.

– Унинг чап тарафида туғилганида ҳам мойги бўлмаган. Бўлмаган бўлса, қандай қилиб буралиб қолади?

– Мойги бор. Аммо у ўз ўрнига тушмаган.

Раҳматжон зудлик билан операция қилинди. Операция пайтида чап мойкнинг қорайиб, тўқималари чиригани маълум бўлди. Мойкни олиб ташлашдан ўзга чора йўқ эди. Афсус, афсус! Аммо, начора! Бечора она! Тожи табибининг дориси ўз «сеҳри»ни бажариб бўлган эди. Она бу тарикдек дорининг тинчлантирувчи қорадори эканлигини қаёқдан ҳам билсин? Нега дарров шифокорларга олиб келишмади?! Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деб шунга айтсалар керак-да.

* * *

Фарзанд – бу ҳали очилмаган куртак. Аммо биз шу пайтдан бошлаб унинг келажаги тўғрисида қайғуришимиз лозим. Унинг ҳаёти ўн йил, йигирма йилдан кейин нима бўлади?! Ўттиз йилдан кейин-чи?! Энг муҳими, унинг ҳаёт-да ногирон ёки бахтсиз бўлиб қолиши сабабчисига айланмаслик керак.

Биз юқорида гипоспадиянинг крипторхизм билан биргаликда тез-тез содир бўлишини айтиб ўтгандик. Иккала нуқсон ҳам операция йўли билан бартараф қилинади. Аммо кечикиб операция қилинса, гарчи гипоспадияни тўлиқ бартараф қилиш мумкин бўлса-да, мойкларнинг ўз вақтида ёрғоққа туширилмагани кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши турган гап.

* * *

Қоғозга тикилавериб Зоиржоннинг кўзлари чарчади. Ҳар бир жумлани ёзиб-ўчиравериш, уларни янада чиройли қилиб қоғозга кўчириш уни толиқтириб қўйди. Очиқ ҳавода айланиб келиш учун енгилгина кийиниб ётоқхонадан чиқди. Йўлкадан «Жасорат майдони» томонга секин юрди. Тоза ҳавода нафас олиш қандай яхши. Қани энди вақтинг ошиб-тошиб ётган бўлсаю бемалол сайр қилсанг... Зоиржоннинг вақти тигиз, икки кундан кейин илмий ишининг ҳимояси. Жамоаси, ўртоқлари олдида уялиб қолмаслиги, олийгоҳи номини янада баланд поғонага кўтара олишини исботлаши керак. Зоиржон бу масъулиятни сезар, ўзининг билимига, илмий ишининг пухталигига ишонса ҳам, барибир, ҳаяжонланарди.

У «Жасорат майдони» олдидаги трамвай йўлини келиб ўтди-да, чиройли манзара кўриниб турадиган, одамнинг баҳри дилини очадиган кенг жойга ўрнатилган ўтирғичларнинг бирига чўқди. Энди кўлидаги газетага кўз югуртира бошлаганида «Салом, Зоир Назарович!» деган товуш эшитилди. Унинг қаршисида истараси ис-сиққина ёш йигит жилмайиб турарди. Зоир Назарович ҳам «салом» деб жавоб берди-да, кўлини узатди.

«Мен уни кўрганман. Бу аниқ. Аммо қаерда?» – ўйларди Зоиржон. Лекин хотирасини қанчалик зўрламасин, барибир, эслай олмади. Хиҷолат бўлди.

– Таний олмадингиз-а, Зоир Назарович?

– Тўғриси, танимадим, аммо қаердадир кўргандекман, эслай олмаяпман.

– Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганида ҳам таний олмасди.

– Балким... Лекин хотира қурғур кундан-кунга ўтмаслашаётгани ўзимга ҳам билиняпти.

– Ундай деманг, Зоир Назарович, сиз бизнинг гуруҳи-мизга сабоқ берганингизда хотирангизнинг ўткирлигига тан берганмиз. Тўғри, сиз фақат бир ҳафтагина сабоқ бергансиз. Аммо институтни битирганимдан кейин кўпинча навбатчилигимиз сиз билан тўғри келиб қоларди.

– Демак, бизнинг институтни тугатганмисиз?

– Худди шундай, Зоир Назарович!

– Яхши, жуда яхши! Хўш, унда сиз бу ерларда бирон юмуш билан юрибсизми ёки...

– Шу ерда ишлаяпман, Зоир Назарович. Илмий текшириш институтида.

– Қачон битиргансиз?

– 7 йил бўлди.

– Ҳа, анча йил бўлибди. Демак, етарли тажрибага эгасиз.

– Тажрибанинг анчасини сиз бошлиқ бўлган болалар шифохонасининг реанимация бўлимида ишлаган пайтларим эгаллаганман. Ҳозир мен аспирантурани тугаллаб, илмий ишимни ҳам охирига етказай деб қолдим.

– Мана бу ажойиб, мана бу бошқа гап! Жуда яхши иш бўлибди-да. Етарли тажрибага эга бўлиб, кейин илмий иш билан шуғулланишга нима етсин...

Шу гапларни айта туриб Зоир Назарович суҳбатдошининг кимлигини билишга ҳаракат қилар, эшлашга уринар, аммо бунинг уддасидан чиқа олмаётганди. Иккаласи бир бўлимда ишлабди-ку, ўз ўқувчисини, собиқ талабасини, ўз ҳамкасбини танимаса-я! Балки, ёдимга тушиб қолар, ҳозирча бир кофехўрлик қилайлик-чи деган фикр хаёлига келди-да, гапнинг узилиб қолганидан ўзини ноқулай сезиб, нима қилишини билмай турган собиқ талабасини таклиф қилди:

– Қани, юринг, иссиққина кофедан ичайлик. Ўша ерда бафуржа гаплашамиз.

– Зоир Назарович!

– Қани, юринг, шундай шахри азимда ўз ўқувчим билан учрашиб қоламан деб ҳеч ўйламагандим. Ҳатто хаёлимга ҳам келмаган. Жуда яхши бўлди-да...

Зоир Назарович ўнг бурчакдаги холироқ стол олдига бориб собиқ толибини ўтиришга таклиф қилди ва кофе келтирди. Кофе ичига икки чакмоқ қанд ташлади-да, қошиқ билан аралаштираётиб гап қотди:

– Қани, кофега марҳамат... бундан тўрт йил олдин реанимация бўлимида Нина Егоровна деган шифокор билан бирга ишлагандик. Имтиёзли диплом билан институтни битирганди. Уқуви зўр эди. Сизнинг ўнг ёноғингиздаги хол худди ўша қизнинг холига ўхшайди. Товушингиз ҳам...

– Зоир Назарович, топдингиз! Мен худди ўша, ўша Нина Егоровнанинг ўзиман...

– Нима?!

– Ҳа, худди ўзиман!

– Тушунмадим, қизиқ...

– Бу сирни сизга очяпман. Сиз шу соҳа билан шуғулланганингиз ва шуғулланаётганингиз учун ҳам... Кўпи ўзи ҳурмат қилган одамга қалбида йиғилиб қолган дардини ёрса, юрагини замбилдай босиб турган қайғули туйғу ҳам чекинади. Мен сизни жуда-жуда ҳурмат қиламан, Зоир Назарович!

– Раҳмат...

– Мени Коля деяверинг, яъни Николай Егорович... Мен сизни кўрдиму кўнглимда бир илиқлик пайдо бўлди.

– Николай!.. Коля, қандай қилиб, сиз, кечирасиз, сиз Нинадан...

– Бунинг тарихи узоқ, Зоир Назарович, агар вақтингиз бўлса...

– Вақтим бор, Коля. Агар иложи бўлса, батафсилроқ.

– Менинг ёшлигим нукул азоб-уқубатларда ўтди, – кофени ҳўшлай туриб гап бошлади Николай Егорович. – Шунинг учун уни эслаш мен учун жуда оғир. Мен оилада ёлғиз эдим. Дадам бизни ташлаб кетганди. Ақлим етганидан бери бир нарсага тушундимки, бунга айбдор асосан онам экан. Дадам мактабга келиб, тез-тез мен билан учрашиб турар, ҳар келганида у-бу нарса билан мени хурсанд қилиб кетарди. «Қизим, фақат аълога ўқи, кишининг бахти унинг билимига боғлиқ. Билимли киши ҳеч қачон хор бўлмайди», – дея таъкидлагани-таъкидлаган эди. Ўқитувчиларим билан учрашар, баҳоларимни суриштирар, аълога ўқиётганимни билиб мени эркалаб мақтарди. Ўқишдан кейин уйга кетишга шошилмасдим. Кўпинча дугоналаримникида тунардим. Уйимизда файз йўқ эди. Ойим ҳар бир гапимдан, қилиғимдан, ишимдан қийиқ ахтариб мени хафа қиларди.

Кейин ойим бошқа турмуш қурди. Мен билан мутлақо иши бўлмай қолди. Ўғай отам менинг борлигимга ҳам, йўқлигимга ҳам эътибор бермасди. Хуллас, мен ўзим билан ўзим овора эдим. Агар отамнинг меҳрибончиликлари, ўғитлари бўлмаганида, билмадим, ҳаётим қанақа ўзанга тушиб кетарди. Тасаввур ҳам қила олмайман. Аниқ эсимда, 8-синфда эдим. Отам: «Ким бўлмоқчисан, қизим?» – деб сўради. Мен аниқ фикр айтмадим. Шунда у: «Ҳар томонлама ўйлаб кўргин, қизим. Кейинчалик касбни нотўғри танлабман деб пушаймон бўлмагин. Балким, шифокор бўлсанг яхши бўлармиди?» – деди. Шу гап сабаб бўлдим, шифокор бўлиш ҳаёлимда мустақкам ўрнашиб қолди. Тиббиёт институтига ўқишга кириш олий мақсадим эди. Пухта тайёргарлик кўра бошладим. Меҳнатларим зое кетмади. Ўқишларим ҳам яхши эди. Дарсдан бўш вақтларим ишладим.

Институтга кирганимдан кейин мени бошқа нарсалар қийнай бошлади. Менинг кўкракларим катгармас, каттариши ҳам бошқачароқ эди. Қизларда бошланадиган ҳолат менда кузатилмасди. Мен бундан қаттиқ изтироб чекардим. Аммо бу гапни ўртоқларимга, дугоналаримга сездирмаслик учун ўзимни ҳар хил кўйга солардим. Гоҳо ёлғондан кулардим, гоҳо ўта даражада хушчақчақ бўлиб кетардим. Алаимни ўқишдан олардим. Ўтган кунларни эслаш мен учун жуда оғир, Зоир Назарович. Мен қизлик хусусиятларим йўқлигини сеза бошладим. Эндокринолог шифокорга учрашдим. У киши менга аниқ бир нарса дея олмади. Хуллас, 5-босқич талабаси бўлганимда ҳам жоним азобда кечарди. Сизларнинг клиникангизда гипоспадия, крипторхизм билан туғилган болаларни кўриб менда ҳам шундай нуқсон йўқмикан деб ўйлаб қолдим. Шунга мувофиқ илмий мақолаларни ўқиб чиқдим, адабиётларни кўздан кечирдим. Ўзимни ўзим текширдим. Менда гипоспадиянинг оралиқ тури борлигига шубҳам қолмади. Аммо нима қилиш керак?! Мен боши берк кўчага кириб қолгандим. Шу вақтда пойтахтга келиш имкони пайдо бўлди. Шаҳарга келдим. Профессорларга кўриндим. Уч марта операция қилишди. Ҳамма ҳужжатларимни қайтадан ўзгартирдим. Яқинда уйландим.

Ўртага жимлик чўқди. Зоиржон совиб қолган кофедан ҳўшлади:

– Ҳа, анча ташвиш ва дил изтиробларидан сўнг, ниҳоят, ўз бахтингизни топибсиз, Николай. Энди бу ёғида сиз учун қувончли кунлар бўлади. Бунга ишончим комил. Фақат ғайрат қилинг.

– Қани эди айтганингиз бўлса! Аммо мени бошқа бир нарса ўйлантиради. Гувоҳ бўлдимки, гипоспадия ҳамда крипторхизм билан ёши 30 – 35 дан ошганлар операция

қиланаётибди. Ахир бу жуда кеч-ку! Шу ёшдагиларни анча эрта, ўз вақтида аниқлаб, операция қилиб бартараф этиш мумкин-ку! Мен бу ерда ўзимни мисол қила олмайман. Менинг йўриғим бошқа бўлган. Мен ўз ёғимга ўзим қоврилганман. Менга меҳрибонлик қилиб шифокорга кўрсатувчи одамнинг ўзи бўлмаган, Зоир Назарович. Ўзингиз яхши биласиз, бундай нуқсонлар билан туғилган болалар анчагина. Кўпчилиги ўз вақтида операция қилинмайди. Бунда шифокорларнинг ҳам айби катта. Кечирасиз-у, лекин шундай деб айтишга ҳаққим бор деб ўйлайман. Оддий бир мисол, тиббиёт илмидан хабари бўлмаган одамлар қизиқиб ўқийдиган, қизиқиб ўқиладиган илмий-оммабоп рисоалар йўқ! Бу ҳақдаги китобчалар чиройли безаклар, кишини ўйлашга мажбур қилувчи рангли расмлар, ҳар хил графиклар билан чоп этилса ва магазин пештахталарини беаб турса эди, ўқишга қизиқмаган одам ҳам уни варақлаб ўқиш иштиёқига тушар, ўқирман бўлиб қолганлигини ўзи ҳам билмай қоларди. Ахир бундай дардларнинг нима эканлигидан одамлар озми-кўпми хабардор бўлса зарар қилмасди!

– Айтганларингиз жуда тўғри, Николай Егорович. Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни кўтармасдан туриб мақтанарли натижага эришиш жуда қийин.

– Кечирасиз, Зоир Назарович, балки, мен ошириброк гапиргандирман, аммо шундай дейишга мажбур бўлдим. Ҳозир менда 31 ёшдаги йигитнинг жўшқинлиги, ҳисси йўқ. Файратим сўнган. Яхшиямки, хотиним ҳозир ҳомиладор. Аммо бундан буён мендан фарзанд бўлмайди. Мен буни жуда яхши биламан ва тушунаман. Аммо на илож, кўни-кишга мажбурман. Крипторхизм ўз ишини қилиб бўлган. Менинг битта, атиги бир истагим бор, Зоир Назарович. Уям бўлса, бошқалар менинг ҳолимга тушмасин дейман.

– Тўғри, тўғри, – чайналди Зоиржон. – Бизлар кўпинча диссертациялар ёзиб, илмий даража олишга қизиқиб, тиббиётни аҳоли ўртасида тарғиб қилишни унутиб қўйган эканмиз. Сиз бу борада минг карра ҳақсиз, Николай Егорович. Шундай қилиш керак...

Зоиржон Николай билан яна анча гаплашиб ўтирди. Аммо ўзини ноқулай сезаётганди. Ўз ўқувчисининг қилган таъналарида ҳақиқат борлигини, нега шу пайтгача бу тўғрида ўйлаб кўрмаганлигини хаёлидан кетказа олмас, ўзини қарздордек сезиб эзиларди...

Ҳар бир ота-она ўз боласининг келажаги олдида доимо ўзини жавобгар ҳис қилиши керак. Бу жуда муҳим! Чунки бизнинг келажагимиз, яъни авлодларимиз бахтли бўлиши керак. Бунинг эса кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз шарт!

СЎНГИ ПУШАЙМОН

*Файратли бўла туриб, илоҳим,
Белидан қуввати кетмасин унинг.*
Эркин ВОҲИДОВ

«Йўқ, мен боламни больницага ётқизмайман ҳам, операция қилдирмайман ҳам!» – деб мен, аҳмоқ, болани уйга олиб кетиб қолганман, докторжон. Қаёқдан билай оқибати бундай бўлишини. Ўшанда ҳам дўхтир кўп тушунтирди. Аммо тилаб олган биргина ўғлимни операция қилдиришга қўрқдим. Энди билсам, болажонимга яхшилик қиламан деб бахтига зомин бўлган эканман. Юрагим йиғлапти, докторжон! Барча умидимиз сиздан. Болаларингизнинг ҳузурини кўринг, ёрдам беринг бизга. Болам ҳам ўртоқлари орасида қаддини кўтариб юрсин. Менинг ҳам неварам бўлсин дейман!..»

Она бу сўзларни айтиб йиғлар, юракдан куйиниб гапирар, илтижо қилар эди. Унинг ялиниб-ёлворишлари шифокорнинг ҳам дилини вайрон қилди. Ким ҳам онанинг дарду ҳасратларини лоқайдлик билан эшитарди дейсиз.

«Нима қилиб тинчитсам, кўнглини кўтарсам экан? Нима қилишим керак? Бола уч ёшга кирганида операция қилмоқчи бўлишганида кўнмаган. Эҳ, оналар, оналар! Фарзандга меҳр бериш, меҳрибонлик қилиш яхши, аммо зарур пайтда операцияга рухсат бермай ўз фарзанди бахтига ғов бўлибди. Йигирма йил гидроцеле билан юрипти-я! Уйланганига ҳам тўрт йил бўлибди. Фарзанди йўқ, сабаби маълум. Шахватининг анализда биронта ҳам тирик сперматозоид йўқ, ўликларининг ҳам сони оз. Демак, иккала мояк ҳам ишламай кўйган. Улар атрофияга учраган. Импотенция ривожланган. Билмадим, даволаш фойда қилармикан? Барибир, уриниб кўриш керак. Зора, натижа чиқиб қолса, қандай яхши бўларди-я!»

Шифокор шуларни ўйлар экан, йиғлаб илтижо қилаётган онани тинчлантиришга уринди:

– Холажон! Сиз ташвиш тортманг! Мана, ҳамма текширишларни тугалладик. Касалликни аниқладик. Энди давони бошлаймиз. Албатта, фарзандлари бўлади, Худо хоҳласа. Фақат сиздан илтимос, ўғлингиз ва келинингизнинг кўнглига оғир ботадиган ҳеч қанақа гап гапирманг. «Сенинг пуштинг куйиб кетган», – деб келинингизга айтган гапларингиз жуда асоссиз. Яна...

– Куйганимдан оғзимдан чиқиб кетган-да, ўғлим. Кейин кечирим сўраганман.

– Умуман, айтаман-да. Керакли дори-дармон белгилаймиз. Насиб қилса, неварали бўласиз...

– Тилингизга асал, болам!

– Энди ўғлингизни чақириб кўйинг, холажон.

Она фарзандининг бахтсизлигида ўз ҳиссаси борлиги-

ни билганидан адои тамом бўлаёзди. Келин ҳам бу хонадонда рўшнолик кўрмади, бола кўрмаганига ўзини айбдор деб билиб барча таъна ва дашномларга чидаб келди. Фарзандсизликка эса эрининг уч яшарлигида пайдо бўлган гидроцеле дарди асосий сабаб эди.

* * *

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мояк етти қаватдан ташкил топган ёрғоқ ичида туради. Унинг устини бевосита ўраб турадиган умумий қин қаватининг икки варағи фарқ қилиниб, улар париетал ва висцераль варақлар дейилади. Ана шу варақларнинг ораси чақалоқ туғилган пайтидаёқ бир-бири билан чагишиб, ёпишиб (облитерацияланиб) кетади ва улар орасида ҳеч қандай бўшлиқ қолмайди. Аммо ҳар хил сабабларга кўра (инфекция, варақлар облитерация хусусиятининг туғма равишда йўқолиши ва бошқа сабаблар) варақлар орасида бўшлиқ қолади. Оқибатда бу варақларнинг бир-бирига қараган томонлари суюқлик ажрата бошлайди. Бу сероз суюқлик мана шу иккала варақ орасида тўпланиб қолади. Натижада аста-секинлик билан гидроцеле ёки мояк истисқоси ривожланади.

Бу ҳолатда моякнинг меъёрий ишлаши учун зарур бўладиган самарали иссиқлик шароити бузилади. Яъни ташқи муҳит иссиқлиги қандай бўлишига қарамасдан, мояк ҳар доим бир хил ҳолатда, яъни ўз жойида силжимасдан қолаверади. Бу эса Сертолли ва Лейдиг хужайраларининг меъёрий ишини издан чиқаради. Атрофидаги суюқликнинг кундан-кунга кўпроқ тўпланиб боравериши оқибатида сиқилиб қолган мояк энди атрофияга учрайди, яъни ўлчамлари вақт ўтиши билан кичрайиб бораверади.

Яна шуни айтиш керакки, гидроцеле бир томонлама бўлган тақдирда ҳам фақат ўша томондаги моякнинг вази-

фаси бузилиб қолмай, иккинчи мойк ҳам зарар кўради. Бу энг хавотирли асорат ҳисобланади. Агар гидроцеле иккала томонда ҳам пайдо бўлса, мойкларнинг атрофияга учраши туфайли кўпинча киши фарзанд кўрмайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун бундай беморларни вақтида операция қилиш шарт.

* * *

«Тақдиринг, пешонанг бунчалик шўр бўлмаса, болам! Эндигина турмушимдан, ҳаётимдан тинчидим деб турганимда бу кўргилик ҳам бормиди?! Нима қиламан, болам? Бирон марта ҳам сенга қаттиқ гапирмаган бўлсам, қилган ишларингга бирон марта бўлса-да аралашиб: «Буни бундай қилибсан, уни ундай қилибсан», – демаган бўлсам! Бор рўзгоримни бутунича сенга топшириб қўйган эдим-ку, ахир! Соянгга ҳам кўрпача солишга тайёр эдим-а! Бизлардан нима айб ўтдики, кетиб қолдинг?!»

Она йиғлар, йиғи аралаш бу гапларни у ўғлига қарата айтяптими ёки бутунгина кетиб қолган келинигами, билиб бўлмасди. Остонада мунғайиб ўтирган Асқаржон бир ҳолатда бўлиб, бирон нима дейишга ожиз эди. Онанинг ҳар бир гапи унинг юрагига наштадай санчилар, у кўкрагини қўли билан силаб, қаттиқ эзиласа-да, оғриқ тинмасди. Асқаржоннинг боши куйи солинган, дам-бадам уҳ тортиб кўярди. У нима қилишини билмай боши гаранг эди.

Асқаржон педагогика институтининг 3-босқичида таълим олиб юрганида ўзидан бир босқич қуйида ўқийдиган Мунаввар исмли қизни севиб қолди. Юракка буйруқ бериб бўлмас экан-да! Икки ёш бир-бирлари билан тезда тил топишиб қолишдию орзулари ушалди. Катта тантана билан тўй қилишди, ўшанда ёр-дўстларининг уларга қанчалик ҳаваси келганди-я! Онанининг хурсанд бўлгани-чи. Хурсанд

бўлмай бўладими, ахир? Не-не орзулар билан шу кунларга етди. Асқаржоннинг тўйида чалинадиган қарнай-сурнай садоларини неча марталаб тушларида кўрмаганмиди, эшитмаганмиди? Ана энди бахтли кунлар бошланади деб ҳам бахтиёр эди она.

Асқаржон ўша кунларни эслаб мийиғида кулиб қўйди. Эҳ, улар қанчалик бахтли ва бахтиёр эдилар! Лекин бу кўпга чўзилмади. Турмушларининг иккинчи йилида Мунаввархон ўзгара бошлади. Унинг хархашалари, инжиқликлари, ҳатто баъзи бир ножўя қилиқлари Асқаржоннинг жонига тегиб кетди. Ҳар гапнинг бирида Асқаржоннинг иззат-нафсига тегадиган аччиқ-аччиқ гаплар билан чақиб-чақиб оларди. Бу заҳар сочишларидан Асқаржоннинг онаси ҳам қуруқ қолмасди.

Онанинг гапларига кўрслик билан: «Сиз бир нарса ни билмасангиз жим ўтиринг», – дея жеркиб берарди. Бу пайтларда Асқаржон бошини куйи солиб тураверар, бирон-бир гап айта олмасди. Тўғри-да, у нима ҳам қилсин? Айб ўзида. У буни аниқ сезар, аллақачон тан олиб қўйганди. Шу орада Мунаввархон ишхонасидаги бир йиғит билан гап бўлдию улар ажралишди. Бу ҳолнинг «ташаббускор»и ҳам Мунаввархоннинг ўзи эди.

Асқаржонга қолса, умуман уйланмасди. У ўзининг сеvimли касбини давом эттириб, иштиёқ билан ишлаб юраверарди. Лекин на илож? «Ҳаётда сўққабош бўлиб ўтгандан ёмони борми? Ахир инсоннинг номи ўзидан кейин қолиш керак-ку», – деб ўртоқлари унинг ҳоли-жонига қўймаганидан кейин нима ҳам қилсин? Бу ёқда онаси: «Наҳотки, невараларимнинг бошини силай олмай оламдан ўтиб кетсам», – деб йиғлагани-йиғлаган, яна қанчадан-қанча кўнгилнинг нозик жойини яралайдиган гаплар! Аммо... қани энди уларга Асқаржон ўз дардини айта олса!

Бугунгидай эсида. Асқаржон ўшанда юрагини ҳовучлаб, минг хил андишпалар билан шифокор қабулхонасига кирди. Доктор анча вақт унинг дардини эшитиб, синчиклаб текширув ҳам ўтказганидан кейин операция қилиш кераклигини, Худо хоҳласа, шунда яхши бўлиб кетиши мумкинлигини айтди. Операция ҳам бўлди. Буни ўзидан ва шифокорлардан бошқа ҳеч ким билмади. Ҳатто онаси ҳам. Бироқ операциянинг фойдасини ҳеч ҳам сезмади. Яна шифокорга учрашди. Икки ой давомида қатнаб уколлар олди, дорилар ичди. У энди хурсанд, юзига қизиллик югурган, томирларида ҳам қон кўпира бошлаган эди. Кўнглида умид учқунлари пайдо бўлганди. Айни шу пайтларда Иродахон исмли жувон билан танишиб қолдию кўнгиллари тўғри келиб, тезда тўйлари ҳам бўлди...

Аммо... мана, бугун Иродахон ҳам кетиб қолди. Асқаржон ва онаси яна мунгайиб қолаверишди. «Хўш, Асқаржон, энди нима қиласан? Энди сен ким деган одам бўлдинг? Ўртоқларинг орасида қандай бош кўтариб юрасан? Иккинчи хотининг ҳам кетиб қолди-ку! Эй фалак, бу не кўргулик? Менга-ку майли-я, аммо онамга қийин бўлди. Унга меҳр кўргизиб, кўнглини кўтариши керак бўлган фарзандининг аламли ва ғам-ғуссали ҳаётини ўйлаб чуқур изтиробга тушиб ўтирса-я! Шармандалик-чи?! Асқар, бунинг ҳаммасига ўзинг, ҳа, ўзинг айбдорсан, ўзинг ношудсан, ўзинг латтасан! Шу ҳам ҳаёт кечириб бўлдию!.. Хўш, энди нима қилдим?..»

Асқаржон ўйлайвериб ўйининг тагига ета олмасдан қийналарди. Аммо бу чексиз ва тубсиз ўйлардан нима ҳам фойда бўларди. Ҳаракат қилиш керак эди. Ҳаракат! У буни яққол тушунарди. Яна шифокордан нажот кидириб унинг ҳузурига йўл олди.

Асқаржон чеккан азобларининг асосий сабаби аниқ эди. Унинг чап мояги атрофияда сув йиғилиб қолганидан анча

кичрайган, бу жараён ўнг моякка ҳам ўтган. Унда жинсий алоқа қилиш қобилияти йўқолган эди. Даво бефойда. Энди кеч эди.

* * *

Гидроцеленинг таранглашган, таранглашмаган ва туташган хиллари фарқланади.

Касалликнинг таранглашган хилида ёрғоқнинг бир ёки икки томонида унчалик эластик бўлмаган қаттиқроқ шиш пайдо бўлади. Бу шиш чуррадан фарқи шундаки, у қорин бўшлиғига кириб кетмайди. Куч билан босиб кўрилганда ҳам ўзгармасдан қолаверади. Мояк ана шу шиш ичида бўлгани учун, одатда, у билинмайди.

Бундай дардни аниқлаган заҳоти тезда операция қилиш лозим. Акс ҳолда, моякнинг атрофияга учраши авж олиб бораверади.

Моякнинг хавфли ўсмаси ҳам баъзида таранглашган гидроцелега ўхшаб кўринади. Шунинг учун ёрғоқнинг бир томони иккинчисига нисбатан катталашгани сезилгани заҳотиёқ шифокорга учрашиш ва унинг айтганларига қатъий риоя қилиш шарт.

* * *

Қабул бўлимига юзларидан ташвиш аломатлари шундоққина сезилиб турган ота ва она кириб келиб, 13 ёшли фарзандини кўриб қўйишларини ва иложи борича даволашга ёрдам беришларини илтимос қилишди.

Боланинг ранги синиққан, териси оқарган ва қандайдир сўниқ, озиб кетган, ўзи ҳам салга толиқишдан шикоят қиларди. Бир қарашдаёқ унинг камқонлик касалига дучор бўлганлигини пайқаш мумкин эди. Нафас олиши ҳам, юрак уриши ҳам тезлашган, ҳарсиллайди. Синчиклаб

текшириш пайтида қов соҳасининг ўнг томони дўппайиб тургани аниқланди. Бу ўсма эди. Қабул бўлимининг шифокори бола ёрғоғининг ўнг томонида чандиқ борлигига, мойк ҳам йўқлигига эътибор берди.

– Болангизни ёшлигида операция қилишган экан-да.

– Ҳа, доктор, икки яшарлигида операция қилинганди.

– Касалини нима дейишган эди?

– Мойгида ўсма бор экан, шуни олиб ташладик дейишганди.

– Яна бошқа гап ҳам айтишгандир? Қўлингизга биронта қоғоз беришдимми?

– Ҳа, айтишганди. Албатта онкология диспансерига боринглар, биз бу ердан қоғоз жўнатамиз, у ерда яна даволашади дейишганди.

«Ҳм-м, шундай дейишган бўлса, бу ерда бир сир бор», – ўйлади шифокор ва яна ўсмоқчилаб сўради:

– Бошқа ҳеч нарса дейишмаганмиди?

– Албатта боринглар, бу болангиз учун жуда ҳам зарур дейишганди. Аммо биз бошқа ҳеч кимга учрашмадик. Боламыз тузалиб, чопиб ўйнаб кетгани сабабли яна дўхтирга боришнинг ҳожати йўқ деб ўйладик.

– Операция қилган шифокорлар-чи?

– Улар икки марта қоғоз юборишганди.

– Уч марта, – гапга аралашди хотини.

– Ҳа, уч марта чақирув қоғози келди. Аммо иш билан овра бўлиб бора олмадик. Кейин мен бошқа шаҳарга ишга кетдим...

– Тўхтанг, тўхтанг! Сиз Бахтиёр ака эмасмисиз? Болангиз ҳам шу ерда операция бўлганди, шекилли?

– Эй, ўлманг, доктор! Шу ерда операция бўлувди. Бахтиёр мен бўламан!

Шифокорнинг хаёлидан 11 йил олдинги воқеа ўтди. У Собиржонни ўзи операция қилган, мойкда ўсмага хос ўзгаришлар борлигини кўриб анча куюнган, айниқса, ўсманнинг хавfli эканлиги (семинома) тасдиқланганидан кейин ташвиши яна ҳам ортиган эди. Ўсмада ҳеч қандай метастаз берганлик аломати бўлмаса ҳам, у онколог дўсти билан маслаҳатлашиб, яна обдан текшириб, зарурат бўлса, даволаш кераклиги тўғрисида кенгашганди.

Ўшанда у ота-она ташвиш чекмасин деб болада хавfli ўсма аломати борлигини айтмаганди. Лекин барча даво чораларини кўришни дўсти билан келишиб олганларини эслади. Беморнинг диспансерга олиб борилмаганлигини билгач манзил бўйича хат ёзиб жўнатгани, жавоб бўлмагач, ҳатто ўзи ҳам бориб топа олмагани, уларнинг кўчиб кетганини билганидан сўнг қаттиқ изтироб чекканлари ёдига тушди. Лекин, начора, кутилган иш содир бўлган эди...

– Болангизни ётқизиш шарт! Собиржон, сени шифоҳонада олиб қоламиз, хўпми? Даволаймиз, яхши бўлиб кетасан. Чарчоғинг ҳам ўтиб кетади. Футбол ҳам ўйнаверасан...

Шифокор Собиржондан розилик ишорасини олди-да, касаллик тарихи варақасини тўлдирга бошлади.

Ота-онанинг юзида ташвиш. Улар эртасига яна шифокорлар билан учрашдилар. Шифокорлар уларга Собиржоннинг дарди жиддий эканлигини, унда хавfli ўсма борлигини айтганида эса довдираб қолишди.

Даволаш анча вақтгача чўзилди, лекин боланинг аҳволи анча яхшиланганига қарамасдан, унинг ҳаёти барибир хавф остида эди.

* * *

Таранглашган гидроцелеси бор бола организмда бошқа бирон касаллик (масалан, ўпка яллиғланиши, юкумли

касаликлар ва ҳоказо) ҳам бор бўлса, операциядан кейин унинг аҳволи яна ҳам оғирлашади. Бундай ҳолларда вақтинча операциядан воз кечиб, гидроцелени пункция қилиб (игна билан тешиб), пайдо бўлган суюқликни сўриб олиб ташлаш шарт. Аммо бу ҳали бемор тамоман даволанди дегани эмас. Чунки маълум вақтдан кейин суюқлик яна тўпланаверади. Бу усул билан мойкнинг атрофияга учраши бартараф қилинади, холос. Бола бир ёшга тўлгунча шу йўл билан операция муддатини кейинга суриб туриш мумкин, холос. Агар боланинг умумий ҳолати яхши ва қониқарли бўлса, 6 ойлигида ҳам операцияни бажарса бўлаверади.

Таранглашмаган гидроцеледа эса ёрғоқда эластикликка мойил ўсмасимон ҳосила бўлиб, унинг ичида суюқлик борлиги сал кўкимтирроқ ранги билан билиниб туради. Гидроцеленинг бу хилида мойк атрофияси секинлик билан ривожланади. Бироқ ҳарорат режимининг бузилиши оқибатида Сертолли ва Лейдиг хужайраларида дегенератив (иш фаолиятининг издан чиқишига оид) ўзгаришлар пайдо бўлиб, у тобора ривожланаверади. Бу эса сперматозоидларнинг нимжон ва ҳаракатсиз бўлиб қолишига, кейинчалик ҳатто бутунлай йўқ бўлиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун хулоса аниқ: гидроцеле аниқландими, тамом, вақтни йўқотмасдан операция қилиш керак.

Гидроцеленинг туташувчи хилида эса умумий қин қавати варақларининг бутун бўйламаси облитерация (бир-бири билан ёпишиб, орасида бўшлиқ қолмаслиги) бўлмайди. Бунда мойк атрофидаги суюқлик осонгина қорин бўшлиғи ичига кетади. Ёрғоқни босиб кўриб буни осонгина аниқлаш мумкин. Агар ёрғоқдан қўлни олиб, ўз ҳолига қўйилса, мойк атрофига яна суюқлик оқиб келиб тўплана бошлайди ва жуда эластик муҳитли шиш пайдо

бўлади. Бу хилда ҳам мойкнинг мўътадил иссиқлик тизими издан чиқади ва вазият операцияни тақозо қилади.

Катта ёшдаги болаларда гидроцеле, одатда, ҳар хил шикастланишлар оқибатида пайдо бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, гидроцелега чалинган болада ҳеч қандай оғриқ ҳам, умумий ҳолида бирон-бир нохуш аломатлар ҳам сезилмайди. Шунинг учун гидроцеленинг энди ривожланаётган давридаёқ тўғри таъхис қўйиб, даво чораларини кўриш муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун ёш болаларни тез-тез кўриқдан ўтказиб туриш зарур.

ДАРДНИ ЯШИРСАНГ

Ҳаёт мураккабдир, мураккаб

Томчидан то уммонга қадар.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Валижон уйида ёлғиз. Жамила ҳам ойисидан хабар олгани кетган. Бу ёлғизлик Валижоннинг нохуш кайфиятини баттар бузар, гўё аллақандай махлуқ ичинини кемираётгандек эди. Айниқса, турмуш ўртоғининг кейинги пайтлардаги «кўнгил бузар, жондан ўтар» гаплари эркаклик иззат-нафсини ерга ураётган эди. Аммо Валижон нима қилсин? Ҳаммасига ўзи айбдор. Агар вақтида даволанганида шу пичинг гаплар, дилни вайрон қилувчи жанжаллар бўлмасди-ку!

Валижон 32 ёшда. Умрининг айни гуллаган пайти. Куч-қувватга тўлган. Балки, бу кунлар, қайғулар ўтиб кетар. Айниқса, хотинининг кечаги гаплари унинг жон-жонидан ўтиб кетди. «Менга яна бир фарзанд керак! Ўғилми, қизми, фарқи йўқ. Боламнинг ёлғиз бўлишини хоҳламай-

ман. Унгаям ука керак, сингил керак. Буни ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг. Жонингиз борми ўзи?!»

Бу гапларни эшитган Валижон ўз қулоқларига аввал ишонмади. Бошқа гаплар ҳам майли-ю, лекин «жонингиз борми ўзи?...» деган гапни анчагача ҳазм қила олмади. Қани эди ўша заҳоти ер ёрилсаю Валижон осонгина ер қаърига кириб кета қолса... Бу гапларни ўғли ҳам эшитди, нима деб ўйлади экан? Жамилахон ҳам шартта айтиб қўя қолди. Пардалаб ҳам ўтирмади.

Жамилахон бекорга тизилламаётгандир, балки, қариндошларидан ҳар хил гаплар эшитаётгандир. Ахир Валижон ҳам кейинги пайтларда бундай гаплардан юраги безиллаб қолди-ку. Ўғли Қодиржон мактабга чиққанидан кейин айрим ўртоқлари ва қариндошларининг фарзандни учта, ҳеч бўлмаганда иккита қилиш кераклиги, ёлғиз болага қийин бўлиши ҳақида гапирадиган бўлиб қолишди. У аввалига бу гапларга мийиғида кулибгина қўярди. Аммо орадан йиллар ўтиб маслаҳатлар яна қуюқлашди. Энди унга яқинлари пўписанамо гапирадиган бўлишди. «Умрларингни бир фарзанд билан ўтказмоқчимисанлар?» – деб қаттиқ-қаттиқ гапиришади. Ҳа, Қодиржон 12 ёшга кириб қўйди. Халқимиз ит бўл, мушук бўл, кўп бўл деб бекорга айтмаган. Ёлғиз болага осон бўлмаслигини Валижоннинг ўзи ҳам яхши билди. Аммо бу уларнинг бошқа фарзанд кўришни истамаётганидан эмас-да. Жамилахон иккаласининг ҳам фарзанд кўришга иштиёқи баланд, аслида. Аммо... Валижон...

Ҳаёт Валижонни синовлар ўтига ташлаб кўраётгандек эди. Ўғли Қодиржон 4 – 5 ёшларга кирганидаёқ муаммони билса-да, «Етти мучам соғ, фарзанд дегани белимда чуғурлашиб ётибди. Олдин ҳовли-жойимни тўғрилаб олай. Ташвишим кўп. Шу ишларимни тутатиб олиб, курорт-

да дам олсам, ҳаммаси яхши бўлар...» – деб ўйлаб юрди. Вақт югурик. Қодиржон мактабга қатнай бошлади. Валижон вақт топиб курортга ҳам бориб келди. Вақтида ухлаб, вақтида дам оладиган, кучли-кучли, қувват берувчи овқатларни тановул қиладиган бўлди. Аммо у ўзидаги жинсий заифлик аломатларини йўқота олмади, балки энди у аниқ сеза бошлаганди. Кўнглини ғашлик, миясини қандайдир мавҳум ўйлар эгаллай бошлади. У энди ўзига ишноломай, тўғриси, хотинидан ҳайиқадаган бўлиб қолди. Жамилахон минғирлаб қўярди-да, тескари ўгирилиб ётиб қоларди. Бу эса Валижонга: «Ношудлик ҳам эви билан-да...» – дегандай бўлиб туюларди.

«Бу дард менга қаёқдан келди-а?» – ўйларди Валижон. У уйланмасдан олдин ёрғоғининг чап томони катталашганига эътибор берганди. Ундаги чувалчанга ўхшаб йўғонлашган ҳосилаларни ҳам кўрганди. Бу ҳосилалар тунда йўқ бўлиб кетиб, кундузлари яна пайдо бўларди. Валижон ўзи шунақа бўлиб турса керак деб ўйлаганди ўшанда. Кейин уйланди. Ҳаммаси жойида эди гўё. Орадан икки йилча ўтиб чов соҳасида ва чап ёрғоғида вақти-вақти билан симсим оғриқ сеза бошлади. Бу ҳолат, айниқса, ишдан чарчаб келганидан кейин кўпроқ билина бошлади. Аммо сал дам олса, ўтиб кетарди. Шу орада ўғли туғилди. Уй-жой, рўзгор ташвишлари кўпайди. Қодиржон туғилганидан кейин икки йил давомида фарзандлари бўлмаётганида ҳам у аввалига буни Жамилахондан кўриб юрди. Лекин ботиниб бирон-бир нарса дегани йўқ.

Йиллар ўтмоқда, аммо Валижонни безовта қилиб турадиган сим-сим оғриқ йўқолиш ўрнига тобора кучаймоқда эди. Бунинг устига, жинсий майлнинг сусаяётгани, эрекциянинг ҳам етарли бўлмаётгани сезила бошлади. Шундан кейингина хавотири кучайиб, шифокорга учрашди.

Шифокор эса унинг ташвишлари бежиз эмаслигини, шахватидаги сперматозоидларнинг ҳаракатсизлигини рўйирост айтди. Бунга чап мояк вена томирларининг варикоз кенгайиши сабаб эканлигини обдан тушунтирди.

Оилада бунақа «жон чиқар» жанжаллар бўлиб турса, яхши кайфият нима қилсин?! Буни Жамилахонга қандай тушунтирса экан? Ҳа, фақат битта йўли бор. Жамилахон билан биргаликда ўзини операция қилган шифокорга учрашади. У киши албатта Жамилахонга ҳамма гапни, фарзанд кўришнинг йўллари тушунтиради. Ҳа, мана шу йўл тузук. Шунда барчаси изга тушиб кетади...

Чап мояк тизимчаси веналарининг варикоз кенгайиши болаларда ҳам, катталарда ҳам учрайди. Бу касаллик чап мояк тизимчаси вена томирининг чап буйрак венасига қуйилиши ҳолати билан боғлиқ. Яъни мояк тизимчаси венаси чап буйрак венасига катта бурчак ҳосил қилиб қуйилса, мояк тизимчаси венасидаги меъёрий босим ошади. Бу ҳолат узоқ вақт давом этаверганида эса мояк тизимчаси вена деворлари бу босимга дош беролмай аста-секинлик билан кенгая бошлайди. Кенгайган жойларда веноз қонининг димланиши рўй беради. Бу димланиш аста-секин вена қилтомирларига ҳам ўтади. Оқибатда моякнинг нозик эпителий ҳужайраларида меъёрга хос бўлмаган дистрофик ўзгаришлар содир бўлади. Бу эса моякнинг Сертолли ва Лейдиг ҳужайралари томонидан гормонлар синтез қилиниши ва сперматозоидлар ишлаб чиқарилиши жараёни бузилишига олиб келади.

Бир томонлама мояк веналарида варикоз кенгайиш бўлганида юқорида айтиб ўтилган функцияларнинг бузилишдан ташқари иккинчи моякнинг меъёрий вазифаси ҳам издан чиқади. Чунки мояклар эгизак аъзолардир, шунинг учун бу ерда ҳам жуфт аъзолар қонуни амал қилади.

Мана шундай мураккаб ўзгаришлар натижасида сперматозоидларнинг сони камайиб, ҳаракатланиши бузилади ва тухумдонни уруғлантириш қобилиятидан маҳрум бўлади. Агар бу касаллик ўз вақтида операция қилинмаса, 60 – 70 фоиз ҳолларда фарзанд кўрмаслик ва жинсий заифликка сабаб бўлади.

Энг асосийси, ўз вақтида даво чоралари кўрилса, касаллик ҳеч қандай асоратсиз бартараф этилади. Бу туғма нуқсонни вақтида билиш ҳам, аслида, унчалик қийин эмас – ёрғоқ ичидаги мояк қисмида чувалчангсимон йўғон-йўғон томирлар пайдо бўлиб, бўртиб-бўртиб туради. Буни сезиш учун озгина диққат кифоя. Аксарият ҳолларда эса венанинг варикоз кенгайиши билан бир вақтда ёрғоқнинг чап тарафида ғашга тегадиган нохуш сезги ҳам пайдо бўлади. Баъзида ўша жой қичишиб туради. Аммо бу аломатларга болалар унчалик аҳамият бермайдилар. Пайқашса ҳам андиша қилиб, шифокорга кўрсатмайдилар, ўтиб кетар деб юраверадилар.

* * *

Ниёзбек 7-синфда ўқийди. У жуда хушчақчақ бола, ўртоқларини ҳар хил ичкакузди гаплар айтиб кулдиргани-кулдирган...

Аммо кейинги кунларда у бир оз ҳафа кўринар, дарсларни ҳам қунт билан тайёрламас, нима учундир кайфияти йўқ эди. Ойиси бунинг сабабини билишга қанчалик уринмасин, барибир, фойдаси бўлмади. Ниҳоят, бу сирнинг тагига отаси етди. Ниёзбек ёрғоғининг чап тарафи қичишиб ғашига тегаётганини, икки ойдан бери ўтиб кетмаётганини айтди. Эътиборли ота учун бу «арзимас» шикоят ҳам етарли эди, дарҳол ўғлини шифокорларга кўрсатди. Ниёзбекда чап мояк тизимчаси веналарининг варикоз кенгайиб кет-

гани аниқланди ва тезда операция қилинди. У ўн йилдан кейин қайтадан текширишдан ўтказилганда касалликнинг аломатлари топилмади.

ҚИЗ ҚАЛБИ НОЗИК

*Барча қушчаларга
Шуни тиладим,
Бирини дуч келмасин
Тўфон, қуюнга...*

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Нодирахон бир неча кундан бери хомуш. Онаси ҳайрон. Зеро, у бу қизини, мана, 14 ёшга кирибдики, бирон марта ёмон аҳволда кўрмаган. У умрида касал ҳам бўлмаган. Нега бирдан хомуш тортиб қолди? Бувисининг вафот этганига қайғураётганмикан? Бўлиши мумкин-да, ахир, иккаласи бир-бирига жуда ҳам меҳрибон эди. Она сабабни шунда кўриб, ўз ишлари билан овора бўлиб юраверди. Аммо Нодиранинг кайфияти бир ҳафтадан кейин ҳам ўзгармади. Бир куни эса унинг йиғлаётганини пайқаб қолиб она таскин берган бўлди:

– Ҳа, қизим, нега йиғлайсан? Қайғурма! Қайғурганинг билан бувинг қайтиб келармиди? Ёшини яшади, ошини ошади. 80 ёшга кириш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Кошки, бизлар ҳам бувингнинг ёшига кириб юрсак.

– Бувим ҳали ўлмасди, ойижон! У қорнидаги шишдан кетди.

– Болам, одам қаригандан кейин дармони кетади, касаллик пайдо бўлади...

– Мендаям бор...

Нодирахон шундай дедик баттар ўкириб йиғлаб юборди.

– Нима?! Нимани айтяпсан?!

– Шиш бор! Икки ҳафта бўлди пайқаганимга...

– Қандай шиш?! Нега алжираяпсан?

– Тўғрисини айтяпман...

– Қани, қаерингда?

– Мана бу еримда.

Нодира шундай деб қовуғининг устини кўрсатди. Она не кўз билан кўрсинки, қизининг қовуқусти соҳасида шиш бор ва терини ичкаридан туртиб, бўртиб-турарди. Она довдираб қолди.

– Сенда бу шиш қандай пайдо бўлди, қизим? Тағин рақ бўлмасин! Вой, шўрим, энди нима қиламан?!

Она ҳам йиғлаб юборди. Она-боланинг бу йиғиси устига ота кириб келди. У гапнинг нималигини суриштириб билиб олди-да, дарҳол Нодирани шифохонага олиб кетди. Нодира тиббий текширувдан ўтказилиб, операция қилинди. Операция пайтида бу шиш бачадон ичида йиғилиб қолган қон лахталари эканлиги маълум бўлди. Бундай ҳол пайдо бўлишининг сабаби эса жинсий аъзодаги, яъни қиндан бачадонга ўтиш қисмидаги туғма бекилиш эди. Ҳайз пайтида бачадондан чиқиб кетиши керак бўлган қон аста-секин тўпланиб, бачадоннинг каттариб кетишига олиб келган.

Нодира вақтида шифокорга мурожаат қилгани сабабли пластик операция қилиниб, тезда соғайиб уйига қайтди.

Аммо баъзи ҳолларда ақл ва мулоҳаза билан керакли тадбирларни қўлламаслик оқибатида турмушда беғуноҳ ва тоза қалбли қиз боланинг оғир азият чекишига сабаб бўладиган ҳодисалар ҳам тез-тез учраб туради. Кўпинча бундай пайтларда қизнинг ўзи эмас, балки унинг ота-онаси, қа-

риндош-уруғлари ҳам ноҳақ таъна-маломатларга қоладилар, жабр кўрадилар. Дилозорликлар, хафагарчиликлар содир бўлади.

* * *

Меҳринисо 15 ёшга кирди. Яхши ўқийди. Ақлли ва мулоҳазали қиз. У келажакда шифокор бўлмоқчи. Меҳринисо бундан бир ой бурун бўлиб ўтган воқедан кейин шу қарорга келди. Унинг қарори қатъий. У ҳеч қачон Зумрад Холиқовнага ўхшаган, ҳа, айнан унга ўхшаган шифокор бўлмайди. Меҳринисо ўз қасамёдига содиқ қоладиган, биллағон шифокор бўлишга онт ичган. Унинг шундай қарорга келишига эса жиддий сабаб бор...

Меҳринисонинг янғаси иккиқат эди. У оғирроқ нарсани кўтарганми ёки бошқа сабабданми, қорни санчиб оғриётганини айтганида Меҳринисонинг ойиси анча шошиб қолди. У Меҳринисога: «Қизим, Зумрад опангни тез чақириб кел. Бир кўриб қўйсин», – деди. Меҳринисо, аслида, Зумрад опани унчалик ёқтирмасди. Чунки у ҳатто саломга ҳам алик олмасди. Аммо на илож! Ахир келинойиси азоб чекапти-ку! Меҳринисо чошиб борди. У ҳарсиллаб нафас олар, гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди.

– Гапирсанг-чи, намунча отга ўхшаб пишиллайсан? Биров сени қулаб келдимми-а?..

– Ойим мени сизга юборди...

– Ойингга нима қилибди, тез ёрдам чақирсин. Мен ҳозир ишдан келдим. Чарчадим. Ҳали чой ҳам ичганим йўқ.

– Келинойимнинг қорни қаттиқ оғрияпти...

– Ойингга ҳам, келинойингга ҳам шунақа зарур бўлганимизда керак бўлиб қоламиз. Ўргилдим...

– Зумрад опагон! Келинойим қаттиқ безовта бўляптилар...

– Хў-ўп, ҳозир бораман!.. Э, тўхта, яхшиси «скорий» чақириб қўя қолинглар. Кўрадиган асбобим ҳам, дориларим ҳам йўқ. Уйда йўқ экан деб қўя қол...

– Шифокор эмас экансиз!

Меҳринисонинг юрагидан отилиб чиққан сўзи шу бўлди. Унинг дили қаттиқ оғриганди. Келганига ҳам минг пуншаймон бўлди. Ойисига Зумрад опам уйда йўқ эканлар деб айтиб қўя қолди.

– Бир оз аввал опангнинг ишдан келётганини кўрган эдим-ку! Вой, тавба-ей, доктор дегани ҳам шундай бўларканми-а?..

У шундай деганича Холмат аканинг уйига чопди. Яхши ҳамки, шу қўшнисини уйда экан. Бирпасда машинасини физиллатиб етиб келди-да, келинни шифохонага олиб кетди. Ана шу воқеадан кейин Меҳринисо шифокор бўлишга қатъий қарор қилди...

Бутун у нима учундир қорнининг пастки қисми оғриётганини пайқади. Оғриқ вақти-вақти билан кучаярди. Оғриқ босилавермагач ойисига айтди. Яна Холмат акага чопишди.

Мана, улар қабулхонада. Бу ерда ҳам Зумрад Холиқовна савлат тўкиб ўтирарди. У она-болани кўриб энсаси қотди, лабини чўччайтириб қўйди. Ҳатто уларнинг саломига алик ҳам олмади.

– Зумрадгон, синглингизнинг қорни оғриб қолибди. Сизга олиб келдик. Кўриб қўясизми?

Зумрадгон ўрнидан турди-да, Меҳринисога кушеткани кўрсатиб «ёт» деб буйруқ берди. Меҳринисо бу дағал гапдан кейин ўрнидан туриб кетай деб ҳам ўйлади. Аммо нима қилсин, касаллик азоб бераётган бўлса, қорнининг оғриғи кучайиб бераётгани ҳам уни бу бетақаллуф буйруққа бўйсунушига мажбур қилди.

Зумрад Холиқовна Меҳринисонинг қорнини пайпасла-
ётиб муҳим бир нарсани топгандай бошини чапга қий-
шайтирганча бир нуқтага анча вақт тикилиб қолди. Бир
оз ўйлаб турди. Яна Меҳринисонинг қорнини пайпаслади.
Кейин тўнғиллади:

- Қиз ўстиришни билиш керак. Қорни оғриётганмиш-а...
- Нима бўлибди, Зумрадхон?!
- Нима бўлибди эмиш... Бўлганича бўлибди-ку!
- Нима деганингиз бу? Нима бўлибди, ахир?! Тўғрисини айта қолсангиз-чи!..
- Нима бўларди, қизингизнинг бўйида бўлиб қолибди...
- Нима-а-а, нима деганингиз?!
- Бўйида бўлиб қолибди деяпман...
- Зумрадхон, шунақаям ҳазил бўладими?! Касаллик би-
лан ҳазиллашиб бўлар эканми?
- Мен тўғрисини айтяпман. Бошқага кўрсатсангиз ҳам худди шундай дейди. Бачадони мушукнинг калласидай бў-
либ қолгандан кейин...
- Вой ўлай, шарманда!..
- Бу вақт Меҳринисонинг кўзлари қаттиқ ҳадик ва кўрқувдан катта-катта очилиб кетган эди. У Зумрад Хо-
лиқовнанинг сўзлари фаҳмига етиб, ранги оқариб кетди. Қалтиради. «Қиз боламан-ку!» – деб бақариб юборди.
- Зумрадхон, тўғрисини айтинг! Жон болам...
- Биз, шифокорлар, ҳар доим тўғрисини айтамыз!
- Вой, ўла қолай! Бу шармандаликка қандай чидаيمان? Қиз бўлмай кетгур! Нима қилиб қўйдинг?! Нима қилиб қўйдинг деяпман!
- Ойижон, ишонманг, ёлғон! Ёлғон!
- Кичкина бўлсанг ҳам зумраша экансан-ку! Ундан кўра ўзингни йиғиштириб юрсанг бўлмайдимиз-а, шарманда...
- Зумрад опа, ундай деманг...

– Мана, бачадон айтиб турибди-ку! Менга нима дейсан?!
Ойиси бориб Меҳринисонинг юзига шапалоқ тортиб юборди:

– Қани, юр, жувонмарг ўлгур! Шарманда! Ҳаммага мени расвою шарманда қилдинг! Отанг буни эшитиб иккимиз-
нияам ўлдиради. Бундан кўра ўлиб кетганинг яхши эди, шўрим курсин! Қандай маломатларга қолдим-а...

Меҳринисонинг онаси йиғлай-йиғлай Зумрад Холиқов-
нанинг кабинетидан чиқиб кетди. Меҳринисо чиқаётиб Зумрад Холиқовнага шундай қаттиқ тикилиб қарадики, унинг кўзларида пайдо бўлган ғазаб учқунларига Зумрад-
хон бардош бера олмай кўзларини олиб қочди. Бу ғазаб уни янчиб ташлагандай бўлди. Бутунлай янчилмаслик учун шанғиллади: «Кўзларинг курсин бақраймай, шарманда!»

Уйда жанжалнинг каттаси бошланди. «Ким билан юр-
ган эдинг? Ёшгина бўла туриб қинғир йўлга киргани уял-
мадингми? Мен сенга шундай тарбия берганмидим?! Эл орасида энди ким деган одам бўлдим?! Ҳали отанг келсин!» Меҳринисо айбсизлигини қандай исбот қилишни билмас, аламини фақат йиғидан оларди. Икки кун минг азобда ўтди. Унинг ранги синиққан кўзлари йиғлавериб қизариб, ич-ичига тушиб кетганди. Нима қилишини билмас, уятдан ҳатто ўзини ўзи осиб ўлдиришни ҳам ўйлаб қоларди. Аммо қалби пок, номусини кўз қорачиғидай сақлаган қизнинг виждони бунга асло йўл қўймаётган эди.

– Ойижон, ишонинг, мен тозаман! Номусим ўзимда! Бу гапни Зумрад опам қайдан топди, нима учун айтди, билмай-
ман. Ойижон, менинг касалим бошқа. Бошқа докторга кўр-
сатинг. Агар у доктор ҳам шундай деса, унда ўлимимга ҳам розиман, ойижон, ялинаман! Ёлвораман, менга ишонинг!

Унинг фарёдига, йиғисига ойиси ҳам тоқат қила олмас, ўзи ҳам қўшилишиб йиғлар, бошқа шифокорга кўрсатишга ҳам

юраги дов бермасди. Нима ҳам қилсин?! Қандай чора бор?! Шундай ифбатли, одобли, ҳар доим юмшоқ гапириб ойсига қанот бўлган қизи, наҳотки, қинғир йўлга кирган бўлса?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Нега унда бачадон каттарган?

Орадан яна икки кун ўтди. Меҳринисонинг иссиғи чиқа бошлади. Қорнидаги оғриқ кучайиб, аҳволи тобора оғирлашаверди. Ўша куни отаси хизмат сафаридан қайтди. Уни она юрагини минг ҳовучлаб кутиб олди-да, қизининг аҳволдан маълум қилди. Меҳринисо ётган уйга аччиғланиб кирган ота унинг иссиқдан ловуллаб турган юзи, шишиб турган кўзларига қаради-да, ҳеч нарса демасдан чиқиб кетди. Бир оздан кейин машина олиб келиб, Меҳринисони касалхонага олиб кетди. Меҳринисо: «Раҳмат, отажон!» – деди, холос.

Шифохонада уни тажрибали шифокорлар текшириб кўришди ва ўша куни операция столига ётқизишди. Операция пайтида бачадонда ҳомила эмас, балки қон лахталари йиғилиб қолиб йиринглагани аниқланди. Феминнинг (қизлик пардаси) тешиги бўлмаслиги боис ташқарига чиқиши керак бўлган ҳайз қони бачадон ичида йиғилиб қолган. Агар вақтида операция қилинмаганида Меҳринисо қоннинг заҳарланишидан нобуд бўлиши турган гап эди...

... Маълумки, фемин тешиги ёки тирқишининг бўлмаслиги ҳам кўп учрайдиган туғма нуқсонлардандир. Қиз бола балоғат ёшига етганида унда ҳайз кўриш жараёни бошланади. Шунинг учун қиз болани бу табиий ҳодисадан хабардор қилиш, бундай ҳолларда жинсий аъзоларни қандай парвариш қилиш ҳақида тушунтириб қўйиш зарур. Токи бу ҳолат қиз бола учун «тўсатдан келган» балога ўхшамасин. Агар қиз бола вақтида ҳайз кўрмаса, уни албатта гинеколог шифокорга кўрсатиш керак. Ана шундагина ҳаётда учраши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олди олинади.

* * *

Анваржон оғир ва мураккаб операцияни тутатди, кўнгли бир пиёла иссиқ кўк чой истади. Шифокорлар хонасига кириб, чойнақдан чой қўйиб ичди. Аммо у совиб қолган, яна аллақандай тахир эди. Анваржоннинг жаҳли чиқди. «Операциядан чиқиб бир пиёла иссиқ чойни ҳузур қилиб ичишга имконият бўлмаса! Тавба, шу ҳам иш бўлдию...»

У электр чойнакка сув қўйиб яримлатди-да, токка улади. Кушеткага ўтирди. Кўзларини юмиб, операция босқичларини бирма-бир кўз ўнгидан ўткази бошлади. Операциянинг ичакни бир-бирига улаш қисмини кўз олтидан тасаввур қилиб ўтказётган ҳам эдики, «Анвар Зияевич, сизни бошлиқ чақиряптилар», – деб қолишди. У операция жараёнини хаёлида гавдалантирар экан, кўзларини очмасдан «ҳозир» деб жавоб берди. Операциянинг барча босқичлари тўғри бажарилганига ишонч ҳосил қилгачгина ўрнидан туриб, бошлиқ ҳузурига йўл олди.

– Анваржон, **биламан**, чарчагансиз, лекин вилоятга бормасангиз бўлмайди. Жуда оғир бемор **эмил**. **Ҳали** ташхиси ҳам ноаниқ экан. Бошқа илож йўқ. Санитар авиациясининг машинаси ҳам шу ерда. Кутяпти.

Анваржоннинг бу топшириққа рози бўлмасдан иложи йўқ эди. Аммо ичида: «Устозлар худди ўзига ўхшаган ва ишонган шогирдлардан камида иккитасини тарбиялашлари керак экан-да...» – деб ўйлади. У оёқларидан мадор кетаётганини ҳис қилди. Қани энди тинчгина жой топсаю маза қилиб икки соат, атиги икки соатгина ухлаб олса! Ахир ҳазил гапми, кечаси соат ўндан то эрталабгача мижжа қоқмаслик. Касал бола ҳам оғир аҳволда эди-да! Касалга дастлабки ташхисни қўйди-ю, аммо уни қандайдир гумонлар қийнарди. Лекин кўнглининг бир чеккасида тўғри йўл тутаётганига ишонч бор эди. Операцияга тайёргарлик кўрди.

Касалга қон қуйишди. Кейин эса операция! Тўрт соат оёқда тик турди. Операцияни бажариш маҳалида хирургнинг барча диққат-эътибори операция майдонида бўлади. Жарроҳ учун операция давомида вақт тўхтайди ҳисоб. Одатда, чарчаганингни операция тамом бўлгач сезасан. Оёқ мушаклари зирқираб оғрийди, тиззангни бука олмайсан, чунки бўгин қотиб қолган. Товон тагига худди биров игна билан санчаётгандай туюлади. Зўрға судралиб шифокорлар хонасига кирасану ўриндиққа ўзингни ташлайсан. Қани энди шу заҳоти биров бир пиёла иссиқ чой узатса! Яна ичига озгина новвот солинган бўлса, қандай ажойиб! Иссиқ чойни-ку ича олмадинг; устига-устак, вилоятдаги беморни оғир аҳволдан қутқариш учун самолётда ҳам учишинг керак.

Рейснинг учишига яқин қолди. Тез бўлмасангиз улгура олмаймиз. Кейинги рейс яна беш соатдан кейин бўлади деб қистайди шофёр йигит!

Анваржон шуларни ўйлаб ичидан зил кетди. Ахир уйдагиларга ҳам тайинли гап айтмай чиқиб келаверганди. Бундай ҳол биринчи марта бўлмаса ҳам, хотини, болалари хавотирланади!

Санавиация машинасининг шофёрига ҳозир уйга кириб ўтайлик, қаёққа кетаётганимни айтиб қўйишим керак деса, яна олдинги галгидек тўнғиллаб, машина чамбаранини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга кескин буриб, олатасир ҳайдаса, турган гапки, ўзининг табиати тирриқ бўлади. Ўтган сафар шофёрнинг шундай қилигидан кўнгли ранжиб, операция пайтида андак хатога ҳам йўл қўйди. Бу хатони тузатиш учун эса нақ ўн беш дақиқа вақт сарфланди! Ҳаёт ва ўлим ўртасида ётган бемор учун бу дақиқалар нақадар ортиқча! Ўша вақтдан кейин Анваржон шофёр билан илиқ саломлашадю озгина ҳол-аҳвол сўрашиб, то аэропортга боргунча ўзича хаёл суриб бораверади...

Анваржоннинг хаёлини самолёт борт маликасининг ёқимли овози бузди: «Самолётимиз белгиланган жойга келиб қўнди. Ташқарида 40 градус иссиқ. Самолёт винтлари тўхтамагунича ўринларингиздан турмасликларингизни илтимос қиламиз. Чиқишга ўзимиз таклиф этамиз».

Анваржон самолёт трапига қадам қўйган ҳам эдики, иссиқ ҳаво юзига урилди, нафасини қайтарди. Намунча иссиқ бўлмаса. У атрофга кўз ташлади. Аэропорт биносининг сўл томонида «тез ёрдам» машинаси турар, унинг ёнида эса оқ халат кийган аёл киши интиқ кутяпти, шекилли, у ёқдан бу ёққа юриб турибди.

Анваржон тез-тез юриб аэропорт биноси ичига кирганида ҳароратнинг озгина бўлса-да пасайганини пайқайди. Барибир ҳаво дим ва нафас олиш оғир эди. У аэропорт биносининг ўртасига етганида «Ие, Анваржон акамисиз?!» деган товушни эшитдию ўша тарафга қайрилиб қаради. Унинг кўзи чопиб келаётган одамга тушди. Юзи таниш эди. У кела солиб Анваржонни қучоқлаб олди.

– Биз томонга қандай шамоллар учирди?! Соғ-омонмисиз? Ўғилчалар чопқиллаб юришибдимиз?..

– Яхши, яхши, раҳмат!

– Мени таний олмаяпсиз, шекилли...

– Танияпман-ку, аммо исмингиз...

– Нодиржонман! Олти йил аввал ўғлимни операция қилгандингиз! Ана, ўзи ҳам шу ерда. Анваржон ҳам энди: «Ие, Нодиржонмисиз?» – дедию у кўрсатган томонга қаради. Қарадию бошини эгиб, ботинкасининг учи билан қоплама устига алланималарни чизаётган ўсмирга кўзи тушди.

– Ота-бола отланибсизларда-а?..

– Биз сизни излаб бораётгандик...

– Тинчликми?

– Ўғлимни кўрсатмоқчи эдим...

Шу вақт Анваржоннинг кўзи эшикдан у томонга шошиб келаётган шифокор аёлга тушди. Анваржон: «Бир минутга, Нодиржон», – деди-да, шифокорнинг истиқболига бир неча қадам ташлади.

– Салом, Анвар Зияевич!

– Салом.

– Яхши учиб келдингизми? Толиқмадингизми?

– Раҳмат, аксинча, ҳордиқ чиқардим.

– Бизнинг тарафга учадиган самолётларнинг шу хуссиятига бошқалар ҳам тан беришган. Нуқул дам олишади!

Ана энди машинамизнинг ҳам сеҳрини синанг-чи...

– Машинагами? Майли, қаёққа борамиз?

– Вилоят шифохонасига.

– Кечирасиз, бир дақиқага...

Анваржон Нодиржон тарафга қаради:

– Оғир касалга ёрдам бериш учун шошиб турибмиз.

Ўша ерга бора олмайсизми? Бафуржа гаплашардик.

– Майли.

– Унда кўришгунча.

Машина шитоб билан ўрнидан жилди. Анваржоннинг хаёлидан бундан олти йил аввал бўлиб ўтган воқеа ўта бошлади...

... Анваржон шифокорлар хонасига кирди-да, янги келган беморнинг касаллик варақаси билан обдан танишди. Сўнг ўзини кўриш учун палатага кирди. Бемор бола девор томонга қараб, қўллари билан юзини тўсиб олган эди. Гўё мени тинч қўйинглр, ўз дардим ўзимга етиб ортади деяётгандай. Шифокорнинг саломига ҳам алик олмади. Анваржон бурчакда турган стулни каравот яқинига қўйди-да, унинг елкасидан секингина туртди:

– Салом, Анорахон! Саломга алик ҳам олмаслик яхши эмас. Саломга ҳар доим жавоб қайтариш керак. Қани, тўғ-

ри ётинг-чи!.. Мана бу бошқа гап. Қани, қўлингизни беринг-чи, аввал кўришиб олайлик. Ие, йиғласизми? Сизни ким хафа қилди? Кап-катта қиз бўла туриб йиғласангиз-а... Уят бўлади-ку! Яхшимас! Қани, кўз ёшларингизни артинг-чи... Мана бу бошқа гап... Нечанчи синфда ўқийсиз?

– Учинчи...

– Учинчи синфда? Ўқишларингиз бешми ёки тўрт?

– Беш баҳоим йўқ...

– Ие, ҳали икки баҳо ҳам оласизми?

– Матемдан...

– Адабиётдан-чи?

– Уч, тўрт.

– Шеърлар ҳам биласизми?

– Озгина.

– Йўқ, шеърларни кўп билиш керак. Ҳали ўрганиб оласиз. Қани, оғриган жойингизни кўрсатинг-чи! Уялманг-да... Бу ерда мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Шифокордан эса уялмаслик керак. Тушундингизми? Ҳа, балли! Мана бу бошқа гап...

Анваржон диққат билан қаради. Олат жуда ҳам кичкина бўлиб, нақ ораликқа ёпишгандай бўлиб турар, ёрғок ҳам иккига бўлиниб, олатнинг тепа қисмини ёпиб турарди. Сийдик чиқариш каналининг ташқи тешиги ораликда кўринарди. Иккала мойк ҳам чов каналининг ташқи тешиги тўғрисида жойлашганди.

«Бу болада норасолик бор экан, – ўйларди Анваржон. – Гипоспадиянинг оралик шакли ва икки томонлама крипторхизм! Иккала ва икки томонлама крипторхизм! Иккала мойк бор, демак, у қиз бола эмас, балки ўғил! Аттанг, хато ўтган экан-да!

Гермафродитизм ҳам бўлиши мумкин. Аммо мойклар бор-ку! У, албатта, ўғил бола сифатида операция қилиниши зарур! Ҳозирдан бошлаб уни ўғил болалар палатасига ўт-

казиш керак. Касаллик тарихидаги исми ва фамилиясини ўзгартириш шарт!»

Анваржон касални ҳар тарафлама текшириб кўрди. Ўп-касини эшитди, юрагининг уришларини тинглади. Унинг бошқа аъзоларида меъёрдан ташқари ўзгаришлар йўқ эди.

– Ана, касалингизни ҳам аниқладик. Тузатиш ҳеч гап эмас, ўйламанг. Ҳеч ҳам йиғламанг, хўпми? Мана бу бошқа гап. Яхши бўлиб кетасиз. Менга қаранг, ҳозирча ҳеч кимга исмингизни айтманг, хўпми?.. Мана бу бошқа гап...

Анваржон палатадан чиқди-да, ҳамшираларга керакли топшириқларни айтди. Хонасига кириб, «Анора»нинг отасини чақиртирди-да, у билан суҳбатлашди:

– Қизингизни операция қилиш керак. Операциясиз мумкин эмас! Аммо шуни айтишим керакки, фарзандингиз қиз эмас, балки ўғил!

Анваржон бу гапни айтганида Нодиржон ялт этиб қаради, ранги оқарди, яна бошини қуйи эгди. Анваржон сўзида давом этди:

– Унга янги исм қўйиш керак. Унинг ўғил болалигига ҳеч қандай шубҳа йўқ!

Анваржон отанинг аҳволини тушуниб турар, унинг кўнглида қандай ғалаёнлар ўтаётганини сезар, аммо гапни аниқ-равшан ҳамда лўнда қилиб баён этишдан ўзга чораси ҳам йўқ эди. Ахир бу гаплардан кейин отанинг қандай қарорга келиши «Анора»нинг келажаги қандай бўлишига боғлиқ эди-да! Ота анча вақтгача бошини қуйи эгганича турди. Стул қиррасига қўлларини тираб чуқур нафас олди.

– Янглишибмиз, доктор! Янглишибман! Ойиси айтган эди-я қизингизни докторларга кўрсатинг деб, афсус...

– Ўтган ишга саловат дейдилар. Бўлар иш бўлган. Қараб турсанг, қариб қоласан деганлар. Энди бундан кейинги бўладиган ишларни ўйлаш керак...

– Розиман, доктор, розиман! Исми... Исми Бахтиёр бўла қолсин...

... Ҳа, ўшанда операция муваффақиятли ўтган эди. Мояклар ёрғоққа туширилган, гипоспадиянинг ҳамма босқичли операциялари бажарилган, гормонлар қўлланилганди. Анваржон Бахтиёрнинг келажаги яхши бўлишига ишонган эди. Ҳамма иш жойида эди, яна нима безовта қилди экан?! Бу ҳақда Бахтиёрни кўрмагунича бирон нарса дейиш қийин. Бироқ Анваржонни ҳар хил хаёллар чулғаб олганди.

Унинг хаёлини машина тормозининг ғийқиллаган товуши бузди...

Анваржон оғир аҳволдаги бемор болани обдан синчиклаб текширди. Унинг аҳволи ростдан ҳам оғир эди. Операция зудлик билан қилинмаса, тирик қолиши гумон! Чунки пешоб қовуққа тушмай, буйрақларда тўпланиб қолган, буйрақлар эса катталашиб, «тезроқ ёрдам беринглар» деяётгандек эди.

Анваржон операциянинг муваффақиятли ўтишига ишонарди. Шундай бўлди ҳам. Пешобнинг қовуққа тушиши йўлини тўсиб турган тош олиб ташланди. Анваржон энгил нафас олди ва ўз ишидан хурсанд эди. Операция хонасидан чиқди-да, унга ёрдам берган Азимжон билан биргаликда шифокорлар хонасига кирди. Унинг ёдига Нодирбек келди.

– Азимжон! Илтимос, суриштириб билсангиз, шу ерда Нодирбек исмли киши кутиб турган бўлса керак. Иложи бўлса, уни шу ерга таклиф қилсангиз.

– Аввал бир пиёла чой ичинг, Анваржон ака...

– Улар анчадан бери кутиб туришибди. Ноқулай...

– Хўп, ҳозир чақираман!

Бироздан кейин Азимжон билан Нодирбек кириб келишди.

– Нодирбек, келинг. Мана бу ерга ўтиринг-чи. Узр! Анча куттириб қўйдик...

– Анвар ака! Сиз яна бир беморнинг ҳаётини сақлаб қолдингиз! Яна бизнинг кутиб қолганимиздан хижолат бўласизми? Раҳмат сизларга...

– Вазифамиз, Нодирбек. Хўш, Бахтиёрнинг аҳволи қандай?

– Яхши. Аҳволи яхши. Фақат бир нарса бизни ўйлан-тириб қўйди.

– Нима экан у?..

– Унинг кўкраги ўсяпти...

– Кўкраги!?

– Ҳа, уят бўлса ҳам айтай: худди қиз болаларникига ўхшаб...

Анваржоннинг кўз олдига Бахтиёрнинг аэропортдаги ҳолати келди. Нима учун ёзнинг иссиқ кунида ҳам унинг костюм кийиб олганлигини энди тушунди.

– Қани, уни бу ёққа олиб келинг-чи...

Ростдан ҳам Бахтиёрнинг кўкрак безлари олмадай бўлиб қолган эди. Аммо бошқа аъзоларида камчилик кўринмади. Анваржон ҳақиқий аҳволни тушунди: демак, унда аёллик аъзоларидан биронтаси бор! У аёллик гормонларидан бирини ишлаб чиқармоқда. Бундан эса кўкрак безлари каттармоқда. Операция қилиш керак. Бошқа илож йўқ.

Анваржон эртасига Бахтиёрни операция қилди. Операция пайтида кўкрак безларининг катталашшига сабаб бўлган омил аниқланди: унда иккала тухумдон ҳам бор бўлиб, эстрогенлар ишлаб чиқара бошлаган. Улар олиб ташланди. Анваржон Бахтиёрни биринчи марта текширганида «гермафродитизм» бўлиши ҳам мумкин деган гумонга келганида ҳақ экан.

Анваржон енгил нафас олди. Операция ўзи ўйлаганидан кўра енгил ва осон бўлди. У қорин пардасига чокларни тез-тез қўя бошлади.

– Анваржон ака! Ипларни боғлашга улгура-олмаяпман! Тез ва чаққон ишлар экансиз!

Анваржон бошини кўтармасдан гапирди:

– Тез ишлаш керак! Хирург бўлса чаққон, касалга бўлар дармон, сўнгра қилмайсан армон деганлар. Чамаси, қирқ дақиқа ишладик, шекилли?

– Йўқ, ўттиз тўрт дақиқа.

– Ҳа, секин ишлабмиз... Касал ҳам қимирлай бошлади. Мана бу бошқа га-а-п!

– Анваржон ака, касал тўлиқ уйғонди.

Бу гапни анестезиологдан (операция пайтида оғриқсиз-лантириш усулини қўллаган шифокор) эшитган Анваржон ҳам тез ва чаққон гапирди:

– Бизлар ҳам операцияни тугатдик. Мана, охириги чокни қўйдим. Ана энди аччиқ кўк чой бўлса-а... айни муддао бўларди-да.

– Талабингиз осон экан-ку, Анваржон ака. Ҳозир қушнинг сути десангиз ҳам ҳозирлардик...

– Қушга озор берманг! Чой эса дилни шод, кўнглини обод қилур!

Анваржон тўғри шифокорлар хонасига кирди. У ерда Нодирбек ҳаяжонда ўтирарди. У Анваржонни кучоқлаб олди:

– Раҳмат, Анваржон ака! Раҳмат! Кўлингиз дард кўрмасин, миннатдорчилигимни қандай изҳор қилишни ҳам билмай турибман!

– Ана, изҳор қилдингиз, бу ҳеч қийин эмас.

– Сиз бошқа хизматга келгансиз, яна бир ҳолис хизмат қиляпсиз. Бу олийжаноблик! Йўқ, бундан ҳам олийроғи...

– Эй Нодиржон, гапга ҳам тўн кийдириб қўйдингиз-ку...

– Анваржон, сизга менинг гапларим жўн бўлиб туюлиши мумкин. Занг темирни, ғам одамни кемиради деб бекорга айтишмаган. Менинг тортган азобларим... Айтсам адо бўлмайди...

– Ҳа, тиг ярасидан дил яраси ёмон. Ғам юки тоғдан оғир. Энди ғам тортишнинг ҳожати йўқ! Бахтиёр бахтли йигит бўлади.

– Айтганингиз келсин, Анвар ака! Анвар ака, нима деса экан... Сиз энди оиламининг энг яқин одамисиз. Хафа бўлмайсиз, кўнгилдан чиқариб бир нарса ҳадя қилсам деган эдим...

– Ие, Нодиржон, айниясизми?

– Илтимос, Анваржон ака, эсдалик сифатида Бахтиёрдан. Нодирбек чўнтагидан бир қутича олиб Анваржонга узатди.

Анваржон қутичани қўлига олди.

– Тилла соатми?! Э, бунингиз жуда қиммат нарса...

– Анваржон ака! Гап пулдамас. Бу ҳурмат. – Нодирбек ўнг қўлини чап кўкраги устига қўйди-да, енгилгина таъзим қилди.

– Ҳурмат учун раҳмат, Нодирбек! Аммо мен учун фарзандингиз, Бахтиёрнинг соғлиғи ва бир оғиз раҳматингиз мингта олтин соатдан қиммат турса керак. Мен йиллар давомида орттирган билимимни, тажрибамни, операция олтидан, операция пайтида ва ундан кейин қалбимда туғён урган ташвиш ва хавотирларим, гумондан туғилган азобларим ҳамда дарддан қутулган беморнинг «Раҳмат, доктор!» деган бир оғиз сўзини, ниҳоят, шу пайтгача пешона терим билан орттирган обрўйимни, бу-ку ҳали олтин, ундан-да қиммат ва ноёброғига ҳам ҳеч қачон алмаштирмайман! Олинг буни, сиз бермадингиз, мен кўрмадим.

– Анваржон!

– Йўқ, олинг! Мана бу бошқа га-а-п. Келинг, чой ичамиз.

Анваржон қалби буюрган ишни бажарганидан ўзида йўқ мамнунлик ҳис этмоқда эди. Ҳа, унинг касби ҳаётининг таянчи эди! Шу касбини ҳар доим ардоқлайди!

* * *

Юқоридаги ҳаётин лавҳамизда гермафродитизм тўғрисида сўз юритдик. Энди ана шу туғма нуқсон тўғрисида янада ёрқинроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун айрим илмий маълумотлар билан танишишга ҳаракат қиламиз.

Инсонда жинсий тизимнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши ташқи ва ички сабаблар билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, уч босқични босиб ўтади: ҳомилада жинсий безларнинг ажралма ривожланиши; жинсий йўллarning (проток) тараққиёти; ташқи жинсий аъзоларнинг шаклланиши.

Жинсга оид илк хужайралар эмбрион эндигина 5 мм бўлгандаёқ пайдо бўлади. Эмбрион 5 – 6 ҳафталик бўлган даврда гонад хужайралари мойк сифатида (агар ўғил бола ривожланаётган бўлса), 13 – 14 ҳафталикдан эса тухумдон кўринишида (агар қиз бола тараққий этаётган бўлса) ривожлана бошлайди. Ўғил ёки қиз боланинг кейинги ривожли эса, албатта, хромосомаларга, яъни уларнинг XX ёки XY бўлиб жуфтланганига боғлиқ.

Жинсий йўллarning шаклланиши гонадларнинг тўғридан-тўғри таъсиридан бошланиб, эмбрион жинсий безлари ишлаб чиқараётган гормонлар назорати остида бўлади.

Агар ҳомила ривожланаётган пайтда, жинси ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган даврда тухумдон олиб ташланса, жинсий протокларнинг ривожли худди қизлар типиди бўлади. Мойклар олиб ташланган тақдирда ҳам худди юқоридагидек бўлади. Демак, ўғил болалар жинсий аъзоларининг

шаклланиши ва тараққий этиши тўлиқ мойклар таъсири остида бўлади.

Ҳомиланинг саккизинчи ҳафтасида Мюллер ва Вольф протоклари аталмиш икки тизим ташкил топиб улгуради. Агар қиз бола ривожланаётган бўлса, 8 – 14 ҳафталар давомида Мюллер протоklarидан қин, бачадон ва фаллопий найчалари ҳосил бўлиб, Вольф протоклари аста-секинлик билан йўқола боради. Агар ўғил бола бўлса, Вольф протоklarидан уруғ чиқарувчи канал, уруғ пуфаклари ва мойк ортиғи ривожланади. Мюллер протоklarи эса, аксинча, йўқолиб боради.

Ташқи жинсий аъзолар эса уrogenитал синусидан тараққий этади. Ташқи жинсий аъзолар ҳомиланинг еттинчи ҳафтасидаёқ ривожлана бошлаб, қиз болаларда 20 – 21-ҳафтагача чўзилиши мумкин. Ўғил болаларда 14-ҳафтада сийдик чиқариш йўли, ёрғоқ ва олат тўлиқ ҳосил бўлиб улгуради. Қиз болаларда эса фақат 5-ойга келиб сийдик чиқариш йўли билан қин ҳосил бўлади.

Ўғил бола жинсий аъзоларининг шаклланиб қарор топишида мойкнинг қай даражада ривожлангани катта аҳамиятга эга. Умуман, қайси жинс гонадларининг тараққий этиши бузилса ҳам гермафродитизм вужудга келиши мумкин.

Ўғил болаларнинг ёлғон ёки сохта гермафродитизмида ташқи жинсий аъзолар яхши ривожланмасдан, олат кичрайиб, клиторга ўхшаб қолади. Баъзиларида эса ҳаттоки рудимент кўринишидаги қин ва бачадон ҳам бўлиши кузатилади.

Қизларнинг ёлғон гермафродитизмининг сабаблари кўп, буларга буйракусти безларининг ортиқча ишлаши, яъни функцияси (гиперплазияси деб ҳам аталади) ва унинг ўсмаларидан юз берадиган андрогенларнинг (эркаклик жинсий гормони) таъсиридан пайдо бўлади. Қизларнинг ёлғон гермафродитизми онанинг ҳомилдорлик пайтида гормонлар билан даволаниши туфайли

ҳам пайдо бўлади. Бу ҳолда уятли лаблар ёрғоққа, клитор эса олатга ўхшайди. Ҳақиқий гермафродитизмда ҳам мойк ўрнида тухумдон ҳужайралари бўлади.

Яна бир қизиқ ҳолатни айтиш керакки, қиз боланинг ички секреция безлари тўғри ривожланганига қарамасдан, қин ва бачадони нуқсонли бўлиб ёки бутунлай бўлмай туғилган ҳолатлар ҳам учрайди.

Ўғил болалар гермафродитизмида аксарият ҳолатларда олат деярли ривожланмайди. Лекин барча қайдларда ҳам олат боши яхши ривожланмаган, унинг танаси вергулга ўхшаб ёрғоқ оралиқ тарафга эгилган бўлади. Бу ҳолат олат эрекцияси пайтида кучаяди. Сийдик чиқариш каналининг тешиги ҳам пастда жойлашади. Ёрғоқ ҳам иккига ажралгандай бўлиб, олатнинг тепа қисмини қисман ёпиб туради. Мойклар қорин бўшлиғида ёки чов каналда жойлашади. Пешоб чиқариш худди қизлардагидек бўлади.

Ўғил болалар гермафродитизмининг иккинчи варианты улар ташқи жинсий аъзоларининг қизлар жинсий аъзолари каби тараққий этишидир. Олат сал катталашган клиторга ўхшайди. Олатнинг боши ғовак, танаси етарли ривожланмаган. Олат ёрғоққа томон эгилганида ёрғоқ уни юқори томонидан ҳам ўраб олади ва худди уятли лабларга ўхшаб қолади. Кичкина уятли лаблар эса бутунлай бўлмайди. Сийдик чиқариш каналининг ташқи тешиги ораликда жойлашади. Сийдик чиқариш канали қизларникига ўхшайди.

Қиз болаларнинг гермафродитизмида клитор гипертрофияси (катталашиши) кузатилади. Кичкина уятли лаблар қайрилиб бирлашади-да, клиторнинг тагида тешик ҳосил қилади. Оғирроқ ҳолатларда эса клитор шунчалик катталашадики, у айнан олатга ўхшайди. Агар жинсий етилиш давригача қиз болалар гермафродитизми тўғри аниқланмаган бўлса, андрогенларнинг кўплаб ишлаб чиқарили-

шидан клитор 5 – 6 см гача узайиши мумкин. Бундай қиз болалар икки яшарлик пайтидан бошлабоқ тенгқурларига нисбатан анча ривожланишади: қовида эртароқ, кейинчалик эса қўлтиқ остида жун пайдо бўлади. 9 – 10 ёшга келиб туклар юзда ҳам пайдо бўлади. Аммо сут безлари катталашмайди, менструация ҳам бўлмайди.

Қин ривожланиб қолганида ёки мутлақо бўлмаганида қиз бола ўша жинс орқали ташқи кўринишига ва тана тузилишига хос равишда ўсаверади. Чунки уларда ички секреция безлари функцияси бузилмаган. Қин атрофиясида тухумдон ҳам, бачадон ҳам яхши ривожланади. Бачадон бўлмай туғилганида эса бу нуқсон балоғат давригача аниқланмай қолаверади ёки ҳайз кўрмаётгани маълум бўлиб қолгандан кейингина аниқланади. Баъзан бу нуқсон у турмуш қурганидан кейин маълум бўлади. Агар бачадон бўлса-ю, аммо қин бўлмаса, унда ҳайз қони бачадонда ва қиннинг юқори қисмида тўпланади. Бундай ҳолларда касалнинг қорнида шиш пайдо бўлади. Ўсма деб ташхис қўйилиши ҳам мумкин. Йиринглаганда эса оғир асоратлар юзага келади.

Шундай қилиб, гермафродитизмнинг қайси тури ва унинг қайси жинсга тааллуқли эканлигини аниқлашда ўзига хос қийинчиликлар бор. Бунда ўсаётган организм характерининг шаклланиши ҳам катта роль ўйнайди. Аммо характернинг қай тарзда бўлиши болага қайси жинсга мойил тарбиялангани билан чамбарчас боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб бу нуқсон билан туғилган болаларда жинсий хромотинлар, гормонлар миқдори, хромосомаларнинг тури аниқланади.

* * *

Собиржон жуда ҳам ювош, камгап, мўмингина бўлиб ўсди. У етти ёшга кирибди ҳамки, ота-онаси унинг ортиқча шўхликларини эслай олишмайди. У кўпинча қўғирчоқ-қўғирчоқ

ўйнар, қизил рангни яхши кўрар, ўғил болалар билан асло ўйнамасди. Кўпинча унинг бир бурчагига ўтириб, ўзи билан ўзи гаплашиб, мато парчаларидан ҳар хил шакллар ясаш билан машғул бўларди. Акаси ўйнатмоқчи бўлса ҳам, у кўнмас, ўз билганича ўйинини давом эттираверарди.

Собиржон «одамови» деган лақаб олди, ота-онаси эса шу ўғлимиз ҳам тузук одам бўлармикан-а деб ўйлашарди.

Ниҳоят, у мактабнинг биринчи синфига борадиган кун ҳам етиб келди. Шифокорлар кўригидан ўтаётганда болалар врачлари унинг жинсий аъзолари тузилишига эътибор бердию уролог кўригига юборди. Уролог эса Собиржонда гермафродитизм борлигини аниқлади ва шифохонага ётқизишга йўлланма ёзиб берди.

Мана, Собиржон шифохонада. Ҳаддан ташқари уятчан кўзларини онаси бағрига яширганча шифокор ҳузурида ўтирибди. У текшириб кўрилганида иккала мойяк ҳам йўқлиги аён бўлди. Насл беши (простата) ҳам йўқ. Сийдик чиқариш каналининг ташқи тешиги ораликда жойлашган ва одатдагидан кенгроқ. «Олат» пастга қараб эгилган. Ўлчамлари ҳам кичкина. Хуллас, Собиржоннинг жинсий хромотинлари унинг қиз бола эканлигини кўрсатарди. Операция пайтида бу тўлиқ тасдиқланди. Иккала тухумдони ҳам яхшигина ривожланган бўлиб, мойяклар мутлақо йўқ эди. Бачадон бор, қин эса ривожланмаган. Операциядан кейин унга қиз боланинг исми қўйилди.

* * *

Гермафродитизм бола туғилган пайтида аниқланиб, шифокорлар назорати остида бўлса мақсадга мувофиқ. У икки-уч ёшлигидан бошлаб босқичли пластик операция қилинадиган бўлса, оила қуриб, бахтли яшаб кетишига кафолат бор. Бунинг учун, албатта, шифокорларнинг айтган-

ларини ота-оналар бекаму кўст бажаришлари зарур.

Шуни унутмаслик керакки, тўрт-ўн ёшларда жинсни ўзгартириш операцияси уларнинг руҳиятига жуда ёмон таъсир қилади. Чунки бу ёшларда ҳали жинсий вазифа ҳақидаги тушунча етилмаган бўлса-да, қайсидир жинсга тааллуқли онг шаклланиб улгурган. Улар, одатда, операциядан кейин ҳам олдинги одат ва ҳаракатларини, муомала хусусиятларини узоқ вақтгача сақлаб қоладилар. Агар ўз вақтида операция қилинмаса, ёши каттаргани сари улар икки жинсликдан руҳий зарбага учрай бошлайдилар. Ёши 16 – 17 га етиб борганида эса руҳан эзилиш, ўзини ҳаётдан, жамиятдан ажралган ҳолда сезиш, ҳаётдан бешиш белгилари пайдо бўла бошлайди. Бу ҳолатлар ривожлана бориб, фожиага сабаб бўлувчи депрессия каби сифатларнинг юз бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бундай болалар руҳиятида уятчанлик, ҳар нарсадан хавотирланиш, салга хафа бўлиш, тезда аччиқланиш ҳамда атроф-муҳитга очикдан-очик душман кўзи билан қараш кайфияти ҳам ривожланаверади.

* * *

Профессор ҳаяжонланганча кабинетига кириб келди-да, чойнақдан пиёлага чой қуйиб ичди. Қўлларини столга тираб, бошини энгаштирганича анчагача хаёл суриб қолди. Унинг қўллари титраётгани шундоққина билиниб турарди. Бу ҳаяжондан эди. Ҳаяжонланса, тамом, юраги типирчилайди, безовта бўлади. Бу эса қўлларига ўтади.

Профессор яқиндагина клиникага жойлаштирилган ўн олти яшар Замирахоннинг рентген расмини синчиклаб қарадию гумони тўғри тасдиқланганидан ҳам ҳаяжонланиб, ҳам хафа бўлиб кетди. Ҳаяжонланмай ва хафа бўлмай бўладими, ахир? Ҳали ҳаёт бўсағасига қадам қўйиб улгурмаган ёш новданинг тақдирини ўзгартириш тўғрисида гап

кетаётган бўлса! Тақдирга бефарқ қараб бўладими?! Бунинг устига, у оилада ягона фарзанд бўлса... Ҳали қизнинг отаси билан очикчасига гаплашиб, унга гапнинг лўндасини айтиб тушунтириш керак.

Ҳа, профессорнинг ҳаяжонланмасликка ҳаққи йўқ! У ҳар бир тақдирга келажак нуқтаи назаридан қарайди. Ҳозир ҳам у Замирахоннинг келажаги тўғрисида ўйляпти. Ўйляптию ҳаяжонланяпти.

Профессор яна бир пиёла чой ичди-да, тугмачани босди. Бир оздан кейин ҳамшира кирди.

– Чақирдингизми, Карим Ҳожиевич?

– Ҳа, менга кўк чой дамлаб берсангиз, аччиқроқ бўлсин.

Кейин Замиранинг отасига айтсангиз, ҳузуримга кирса...

– Хўп бўлади, Карим Ҳожиевич!

Кабинетга Замиранинг отаси кириб келганида профессор ўрнидан туриб, унга стулдан жой кўрсатди.

– Қани, ўтиринг, марҳамат!

– Раҳмат, профессор.

– Қалай, толиқмадингизми? Бир пиёла чойдан ичинг...

– Раҳмат...

– Хўш-ш, мен сизни қизингиз масаласида чақиртирган эдим. Бугун уни рентген текширувидан ўтказдик.

– Нима экан, профессор?!

– Ҳозир, ҳозир. Ҳаммасини батафсил тушунтираман.

Қизингизда оналик тухумдонлари бор, аммо улар етарли ривожланмаган. Жуда ҳам кичкина. Улар ҳозир ҳам ишлаётгани йўқ, кейин ҳам ишламайди. Шунинг учун унинг келажакда она бўлиши мумкин эмасга ўхшайди...

– Нега?!

– Бачадони ҳам йўқ.

– Тузатса бўладими?

– Қизингиз кўпроқ ўғил бола тарафга ривожланган.

– Ўғил болага? Нима учун? Ё тавба...

– Ҳа, ўғил болага!

Профессор анчагача жим қолди. У қизнинг отаси қалбида рўй бераётган ғалаёнларнинг бир оз бўлса-да сўнишини кутарди. У яна бир пиёла чой куйиб, Замиранинг отасига узатди.

– Фарзандингизни операция қилиш керак.

– У шундайлигича қоладими қиз бўлиб?

– Йўқ, у операциядан кейин ўғил бўлади.

– Қандай қилиб, доктор, нима учун?!

– Сизлар шу вақтгача билмагансизлар. У, аслида, ўғил бола бўлиб ўсиши, тарбияланиши керак эди. Унда ўғиллик жинсий аъзолари яхши ривожланган.

– Йўқ, доктор, бу мумкин эмас!

– Текширишларимиз шуни кўрсатяпти-да, ахир! Сиз розилик беринг. Операция қилайлик. У бахтини топиши керак! Агар операция қилинмаса, бахтсиз бўлади. Оила ҳам қура олмайди.

– Ўғил бола денг, профессор...

– Ҳа, ўғил бола.

– Қиз болалигича қолдириб бўлмайдимиз-а?!

– Айтдим-ку, қизлик жинсидан фақат тухумдонлари бор, аммо улар ҳам кичкина, нўхатдек. Бошқа оналик аъзолари йўқ-да, ахир!

– Кўргилик экан-да! Аввалбошдан турмушдан қисилган одам охиригача шундайлигича қолавераркан-да! Тақдирим курсин, тақдирим!..

– Ундай деманг. Ҳали хатони тузатиш мумкин!

– Эй доктор, сиз менинг фарзанд кўргунча тортган ғам-аламларимни билганингизда эди! Не-не аламлар ўтмади бу бошдан! Энди қолганига ҳам чидаймиз.

– Тушунмадим...

– Ўзингиз ўйланг, профессор! Менинг ҳамсоёларим, қишлоқдошларим ўн олти йилдан бери билишадикки, менда фақат бир қиз бор. Унинг исми Замира. Бошқа фарзандим йўқ. Қишлоқдан бу ёққа келаётганимда ҳам қизим билан йўлга чиққанман. Энди ўғил бола билан қайтиб бо-раманми-а?! Қишлоқдошларим орасида қандай қилиб бош кўтариб юра оламан, ахир? Менда ҳам ғурур бор, номус бор! Айтинг, қандай қилиб?..

– Сиз бунга айбдор эмассиз! Табиат уни шундай қилиб яратган бўлса, сизда нима айб?! Сизда нима гуноҳ?! Агар 3 – 4 яшарлик пайтида олиб келганингизда эди...

– Ана, кўрдингизми, доктор! Демак, менинг айбим бор экан-да?! Ахир, унинг келажаги отанинг қўлида бўлса, мен унга бефарқ қарабман-да!

– Сиз билмагансиз. Тушунтиришмаган. Вақт эса ўт-верган.

– Энди бўлар иш бўлди, доктор. Ўзимнинг ёғимга ўзим қовурилганим яхши. Бировни аралаштириб нима қилдим.

– Ахир у она бўла олмайди-ку!

– Йўқ, доктор! Мен бу иснодни кўтара олмайман.

– Қанақа қилиб иснод бўлсин?! Ҳозир бошқа аллани-малар тўғрисида ўйлашдан фойда йўқ! Фарзандингизнинг келажагини ўйланг-да! У ҳам яшаши керак! Оила қуриши керак!

– Ўйладим, доктор, ўйладим! У қиз бола бўлиб қолавергани минг марта аъло. Шунақа бўла қолсин. Кампирни ҳам азобга қўйманг.

– Мен сизни тушуниб турибман. Бу нозик ишни бир-данига ҳал қилиб бўлмайди, қийин. Ўйлаб кўринг! Яқин кишиларингиз билан обдан маслаҳатлашинг, фикрлашинг. Эртага жавобини айтинг. Кейин шунга мувофиқ даво қиламиз. У ўғил бола бўлиши керак!

Замиранинг отаси чиқиб кетди. Унинг кўзларида ёш айланарди. Профессорнинг қўли яна титрай бошлади. Бу галги титраши кучлироқ эди. У отанинг ҳолатини тушуниб турар, тасалли ҳам бера олмасди. Чунки «Замира»да тухумдонлар ривожланмаган. Бачадон ва қин йўқ эди. Иккала мояк ҳам бор, олат эса ўсишдан орқада қолган. Унда ҳақиқий гермафродитизм. Яна оралиқ гипоспадияси бор. Унинг гипоспадиясини бартараф қилиб, тухумдонлари олиб ташланса, ўғил бола бўлади. Профессор қандай сўз ва далиллар билан отага буни тушунтирсам экан-а, балки, у эртага тўғри қарорга келар деб ўйлади-да, клиниканинг бошқа ишларига шўнғиб кетди.

«Замира»нинг отаси эртасига ҳам операцияга розилик бермади. У билан клиниканинг бошқа ходимлари ҳам гаплашиб кўришди. Аммо натижа аввалгича қолаверди. Энди Замира учун бахт эшиклари умрбод ёпилган эди. Бу нуқсон ўз вақтида аниқланмагани уни бутунлай бахтсиз қилди...

* * *

Азиз ўқирман! Гермафродитизм билан туғилган болаларнинг мутлақо нуқсонсиз, жамиятимизнинг тўлақонли фуқароси бўлиб ўсишлари, яшашларига ҳамма имкониятлар бор. Ҳозирги давр, фан ютуқлари бунга имкон беради. Фақат бу нуқсонни ўз вақтида аниқлаб, шифокор билан бамаслаҳат иш тутиш керак, холос.

ХОТИМА

Мана, азиз китобхон, айнан сиз учун мўлжалланган ва аниқ мақсад сари йўналтирилган ушбу китобни баъзан қизиқиш билан, баъзи сатрларини эса бир қадар зерикиш ва эриниш билан бўлса-да ўқиб чиқдингиз. Энг асосийси, юртимизнинг баркамоллигини, зафарли юришини, маърифий ва иқтисодий ривожини таъминлайдиган комил фарзандларнинг меҳнат жабҳаларида юксак тафаккур ила жавлон уриб, шон-шухратга эришмоғи учун, энг аввало, нималарга эътибор бериш шарт эканлиги тўғрисида сиз азизларда тўлиқ тасаввур пайдо бўлганига шакшубҳа йўқ.

Болаларда учрайдиган туғма норасоликларнинг қай ҳолда вужудга келиши тўғрисида ҳам бирмунча тасаввурга эга бўлдингиз. Қуёш ўзининг заррин нурларини аямайдиган юртимизни касал, нимжон ва ногиронликлар энг кам бўлган азамат мамлакатга айлантириш шу азиз гушроқда баракали меҳнат қилаётганларнинг маънавий-маърифий, сиёсий онги юксак даражада бўлишига узвий равишда боғлиқ эканлигини қалбингизга жо қилдингиз. Демак, бу муҳим вазифа бир кишининг ёки фақат шифокорларнинг қайсидир бир бўғинигагина тегишли бўлмай, балки шу Ватаннинг ҳавосидан нафас олаётган ҳар бир инсоннинг саяй-ҳаракати билан чамбарчас боғланган.

Ҳа, туғилажак фарзандларимизнинг комил ва фозил инсон, ўз юртининг фахри бўлишига эришмоғимиз мумкин. Туғма норасоликлар билан туғилишни бутунлай бартараф этишнинг ҳам уддасидан чиқса бўлади. Бунинг учун муҳим бўлган шартларни доимо ёдда тутмоғимиз лозим. Билишимиз керакки, норасолик билан туғилиш – бу она ва ҳомила ўртасидаги мутаносибликларнинг, айниқса,

эндоморфинлар ва бошқа ўта фаол гормонлар орасидаги қатъий мувозанатнинг бузилиши натижасидир.

Ҳозирги вақтда шу нарса аниқланганки, оталик уруғи ва оналик тухуми учрашгач, алоҳида тана-пушт пайдо бўлади. Мана шу пуштда 46 жуфт хромосомалар мавжуд бўлиб, уларда дезоксирибонуклеин кислотаси, яъни ДНК бор. ДНК эса тўртта аминокислоталарнинг (аденин, гуанин, тимин ва цитозин) ўзаро алмашинувидан таркиб топиб, узунлиги 2 метрга етади. Мана шу 2 метрли спиралсимон узун лентанинг атиги 2 см қисмида генлар жойлашган бўлиб, уларнинг сони 50 минггача бўлади. Ҳозирги замон фани бу генларнинг қандай тартибда жойлашганлигини билиб, қайси геннинг нималарга қодирлиги ва қандай хусусиятларга эга эканлигини аниқлай олди. Ҳатто туғилажак боланинг жинси, сочининг ранги, терисининг оқ ёки буғдойранг бўлишини, ҳатто бўлғуси қоматининг қандай бўлиши мумкин эканлигини ҳам шу генларнинг таркибига қараб аниқ айта олиш мумкин. Ана энди ўзингиз тасаввур қилаверинг, шундай нозик тузилмаларнинг бирида структура ёки молекула тузилишини озми-кўпми ўзгартирар даражада бузилишларнинг бўлиши эндоморфинлар ва гормонларга албатта боғлиқ.

Пушт пайдо бўлганидан кейин унинг ривожланиши шу генларнинг тўлиқ ҳукмронлиги остида бўлади. Мана шу генлардан келаётган буйруқ асосида пуштдаги ҳар хил тузилмалар: жигар, талоқ, юрак, мия, хуллас, ички ва ташқи аъзолар ўз шаклини олади. Мана шу генлардан келаётган ҳукм – импульс таъсиридан юрак ура бошлайди, қулоқда эшитиш бошланади, мия ҳужайралари фаоллашади, жигар сафро чиқара бошлайди ва ҳоказо. Мана шу импульслардан бирининг ўз вақтида бўлмаслиги ёки мутлақо бўлмай қолиши пушт ҳомилага айланганида қизилўнғач ёки

ичакларнинг берк бўлиб қолиши, буйрақлар сони ортиқча бўлиши, улардан бирининг етарлича шаклланмаслиги, қовуқ деворларининг бир-бири билан бирикмай қолиши каби норасоликларнинг рўй беришига сабаб бўлади.

Одатда, 50 минг геннинг ярми отадан, ярми онадан ўтади. Бироқ пуштда генларнинг ўзини қай даражада намоён қилиши онанинг тўлиқ руҳий ва жисмоний ҳолатига боғлиқ.

Шунга биноан қатъий айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакатнинг ривожига ёки инқирози оналарнинг тафаккур савияси ҳамда жисмоний соғлиқ даражасига боғлиқ.

Тўғри, Аллоҳ она руҳиятининг тез ўзгарувчанлиги, организмнинг нозиклигини ҳисобга олиб унинг организми билан пушт орасига махсус қалқон ўрнатган (плацента дейилади). Мана шу қалқон пуштни, кейинчалик ҳомилани ҳар хил бало-қазолар таъсиридан сақлайди. Бироқ бу қалқон зирҳи имкониятларида ҳам бу дунёдаги бошқа барча нарсалардаги каби чегара бор. Она организмда ўта фаол моддалар кўплаб тўпланиб қолганида плацента зирҳи қалқон вазифасини уддалай олмай қолади. Оқибатда она қонидаги моддалар озми-кўпми пушт-ҳомила организмга ўтиб, ўз таъсирини кўрсатади. Агар бу моддалар нозик ҳислар оғушидаги организмда пайдо бўлган эндорфинлар бўлса-ку, нур устига аъло нур! Пушт-ҳомила ҳужайралари учун бундай муҳит нақ жаннат. Бундай ҳолатдан дуркун ва жисмоний бақувват ҳамда азамат бола туғилиши табиий. Аммо, аксинча, бўлса пушт-ҳомила ҳужайраларида ноқулай муҳит вужудга келиб, бола сиз китоб саҳифаларида ўқиган кўплаб норасоликлардан бири билан туғилиши мумкин.

Муҳтарам биринчи Президентимизнинг она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратгани замирида олам-олам маъно етади. Мамлакатимиз келажагини таъминлашдаги мана шу соғлом она ва соғлом боланинг ўрнини

оила қурганлар ва фарзанд кутаётганларнинг қандай ва қай даражада тушуниб ҳаракат қилиши биз орзу қилган келажакни ё яқинлаштиради, ё узоқлаштиради.

Республикамиз аёллари ҳомиладорлик даврини доимо юксак ҳис-гуйгулар қанотида, шодлик онларидан мунтазам баҳраманд бўлиб, бахтли лаҳзаларда кечирсалар ҳамда ҳомила ва бола тарбияси билан мақсадли равишда астойдил шуғуллансалар мустақиллик туфайли қанот қоққан орзуларимиз ўз манзилига муваффақият билан, қисқа фурсатларда етиши аниқ ва равшан!

Республикамизда 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши ва унинг катта кўтаринкилик кайфияти ила қабул қилинганлиги халқимиз эзгу ниятларига, орзу-истакларига ҳамоҳанг бўлди. Халқ билан мулоқот шифокорлар учун дастурил-амал бўлиб хизмат қилиши аниқ. Биринчидан, халқнинг бир бўғини бўлган шифокорлар аҳли ўз муаммоларининг ечимини топиш йўлида энг мақбул йўлни танлайдилар. Иккинчидан, мулоқот учун халқнинг ичига киради ва тиббий маданиятнинг янада юксалмоғи учун устувор вазифаларни бажаришга киришиб, халқимизнинг соғломлик даражасига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Яқун эса аниқ республикамиз аҳолиси ўртасида касалланиш кўрсаткичи сезиларли пасаяди, туғма норасоликлар сони кескин камаяди, борлари ҳам эрта ташқис қўйилиб, бартараф этилади. Натижажа инсон манфаатлари кенг кўламли чора-тадбирлар воситасида етарли даражада қондирилади. Бунга эса шак-шубҳа йўқ.

МУНДАРИЖА

Биз билмаган мўъжизалар. *Муҳаммад АЛИ* 3

I ҚИСМ

Музаффар тонг	7
Узлуксиз орзулар қанотида	13
Ўтган кунларга бир назар	21
Зарурият	38
Триада мўъжизаси	41
Пуштгача тарбия	49
Мўъжиза оламининг соҳибаси	81
Пушт тарбияси.....	87
Ҳомила тарбияси.....	98
Завқли садолар мўъжизаси.....	105
Юксалиш мезони	120
Ибн Сино ва соғлом авлод	144
Буюкликка рағбат.....	150
Нола	163
Алла	176
Алла мўъжизаси	180
Жинс тарбияси	188
Келажак учун қайғуриб... ..	197
Эркакшода миллий қаҳрамонлар.....	201

II ҚИСМ

Келажаким порлоқ бўлсин десангиз.....	209
Фарзанд – умр зийнати	211
Тошдан қаттиқ, гулдан нозик	274
Фарзанднинг кўнглида бўлмасин армон.....	285
Армон ва изтироблар	291
Сўнги пушаймон.....	321
Дардни яширсанг	331
Қиз қалби нозик	336
Хотима	363

Илмий-оммабон нашр

Жуманазар Бекназар

**ОЛАМ МЎЪЖИЗАСИ
ОСТОНАСИДА**

(Инсон қаноти ҳақида баллада)

Муҳаррир: Норбек ТОШНИЁЗОВ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Элбек ЖУМАНОВ

Нашриёт лицензияси: АІ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 22.03.2017 й.

Босишга рухсат этилди: 03.07.2017 й.

Газета қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 1/32.

Minion Pro гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 15,2. Шартли б.т.: 19,3.

Адади: 1500 нусха.

Буюртма № 195.

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмаҳонасида чоп этилди.
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.



ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР

1946 йил 4 майда Қашқадарё вилояти Қамаши тумани Қамай мажмуасининг Оқғузар қишлоғида туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини 1971 йили имтиёзли диплом билан тамомлаган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, «Шуҳрат» медали соҳиби. Тиббиётга оид 300 дан ортиқ мақолалари илмий журналлар ва тўпламларида чоп этилган. Жуманазар Бекназар бир неча ўнлаб ихтиро ва рационализаторлик таклифлари ҳамда 10 дан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифи. «Болангиз нега безовта», «Гулдек нозик», «Тош балоси», «Меҳр қуёши», «Қамай достони», «Изтироблар комидан», «Ватан ёниқ юрагим», «Манзилдан кейинги йўл», «Йиллар силсиласи», «Комиллик ибтидоси», «Қашқа йўрға», «Орзу уммони» каби китоблар муаллифи.



ISBN 978-9943-4907-4-1



9 789943 490741